

Инсон ҳаёти ўзлигини анлаган  
онидан бошланади...

# Гуноҳнинг ранги



АҲМАД ГУНБАЙ ЙИЛДИЗ

Tasnim

АҲМАД ГУНБАЙ ЙИЛДИЗ

# ГУНОХНИНГ РАНГИ

*Бу қитобнинг эгаси:*



Тошкент – 2022

АҲМАД ГУНБАЙ  
ЙИЛДИЗ

# Гуноҳнинг ранги



Ушбу китобнинг ўзбек тилидаги барча ҳуқуқлари «Tasnim kitoblar» жамоасига тегишили бўлиб, рухсатсиз тарқатиш (пдф, сканер, электрон...), тижорий ва шахсий-маънавий мақсадларда кўпайтириш, бу ишга ҳисса қўшиш шаръан ҳаром бўлиб, қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

*Copyright of this book for Uzbek has been licensed by "Tasnimbooks" from "Timaş yayinları" via Akdem Copyright & Translation Agency.*

ISBN: 978-9943-8252-5-3

УО'К 821.512.161-3

КВК 84(5Turk)

Y - 28

**Аҳмад Гунбай Йилдиз**

Гуноҳнинг ранги: роман / Аҳмад Гунбай Йилдиз. –

Тошкент: «Tasnimbooks», 2022. – 240 б.

«NAVOIY NOMIDAGI

SHIRDARYO VILOYATI AKM

© “Tasnimbooks”, 2022

INV № 2023/4-525

АҲМАД ГУНБАЙ  
ЙИЛДИЗ

# Гуноҳнинг ранги

*Инсон ҳаёти ўзлигини англабган онидан  
бошланади...*



*Күршалмас минтақа йүқ, таслим бўлмаган қалъа,  
Ҳақиқат балққан чоғлар тил унсиз, бекор ғоя.  
Тўлин ойнинг ҳилоли, кундузнинг кечаси бор,  
Жарликка соя солган тоққа ҳам тушар соя!*

**Билол Жўшқин**



## Биринчи бўлим

**Р**анги докадек оқарган. Моғорга мойиллашиб бораётган юзи қўри ўчган кулни, қўзлари бир неча кун давомида шаррос қуйиб, эндиғина тинган ёмғир ортидан кўпчиб қолган нам тупроқни ёдга соларди... Чексиз уфқларга тикилган қўзлари ҳаракатсиз, эҳтимол, кўришни ҳам унуган...

Табиатни мудроқ үйқусидан уйғотишга уринган ўйноқи шаббоданинг асари дараҳтларда куртак ёзиб, замин кўзида мавжланган қизғин тирикликда бўй кўрсатади... Негадир унинг хаёли ер ўз бағрида ундирган ранг-баранг чечакларнинг атрофни қоплаган муаттар ҳидлари, баҳордан даррак бериб, хушхабар келтирган табиатнинг ажиб манзарасида эмас. Ваҳоланки, олам уйғонишга ҳозирлик кўрар, Ўрта денгиз эгасиз тўлқинлар зарбидан чайқалар, тўлғанарди. Уй деразасидан шундоққина кўриниб турувчи денгиз мавжларининг қирғоққа тартибсиз, бетўхтов бош уришига тикиларкан, ҳар доим завқи ортар, беихтиёр титраб кетарди. Бугун эса, ҳайкалдан фарқи йўқ: қони томирларида қотган одамдек фарқсиз, ҳиссиз боқарди атрофга. Нигоҳлари қайсар тўлқинларнинг ғазабнок кўпикларида муаллақ қолган.

Тўп-тўп булатлар босқинига учраган осмоннинг сўниқ нурлари у ёлғиз турган хона ичига қуийлади. Сўнгсиз ғамлар макон қилган қалбига соя солган туманли пардалар кўзларида зоҳир бўлиб, ғарип бир манзара кашф этарди.

Қалбини қамал қилган виждан азоби зумрад кўзлар остига ўз чизиқларини анча барвақт тортиб, чимирилган қошлари билан ҳамоҳангликда ботинида туғён ураётган азоб исканжасига мутлақо банди бўлганини акс эттириб турарди. Сўнгги тўрт ой ичидаги умрининг энг фараҳбахш онларини яшади. Шодлик ва қувончнинг, ишқ ва муҳаббатнинг... Боши узра мастона эсган само елларидан-да юксакроқ парвозда эди кўнгли. Аммо ҳаёт бу нозик қанотларни жуда барвақт қайирди. Кўнгли оғриқнинг жон ўртовчи онлари узра яшар, ҳаёти қўрқинч тушларга тўла, фифонли кечаларда йилт этган нурга ташна зоҳид кўзларидек интизор термиларди борлиққа. Оташгоҳда тобланган лахча чўғ мисол боқишлиар чеҳрасига англашилмас сирнинг қайноқ дамини уфурар, тамоман руҳсиз бир ҳайкал каби тош қотган эди вужуди. У қандай сир эдики, ташқи дунёга ошкор қилинмади-да, қалб қаърига кўмилди? Қандай аҳамияти бор эдики, уни улкан қоялар билан мудофааланган ғамнок кўнглига очмоқ маҳол қалитлар билан қулфлади?

Чуқур хўрсинди... Уфққа тикилиб турган кўзлари аламзада ва оғир нигоҳлар ила бармоғидаги никоҳ узугига қадалди. Ўзи беихтиёр кўнгил берган йигитга унаштирилган, аммо сўнгги кунларда бошига тушган воқеаларга ақл бовар қилмас-

ди. Икки қаватли ёғоч уйнинг биринчи қаватидаги каттагина меҳмонхонада қайлиғининг отонаси уни интизорлик билан кутишарди. Аслида, у қайлиғини жонидан ортиқ кўрар, бир томондан чорасизлик ичра ўзи билан ўзи курашар, бир томондан унаштирувдан аввалги масъуд кунларга бир он бўлса-да яна қайтиш учун тиришарди. Қайнин тарафдан кутилган меҳмонлар ташриф буриши билан хонасига қамалиб олди. Уларнинг ҳузурига чиқиши кераклигини билар, фақат нима учундир буни уddeлай олмас, зеҳнига кишан урган ва хонани тарқ этишига асло изн бермайдиган муаммолар гирдобида қийналарди.

Ёсиндан ҳали ҳам кўнгил узолмас, туйғуларидаги муросасизлик муҳаббатининг исботи эди. Қай йўлни танласа — боши берк, қайси бармоғини тишласа, вужуди зирқирайди. Уйларига тўй кунини тайин қилиш учун келган меҳмонлар ёнига тушмаслиги ва хонасига қамалиб, нозик бармоғига ниҳоятда ярашган бежирим никоҳ узугини чиқаришга уринишини кўрган киши муҳаббатидан шубҳаланарди. Бўлажак келиннинг ёnlарига чиқишини сабрсизлик билан кутиб турган отона қош-кўзларини маъноли учирашиб, бир-бирлари билан имо-ишора қилиб, гаплашишга уринишарди. Ҳасрат юқори қаватдаги хонасида ўз дунёсига асир тушган ҳолда уларнинг борлигидан гўёки хабарсиздек Ёсин билан илк учрашган кунларини эслаб ширин хаёлларга чўмган. Бирга ўтказган кунларини хотирлар, бирга кезган кўчаларда қайта-қайта юрарди... Ва энди у билан ораларида пайдо бўладиган бегоналикни ўйлаб, ақлдан озарди.

\*\*\*

Енгил эсган шамолнинг дараҳт шоҳларига урилиб куйлаган қўшиғи қулоқларига сеҳрли номалар пичирлар ва ҳаётини сирли оҳанг ила қуршаб, қизни ўзига асир қиласарди... Ўн саккизни эндигина тўлдирган, узун, очсариқ соchlари рўмоли остида эҳтиёткорлик билан беркитарди ўзини. Зумрад кўзларida ҳаё порларди гўё. Ўрта денгизнинг мовий сувларига қаратиб солинган болохонали ёғоч уйнинг балконидан қуёш ботишини, ой ва юлдузларнинг сувда чўмилишини, баъзан эса, субҳи содиқни кузатиб, кунни кеч қиласарди. Ҳасрат уйнинг ёлғиз фарзанди, балки шунинг учун ҳам унга бу исмни қўйишгандир. Лицейни тамомлаганидан сўнг зоҳидона ёлғизликлар билан курашаётган қалбнинг соҳибаси эди у. Уй юмушларida онасига қарашиб, бошқа пайтда атрофи садр дараҳтлари билан ўралган орқа боғдаги муҳташам арғимчоқда ўтириб, китоб ўқирди. Бу боғ, айниқса, баҳор ва ёз ойларida ўзгача тус олар, анвойи чечаклар жонбахш ранглари билан қаршиларди кишини. Атиргуллар, фаранг анжири, зайтун, пўртахол, лимон дараҳтлари остида кўнглининг чигилини ёзарди. Кунлар илигач, мевали дараҳтлар остида ёки салқин ёғоч кўшк кучоғида бўларди. Атрофи гилам каби ўралган сўри остида китоб ўқиб, олислардан бутун азамати ила қад ростлаган Торос тоғларининг тумансиз, тиниқ қояларига тикилиб, оппоқ хаёллар сурарди. Болалик йиллари-

дан энг содиқ дўстига айланганди бу боғ. Назмни севар, қоғоз қоралаб турарди.

Куз, октябрь. Ёз фаслида аҳоли сонини бир неча баробар оширган сайёҳлар ўз юртига қайтиши билан издиҳом чекинган, одамлар билан лиқ тўлган меҳмонхоналар қушлар иссиқ жанубга учгач, ўлка сассизликка тўлгани каби ҳувиллаб қолганди. Уйларини ёз ойларида ташриф буюрувчи сайёҳларга ижарага бериб, ўзлари Торос этакларига кетган ерли халқ ҳам энди ўз уйларига қайтган. Ҳасратлар ҳеч бундай қилишмас, отamerос шу уйнинг доимий бекчиси эдилар. У озғин, ўртабўй, аммо чайир, кенг елкали, суяклари йирик, қирқ ёшлар атрофидаги, жингалаксоч ва мовийкўз, ўткир нигоҳли Турсун исмли кишининг қизи, айни дамда, номуси ҳам эди. Кўзгуга ҳар қараганида соchlари билан айни рангдаги мўйловларини тез-тез тараб турувчи бу кишининг қиёфасида ор-номус билан бирга мутаассиблик намоён бўларди.

Уйнинг бекаси — ювош, итоаткорлиги билан хонадон осойишталигини таъминлаган зийрак аёл. Исми Селма бўлса ҳам, қизи Ҳасрат ва турмуш ўртоғи Турсун Мавиш деб чақиришарди уни. Нигоҳларидан қатъият уфуриб турадиган бу одам Селма билан гаплашаркан ғайриоддий юмшар, вазминлашиб қоларди. Мавиш жуфти ва қизи учун меҳр-муҳаббатнинг ёрқин тимсоли эди. Қаттиқ ғазабланган вақтларида ҳам Мавишни ранжитишга кўзлари қиймасди уларнинг. У киши руҳига ором бера оладиган даражада меҳрибон ва са-мимий аёл эди.

Куз ўрталаб қолганига қарамай, шаҳарчада ёз ойларидаидек ҳарорат: садафдек қирғоққа чарчоқ кўпиклари билан зўрға етишган денгиз тўлқинлари соҳил қумларини оҳиста ўпар, сийпалар ва яна заиф бир ҳорғинлик билан ортига қайтарди. Бу иссиқ ҳаво Ҳасратни яна боқقا чиқишига унданганди. Апельсин шохлари ҳосилини кўтаролмай, синиб кетгудек ерга эгилган. Лимон ва ям-яшил тиканли буталари орасидан қип-қизил мева тутган анорга қараган сайин кишининг баҳри дили очиларди. Бироз сайр қилгач, яна чорбоғдаги кўшкига ўтди. Бугун руҳини ёлғизлик чулғаган, кўнгил дунёси деворларидан тошиб чиқаётган ҳисларини тушуниб бўлмас, аллақандай ғамгин эди. Боғча томонга қаратиб очилган деразадан эшитилган онасининг овози диққатини тортди:

— Ҳасрат! — Қўлидаги юпқа китоб сатрлари орасига сингиб кетганди. Қўзларини саҳифадан олиб, онасининг овозига қулоқ солиб, у томонга тикди нигоҳларини.

— Бу ёққа кел! — Китобни чорбоғдаги диван устига қўйиб, шошилди. — Кириши билан аввал онасига, кейин каравотда ғужанак бўлиб ётган отасига қаради. Турсуннинг ранги оқарган юзиданоқ касаллиги билинарди. Ҳавотир ва қўрқув аралаш титраб: «Дада!» деди. Турсун қизига меҳр билан қараб:

— Қўрқма, қизим. Докторга қўрингандим. Сайёҳлар орасида кўп тарқалиб, эпидемик вазиятни юзага чиқарган сурункали гриппнинг бир тури эканини айтди, — деб хотиржам қилди.

- Ишхонангизга билдиридингизми?
- Доктор маълумотнома ёзиб берди. Дори ҳам. Аммо дорихонагача боришга мадорим етмади. Сен бориб келармикансан деб, чақирганди онанг.
- Аллоҳ шифо берсин, дадажон. Ҳозироқ бориб келаман. — Шошиб онасига қаради:
- Мавиш, пул беринг. Мен дарров бориб келай. — Отаси эркаловчи товуш билан ҳазиллашиб пичирлади:
- Онандан берухсат бетоб бўлганим учун бадалини ҳам ўзим тўлайман, қизим. «Услу» дорихонасига бор. Ишхонамиз билан ҳамкорлиги бор.
- Чўнтағидан рецепт ва тиббий дафтарини олиб, оғир ҳаракатлар билан қизига узатди:
- Аммо бу ёнингда турсин.

\* \* \*

Куз тароватига кўмилган шоҳкўча жуда гавжум. Ҳасрат қўчага камдан-кам чиққанидан, ҳатто бир маҳаллада яшайдиганлар ҳам уни яхши танишмасди. Қолаверса, бундай юмушларни отаси бажаргани учун бугунгача дорихонага ҳеч йўли тушмаганди. Дорихона олдига келганда лицейдаги синфдош дугонаси билан бўладиган суҳбатлари ёдига тушди:

— Ҳасрат, лицейни тамомлаб, нима қилсан экан? Оилавий дорихонамиз бор, ишни фармацевтика факультетини тамомлаган акам юритади. Вақтим бўлса, унга ёрдам бергани бораман. Ота-онам мени ҳам шу соҳада ўқишимни исташади. Нима дейсан, Ҳасрат, мен ҳам шу соҳада ўқисаммикан?

— Ўзингга ҳам яхши бўлади шундай қилсанг. Ои-ланг даврасида бўласан. — Дорихона ёзувларига кўзи тушаркан шу гапларни эслаб, ҳаяжонланди. Ўй-хаёлларига нуқта қўйиб, эшикни очди. Остона ҳатлар-ҳатламас, кўзлари дугонаси билан тўқнашиб, юзи кулди. Уятчан одимлар билан унга қараб юришга тиришаркан, майин овозда шивирлади:

— Ясмин! — Дугонасини кўриши билан нигоҳлари чақнаб кетди. Эрталабдан бесабаб хижил бўлган кўнгли негадир равshan тортди. Дугонаси ҳам севинчини яширолмай ҳайқирди:

— Ҳасрат! — Пештахтанинг бу томонига ўтиб, қадрдонининг истиқболига шошди. Тасодифий бу учрашув девор тагидаги курсида ўтирган йигитнинг дикқатини тортди. Қоп-қора соchlарини ёнига тараган бу йигит беихтиёр ўрнидан туриб, қизлар томон юрди. Баланд бўйи ва қуралай қора кўзлари билан уларнинг дикқатини тортишга уринар, мўйловини кўллари билан қайта-қайта тараар, буғдойранг юзидағи ифода ҳаяжондан тез-тез ўзгариб турарди. Йиллар бўйи излаганини ва ниҳоят топганидан туйғуларига асир эди йигитнинг кўзлари. Ясминнинг юзи акасининг қизғин боқишлиаридан уялиб, қирмиз тусга кирап, акасининг бу ҳолидан хижолат бўлиб, буни дугонасига сездирмаслик учун унинг кўлларидан маҳкам тутганча, қўйвормасди:

— Қайси шамоллар учирди сиз жайронкўзни биз томон?

— Дадам бетоб бўлиб қолдилар.

— Аллоҳ шифо берсин!

— Раҳмат, Ясмин, айтганинг келсин! Дори оламан деб келгандим.

— Қандай касал эканлар?

— Грипп.

— Вой Худойим, юқумли касаллик тарқалган ҳозир. Қани, рўйхатни бер-чи! — Елкасига осилган сумкасини титроқ бармоқлари билан не машақатда очиб, рўйхатни дугонасига узатди. Бу орада: «Менга бер-чи», деган овоз икки дугонанинг ҳам диққатини тортди. Йигит қиз бармоқлари орасида маҳкам тутган қоғозни синглисидан аввал олди. Ёсиннинг синчков нигоҳларидан Ҳасратнинг ҳуррак оху кўзлари ерга қадалди. Йигит қизни ортиқ хижолат қилмаслик учун дорилар тартибсиз ва тушунарсиз хатда ёзилган қоғозга тикилди. Ясмин акасининг бу кутилмаган ҳаракатлари сабабини билолмай, ҳайрон бўлиб қолди. Йигит рўйхатни ўқиб бўлгач, унда ёзилган дориларни бир-бир олиб, пештахтага қўйди. Унинг абжир ҳаракатлари ҳар қандай кишини ўзига тортарди. Нархлар ёзилган қоғозни қайчи билан қирқиб, рўйхатнинг орқасига тартиб билан ёпишириб чиқди. Ҳисоблаб бўлгач, муҳр босиб имзолади. Ҳаяжон ичра ишини тамомларкан, Ҳасратга янада қаттиқроқ тикилиб деди:

— Имзо қўйиб беринг.

— Рўйхатгами? — Ҳасрат оловли нигоҳлар алангасига тутилди. Йигит шу қадар ўтли боқардики, Ҳасрат бу боқишларга беихтиёр топширди ўзини. Қандайдир бир англашимас маъноларга тўла эди ошиқнинг қора ва хумор кўзлари. Ҳасрат бу қараашлар боисини билолмай, йигитга қаради: кўзлар тўқнашди. Ёсин буни айни муддао билиб, кўзлар орқали қиз қалбига сузиб кирди, туйғуларидаги тугунларни ечишга уринди. Юрагига йўл

топишни истарди шу оний қарашларида. Йигитнинг нигоҳларига асир тушганини сезмай қолган Ҳасратнинг покиза ишққа чанқоқ нигоҳлари ой теграсида нурли ҳалқалар ясар, хазинасидан ярқироқ жавоҳирлар терар ва бу оловланган қарашлар йигитнинг-да ҳушини бегона қиласарди.

Ҳасрат нафас оларкан, ўзига тириклик берган Зотни эслаб, қаттиқ чўчиб кетди. Иттифоқо, хатосини англаб, тани дўзах оловига отилгандек сачради. Уялди, титради. Ёноқлари қизариб, юзлари оловланди. Нигоҳларини ерга олиб, ўз қилмишидан пушаймон бўлди. Кўзлари уятдан тиниб, зумрад каби ярқироқ нигоҳларда томчилар зоҳир бўлди. Киприклари енгилгина қоқилиб, ўзларидаги томчиларни ёноқларга оҳиста кўчирдилар. Лабларидан ғамгин, аммо самимиятга йўғрилган овоз кўчди:

— Раҳмат, дадамга дорилар жуда зарур эди. Уларни олиб, дарров... — Йигит Ҳасратнинг сўзини ярмида бўлди:

— Ҳа, албатта. Укол қиласиган кимдир борми?  
— Энди йигитга қарашга ботинолмасди:  
— Билмадим. Менимча, йўқ.  
— Модомики, Ясминнинг дугонаси экансиз, да-дангизни ҳам танийман. Агар йўқ демасангиз, сиз билан бориб, укол қилиб келардим... — Ҳасрат нима дейишини билмай боши қотди. Кўзларини олиб қочиб:

— Сизни овора қилиб қўямиз...  
— Бизнинг бурчимииз-ку, нега овора бўлайлик?  
— Маъзур тутасиз, аммо бирга кетолмаймиз.  
— Албатта, гапингиз тўғри. Сиз уй манзилини ёзиб қолдиринг. Мен орtingиздан бораман. —

Ҳасрат ўнғайсиз аҳволда қолди. Ясминнинг кўзларига хижолатлик билан боқиб, пештахта устидаги қоғозга манзилни ёзди ва секингина сўради:

— Қанча тўлашим керак?

— Қўяверинг, тибиёт дафтарларига киритдим.

Дадангиз ишлайдиган идора билан алоқамиз бор.

— Раҳмат!

— Аллоҳ шифо берсин, ортингиздан етиб бораман. — Ҳасрат дугонасига уялиб:

— Аллоҳ паноҳида асрасин, Ясмин. Кўришгунча!

— деди-ю, кетишга чоғланди. Дугонаси қўлларини сиқиб, кўзларига тикиларкан секингина шивирлади:

— Соғ бўл, Ҳасрат, кўришгунча!

— Уйимни биласанми?

— Ҳа, албатта. Ўтаман бирор кун.

— Узр, Ясмин, шошиб тургандим. Аниқ боргин-а, кутаман. — Ака-сингил токи кўринмай кетгунича Ҳасратнинг орқасидан қараб қолдилар. Дугонаси узоқлашгач, Ясмин ўсмоқчилаб акасига таъна қила бошлади:

— Сизни тушунолмадим, ака. Бир қиз олдида бунчалар ўзгариб кетдингиз? Эҳтиросли қарашлар, бирга кетишга уринишлар... — Мухаббатнинг ширин ифоридан маст Ёсин чуқур нафас олишга уринаркан, дудуқланиб жавоб берди:

— Шуу... сенинг дугонанг...

— Бунча фидоийлик қаердан?

— Сенинг ҳурматингдан, сингилжон...

— Қўйсангиз-чи, ака, у қарашлар ҳам менинг ҳурматим учун бўлмагандир!? Уйланишингиз учун кўрсатилган қизларнинг ҳеч бирига рўйхушлик бермасдингиз. Ҳасратни кўришингиз билан сиз-

ни таниб бўлмай қолди. — Акаси ёқимли киноя билан синглисини койиди:

— Шунаقا дегин? Оддийгина ишни нималарга йўйдинг-а, сен қиз?

— Хўш, гапларим ёлғонми?

— У билан бирга ўқигансизлар, шундайми?

— Ҳа, ҳатто бир партада ўтирадик.

— Ака-укаси борми?

— Ҳасратнингми?

— Менимча, биз ҳозир у ҳақида гаплашяпмиз?

— Опа-синглиси ҳам йўқ, ёлғиз фарзанд.

— Яхши қизми?

— Кўринганидек: жуда одобли, камсуқум. Сизга жуда-жуда мос.

— Майли, бориб укол қилиб келай-чи.

— Дорихона-чи?

— Сен борсан-ку!

— Биласиз-ку, бир ўзим эплолмайман.

— Бирор муаммо бўлса, дарров келишимни айт.

— Хўп, яхши бориб келинг.

\*\*\*

Ёсин укол қилиб, Турсуннинг жонига ора кирди: «Кўлларинг дард кўрмасин болам, овора қилдик», деди хижолатомуз.

— Кўйсангиз-чи, Турсун амаки!

— Хизмат ҳаққи қанча бўлди? — Йигит қатъий эътиroz билан рад этди:

— Қанаقا хизмат ҳаққи, Турсун амаки?! Мен сизни ҳурмат қилганим учун келдим. Қизингиз

ҳам синглимнинг синфдош дугонаси экан. Кўрмагандек бўлиб кетинг.

— Раҳмат, болам, барака топ! — Ёсин келганидан буён эрининг ёнидан жилмаган аёлга қараб:

— Аллоҳ шифо берсин, — деди-да, хонага зидан разм солди. Ҳеч ким кўринмади. Уйдан чиқаркан юзи умидсиз, оёқларини зўрға судраб босарди. Ахир қанча тиришмасин Ҳасратни кўролмади-да.

\*\*\*

Турсуннинг аҳволи яхшиланиб, ишига қайтган, ҳайҳотдек уйда она ва қиз яна ёлғиз қолишганди. Уй юмушларини барвақт тугатиб, тушлик овқатни ҳам ҳозирлаб бўлишди. Ҳасрат қўлига китоб олиб, варақлай бошлаган ҳам эдики, эшик қўнғироғи чалинди. Китобни ёпиб, эшикка қараб кетди. Кўзларига ишонмасдан: «Ясмин!» деб табассум қилди. Қўлтиғига ёндафттар қистириб олган дугонаси ҳам хурсандчилик билан жавоб қайтарди:

— Меҳмон керакмасми? — Ҳасрат хурсанд бўлиб:

— Албатта, керак! — деди. Мавишнинг ошхона томондан келган овози гапларини бўлди.

— Ҳасрат, қизим, қара-чи ким экан?

— Ойи, дугонам Ясмин келибди. — Сўнгра дугонасиға ўғирилиб:

— Кирсанг-чи, оstonада туравермасдан, — деди. Ҳасрат Ясмин ичкари кирап-кирмас дилкашлик билан сўради:

— Бугун ҳаво яхши. Боғчада ўтириб гаплашамиزمи ёки меҳмонхонада? Қай бири маъқул? Озиб-ёзиб бир келибсан.

- Ташқари бироз салқындең туюлди менга.
- Унда, юқори хонага чиқамиз.

Дугонасига йўл кўрсатиб, ёғоч зиналардан бир-бир ҳатлаб тепага чиқиши. Кирган хоналари са-ранжом-саришта, дераза пардалари кўтарилиган, Ўрта денгизнинг мовий сувлари кўриниб, кўзни кувнатарди. Уй моҳир қўлларнинг ясаган буюмлари билан кўзни кувнатар даражада безалганди. Стол устига тўшалган палакнинг нақшлари ҳар қараган киши билан суҳбатга киради гўё. Стол устида китоблар билан ёнма-ён турган дафтар Ясминнинг дикқатини тортди. Аввалига жавондаги китобларни ва хонани синчиклаб кўздан кечирди.

— Хуш келибсан, Ясмин! — Икки дугона қайтадан қучоқлашиб, бир-бирларининг рўпарала-рига ўтириши. Ясмин олиб келган ёндафтарни ўтирас-ўтирмас тиззалири устига қўйди. Ҳасрат-га мулойим қараб:

- Ўйларингиз жуда шинам экан, — деди.
- Раҳмат!
- Ҳали ҳам қоғоз қоралаб турибсанми дейман?
- Шундай деса ҳам бўлади.
- Нималар билан бандсан?
- Ҳалигина стол устида кўрганинг китобни ўқиб тургандим. Ўзинг нималар ўқияпсан?
- Биласан-ку, адабиётга унчалик қизиқмайман.
- Дафтар кўтариб олганингга келсак... — Ясмин аввалига индамади, кейин дугонасининг кўзла-рига қаради. Нигоҳлари билан нимадир демоқчи бўларди. Табассум билан жавоб берди:
- Йўқ, бу бошқа.
- Майли, кўявер. Ўзинг яхшимисан?

— Бўлади, юрибмиз... Дорихона, уй ишлари билан умр ўтиб кетяпти. — Ясмин тиззаси устидан дафтарни олиб, Ҳасратнинг кўзларига сўзсиз тикилди. Ниҳоят гапиришга қарор қилди:

— Ҳасрат...

— Лаббай?

— Сенга жуда ҳам муҳим хабарим бор. — Ҳасрат дугонасига:

— Аввал айт-чи, чой ичасанми ёки қаҳва? Қолганини кейин гаплашаверамиз, — деб эътиroz билдириди.

— Йўқ, уларни қўйиб тур. Шошиб турибман, бошқа пайт ичамиз. — Ясминнинг кутилмаган бу ҳаракатлари Ҳасратни шошириб қўйди: тўсатдан ўрнидан турди ва қўлидаги дафтарни стол устига қўйиб, Ҳасратга амирона қаради:

— Мендан ҳеч нарса сўрамасдан фақат тинглашингни хоҳлайман: дафтарнинг илк саҳифасида дикқат билан ўқилиши керак бўлган қисса бор. Ўқиб кўрганингдан кейин, албатта, жавобингни айтасан.

— Тўғриси, ҳеч нарсага тушунмадим.

— Аввал ўқигин, кейин тушунасан. Бир неча кундан кейин жавобингни билгани келаман. — Ҳасрат шошиб қолди:

— Яхши, аммо буни нима деб тушунай?

— Вақтингни бой бермасанг-чи, дугонажон. Эрта-индин жавобини билишга келаман-а!

— Майли, қолдирақол...

— Аллоҳга омонат топширдик, Ҳасрат! Сени жуда ҳам яхши кўрамиз. Худо хоҳласа, сен билан доим бирга бўламиз. Бирга узоқ-узоқ сухбат қурамиз.

— Қанақа тушуниб бўлмас қизсан-а сен!?

Яна зиналардан биргаликда тушдилар. Ҳасрат-нинг зеҳнини номаълум фикрлар қуршаб олди. Бу қиз нима демоқчи бўлди? Кўча эшикни ёпар-ёпмас, юргурганча хонасига чиқди. Хонага кириши биланоқ курсига ўтириб, Ясмин қолдирган дафтарни сабрсизлик билан варақлай бошлади. Ҳусніхат билан ёзилган сатрлар диққатини тортиди. Лицейда бир партада ўтиришгани учун дугонасининг хатига тез-тез кўзи тушарди. Аммо бу ёзув уники эмас. Қизиқиши ортди. Ҳарфларнинг шаклига чалғимасдан, мазмунига эътибор бериб ўқишни бошлади:

*Исмингни дилимга ёзишдан аввал,  
Қалбим билан қона-қона ўқидим...  
Кўксимга жойладим сендан берухсат,  
Йўрма ип-ла чок-чок тўқидим...*

*Ишқимни ёзмоққа қоғозлар етмас, англатмоққа  
бисотимдаги сўз ва менга берилган умр. Сени илк  
учратган онимдан кўнглим эшиклари ўзингдан ўз-  
гасига очилмас бўлди. Бугунгача вафосизлик кўр-  
май дея ҳисларимни садоқатсиз каслардан асраб  
яшадим, қизғаниб яшадим. Юрагимнинг энг тубига  
авайлаб яшириб яшадим. Қалбим мен рўёбини яго-  
на Ҳақдан дуо ила, илтижо ила сўраганим висол-  
нинг орзиқишлиари ичида. Умрим осмонида ҳали қўл  
тегмаган, мен сабр-ла кутганим муazzам шафақ-  
сан сен! Руҳимни умидсизликлар диёридан ҳаётга  
қайтарган, завол билмас сен уфқимга нисор этдим  
умримни! Чаманзорлар эмас, биргина чечак баҳор  
олиб киришини истагандим умидвор қалбимга. У*

шундай чечакки, мен уни ёмон назарлардан кўнглим гўшасида сақлаганман. Танҳо унга маскан қилган қалбимнинг ёлғиз ғунчасидир у! Жамики гулларнинг гўзаллиги, мушк-у анбарини ўзига жо қилган, дунёмни бир боқиши билан нурлантирган шамс-у қамарим, сув-у ҳавойим. Биргина табассуми билан дардимга дармон бўладиган ярмимни – жон парчамни излардим. У сен... Ҳа, ҳа, СЕН эдинг... Сенсиз ҳеч бир лаззат татимас менга... Биргина боқишинг исмингни мангуга муҳрлади ишққа, садоқатга, вафогга ташна юрагимга. Ишқ деганлари шу бўлса керак... Қалбим қалъаларини ишғол этган қароғлар асириман мен сени илк кўрган онимдан буён. Умрим маъносини сенда топганимни ишонч билан шивирлайди қалбим. Ҳаёт йўлларимизни туташтирумокқа, севинч-у қайғуларда менга елкадош бўлишга розимисан? Ҳоҳласанг, жавобсиз қолдир мактубимни. Қалбингдаги ҳисларни сатрлардан-да рашик қиламан. Рад этсанг ҳам, бошустига, фақат бир ўтиничим: «Йўқ» деган жавобингни ҳарфлар ила ёзсанг. Кўнглингни забт этишга қурбим етмаса-да, сен ёзган сатрларга соҳиб бўлишни истайман!

Ёсин Услу

Ҳасрат шошиб қолди. Юрак уришлари ҳам ўзгарди, майин титроқ эгаллади бутун вужудини. Дафтарни ёпиб, стол устига қўйди. Деворга суюнганданча чуқур хаёлларга берилди. Никоҳ таклифи бўлган бу хат ҳали муҳаббат оламига қадам қўймаган қизнинг хаёлларини остин-устун қилиб юборди. Дорихонага борган кунини хаёлида қайта жон-

лантиришга тиришар, тўғрироғи, бир онлик нафсга енгилиб, Ёсинга тик боқсан нигоҳларини қайтадан кўз олдига келтириб, ўзини маломат қиласарди... Туни билан мижжа қоқмай, кундузи ҳам шу ўйлар оғушида юрди, ҳаловатидан айрилди. Хатни қайта-қайта ўқир, ҳатто ўзининг дафтарига ҳам айнан уники каби хусниҳат билан ёзишга уриниб, қайта кўчириб чиқди. Нима учун бундай қилаётганига ўзи ҳам тушунмас, фақат томирларидан юракларига томон оқаётган қайноқ қоннигина ҳис қиласарди. Журъат қилиб хатга жавоб ёзолмади. Ўйлаб-ўйлаб дафтарни бўш қайтаришга қарор қилди. Аслида, бу ҳам бир жавоб эди. Орадан уч кун ўтиб, Ясмин яна келди... Бу сафар эшикни Мавиш очди.

- Ассалому алайкум, Селма хола!
- Салом...
- Ҳасратнинг дугонаси Ясминман. Ўтган кун келганимда дафтаримни сизларникида унутиб қолдирибман, шуни олиб кетай деб, келгандим.
- Хуш келибсан, қизим! Марҳамат, киравер. Дугонанг уйда.
- Хушвақт бўлинг, холажон! — Ясминнинг овозини эшитиши билан ҳаяжондан Ҳасратнинг вужуди титради. Дугонасининг истиқболига пешваз чиқиб, уятчан овози билан уни ичкарига таклиф қилди:
- Хуш келибсан!.. Ясмин ҳам оладиган жавобини эслаб, қаттиқ ҳаяжонланар, дугонасига қарапкан, кўзларидан бирор аломат билишга интиларди.
- Дафтаримни сизларникида қолдирган эканман. Шуни олгани келгандим.

- Хуш келибсан!
- Хушвақт бўй! Аҳволинг қалай?
- Кўриб турганингдек. Ўзинг-чи?
- Раҳмат, яхши.
- Ўтирмайсанми?
- Бошқа сафар.
- Унда кутиб тур, дафтaringни олиб тушай.
- Сен билан бирга чиқсан бўладими?
- Нега бўлмасин, албатта, бўлади! — Мавиш нари кетди. Зиналардан чиқиб боришаркан, Ясмин хижолатомуз: «Ҳасрат, мендан ранжима. Акам оёқ тираб туриб олди. Йўқ, деёлмадим...», деди. Ҳасрат жим тинглар, негадир индамасди. Стол устида турган дафтарни олиб, Ясминга узатди. Уятдан дугонасининг кўзларига қарашга ҳам ботинмасди. Ясмин қизиқиши устун келиб: «Жавоб ёздингми?» деб сўради. Дугонасининг бошини қимирлатиши Ясминни ҳаяжонлантириб юборди, унинг кўзларига тикилиб:
  - Розилик аломати деб билсак бўладими буни?
  - деди. Ясмин ютиниб, енгил нафас олди. Ҳасратнинг ҳаракатларини розиликка йўйди. Қалби орзиқиб яна сўради:
  - Демак, бизникилар совчиликка келаверишса бўлади, шундайми? — Ҳасрат саволни бу гал ҳам яна жавобсиз қолдириб, секингина бошини эгди.
  - Мени жуда хурсанд қилдинг, Ҳасрат, раҳмат сенга! Ота-онангни ҳам хабардор қилишимиз керак. Лекин қандай қилиб? — Ҳасрат яна бошини эгди. Ясмин яна сўради:
  - Сенга телефон қилсанм бўладими? — Нихоят, Ҳасрат тилга кирди:
  - Нега бўлмас экан?

\*\*\*

Синглисининг хабаридан аканинг севинчи ичига сиғмас, кўқси юрагига торлик қиласарди тобора. Унинг баҳтидан оиласи ҳам хушнуд эдилар. Ясмин кетиши билан Ҳасрат онасига пичирлади:

- Мавиш...
- Лаббай, қизим?
- Ҳозиргина келган қизни танидингизми?
- Йўқ, дугонанг эканини айтди.
- Дадамга укол қилиш учун келган йигит эсингиздами?
- Ҳўш?
- Ўша йигитнинг синглиси.
- Қўҳликкина қиз экан.
- Майли-ку, лекин нега келганини биласизми?
- Билмасам, қизим. Сени кўргани келгандир-да.
- Кўзларини онасидан яширди:
  - Мавиш, мен энди улғайдимми? Аввалгидек эрка қиз эмасманми? — Томдан тараша тушган-дек бу гапларни гапираётган қизига она ҳайратланиб қаради:
  - Бу нима деганинг, қизим?
  - Буми? Бу... дугонамнинг акаси мендан қўлимни сўраб, совчи жўнатмоқчи экан, дегани. — Онанинг ранг-қути ўчди:
  - Ҳа... бекордан-бекорга келмаган экан-да?
  - Шундай...
  - Сен қаердан хабар топдинг?
  - Дарров жаҳлингиз чиқмасин. Синглиси айтди.

- Демак, совчиликка келишади?
- Мавиш, Ясмин акаси ҳақида аввал ҳам айтиб берарди. Ўқимишли, если-хушли... Ўзингиз кўрганингиздек истарали ҳам...
- Унда кўнглинг бор, шундайми? — Онасининг гапларидан малолланиб жавоб берди:
- Бу гапни қаердан олдингиз, ойи? Кўрдингиз-ку, синглиси келди. Ота-онасининг совчиликка келишларини айтиб, қайтиб кетди.
- Тушунарли... Дафтар бир баҳона бўлган. Кечкурун даданг билан гаплашиб кўрай-чи, нима деркин.
- Ҳасрат уятдан бошини букиб, онасига ёлворди:
- Мавиш, орага мени қўшманг, майлими? Дорихонага борганимда кўрганди. Ёқтириб қолган экан... Шу холос, бошқа гап йўқ...

\*\*\*

Бу гап Турсуннинг орини қўзғади:

- Бу гап қаердан чиқди? Очиқроқ гапир! — Мавиш эрининг кўзларига эҳтиёткорона қаради ва:
- Яъни қизимизга совчи келяпти, — деб жавоб берди.
- Мавиш, буни мен ҳам тушундим. Аммо у йигит Ҳасратни қаердан таниркан?
- Ёмон хаёлларга борманг. Сизга дори олиб келиш учун жўнатганимиз эсингиздами?
- Хўш?
- Йигит ўша дорихонанинг эгаси экан. Синглиси қизимиз билан лицейда бирга ўқиган. Ҳасратни кўриб, ёқтириб қолган ва сизга укол қилиш баҳо-

насида уйгача келган. – Турсун тамакисига узанди. Тутатиб, аёлига қараб ғўлдиради:

- Қизинг нима деяпти?
- Розига ўхшайди.
- Шундай дегин?

\*\*\*

Фасллар бир-бири билан ўрин алмашишга тайёргарлик кўрарди... Япроқлар аввал каҳрабодек сарғайиб, бандларидан узилдилар. Сўнг тақдирга тан бериб, новдасидан қувғин қилган дараҳтлар пойига оҳиста тўкилдилар. Йўл четлари хазонларга тўлди. Куз атрофни бевафоликнинг изтироб рангларига бўяганига қарамай, ҳануз ўз яшиллигини сақлаб қолган дараҳтлар йўқ эмас. Баргларини ҳануз бағридан учирма қилмаган дараҳтлар, балконлардаги осма тувакларга экилган гуллар кузнинг фироқли кунларига бегона, ўгай ва ҳазин баҳорни акс эттиради ўзида. Турсуннинг кўнгли қувонч ва қайғу орасида ҳалак. Тушликдан сўнг ишидан рухсат олиб, ҳукумат биноси томон кетди. Ҳорғин бир ҳолатда ҳокимнинг хонаси олдига келиб, котибдан сўради:

- Ҳоким хонасидами?
- Хоналаридалар, Турсунбей.
- Келганимни хабар қилсангиз дегандим.
- Ҳўп бўлади, ҳозир. — Котиба гўшакни қўлига олиб ҳокимга:
  - Афандим, Турсунбей келдилар. Ёнингизга киришга рухсат сўрайаптилар, — деди.
  - Кирсин! — Котиба Турсунга:

- Сизни кутяптилар, — деб жавоб берди.
- Раҳмат! – Эшикни секингина очиб кираркан, тирик мурдага айланиб қолганди. Ахир шунча йил бағрида ардоқлаб ундирган гулини ундан тортиб олишмоқчи. Истар-истамай оғиз жуфтлади:
- Салом, раис.
- И-е, келсингилар, келсингилар! Қадамларига ҳасанот! Ичишга нима буюрай? — Турсун қуруққина жавоб берди:
- Чой. — Раис котибага иккита чой келтиришини тайинлаб, дўстини кузата бошлади:
- Бир дардинг борга ўхшайди?
- Ҳа, шундай...
- Хуш келибсан!
- Хушвақт бўл, раис. – Турсун курсига оғиргина чўкаркан, ҳоким унга бошдан-оёқ разм солиб, сўради:
- Тинчликми?
- Тинчлик... — Шундай деди-ю, яна жимиб қолди.
- Майли-ку, аммо хотиржамлик инсонни бу қадар хафа қилишини билмаган эканман.
- Хафа қиласиган жиҳати ҳам бор, раис.
- Хавотирга қўймасдан айтиқолсанг-чи а? — Чўнтагидан иккита сигарет олиб, бирини дўстига узатди.
- Ичим ёняпти, раис. Сен билан ота қалбини маҳзун қиласиган шу хайрли иш ҳақида гаплашгани келдим. Сенга маслаҳат солгани келдим, раис. Кеча кечқурун Ҳасратга совчи келди. Биласан, якка-ю ёлғиз фарзандим. Хайрли иш бўлса ҳам, юрагимнинг бир четини кемирияпти. Энди тушун-

дингми ҳолимни? – Ҳокимнинг нигоҳларига ғазаб оралади. Юзлари бўзариб, ранжиганча:

- Совчи ким экан, — деди.
- Ёсин исмли оддий йигит. «Услу» дорихонасининг эгаси.
- Тушунарли... Яхшиямки, айтдинг...
- Тинчликми, биз билмаган бирор ножӯя томони борми у оиланинг?
- Ундей эмас, дўстим. — Раис Турсуннинг кўзларига қараб давом этди:
- Розилик бермадингми ҳали?
- Ҳозирча, йўқ.
- Мана бу – бошқа гап. Бу мавзуга шу ерда нуқта қўйилсин. Қайтиб келишмасин.
- Яъни?
- Яъни мендан маслаҳат: Ҳасратни бегона кўлларга топширма. — Турсуннинг боши қотди:
- Бирор сабаб борми бундай қилишга? – Раис ўриндиқقا янаям ястаниб ўтирди. Сигаретини хузур билан торта бошлади:
- Сенга яна қандай сабаб керак? Ахир иккимиз туғишганлардек яқин бўлсак... — Тамакини бурқситиб тутатди-да, йиллардир виждан азоби куйдирган бўғзига алланима қадалиб, ғарифлик билан гап бошлади:
- Эсингдами, Турсун, биз ёшлигимизда орасидан қил ўтмас уч қадрдон дўстлар эдик. Ҳозир эса, иккимиз қолдик. Гарчи «учинчимиз» билан алоқанг ҳамон сақланиб қолган бўлса-да, мен орадан чиқдим. Энди сени ҳам йўқотиб қўйишни истамайман.

— Мени роса қийнадинг, раис. Ўтмишнинг қандай алоқаси бор мен айтган масалага? — Раис яна чуқур нафас олди:

— Дўстим, Суат ҳарбий хизматдан қайтди. Келган куниёқ онасига нима деганини биласанми?

— Йўқ...

— Турсун амакимнинг қизига совчиликка боринг, дебди. Тушундингми? — Турсун каловланаб қолди:

— Майли-ю, лекин кеч қолдингизми, дейман.

— Нега?

— Айтдим-ку, раис, кеча совчилар келишди.

— Сен аниқ жавоб айтмадингми?

— Айтмасликка айтмадим, аммо ўйлаб кўрамиз, дедим.

— Ҳечқиси йўқ. Келаси сафар «Йўқ!» деб орани очиқ қиласан. Хабаринг бор, шу йил охирида Суат туман ҳокимлигига «сайланади»... Кўриб турганингдек, мен ҳам чарчадим. Ишни ёшларга топшириш вақти келдимикан, деб ўйлаяпман. Ҳокимнинг хотини бўлиш қаерда-ю, дорихоначининг хотини бўлиш қаерда?! Ақлингни ишлатсанг-чи?!

— Хўп, раис. Биласан, Ҳасрат ёлғиз фарзандим. Ўзидан сўрайман, рози бўлса, менга ҳам яхши. Аммо ўқ ёйдан чиқди. Қизим агар уларни танласа, мен мажбуrlай олмайман.

— Сен аввал Ҳасратга айт! У – ақлли қиз. Албатта, бизни танлайди. Гапни чўзма, кечки пайт жавобингни кутаман. Суатни ўзинг яхши биласан: ғурури баланд йигит. Рад қилинганини эшитиш унга оғир ботади.

- Хайрлиси бўлсин, раис. Кенгашгани келгандим, вазият ўзгариб кетди.
- Бу ишларга сен аралашма. Онасига айт, ўзи кўндиради.
- Майли, кўришгунча...

\*\*\*

Турсуннинг боши қотди. Оқшом уйга юзидан ҳарорати қочган, ғамгин бир алфозда кириб келди. Мавиш эшикни очиши билан уй ичига шарпа каби сас-садосиз сузиб кирди. Ҳасрат дадасининг костюмига қўл чўзаркан, хавотир аралаш сўради:

— Дадажон, тинчликми, ҳорғин кўринасиз? Сизни бу ҳолда кўрган киши денгизда кемалари ғарқ бўлган, деб гумон қиласди.

— Нимасини айтасан, қизим, шунга ўхшаш бир иш бўлди... — Мавиш Турсуннинг кайфиятини кўтариш учун эркаловчи бир оҳангда гап бошлади:

— Ҳасратни узатсак, уйда ёлғиз ўзимиз қолиб кетамиз, деган ваҳимаданми бу ҳолингиз?

Ҳасрат костюмни илиш учун нари кетди. Турсун диванга ўтиаркан, Мавишга ўксиниб қаради:

— Ҳаммаси қоришиб кетди, Мавиш.

— Нима бўлди? — Ҳасрат ҳам ёнларига келиб ўтирди... — Нима деганингиз бу? Келдингиз-у, ишларим орқага кетди, дедингиз. Нима экан у орқага кетган ишлар? Айтинг-чи, ечим топайлик бирга. Турсун аёлининг кўзларига қаради:

— Кеча айтган гапинг ҳақида.

— Сиз ҳам ҳамма каби одамсиз. Қизингиз бор эканми, албатта, совчи келади. Ҳар бир ота, ҳар бир қиз

бошида бор савдолар булар. – Ҳасрат уялганидан гапга аралашолмади. Тақдири билан боғлиқ масала бўлгани учун уларнинг ёнидан ҳам кетолмасди.

— Қанийди, барчаси сен айтганингдек осон бўлса. – Мавиш асабийлашди:

— Хўш, биз билмайдиган нима бор экан?

— Ҳоким билан дўстмиз, шунинг учун маслаҳат олгани боргандим ёнига...

— Ёмонроқ бирор гап айтдими?

— Берма, деди. — Ҳасратнинг ранги ўчди. Бу гап Мавишни ҳам ўйлантириб қўйди.

— Нега, бирор сабаби бордир? – Аввал Ҳасратга қаради: юзидаги уят ўрнини ҳайрат эгаллаганди. У ҳам дадасининг оғзидан чиқадиган сўзларни дикқат билан кутарди. Нихоят, Турсун тилга кирди:

— Ҳасратга ўғли учун совчиликка келмоқчи. Суат: «Ё Ҳасрат, ё ҳеч ким!» деганимиш. Бугун кечки пайт жавоб кутади. Шунга тезроқ маслаҳат қилишимиз керак. – Она юзини сийпалаган қайғу шамолларидан жунжикиб, жим қолди. Турсун айб иш қилаётган кишидек уялиб, қизига қараб гап бошлади:

— Ҳасрат!

— Лаббай, дадажон?...

— Бу ишларда уят ярамайди. Менимча, очик-ойдин гаплашиб олганимиз яхши. Ҳаётингдаги мухим қарорни ўзинг қабул қилишинг керак. Чунки кўнгил сеники, яшайдиган ҳам сенсан. Суат – ҳокимнинг ўғли, келажаги порлоқ йигит. Амакинг ўрнини шу йил унга бўшатиб бераркан. Раис: «Ҳасратга айт, бизни танласа, бошимизга кўтарамиз, маликалардек яшайди», деди. Мен омонат гапни айтдим. Қа-

порни сен қабул қиласан. Фақат тез ва пухта ўйла. Бугун жавобини айтишим керак. Хўш, қизим, нима дейсан? – Ҳасрат ҳаяжонини бироз бўлса-да босиб олиш учун чуқур-чуқур нафас олиб, гап бошлади:

— Дадажон, кечирасиз. Аммо динимиз ва одатларимизда ҳам бир удум бор. Менимча, унга амал қилиш — энг тўғри йўл.

— Қандай удум экан?

— Бундай вазиятларда аввал биринчи сўраган инсонга аниқ жавоб берилмасдан, иккинчи бир кишининг ҳам орага кириши яхши бўлмайди.

— Тушундим, қизим. У ҳолда, биринчисига нима деб жавоб беришимизни айт. — Қийин вазиятда қолди. Бунга қарамасдан кўнглидаги туйғуларни очиқ ва дадил изоҳлашга киришди:

— Биринчисини иймон-эътиқодли, ўқимишли ва ҳалол инсон дейишади. — Турсун бошини кўтармасдан жимгина қўшиб қўйди:

— Иккинчиси ҳақида-чи? У ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқми?

— Бор.

— У ҳақида ҳам ижобий фикрлар айтишадими?  
Яна бу йил ҳокимликка сайланади.

— Бошқаларнинг ҳаққини тортиб олишга уста, ҳалол нима, ҳаром нима билмайдиган кишилар, дейишади.

— Яъни?

— Эсимни танибманки, ҳашамат ва дабдаба ичиди ўзимни эркин ҳис қилолмайман. Фикримча, улар билан бизнинг ҳаётимиз бир-бирига тўғри келмайди. Биз нозикқалб одамлармиз. Қисқаси,

на яшаш тарзимиз, на эътиқодимиз бир-бирига тўғри келади. Хайрлн никоҳ бўлмайди... – Қизининг гаплари Турсунни яна тамаки тутатишга мажбур қилди... Фикрларини ҳам тамаки тутунига қўшиб хонага пуллади. Мавиш уларни жим кузатиб турарди. Ҳасрат бошқа гапирмади. Индамай хонадан чиқиб кетди. Турсун рақам териб, қарши томондан жавоб келишини кутди:

— Алло? — Гўшакни ҳоким кўтарди. Дўстининг овозини эшитар-эшитмас биринчи сўзи биланоқ унга зарба берди:

— Яхши хабарми, дўстим? — Турсуннинг сўниқ товуши эшитилди:

— Йўқ, дўстим, ўхшамади...

— Ҳазилингни қўйсанг-чи!

— Ҳазиллашадиган мавзу эмас-ку бу. Ҳасрат уларни танлади. Айтдим-ку, раис, кечикдингиз. Ҳасрат уйнинг эркаси, қаттиқ гапиролмадим.

— Дадил гапириш керак. Йўқ деди деб дарров енгилиш керак эмас-да.

— Раис, қийнама мени. Жавоб сўрагандинг, айтдим. Мен ҳам қаттиқ хафа бўлдим. Ўзинг ҳам билсан-ку, сенга меҳрим бўлак. Йўқ дейиш менга осон бўляпти дейсанми? Билиб турибсан-ку, кўнгил иши бу, менинг ихтиёrimda эмас. Айтадилар-ку, инсон боланинг ота-онаси бўлади, аммо кўнгли бўлолмайди. Бу ҳам шу каби бир гап-да.

— Сени таниёлмай қолдим, Турсун.

— Раис, яна айтаман: қийнама мени! Аслида бу ишнинг оқибати нималигини мендан кўра сен яхшироқ биласан, чунки ўзинг шу ҳаётни яшадинг.

— Ҳокимнинг овози тундлашди:

- Майли, Турсун. Пешонамизга битмаган экан.
- Бу гап орамизда қолсин, раис. Турли гап-сўз кўпаймасин. Болаларимизнинг, айниқса, Суатнинг шаънига яхшимас...
- Раҳмат, дўстим.

\*\*\*

Бу хабар Суатнинг нафсига малол келди. Хаёллари чилпарчин бўлди. Дадаси билан тортишар, таслим бўлмасликка ундан, унинг нозик томонларидан тутишга тиришарди:

— Бу нима деган гап бўлди, дада? Сиз туманнинг энг обрўли одамисиз ахир! Шундай экан, бизнинг гапимизни кесувчи гап, муштимизни қайтарувчи мушт бўладими? — Ҳоким истеҳзоли кулимсираб:

— Болам, бу – мушт ё гап билан ҳал бўладиган иш эмас. Бу – кўнгил иши, кўнгил... — Суат бўш келмади:

— Мен тушунолмаяпман: «Раиснинг якка-ю ягона ўғли Суат совчи қўйди, лекин рад этишди.» Бу маломатларга қандай чидаш мумкин ахир?

— Турсун менинг жон дўстим. Қўлидан келганини қилди. Қизи унамаган. Унинг ўрнида мен бўлсан ҳам, қарши чиқсан бўлардим. Чунки ўзимнинг ҳам бошимдан ўтди. Ўзим ҳам шу ҳаётни яшадим. Бошида ширин туюлади, аммо охирида меваси жуда аччиқ бўлади. Энг яқин дўстим билан душман бўлдик. Мен сабаб бўлиб, ўз уйидан, ўз ватанидан бош олиб кетди. Орадан шунча вақт ўтса ҳам, ҳануз қайтмади. Менинг ўзим сенга етарли мисол бўла оламан. Кўп ҳам ошиқма, орада кў-

нгил илиқлиги бўлмаса, севги, муҳаббат бўлмаса, бир уйда яшаганинг қизиги йўқ.

— Бу иккиси орасида қандай ўхашлик бор, дада? Онамга совчи қўйганингизда у сизни танламаганмиди?

— Шундай, мени танлаган.

— Мана, бахтли яшаб келяпсиз-ку.

— Эсингни йиғ, бола. Қизнинг кўнгли бошқа бирорда деяпман. Мажбурладик, розилигини олдик, у билан бирга яшадинг ҳам дейлиқ, лекин кўнглини топа оласанми? Тилингга келаётган сўзларни ўйлаб ҳам кўряпсанми? Қалбда бир севгининг изи қолса, уни мажбуrlаб ўчира оласанми? Кўзлари-га боққанингда сени эмас, бошқани ўйлаётганини билиб, яхши яшай олишингга кўзинг етятими?

— Буларнинг менга аҳамияти йўқ, дада. Унга уйлансам бўлди!

— Қиз кўп! Онанг бошқа топади. Бу ишга шу ерда нуқта қўйилди. Биз сўрамадик, улар рад қилишмади. Ҳасратни эсингдан чиқар, тушундингми? — Суатнинг юзларида бир ёвузликнинг совуқ қора булувлари акс этди. Таъби тирриқ бўлиб ғўлдиранча ўрнидан тураркан, қўшиб қўйди:

— Хўп, дада, сиз айтганча бўлақолсин. — Отасига зимдан истеҳзоли қараб қўйди ва кўздан йўқолди.

\* \* \*

Шаҳарчада дабдабали, аммо файзсиз тўй ва ихчамгина унаштирув маросими бўлиб ўтди. Турсун Суатнинг тўйида ҳокимнинг ёнида туриб, жон-дилидан хизматда бўлди. Ахир узоқ йиллик

дүстлик бирлаштириб турарди уларни. Бўлиб ўтган кўнгилсизликларни унудиб, дўстликларини қайтадан бошладилар. Орадаги музлар ҳам эриб кетгандек эди гўё. Ҳокимдан кейин Турсун ҳам қизи учун ихчамгина фотиҳа тўй берди. Бу тўйда ҳоким ва хотини энг иззатли меҳмон бўлишди...

Ҳасрат баҳтиёр. Келин-куёв оиласи орасида қуда-андачилик удумлари аллақачон бошланган. Икки ёш ҳаётининг энг ажойиб онларини яшар, вақти-вақти билан учрашганларида меҳр билан суҳбатлашишарди. Тақвим бўйича куз ойлари ўз ўрнини қишига бўшатган. Декабрънинг илк ҳафтаси бўлса-да, ҳавода қишининг асари сезилмасди. Ўрта денгиз қишининг бу илиқ кунларида илк баҳор кунларидагидек навқирон, фусункор эди. Балконлардан осилиб турган гулларда ҳамон яшиллик ҳайқирап, кўчалар четидаги барглари тўкилмаган баъзи дарахтлар ҳам яшиллик билан қаршиларди инсонларни. Пальма, хурмо, эвкалипт ва сарвга қараган кўз мавсум ўзгарганини сезмасди. Ўрта денгизнинг бу мафтункор соҳиллари куз ва қишда янайм мусаффо бўлар, қуёшининг тафти киши руҳига жон бағишлар, елкаларни дўст каби меҳрли қўллари билан сийпаларди.

Тўй куни яқинлашгани сайин Ҳасрат қаттиқ ҳаяжоиланаарди. Қайлиғи ва Ясмин бозорга бориб, тўй учун кийим-кечак, уйлари учун рўзгор буюмлари олиш ниятида келинникига келишди. Турсун кечикмаслик шарти билан истамайгина розилик берди. Бирга юришаркан, деярли сўзлашишмас, аммо дунёларга сифмаган кўнгилга соҳиб

эди Ҳасрат. Дўкон, кўча ва бозорларда болалардек шўх-шаън кезишарди учалалари. Ҳасрат келинлик учун кўнглидагидек кийим топа олмади, шунинг учун фақатгина мато олиб, ўз хоҳишига кўра тикитиришни афзал деб билди. Ясмин чарчади. Акаси ва бўлажак янгасига «исён» қилди:

— Бирор жойда ўтириб дам олсак, овқатлансанкми, дегандим. Сизлардан бир садо чиқмайди.

— Ёсин синглисининг гапини маъқуллади:

— Яхши бўларди. Соҳилда шинамгина тамаддихона бор.

Ҳасрат хижолат бўлиб эътиroz билдириди:

— Кечиксак, дадамнинг жаҳллари чиқади. —

Ясмин Ҳасратнинг эътирозини қабул қилмай:

— Тўйга тайёргарлик кўряпмиз-ку, нега жаҳли чиқсан? — деди.

— Қайдам, «Кечикманглар», деб тайинлагандилар. — Ёсин Ҳасратнинг кўзларига меҳр билан қаради:

— Кечикмаймиз, хавотир олма. — Ҳасрат итоаткорона бошини эгди. Қайлиғининг кўзларига айни туйғулар билан боқиб, шивирлади:

— Хўп бўлади. — Чойшаб каби осуда Ўрта денгизга қараб турган стол атрофига ўтиришди. Балиқчи қушлар ора-орада сувга шўнғиб, унинг осойишталигини бузарди. Ҳали қўл тегмаган ҳислар, ўзгасига муҳаббат билан боқмаган кўзлар тўқнаш келди... Жамики туйғуларнинг энг покизаларига соҳиб эди ҳар икки қалб... Тим қора кўзлар яна зумрад кўзларнинг уммонига ғарқ бўлди:

— Ҳасрат, майлими бир савол берсам?

— Кулоғим сизда.

— Дафтардаги нома ҳақидаги фикринг? —  
Ҳасрат ёрқин табассум ва қатъият билан Ёсин-  
га қаради:

— Рости, жуда пухта ўйланган режа. Аввалига  
тушунмадим.

— Ёқдими?

— Нима деб ўйлайсиз?

— Яъни?

— Менимча, уни ўзингиз ёзгансиз...

— Ишонасанми, сен каби бирини умримга йўл-  
дош қилишини йиллар бўйи сўрагандим Аллоҳдан.

— Мен ҳам... – Ясмин зерика бошлади. Гапга қў-  
шилиш учун пайт пойлади. Акасининг кўзларига  
тикилиб сўради:

— Дугонамни учратмасангиз, тоқ ўтармидингиз?

— Ёлғизликдан кутулиш учунгина уйланишни  
айтяпсанми? Жуда ғариб фикрлаш бу.

— Ака!

— Лаббай?

— Мен ҳам сиздек дуо қилишим керакми? —  
Ҳасрат кулиб юбормаслик учун лабларини тишла-  
ди. Ёсин гапини бўлган синглисига таъна аралаш  
қараб, қўшиб қўйди:

— Ҳа, албатта, шундай дуо қил.

\*\*\*

Ҳокимнинг ўғлига берган дабдабали тўйидан  
ер ларзага келди. Машшоқлар, ичкиликлар, давра  
ўйинлари... Ҳоким ўз шаънига яраша тўй қилди. У  
қалбидаги гинани имкон қадар Турсунга билдири-  
масликка ҳаракат қилди. Шунга ҳам, мана, икки

ҳафта бўлиб қолди. Турсун узоқ дўстлик орасига тушган совуқликни бироз илтиш учун йўл ах-тааркан, тўсатдан хаёлига бир фикр келиб, уни аёли билан бўлишиди:

- Мавиш!
- Лаббай?
- Раисни тўй билан табриклаб келмаймизми?
- Билмадим.
- Қани, тайёрлан, бориб келамиз.
- Майли-ку, лекин қуруққўл билан борамизми?
- Эҳ, сиз аёллар. Тўёна қилғанмиз-ку. Агар уялсанг, яна бирор совға олармиз.
- Шундай қилсак, яхши бўларди. – Ҳасратнинг ҳам бирга бориши мантиқсиз бўлганидан Мавиш қизига ўгирилиб: «Уйларни йиғишириб, эшикни қулфлаб ўтириб. Кўп қолиб кетмаймиз», — деди.
- Хўп бўлади, ойи.

\* \* \*

Ойнинг оппоқ шуълалари билан ҳузурбахш, ойдин, серюлдуз кеча бошланди. Турсун ҳокимга телефон қилиб, боришини билдирган бўлса-да, эшик қўнғироғини босаркан, хижолатини ҳануз енголмаганди. Ўзини энди бу уйга бегонадек ҳис қилди. Икки қаватли уйнинг боғ тарафдаги эшигидан ичкари киарканлар, қўриқчи итнинг ҳуриши меҳмонларнинг келганини қўнғироқдан аввал хабар берган эди. Эшикни Суат очди. Кўз кўзга тушар-тушмас ўтган гап-сўзларнинг ала-ми ёдга тушди. Бироз тараддуланиб: «Келинг, Турсун амаки», деб ясама илтифот берди овози-

га. Юзига зўраки баҳтиёрлик, лабларига ясама табассум югурди. Уларни ичкарига, меҳмонхонага таклиф қилди.

— Хуш келибсиз, — деди-ю, дадасига хабар берди:

— Дада, Турсун амаким... — Турсун Суатни қуҷоқлаб, бағрига босди. Қўлларини ўпаркан, эркалаб:

— Хайрли бўлсин, болам. Баҳтли-таҳтли бўлинглар, — деди.

— Раҳмат, Турсун амаки. — Мавиш ҳам:

— Баҳтингиз бутун бўлсин, болам, — деди.

— Раҳмат, Селма хола. Айтганингиз келсин. — Суат дадасининг оёқ товушларини эшитиши билан меҳмонлардан изн сўради:

— Мезбонлар келишяпти. Энди менга рухсат...

— Бемалол, ўғлим.

\* \* \*

Меҳмонлар олдиdan чиққан Суат даҳлизда бироз бориб-келди: нафсонияти қўзғади. Ортиқча ўйланмасдан, ён-верига ҳам қарамай, кўчага шошли. Хаёлини қасос ўти ёқарди. Машинасини ҳам уйда қолдириб, кўча томон пиёда кетганидан, манзили узоқ эмаслигини билса бўларди. Такси тўхтатиб, ҳайдовчига қараб: «Тўғрига...», деб ғудранди. Сигаретини ёқиб, атрофга олзарак тикилди. Манзилга яқинлашгач: «Тўхтат!» дея йўлкирани узатаркан, «Қайтими керакмас» деб, шошиб тушиб кетди. Сал нарига, соҳилнинг орқа томонидаги кўчага қараб юрди. Ҳам юрар, ҳам атро-

фини ваҳима билан кузатар, илгариларкан юрак уришларининг гулдуроси ўзига аниқ эшитиларди. Турсуннинг уйи ёнига келиб, қўркув ичидагрофни яна кузатди. Чироқлар ўчиқ, фақатгина бир хонадан ташқарига хира ёруғлик таралиб турарди. Севинди... Шайтонгагина хос жирканч табассум ўйнади совуқ чехрасида. Жуда хушёр қадам ташларди. Омади чопди: атроф одамлардан холи, кимсасиз. Уйнинг соҳилга қараган эшигига ўғридек яқинлашди. Ҳақиқатда у ўғри эди. Ўзига тўқ ўғри. Номус ўғриси. Эшик кўнғироғини босиб, кута бошлади. Бироздан сўнг овоз келди:

- Ким у?
- Мен Суатман. Даданг юборди.
- Дадам?
- Ҳа.
- Сени-я?
- Кўзойнагини уйда қолдирибди. Дадам билан бирга китоб ўқишмоқчи.
- Дадам кўзойнагининг бирини доим ёнида олиб юради. — Суатнинг умиди узилди. Каражт бўлиб қолди. Қанча уринмасин, эшик очилмасди. Навбатдаги ёлғонини ишга солди:
- Мен қаердан билай? Ишхонасида унутиб қолдирибди ёнидагисини. Гаплашиб туришганде ёнларида эдим. Керак бўлгани учун жўнатди.
- Ҳасрат аввалига ишонмай лабини бурди. Сўнг:
- Хўп, кутиб тур. Ҳозир олиб келаман, — деб эшикдан узоқлашди. — Суат эшик тагида атрофни ҳаяжон билан кузатиб турар, асабийлашганидан кўлларини тинимсиз бир-бирига ишқаларди. Атрофнинг кимсасизлигигина унга далда бўлар-

ди. Эшик қия очилиши билан қалби ҳаяжондан ёрилиб кетай деди. Ҳасрат күзойнак тутган қүлини ташқарига чиқарди. Барчаси шу бир онда рўй берди. Суат унинг билагидан маҳкам сиқиб, эшикни очди ва дод солмаслиги учун қизнинг оғзини жирканч қўллари билан тўсди...

\* \* \*

Кунлардир бир лаҳзалик эҳтиётсизликнинг чиркин хотирлари қуршовида яшайди. Шу бир лаҳза унинг покиза хаёлларига, умидларига ва жамики муқаддасотига ўт қўйди... Нозик жисми устига қулаган жирканч дунёнинг харобаларида эзилган юрагидаги ўй жисм-у жонига ўт қўярди. Бир ҳафта ўтди ҳамки, кўксини мушук панжаси каби аччиқ ва чуқур тирнаган ярани бировга кўрсатолмади, малҳам истолмади. Қалбida яшириб келаётган жароҳат кун сайин катталашар, ваҳший маҳлуққа айланиб, қозиқ тишлари орасида жонсарак жисмини ямлар, аммо ютмасди. Қийноқ ва азоб ичидаги қолган жонини талваса ичидаги кўриб, хандон отиб куларди.

Баъзида ёш қизалоққа айланиб, бу чандиқдан ота-онасига шикоят қилгиси келар, Мавиш малҳам қўйиб, ярасини боғлаганида йиғлаб, отаси бағрида эркаланишни истарди. Бор кучини тўплаб, ичини кемириб бораётган азобни айтишга қарор қиласди-ю, отасининг феълини эслаши билан яна фикридан қайтарди. Турсун номус ҳақида гап кетганда жони ҳам қўзига қўринмайдиган ориятли киши эди. Ҳасрат эса, онаси ва ўзининг бу дунёдаги яго-

на суюнчиғининг қўли ўзи сабаб қонга ботишини, кўзлари темир панжалар узра йўл қараб ўтишини истамас эди. Фақат шу хавотир сўз айтишга жуфтланган лабларни кишанлар, яна сўзсизликни ихтиёр қилиб, бошини эгиб қолаверарди. Юзи тушда қаттиқ қўрққан одамдек афтодаҳол, кун сайин сўниб, хазонлашиб борарди. Ота-онасининг:

— Ҳасрат, қизим, биздан ниманидир яширмаяпсанми? — деган саволларига:

— Йўқ, негадир кўнглим ғаш, — деб қисқа жавоб берарди.

Уларни хотиржам қилгач, хонасига кириб, қасос олишга ундовчи ғазаб шивирларига қулоқ берар, бутун ўй-хаёлини банд қилган, томирида заҳар каби кезиб, аммо жонини олмай совуқ ўшшайиб турган оғриққа ягона чора хун эканига ишонч ҳосил қиласарди. Бу ўйлар гирдобида кунни ҳам, тунни ҳам унуди. Бир вақт яшин ургандек сапчиб турди. Соатга қаради: 18:20. Аччиқ хўрсинди. Ўз хатосини ҳали ҳам кечира олмаган вужудининг ҳар бир ҳужайраси гуноҳидан инграради. Қандай қилиб ишонди бу ўйинга? Эшикни нега очди? Ўйлагани сайин ландавур ва жиноятчи каби ҳис қиласарди ўзини. Барчасини унудиш учун ухламоқчи бўлар, аммо кўзларини юмган заҳоти дунёга ўт қўйишга шай нигоҳлардан кўзёшлар ёмғири қуйиларди. Гайриоддий бир куч уни телефон ёнига етаклаб келди. Рақамлар қайд қилинган дафтардан ўзига керакли исмни топди-да, жаҳл ва ғазаб билан рақамларни тера бошлади. Нафрат ва надоматли оҳангда гап бошлади:

- Алло, Суатбейми?
- Ҳа, менман. — Ғазабини босишга уриниб, давом этди:
- Мен Ҳасратман. Ёнингда ким бор? — Суат гўшақдан келган овоздан энтикиб жавоб берди:
- Ёлғизман. Аҳволларинг қалай?
- Ҳаминқадар.
- Нега, нимадир бўлдими?
- Ўзингни гўлликка солма.
- Ҳеч кимга айтмадингми?
- Йўқ. Фишт қолипдан кўчди. Ҳозирча кимгайдир айтишни лозим кўрмадим.
- Қайси шамоллар эсиб, мени йўқлатди?
- Гаплашиб олишимиз керак.
- Дўкондаман, bemalol келавер. Кўзларим тўрт бўлиб кутаман-ку.
- Дўкон бўлмайди. Бошқа, холироқ жойда учрашишимиз керак.
- Кун ботай деб қолди. Ҳамма дўконини ёпиб кетди. Мен ҳам шунинг ҳаракатидаман. Нимадир сотиб олмоқчи бўлган харидордек келавер. Қолаверса, иккимиз бегона эмасмиз.
- Вақтим – зик. Дадам хуфтон намозини ўқиб, масжиддан қайтади, онам қўшниникига чиққанди.
- Бундай қулай вақт бошқа бўлмайди, келавер.
- Унда кетмай тур, боряпман.
- Нега кетарканман, дийдорингга муштоқман-ку!

Шомнинг азони ўқилди. Ҳасрат намозини адоқилиб, сумкасини шошиб қўлига олганча ўзини кўчага отди. Кўзларига мил тортилган кўрни хотирлатувчи уйлар бир текис солинган кўчалар

жимжит, бақаларнинг қуриллаши-ю, чигиртка-  
ларнинг чириллашидан тортиб, япроқларнинг со-  
кин шивиригача аниқ эшитилар, уларнинг заиф  
шовқини атрофни тутганди.

Бир худобехабарнинг ўлжасига айланган. Туш-  
дан-да кўрқинчли ҳаётни елкасида кўтариб, йўлак-  
лар четидан оҳиста одимлаб борарди. Топталган  
умид дунёси чок-чокидан сўқилиб борар, тобора қу-  
юқлашиб бораётган тун зулматидек кўрқинчли ва  
зимистон эди нигоҳлари. Қадам товушларини ўзи  
ҳам эшитмас, руҳи бу дунёдан бутунлай узилганди.  
Келажакка бир из, бир сўз, бир нидо қолдиришни  
истарди ўзидан. Умр дафтарига ўзидан, бу ҳолидан  
ишора қилувчи нимадир ёзиб қолдиришни ўйлар-  
ди. «Хўш, мени домига илинтирган бу тузоқни қай-  
си сўзлар билан тасвирлаган бўлардим?» дея ўзини  
сўроққа тутиб борарди. Аслида ғазаб ва нафрати-  
дан яшаш учун, режасини амалга ошириш учун куч  
топиш илинжида эди. Одимлагани сайин вужудини  
босган қалтироқдан мажолсизланиб, орқада қолаёт-  
ган қадамларига куч бағишлиши учун ҳам ўз-ўзига  
ҳайқиради. Юриб бораркан, кўркувни енгиш учун  
қалбини яна сўроққа тутарди: «Нима ёзардим? Нима  
ёзиб қолдирган бўлардим?» Ақлига келган сўзлар-  
ни оёқлари остида эзғилар, умрининг охиригача  
ҳеч кимга, ҳатто кундалигининг саҳифаларига ҳам  
сўзламасликка, қалбининг туб-тубидан қабр қазиб,  
ўша ерга кўмишга қарор қиласарди бу қора кунларни.  
Хаёлларида ўзига, ақлсизлик билан қилган ишига  
маломат тошларини отарди. Алам ва оғриқ билан  
қичқиради гуноҳкор ақлига. Сўзлаётгани ўзи, пу-  
шаймон қилаётгани ўзининг қилмиши эди. Боти-

нида ўз-ўзи билан курашаркан, ўйларди буларни. Тиним билмай ҳайқиради. Сўзлари асирига айланган юраги хаёллар ичидаги ўз-ўзини тафтиш қилиб, шаънини топтаган бу жирканчликнинг қасос режасини хаёл қилиб, Ўрта денгизнинг қирғоғи бўйлаб шарпасиз кетиб борарди. Йиғлайвериб, ёши куриган кўзлари сўнган умидлари билан бу дунёдан ўзга бир маконларни изларди.

Декабрьнинг совуқ оқшомида қирғоқ бўйлаб кетиб бораётган қизнинг ҳаракатларидан аввали нафосат юлқилаб олинган, энди у секин эмас, аксинча, шахдам қадам ташлаб кетиб борарди. Реза-реза тер қоплаган юзларидан ифрат пардасини юлиб, яна уни бу қадар маломат қилган нарса нима эди? Қалбида илк бор куртак ёзган покиза муҳаббат ниҳолларини топтаб, ҳаётдан совутгандар ким эди? Энди унинг беғубор ва маъсум кўзларида, умидсизликдан тобора сўниб бораётган юзларida, киприкларида тоғлар тоқат қилолмас даражада оғир қаҳр-ғазаб хукмронлик қиласарди. Шу сабаб бугун у аввали Ҳасратга сира ўхшамасди. Туйғулари, қалби тобора тош қотиб борарди. Бир номаҳрамнинг ифлос қўллари теккан покиза жисми оёқларига оғирлик қиласарди. Бу юк тобора қаддини букарди навниҳол қизнинг. Тубсиз жарликка улоқтиришни истарди вужудини... Бу маъсума ҳали ўй етмаган, қўл тегмаган орзулари ичра яшаркан, бир бетайиннинг ювуқсиз қўли умид иплярини чилпарчин қилганди. Ҳозир ўша орзу боғларини пайҳон қилган ғанимнинг кўчасида... Энди зумрад кўзлар аввалидек ерга қадалмас, балки ўзини шу кўйга солган ит олдида мағрур туришга

тайёргарлик кўрарди. Ҳатто ғойибдан қулоқлари-га урилган овозлар ҳам ундан таъна қилишарди:

— Табассум қилишни ҳам унутибсан...

— Ахир биз сенга айтмаганмидик тузоқлар ва уларнинг бадали оғир бўлишини? Инсонларни нафс хароб қилишини? Шаҳватига, нафс-у ҳавосига қул кимсаларнинг ёвуз нигоҳидан ўзингни ҳимоя қилишинг кераклигини айтмаганмидик? Бундай манфур кимсалар, ҳатто оний истаклари учун ҳам дунёга ўт қўйишга тайёр туришларидан сени огоҳлантирганмидик? Биз ҳам сенга ўхшаб одамлардан буни кутмагандик. Ахир булар инсониятга ярашадиган ишми?..

— Ҳақсизликка учраган биргина сен эмассан. Ҳалол яшамоқни истаган кимки бор, барчаси хиёнатлар қурбонига айланган... Мазлумларнинг ягона тасаллиси Роббиси бўлди, кўзёшлари бўлди. Ҳар ишда ҳикмат бор, ранжима! Сенинг Роббинг сени тарк этмайди. Аммо тадбирини қилишинг керак эди. Ахир тузоқقا тушган жайроннинг хатосини тузатиб бўладими? Ваҳший йиртқичнинг бақувват панжалари орасида жон талvasасида ўртанаётган мажолсиз типирчилашлари инсонга сабоқ бўлмайдими? Баъзи хатоларни умуман тузатиб бўлмаслигини англаб яшашинг керак эди.

— Барчасини Роббингга, Унинг қадарига топшир. Баъзан қалбингда эсган қаттиқ шамол кўрқинчли ҳуштак чалиб, васваса қамчиси билан кўнглинг ойналарини савалай бошлайди. Баъзан жим қабул қиласан сукунат зарбасини. Агар сени ўзингга боғлиқ бўлмаган бу ишда маломат қилсалар ҳам, чида. Сукут сақла. Кўзёшларингга тўк

қалб оғриқларингни. Жонингни олиш учун дор қурсалар ҳам, сен Аллоҳга таваккал қиласвер. Сен Унинг буюрганидек яшайвер, албатта, ғолиблардан бўласан. Ўзингни тақдирни ёзган Аллоҳнинг қўлига топшир. Сенга отилган таъна тошларига, маломат ўқларига, ғазабли нигоҳлар тўлқининг эътибор берма. Вулқон бағридаги аланга ўтига дош беролмай ўз қопқоғини ўзи очади. Ва шунчаки кулга айланади. Шунинг учун сен ёнма!

Қалбида мавжланган денгизнинг пўртanasига оловли қўллари билан банд қўйди. Фақатгина қоқи-либ кетмаслик учун ён-атрофига назар солган кўзлари манзилга етганини сезиб, катта-катта очилди. Соҳилга қараган дўконларнинг чироқлари ўчирилганини кўриб, Суатнинг гапи ростлигига ишонди ва атрофни кўздан кечира бошлади. У дўкони олдида Ҳасратни кутиб турарди. Уни кўриши билан Ҳасратнинг қалбидаги қасос ўти қайтадан аланга ола бошлади. Суат Ҳасратни кўрар-кўрмас қўли билан ишора қилди-да, ичкарига кириб кетди. Раста орқасидаги курсига ўтириб, Ҳасратнинг келишини сабрсизлик билан кута бошлади. Ҳасрат атрофни яна бир кўздан кечириб, ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, кўркув ичида дўкон эшигини секин ва зич ёпиб, ичкарига қадам қўйди. Вужудини эгаллаган кўркув ҳиссидан тер куйилиб келар, сўнгги кучлари билан оёқда тик турарди. Шу бир ҳафтадан буён яшаб келаётган кўрқинч тушларининг сабабчиси раста орқасидан унга совуқ тиржайиб турарди. Унга қарапкан, лаблари қуруқшади. Оппоқ қўлқопли қўлларини елкасида осиғлиқ

турган сумкасига солиб, пайпаслаб, тўппонча теп-  
кисини топди. Кўзлари билан бу маҳлуққа лаънат  
ўқиркан, Суат тўсатдан қизнинг ҳаракатларидан  
шубҳаланиб, типирчилай бошлади. Чақчайган кўз-  
лари кўркувдан яна ҳам чақчайиб, «Ҳасрат!» дея  
бор овози билан қичқирди. Тўппончанинг ўзига  
қаратилганини кўриб, нафаси сиқилди. Бўғиқ то-  
вушда узук-юлуқ гапира бошлади:

— Ҳасрат, нима қилмоқчисан?

— Ҳамма нарсанинг бадали бор, билмасми-  
динг? Аслида сенинг бу иркит тананг у покиза ба-  
дални тўлай олмайди! Аммо шундан бошқа нар-  
санг ҳам йўқ.

— Ҳасрат! Ўйлаб иш қил, нима қилмоқчисан?  
Хоҳласанг, хотиним билан ажрашиб, сенга уйла-  
наман...

Суатнинг гаплари бўғзида қолди. Ҳасрат уни  
эшитиб ҳам ўтирмаёт, кетма-кет уч марта ўқузди.  
Ярадор Суат пештахта орқасида узала тушиб қол-  
ди. Ғазаб ва нафратдан кўзлари оловланган Ҳасрат  
бутун адоват-у нафратини тилига кўчириди:

— Ҳаром қотмаганингни биламан. Сен каби  
тўнғизларни ўлдиришга оддий тўппончанинг кучи  
етмайди. Аслида йиртқич ҳайвонларни овлайди-  
ган қўштиғ олиб келишим керак эди. Тилагим: жо-  
нинг узилган бўлсин! Аммо бундай бўлмаса, билиб  
кўйки, иккимиз учрашмадик. Ҳеч бўлмаса, шу са-  
фар мард бўларсан...

\*\*\*

Қўлида тўппонча билан эшикка яқинлашиб, уни яна аввалгидек оҳиста ва маҳкам ёпиб, кўчага назар солди. Уни одамлардан холи кўргач, келган йўлига равона бўлди. Хуфтон намозининг азони янграй бошлади. Хайриятки, ота-онаси уйга қайтмаган экан. Ҳалигача босилмаган ҳаяжони билан тўппончани жойига қўйиб, хонасига чиқиб кетди.

\*\*\*

Декабрь. Қиши бўлишига қарамай, қуёш эрталабдан аёвсиз нур сочаркан, шаҳарча бўйлаб ёйилган хабар ҳаммани ҳайратга солди. Турсун бомдод намозини масжидда жамоат билан адо қилиб қайтаркан, эшигтан хабаридан ўзини қўярга жой тополмай, хона бўйлаб бетўхтов юраётган Мавиш уни қўрқув ва хавотир ичида қарши олди. Ҳасратнинг хонасида ҳам чироқ ёниқ. Турсун индамай камзулини ечиб, Мавишнинг қўлига тутиб, меҳмонхонага ўтди. Отасининг келганини билган Ҳасрат вазият қандайлигини билиш учун хонасидан тушиб келди. Она ва қиз биргаликда Турсуннинг ёнига, меҳмонхонага киришди. Эрта-саҳардан оч қоринга тамакисини тутатиб бошлаган эрини Мавиш беозор койиди:

— Тинчликми? Эрталабдан жонингизга бунча жабр қилмасангиз?

— Сиқилдим, кўнглим оғриди. — Ҳасрат отасининг рўпарасига ўтирди:

- 
- Ухламадингизми?
  - Йўқ, қизим. Ухлай олмадим. Қўлингдан бир чой ичсак-чи а?
  - Хўп бўлади, дадажон. – Турсун ниҳоят тилга кириб, келганидан буён оғзини пойлаб ўтирган аёли кутган мавзудан гап очди:
  - Мавиш, атрофимиизда нималар бўлаётганидан бехабар яшаяпмиз.
  - Тинчликми, нима бўлди?
  - Кеча оқшом уйимиз яқинидан бир ярадор топилибди.
  - Тавба қилдим. Ким экан у?
  - Ҳокимнинг ўғли Суатни отиб кетишибди.
  - Ўлибдими?
  - Аллоҳга шукр, ҳозирча тирик. Кўп қон йўқотган. Жонини зўрға сақлаб қолишибди. Ҳозир жонлантириш бўлимида. Ҳаёти хавф остида.
  - Тавба, ким журъат қилибди ҳокимнинг ўғлига қасд қилишга?
  - Билмадим.
  - Суатнинг ўзи айтмадими?
  - Ҳушига келганида отаси бошлиқ маҳкамадагилар сўроқقا тутишди. Дўконга бостириб киргани уч-тўртта бегона кишилар эди, деди.
  - Бекордан-бекор бундай қилишмагандир?
  - Ким билади дейсан, Мавиш. – Отасининг Суатга куйинишидан Ҳасратнинг жаҳли чиқди. Тишини тишига қўйиб, ғазабини жиловлагач, отасига юзланди:
  - Жони тошдан экан-да, ҳокимнинг арзандасини. Ўлмаганини қаранг. – Қизидан бундай гап эшифтган Турсун сесканиб кетди:

— Тирик қолишга-ку, тирик қолибди-ю, аммо чап елкасидан чуқур жароҳатланган. Докторлар: «Бундан бу ёғига қўлини ишлатолмайди, шол бўлиб қолади», дейишиди.

— Қаттиқ хафа бўлган кўринасиз?

— Хафа бўлмай бўладими, ахир? Улар бизнинг дўстимиз-ку, қизим. Қолаверса, Суат ўз ўғлимдек бўлиб қолган. – Дадасининг бу гапларидан сўнг охирги илинжини ҳам йўқотган Ҳасрат қалбидаги ғамини ошкор қилмаслик энг тўғри йўл эканига қарор қилди. Чой қўйиш баҳонасида меҳмонхонадан узоқлашди. Қайғу исканжасида қолган юзларида денгиз тўфонида бисотидаги ягона йиртиқ тўридан ҳам айрилган камбағал балиқчи қалбининг ҳасрати акс этар, кўзларида қалқиб турган ҳалқа-ҳалқа ёшлар боққан ҳар юракка изтироб соларди. Яширишга урингани сайин юзкўзларида балқиб чиқаётган бу дардлар уни ичичидан емиради. Не-не орзу-ниятда ҳадя қилинган узук ва зиракларини ечиб, стол устида турган билагузук ёнига қўйди. Улар энди Ҳасратга бегона. Ҳудди музейда кўргазмага қўйилган ёдгорликлар каби. Зина бўйлаб юқорилаган онасининг овози юрагига ханжар қадади:

— Ҳасрат! – Хонумонига ўт қўйган бу дунёning адолатсизлигидан шундоқ ҳам ҳаво етишмай, торайган қўксидаги бир алам онасининг аллаловчи овозини эшитгач, олти бўлди. Кўзёшларини артиб, ўрнидан қимирлолмай ўтираверди. Сўнгсиз изтироб ичидаги жизғанак вужуди онасининг иккинчи хитобидан кейин ҳам жойидан жилмади. Эшик

очилиши билан чўчиб тушиб, ўзини қўлга олди. Қизининг йиғидан қизарган кўзларига боққан Мавишнинг юрагига ваҳима оралади. Нимадир бўлганини оналик кўнгли билан сезган бўлса-да, буни қизларнинг тўй олди эркаликларига йўйиб, уни эркалай бошлади:

— Бу нима ўтириш, қизим? – Ҳасрат аввалига аччиқ хўрсиниб, ўзини қўлга олишга тириши. Бойўғли харобасига ўхшаган нурсиз дунёнинг нозик жисмига қадаган заҳарли иғналари зумрад кўзларидан маржон-маржон ёш оқизар, шу томчилар тили билан қалбида пинҳон сақлаётган, борган сайин кўксидаги чукур илдиз отиб бораётган дардини англашларини кутарди. Бошини секингина кўтариб, онасига жавоб қайтарди:

— Лаббай, ойижон?

— Сенга нима бўляпти, қизим? Айтсанг-чи ахир?

— Айтарли ҳеч гап йўқ. Кўнглим тўлиб кетди негадир. – Мавиш аввалгидан-да меҳрибонроқ овозда эркалаб қўйди қизини:

— Бу ҳолингни кўрган ҳар одам сени келин бўлаётган энг биринчи қиз деб ўйлайди. Биласанми, қизим, бўйи етган қиз борки, ўзини ота уйида ортиқчадек ҳис қиласди. Аммо биз сени яхши кўрамиз. Ўзинг хоҳлаганинг, рози бўлганинг учун биз ҳам кўнглингга қарадик, қизим. – Ҳасратнинг лаблари пирпираб, юзини аччиқ табассум қоплади. Ёшли кўзлари ўзини баҳтдан масрур кўрсатишни бу сафар ҳам уddyалай олди.

— Ойи-ии...

— Тезроқ туш, қизим. Сени кутиб ўтиришибди. Очик чеҳра билан салом бергин.

— Ойижон...

— Лаббай, қизим?

— Тушмай қўяқолай... Негадир беҳузурман. Узримни етказиб қўйинг. Билмадим, ўзимни қўлга ололмаяпман. Қаттиқ қўрқяпман, ойижон... — Мавишнинг оёқ-қўлидан мадор қочди. Аммо яна оналик меҳри, оналик кўнгли устун келди. Секин гап бошлади:

— Майли-ку, қизим, аммо тўй кунини қизлардан сўраш урфимиизда бор. Буни ўзинг ҳам яхши биласан. — Ҳасрат уятдан дув қизарди. Киприклиари бирлашар-бирлашмас, юзи яна кўзёшлари ёмғири остида ювила бошлади. Бақириб юбормасликдан ўзини зўрга тийиб, юзини қўллари билан тўсди. Оналик юраги қизнинг жонига ора кирди:

— Хўп, қизим, йиғлама. Майли, уларнинг ёнига тушишдан уялсанг, бирор кунни айт. Ўзим етказиб қўяман. — Ҳасратнинг овози ингроққа айланди:

— Эртага Ясмин келсин. — Ҳеч нарсага тушуна олмаган она лабларини бурди:

— Хўп. Тушунтиришга ҳаракат қилай-чи. — Елкасини босиб турган оғир тоғ қулаб, алам ва севинч teng қоришган юздан қора булат бироз бўлса-да нари кетди. Эркин нафас олиб, секингина қўшиб қўйди:

— Борингизга шукр, ойижон. — Бўлажак келининг чиқмагани меҳмонларнинг бошларидан муздек сув қуйиб юборгандек бўлди. Ўзларини Мавишнинг гапига ишонгандек тутишга уринсалар ҳам, хонада совуқ шамол эсиб бўлганди. Қизнинг бу иши Турсуннинг жазавасини қўзитди. Томирида қайнаган қонининг ҳовурини босолмай, аёлига жаҳл билан қўз ташлади. Мавиш ўтинчли

нигоҳлари билан уни оғирроқ бўлишга ундар, шу билан бирга вазиятни ҳам юмшатишга тиришарди. Дорга тортилганди бўйқизнинг навқирон кўнгли. Орадан ўтган бу кунлар дардини унуттириш ўрнига янгилар, ўзи билан аёвсиз жанг қиласади.

Тун сукунати чўкди. Ташқарида енгил шамол эсар, денгиз сувларининг сокин мусиқаси қулоққа чалинади. Оҳиста юриб келиб, балконга чиқди. Чексизликка қадар чўзилган уфқларни томоша қилди. Юрагидаги дард соя соган сўлғин юzlари умидсизлик дарчасидан денгизни, унинг бўрондан кеийин узала тушиб, сокин оқадиган тўлқинларини кузатаркан, бутун жисмини мадор тарк этар, яшаш учун куч топа олмасди. Бутун вужудининг ҳаракатини бузган қўрқинчли тушлар эгаллаганди бутун фикр-у хаёlinи. Бу қарорни қабул қилиш, бу ҳаётда яшаб қолиш осон эмасди. Шарпа каби сассиз ҳаракатланар, шуури қандайдир муҳим ўйлар билан банд эди. Нима қилиши ўйлаб олгач, балкон эшигини секингина ёпиб, дераза олдида турган ёзув столидан қоғоз-қалам олди. Стулга омонатгина чўккаларкан, йиқилиб кетмаслик учун тирсагини столга тираб, бошини қўллари орасига олиб, фикрларини жамлашга уринди. Нима ёзишга чоғлангани ҳақида ўйларкан эти жунжикди. Ёсинга видо мактубини битиши керак эди. Ўзига бўйсунмаётган титроқ бармоқларини жиловлаб, юрагидаги энг инжа туйғуларни қалбининг ilk ва сўнгги соҳибига тўкиб-сола бошлади:

*«Муҳаббатимиз мусаффо осмон кўксидан фақат биз учун тухфа этиб ёғдирилган оби раҳмат эди...»*

деб бошлаган номасини икки мисра шеър билан давом эттириди:

*Сен ишқингни булатга ёздинг,  
Ёмғир бўлиб йиғлаб ўтдим мен.*

Ҳали кимса бўйламаган юрагимга ўз муҳаббатингиз билан СИЗ кириб келдингиз. Йўл билмас, тил билмас ҳисларим ирмоғини қалбингиз дарёсига томон бурдингиз. Бирлашиб уммон каби тошган бу туйғулар шарорасидан мастона кездик. Бугунги «юрак»лар қўкка совураётган садоқатга ташналигингиз билан, вафога тўлалигингиз билан асир этдингиз мени. Барчасидан қўп қўзларингизда чарақлаган энг қимматли бу туйғу мубтало этди мени ўзига. Сиз мени ИШҚ билан енгдингиз. То сўнгги нафасим қадар юрагимда тараладиган оҳанглар бастакорисиз СИЗ! СИЗдан ўзгасига қалбимда жой йўқ. Сиздан ўзга машшоқ созига эҳтиёжим йўқ. Фақат СИЗ борсиз, танҳо СИЗ! Аммо, Ёсин, биласизми, бу уммон шу ерда яна иккига ажралиши керак. Ҳар бири яна аввалгидек ўз йўли томон оқиши керак. Лекин сабабини сўраманг, ўтинаман...

Дунёнинг асл юзи – шу. Субутсиз, худбин, ёвуз, ҳатто жирканч, уятсиз, қўпол одамлардан иборат бу дунёдан қўз юммас эканман, юрагим қайта уйғонолмайди, қайта кўйлай олмайди. СИЗдан ўзгасига қўнгил эшикларим тоабад ёпиқ. Менга ишонинг... Алвидо... Руҳимга ҳаёт баҳш этган ҳикоя шу ерда интиҳо топади... Кўнглимиз билан ҳисоблашмай тугайди.

*Мен тубанлик ботқоғига ботган, башарият шаънидан узоқ инсонлар орасида бой бердим боримни. Шайтон малайлари тилка-пора қилган юрак қоним билан СИЗга ёднома тақдим этмоқдаман...*

*СИЗнинг пок ҳисларингизнинг қотили бўлганим учун афв этинг мени... Ўзга чорам йўқ. Буни зинҳор ўзингизга ҳақорат деб билманг! Аллоҳ гувоҳ, СИЗ – ягона муҳаббатимсиз! Аммо тақдир тўқмоғи остида қолган озурда кўнглим СИЗга ноҳақлик қилолмас...*

*Ҳаёт чархпалаги бизнинг истакларимиз билан ҳисоблашмайди. Бизни баҳтиёр этувчи ҳисларнинг ҳисобини қилмайди. Уларни биздан юлқилаб олиб, ялдо тунининг зимиstonига топширади. Ҳаётимиз яна кутилмаган дақиқаларда маъносиз бўлиб қолаверади. Бироқ қанча сабр қилмай, тафаккур қилмай бу даҳшатли тушлар оламидан чиқиб кетолмаятман. Ишқига ўз қўли билан беихтиёр нуқта қўйган ожиз қотилман мен. Гуноҳимдан ўтинг... СИЗга айтган кўнгил розимни ўзгаси билмасин. Хайрлашишга журъат этиб ёзган бу мактубимни қалбингизда омонат сақланг. Шу онга қадар мени юрагингизда қандай асраган бўлсангиз, бу сатрларни ҳам шундай асранг. Аммо бу қарорим сабабини қаттиқ туриб талаб қилсангиз, билингки, суюнч тоғимни ўз қўлингиз билан қулатган бўласиз.*

*СИЗ қучлисиз! Унутасиз, унута оласиз! СИЗнинг беғубор кўнглингиз мени маломат қилмайди... Хайр СИЗга кўнгил кўшкига мени малика сайлаган азиз инсоним... Ўзимдан ўзгаси билан уришини истамаган юрагингиздан ҳайдаб солинг мени то Қиёмат қадар. Аммо унумтмангки, жаннатда сизни Роббим-*

дан сўраб оламан. Фақат меники бўлишини истаган қалбингизни ҳурлардан ҳам қизғанаман, ҳа, ғилмонлардан ҳам рашк қиласман. Мен дунёсидан қўл ювдим, Ҳисоб қунин кутгайман муштоқ. Токи унда меҳрибон Тангрим қайтиб берсин менга дилингизни. Лекин бу дунёда СИЗ каби покдомон инсонга лойиқ эмасман...

Айтмоқ истаганим кўп эди. Кўксингизга бош қўйиб, барчасидан СИЗга арз қилмоқ... СИЗнинг тафтингизда бу дунёning изғиринидан исинмоқни қанчалар истайман-а-а-а... Лекин ҳаққим йўқ! Вакт — олий ҳакам. Унинг ихтиёрига топширдим бу ҳаётим жумбоқларини. Мен ёруғ қунларни кутиб яшайман, СИЗнинг кўзингизга кулиб қарамоққа имкон берадиган мунааввар кунни!

Қалбини кемирган оғриқни кўксига босганча, жим, мулзам қолувчи Ҳасратдан СИЗ азиз инсонига...

### Алвидо! Ҳасрат

Бу дунёга бегоналашиб, унинг измидан чиқиб қолганди гўё. Тун нима, кун нима, фарқига бормас, уйқусизлик ҳорғинлиги чўккан зумрад кўзларини зўрға очиб, дераза оша осмонни кузата бошлади. Тун зулматини қувиб, оламга ёруғлик улашиб келаётган субҳи содиқ янги туғилаётган тонгнинг суюнчисини ундан истарди гўё. Билинар-билинмас нафас олаётган бу жисмни, узоқларга ҳаракатсиз тикилиб, ора-сира киприк қоқиб кўяётган кўзларни кўрган кишики бор, ҳайкал гумон қиласди.

Эрталаб Ясмин келиши билан эшитилган хабар барчани эсанкиратиб қўйди. Турсун аввали-

га қулоқларига ишонмади, Мавишнинг ҳоли ўзи-  
га маълум. Ҳар қанча дакки берилмасин, Ҳасрат  
фикаридан қайтмасди. Ота-она якка-ю ёлғиз қиз-  
ларини кўнглига қараб ўстиришган. Шу пайтга-  
ча меҳр-муҳаббатга нолойиқ жавоб бермаган бу  
қиз бугун «Хоҳламайман, тамом-вассалом» сўзи-  
дан бошқани билмасди.

— Қизим, эшиитган қулоқ нима дейди? Ахир биз  
сени мажбурламадик-ку, ўзинг хоҳладинг. Энди бу  
ишинг нимаси? — Отасининг кўзларига болалар-  
ча беғубор ва илтижоли кўзлари билан боқарди:

— Дадажон, ўзинг хоҳлагансан, деб менга озор  
берманг. Ахир мен ҳам оддий одамман — адашаман.

— Жон қизим, никоҳ ҳақида гап кетяпти, ту-  
шунсанг-чи. У ўйинчоқмас-ку, ўйнаб-ўйнаб, зе-  
рикканингда ташлаб кетадиган бўлсанг.

— Шу гал шундай қилақолайлик, дадажон...

— Ёки биз билмайдиган бошқа бирор гап бор-  
ми? Яширма! — Ҳасрат қатъий жавоб берди:

— Йўқ, дадажон! Асло ундей эмас!

— Ақл бовар қилмайдиган гап-да бу, қизим.  
Унга гард юқтириши ҳам истамайсан. Аммо рад  
этасан. Рости, мен бу ишингда бирор мантиқ кўр-  
маяпман.

— Бу ишим унга қилган адолатсизлигим бўлар.  
Аммо ўзга чорам ҳам йўқ.

Турсун ва ниҳоят гап-сўз бефойда эканини ту-  
шунди ва сўнгги сўзларини қўшиб қўйди:

— Модомики, шуни хоҳлар экансан, шундай  
бўлақолсин. — Она ота ва қизнинг суҳбатини безов-  
таланиб тингларкан, титроқ бир товушда гапга  
аралашди:

## **Аҳмад Гунбай Йилдиз**

---

— Ҳасрат, сен Ясминнинг уйдан чиқиб кетаётган ҳолатини кўз олдингга келтирсанг эди, балки ақлингни ишлатиб, кейин қарор қабул қилган бўлардинг.

— Мавиш...

— Уларнинг ўрнига ўзингни қўйиб кўргин, қизим. Ясмин олиб борган бу қора хабар уйларига тобут каби киради. Зотан, фақат сен сабабини айтмасдан, шунчаки рад қиляпсан... – Бу хабар Ёсинлар оиласини ҳушдан айирди. Улар Ҳасрат ё ақлини йўқотди, ё орада бошқа бир гап ўтди, деган қарорга келишди. Барчани бирдек ранжитган бу хабарнинг энг оғир юки Ёсиннинг елкасига тушган эди. Бу хабар унинг тоғдек елкаларини эзib қўйганди. Қулоқларига ишонмади. Уятchan нигоҳлар, покиза туйғулар, бир-бирини тўлдирган қалблар... Синглиси тутган хатни оларкан, хонасига қамалиб, такрор-такрор ўқиди. Ортиқ уни эсламаслиги, безовта қилмаслиги илтимос қилинганди мактубда. Бир тўртлик келди йигитнинг ёдига. Қуриб, қовжираб қолган ожиз лаблари билан уни такрорлади. Конверт устига «Ҳасрат» деб ёзиб, унутишдан қўрққандек қизнинг уй манзилини ҳам исм ёнига қайд қилиб қўйди.





## Иккинчи бўлим

Ойлар сув каби оқиб ўтди. Ошкор қилинмаган сирнинг исканжасида асир тушган қўнгил ҳаётдан умидини узиб бўлганди. Умидлари қадар сўниқ юзи кулги нималигини унуглан. Жисмини бир лаҳза бўлсин тарк этмаган титроқлар оғушида кун кўрар, овчилар қуршовида қолган беозор оҳу каби бетоқат, ҳар лаҳзада узилиб, жонидан айиргувчи ўқнинг юрагига қадалиши билан ҳаллослаб етиб келувчи ажалини кутиб яшаётгандек эди. Сукутни энг яхши ечим деб билар, гапирмас, ўзини тафтиш қилиш, ўзлигини сўроққа тутишдан-да қўрқарди. Юрагидаги буҳронлар ҳамон тинмаган бўлса-да, аммо атрофидағи одамларнинг гап-сўzlари аввалгидан камайган, кўча-кўйда ундан бошқа мавзулар ҳақида сўзлай бошлишганди. Қишининг декабрь, январъ ва февраль ойларини лимон, мандарин дараҳтлари билан ҳамсуҳбат бўлиб ўтказди. Уларга қалбини тўкиб-солди. Табиат баҳорий янгиланишга ҳозирлик кўрар, ҳаволар илий бошлаган, ҳувиллаб қолган шаҳарча яна издиҳом ичидаганди. Сайёҳлик мавсуми бошланди. Шаҳарча кўчаларини узоқ-яқин ўлкалардан келувчи меҳмонлар тўлдирган, тубжой аҳолиси эса, одатларига кўра Торос тоғларига кўчиб кетишган эди.

Орадан ўтган шу тўққиз ойлик муддат Ҳасратнинг умридаги энг аянчли кунлар бўлди. Ҳаётидаги синовлар чўққисига чиққан муддат бўлгандир, балки. Ҳаёти ўз измига тушган. Дадаси ҳар доимгидек нонушта қилиб, ишга кетди. У эса, бетобман, деб нонуштага тушмади. Эрталабдан танасини тутган майда-майда санчиқлар тобора қаттиқ оғриқ бериб, бехузур қиласарди вужудини. Юзидаги тириклик нашъаси сўниб, ўрнини яна қуюқ ва қора тушлар изтироби эгаллаган эди. Дам олишни баҳона қилиб, хонасига чиқиб кетди. Онасининг овозидан уйғониб, хушига келди: «Бироз тобим йўқ, онажон. Ўзингиз нонушта қилаверинг, мен кейинроқ ейман».

Қизидан хабар олиш учун эшикни очган Мавиш остоноада тош қотиб қолди. Унинг ётоғига яқинлашаркан, кўзларига ишонмади. Ҳасрат худди безгак тутган одамдек қалтирас, йирик-йирик тер кўпчиб чиққанди юзларига. Нафас олишга қийналар, дод демаслик учун тишини тишига босиб сабр қиласарди. Охирги ўтган тўққиз ойни кўз олдига келтириб, ўзини қўлга олишга тиришади. Алам ва изтиробдан эрта тушган ажиннинг чуқур чизиқлари юзини янада аянчли тусга соларди.

Кенг кўйлаклар кийиб, ҳомиладорлигини яшириб юрди. Юрагим ғаш деб, вужудидаги оғриқларни сездирмасликни уддалади. Болани туширишга бир неча бор қасд қилди, аммо бир тирик жоннинг умрига зомин бўлишга йўл қўймаган виждон азоби борган сари улғайиб, жарликларга отди ўзини. Минг мashaққат билан уни жисмида кўтариб юрди. Ҳар гал ўз жонига ёки болага қасд қилишни хаёл қиласаркан, аввало унинг бегуноҳ эканини, унинг ҳам

яшашга ҳаққи борлигини, ўз қўллари билан ўзини қотилга айлантиrolmasligini ўйлаб, фикридан қайтарди. Ҳақсизликларга тоқати етмаганда «Тақдирда бор экан» деб, ўзини тинчлантиради. Фақат шу билангина барча машаққатларга сабр қилиб келарди. Фақатгина шу мурғак вужуд сабаб барчасига кўнди, барчасига чидади.

Эрини ишга жўнатиб, уйни тартибга келтирган Мавиш ҳали йиғилмаган нонушта дастурхонини кўриб, бирга нонушта қилиш учун Ҳасратнинг ёнига чиқди. Мавиш терга ботган қизига разм соларкан ҳайрати ошди. Кўзлари йўргагига сиғмай дод солган гўдак каби хонасидан чиқиб кетгудек каттарди. Қизи ётган ўрнида тўлғонар, юзларидан шаррос тер қуилиб, кийимлари жиққа ҳўл бўлганди. Мавиш қўрққанидан қичқириб юборди: «Ҳасрат!» – Ҳасрат онасининг қўрқинчга тўла ҳайқириғидан кўзларини очди. Нафас олишга қийналиб, меҳр-шафқатга ташна ҳолда зўрға: «Ойижон...» дея олди холос.

— Мени кечиринг, мен ёмонман, ойижон! — Қизининг иситма аралаш айтиётган сўзларини эшитмаганга олиб, уни маҳкам бағрига босди. Сочларини силади:

— Бу нима деганинг, қизим. Мен сени яхши кўраман. – Ҳасрат онасининг қўлларини куч билан силтаб юборди.

— Кетинг деяпман! Мени ўз ҳолимга қўйинг! – Саросимага тушган Мавиш ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима бўляпти сенга?

— Бирорта ҳамшира чақиринг. Фақат тез...

— Шошма, аввал дадангга хабар қилай... – Ғазабини бир четга суриб, ёлвора бошлади:

— Зинҳор бундай қиласа манг. Ҳамшира кепрак, фақат жуда тез. Ҳафиза холанинг жияни борку... — Ақли шошган Мавиш қизига дакки берди:

— Ўйлаб гапиряпсанми? Ахир у - доя-ку, қизим!

— Фарқи йўқ. Ким бўлса, бўлаверсин. Аммо тезроқ келсин! — Оёқ-қўлидан мадор қочган она хона ўртасида каловланиб туриб қолди.

\*\*\*

Бугун одатдагидан бошқачароқ миш-мишлар шаҳарча осмонига ўрлади: «Вой, эшилдингизми?» Шунчаки деди-дедидан зериккан тиллар бу хабар билан ўз «чиғил»ини ёзадиган бўлди. Эшилган ҳар қулоқ борки, бирга ўзидан ўнни қўшиб, ке-йингига етказарди «омонат»ни. Кўча-кўй, маҳаллада ғийбат авжига чиқди. Ҳасратни уйда ёлғиз қолдирган Мавиш куюнчак ва титроқ овозда ҳам чақириб, ҳам қўшнисининг эшигини тақиллата бошлади:

- Ҳафиза опа!
- Келинг, қўшнижон. Тинчликми, бунча безовтасиз?
- Опа, жиянингиз уйдами?
- Докторни айтяпсизми, қўшни?
- Ҳа, ўшани.
- Худо хайрингизни берсин, қўшни. Нафас олиб, нафас олиб гапиринг. Бўғилиб қоласиз-ку ахир.
- Ҳасратнинг аҳволи яхшимас, опа. Безгак тутгандек қалтираяпти.
- Елиз кеча тунги навбатчиликда эди. Ухлаётган бўлса керак.

— Уйғотинг, Ҳафиза опа. Фақат тезроқ, илтимос. Уйда ҳеч ким йўқ.

— Шифохонага олиб борсангиз-чи? — Юраги қандайдир нохушликни сезган Ҳафиза хоним қўшнисининг кўзларига қараб, бироз тараддудлангач, қўшиб қўйди:

— Уйғотишга уйғотавераман-ку, аммо у доя-да.

— Билмадим, опажон. Ҳасрат жиянингизни олиб боришимни тайинлади. Садағангиз кетай, опажон, қизимнинг аҳволи жуда ёмон. Жиянингизни тезроқ чақириб чиқинг.

— Хўп. Сиз Ҳасратнинг ёнига бориб туриңг. Мен уни уйғотай. Ортингиздан дарров етиб борамиз. — Барчаси шу тариқа бошланди... Ҳафиза холанинг жияни ҳали оила қурмаган. Шу ердаги касалхонага тайинлангани учун холасининг уйида яшарди. Холаси уйғотаркан, уйқуга эндиғина илинган кўзларини қия очиб, норозилик аралаш савол берди:

— Тинчликми, хола?

— Ўзим ҳам билолмадим, қизим. Ҳозиргина Мавиш келиб кетди. Қизи Ҳасратнинг тоби қочибди, сени сўрабди. — Доктор ҳатто эътиroz ҳам билдиrmай тезгина тайёр бўлди. Холаси билан биргаликда уйдан чиқишиди. Кўчада тўқнаш келган қўшни аёллар улардан бу безовталиклари сабабини сўрашди:

— Қаерга бунчалик шошиляпсиз, Ҳафиза опа?

— Ҳафиза хоним тўхтамай жавоб берди:

— Ҳасратга беморлик етибди. Онаси: «Аҳволи оғир», деб айтди. — Одоб-ахлоқи билан маҳалладаги барчанинг меҳрини қозонган Ҳасратнинг аҳволидан қайғурган қўшнилар уларнинг ортидан эргашишиди.

\*\*\*

Сичқон тоғға жаҳл қилибди, тоғ сезмабди. Худди шундай бўлди... Елиз хонага ҳансираб киаркан, Ҳасратнинг каравотда оғриқдан тўлғонаётганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлади...

— Ҳасрат! — Қарашлари — мажолсиз, лаблари — куруқшаган... Очиқ қолдирилган эшикдан қўшни аёлларга кўзи тушган Ҳасрат қўрқувдан титради. Бутун танаси аввалгидан қаттиқроқ титрай бошлади.

— Елиз опа, фақат ўзингиз кирсангиз дегандим.  
— Кўзёшларини тиёлмади. Илтижоли қарашлардан кўнгли юмшаган Елиз аччиқ-аччиқ ютинди. Нафасини ростлашга уринди. Ҳасрат илтимосини қайтарди:

— Елиз опа, майлими?.. — Раҳми келган доя қўшни аёлларга ўғирилиб:

— Бизни холи қолдиринг, — деди. — Қўшнилар амрни сўзсиз адo этишди. Хонада Мавиш, Елиз ва Ҳасрат қолишли. Ҳасратнинг овози хона деворларига урилиб, акс-садо берди:

— Ойи, сиз ҳам чиқинг.  
— Лекин, қизим... — Елиз гап нимадалигини тушуниб, Мавишнинг кўзларига қатъий тикилиб:

— Сиз ҳам чиқинг, Селма опа! — деди. — Хонада Ҳасрат ва Елиз иккалалари қолишли... Эшик ортидагилар ҳаяжон билан ичкаридан хабар кутишарди. Ва ниҳоят, хавотир ва қизғинлик ичida кутаётгандарнинг қулоқ занглари чақалоқ йиғиси билан эриди. Унинг йиғисини эшитар-эшитмас Мавиш ўзини йўқотди. Қўшни аёлларнинг иddaоли савол

назарлари қурбонига айланди. Ҳар қанча уринмасин ортиқ чидаб туролмади. Номус устунлик қилди: ҳушидан кетди. Яна шу аёллар суюб қолишиди.

\* \* \*

Ҳасрат қорнини қаттиқ тортиб боғлаб юрар, онаси сезиб қолмаслиги учун бу матоларни тўшаклари қатида беркитиб, эҳтиётини қиласарди. Эшик ҳамон очилмас, аёллар Мавишдан хижолат бўлиб, қимирилашга ҳам чўчиб туришарди. Елиз вазифасини сидқидилдан бажарди. Юмушини тугиб, тушкун кайфиятда, ранжиганнамо Ҳасратга ўгирилди:

— Ҳомила ва ахволинг яхши. Хавотирга ўрин йўқ. Фақат... – Ҳасрат доянинг нима демоқчи бўлганини англади. Ўтинчли, самимий овозда сўз бошлади:

— Опажон, илтимос, мени яхшилаб тингланг. — Елиз кўзларини Ҳасратнинг кўзларига қадаб изоҳ кута бошлади:

— Албатта, эшитяпман.

— Опажон, мени маломат қилманг. Ташқарида кутаётганларга ҳам шу гапларимни омонат сифатида етказинг. Қўлимдан нима ҳам келарди? Ота-онам уйда йўқ кунлари эшик қўнғироғи жиринглади: очдим. Инсонликдан насибаси бўлмаган бири яrim очиқ эшикни зўрлаб очиб, ичкарига кирди. Кучим етмади. Номусимдан айрилдим. Худкушликтининг, туғилмаган болани туширишнинг гуноҳлигини биламан. Нима қиласай, иккиси ҳам қўлимдан келмади. Мен-ку майли, болада нима гуноҳ?

— Бу қанақа ақлсизлик, Ҳасрат? Буни нега ота-онангга айтмадинг? У ҳайвоннинг устидан нега арз қилмадинг?

— Оҳ, опажон... Қаердан ҳам билардингиз... Шаҳарнинг «зўр»и – у. Бу гап дадамга етиб борса, қўлини қонга бўяйди-ку. Шу сабабдан сир сақлашни лозим кўрдим.

— Хўп, ким экан у ҳайвон? – Бўйинини буқди. Кўзларини доянинг кўзларидан олиб қочди:

— Мен бу сирни ўзим билан бирга қабрга олиб кетаман. Ҳар эшитган, ҳар учраган сўроқ-лайвермасин деб, сизга айтдим. Энди бу гапларни биздан хабар кутаётганларга етказиб қўйиши-нгизни сиздан илтимос қиласман. – Доктор:

— Хўп, етказиб қўяман, аммо жуда хафа бўлдим, — деди-ю ўрнидан турди.

— Раҳмат, опажон.

— Кўрганинг шу бўлсин. Агар мендан бирор ёрдам керак бўлса, bemalol телефон қиласвер. Тортинма.

— Хўп, Елиз опа. – Елиз эшикни секингина очиб, даҳлизда ўзини минг интизорлик билан кутаётган қўшни аёлларга бўлиб ўтган воқеани гапириб бера бошлади. Тингларкан лабини, бармоғини тишлаб қолган аёлларга зимдан разм солди. Ҳасратнинг гапларини деворга суюниб, қаддини тик тутишга урининг Мавишнинг кўзларига тикилиб айта бошлади:

— Аюҳаннос солгандан фойда йўқ, Селма хола. Бўлар иш бўлди. Уйда бўлмаган кунингиз пайтини пойлаб юрган бир разил бостириб келибди. Бу иш – унинг асари. У зўравоннинг кимлигидан отаси хабардор бўлгач, қўлини қонга уришидан қўрқиб, ҳеч кимга билдирамабди. Ортиқча изоҳга, исботга ҳожат йўқ. Менимча, барчангиз унинг тарбияси, хулқини мендан ҳам яхши биласиз. Ва бу жиҳатга эътиборли бўлингки, бутун борлиғини, бойли-

гини бой берган мъсум – у. Қўшнилар, айниқса, сизга айтаман: бу фалокат ҳар биримизнинг бошимизга тушиши мумкин. Ахлоқ-одоб меъёрларини унуган оломон ичидагун кечиряпмиз. Бирга ўн қўшиб бўхтон тўқиманг, деб алоҳида таъкидляяпман сизларга. Қор ёғмаса, қиши бўлмас. Ҳамма ўз уйига борсин, шу жумладан, хола, сиз ҳам ўзингизни қўлга олинг. Ёдингизда бўлсин, биз совуқонлик билан бепарво бўлаётган бу жирканчликлар ҳозирда мактаб ўқувчилари орасида ҳам учраб турибди. Жамият ўзини ислоҳ қиласа, ор-номус овчилари ифрат пардаларимизни топташда, қурбон қилишда давом этаверади.

\* \* \*

Доктор барчасини ётиғи билан тушунтирганига қарамай, оғизларнинг таноби қочган ва бу гап-сўзлар шаҳарчада шовқин солиб улгурганди.

— «Эшитдингизми, Турсуннинг қизи Ҳасрат кўчқордек ўғил туғибди, аммо боланинг отаси – номаълум...» – Миш-мишлар авжига чиқди. Бу гаплар Ёсиннинг ҳам қулоғига етиб борди: ишонмади. Ясмин ҳайрат ичидаги: «Бўлиши мумкин эмас», деб қичқирди. Шум хабар раисни ҳам четлаб ўтмади. Эшитганида у ҳам ишонмади. Ҳокимият биносидаги хонада отаси билан бирга ўтирган Суат кесатиб ғудранди:

— Бир гап борлиги аниқ эди. Ҳоким ўғлини зарда аралаш жеркиб берди:

— Оғзингга нима келса, валдираиверасанми!? У жон дўстимнинг фарзанди! – Суат бошини эгиб, жим бўлди.

\*\*\*

Бор оғирлик, бор қайғу энг күп ўз томлари ости-  
дагиларни эзғилади. Мавиш Ҳафиза хонимнинг  
таскин-у юпанчлари билан ўзини қўлга олди:

— Жонингга бунчалар озор берма, ҳисоб қи-  
линасан... – Ҳасратнинг хонасига биргаликда ки-  
ришди. Онаси қизининг иситма зўридан қовжи-  
раган лабларига қарапкан, йиғидан ўзини тийиб  
туролмади. У ҳам онасини ёшли қўзлари билан ку-  
затар, хатосига афв ўтинган гуноҳкор каби илти-  
жоли боқарди. Қисқа, қатъий ва ялинчоқ овозда  
илтимос қила бошлади:

— Мавиш, ҳеч нарса сўраманг... Қўлингиздан  
келадими шу? Ҳолим нақадар аянчли эканини  
кўриб турибсиз-ку. Менга қилинганд зулмнинг  
жазосини бермай қўймайди Аллоҳ. Ҳали қўрасиз,  
албатта, менинг юзим ёруғ бўлади. – Мавиш тит-  
раб савол берди:

— Ким у? – Онасининг кўзларига ёлвориб қа-  
раркан, яна ҳам ўтиниб:

— Айтдим-ку, Мавиш, сўраманг... Дадамга ҳам  
ўзингиз тушунтириинг. Фақатгина сиз тушунти-  
ра оласиз менинг begunoҳ эканлигимни. Онт ича-  
ман — гуноҳим йўқ. Дадамга айтинг: кўзларимга  
тикилиб, икки ўт орасида жизғанак вужудимни  
баттар ёқмасинлар, уялтирмасинлар мени. Хо-  
намга ҳам кирмасинлар. Юзларига қаролмайман!  
Мавиш... биламан, жаҳли чиқади, ғазаби тошади.  
Агар ишонмасалар, бир жоним бор, қурбон бўл-  
син. Истасалар, чақалоқ ҳам... — деди-ю, ортиқ  
гапиролмай бошини букди, лабларини тишлади.

\*\*\*

Турсун хабарни эшитаркан, қони қайнади. Мавишнинг ёлворишилари қизининг хонасига чиқишига тўсқинлик қилди, ҳар доимгидек аёлининг маъсум нигоҳларига қўл силтаб кетолмади. Бор аламини сигаретдан олиб, хонани аччиқ, қуюқ тутунга тўлдирди. Ҳар гал Ҳасратнинг хонасига чиқишига, эл ичидан бошини буккан итнинг кимлигини аниқлашга жазм қиласкан, Мавишнинг раъйини қайтаролмас, кўзларидан кечиб кетолмасди. Шундай қатъиятли бу одам муштипар аёлининг сўзини кесолмасди, кўзларига қарапкан жойидан жилолмасди. Ягона фарзандини жонидан ортиқ кўрадиган бир ота эди у ҳам... Аёли Ҳасратнинг гапларини етказаркан қалби билан ишонди қизига. Лекин ғазаби кундан-кун қирғоғидан тошар, қонида заҳарли чаён кезарди. Вақт ўтиб, гап-сўзлар бироз унутилди. Шаҳарчада ҳаёт ўз изига тушганига қарамай, Турсуннинг шубҳаси ҳануз аrimас, ҳар куни хаёлида янгидан-янги исмлар рўйхати айланарди. Ўзи билан бир кўчада яшайдиган одамларнинг исмини хотиридан ўтказиш кун тартибига айланиб қолганди. Ҳар ким ўзи хоҳлаганича кимнидир гумон қиласди оталикка. Раис чақалоқ туғилган кун кечқурун Турсуннинг ёнига келди: «Кимлигини бил, у ёғи билан ишинг бўлмаси», деди. Турсун уялди. Боши ҳам бўлди дўстининг ёнида. Аввалгидек мағрур нигоҳлари билан дўстининг кўзларига тик қарай олмади. Сигарет тутатди. Хонани аччиқ, қуюқ, ёқимсиз тамаки

тутуни қоллади. Дўстига жавоб қайтаришга бир амаллаб куч топаркан сўниқ, уятchan овозда деди:

- Айтмаяпти.
- Бир-икки кун ўз ҳолига қўй.
- Бошқа чорамиз ҳам йўқми дейман.
- Ёдингда бўлсин, кимлигини билган кунингда-еќ куни битди деявер! Ҳеч кимга сездирмасдан, секингина қулоғимга шивирлашинг кифоя.
- Раҳмат, раис. Бундан бошқача бўлиши мум-кин эмас, албатта!

\*\*\*

Ҳасрат ўшандан буён биринчи марта бугун хонасидан чиқди. Уй ишларида онасига аввалгидек ёрдам берди, ҳатто кечки овқат учун дастурхон тузади. Турсун кечки овқат дастурхонини меҳмонхонада тузашни айтди. Неча кунлардир дийдор кўришмаган ота ва қизни учрашиши учун дастурхон ҳозирлаш энг яхши баҳона бўла оларди. Ҳасрат қўлида патнис билан хонанинг очиқ турган эшигигача келди. Келди-ю, тўхтаб қолди. Дадасининг ёнига киришга юраги дов бермади. Тараддуудланаб, остона ҳатлаёлмай туриб қолди. Ҳар қанча тиришмасин, оёқлари дир-дир қалтирас, қўлидаги патнис оғирлашар, ортиқ кўтариб туришга мажоли етмасди. Юзи мурда каби кулранг тусга кириб, лаблари уятдан пирпиравди. Ва ниҳоят, кўрқув торларини узиб ташлаган илиқ овоз лабларидан учиб, хона ичидаги парвоз қилди:

- Дадажон! – Турсун ҳаётига маъно бериб турувчи бу садодан шодланди. Аммо уялганидан боши-

ни кўтариб, қизининг қадрдан чехрасига қараёлмади. Шафқатга тўла йиғлоқи овозда жавоб берди:

— Келақол! – Минг турли машаққатда дадаси ўтирган хонага қадам қўйди. Мажолсиз, ҳорғин қадамлари билан орадаги масофани қисқартиришга уринди. Қўлида дастурхон тутганча қизининг орқасидан Мавиш ҳам кириб келди. Стол устини бўшатиб, дастурхон ёзди. Ҳасрат базўр кўтариб турган патнисни қўяркан, юзлари оловланди:

— Дастурхон тайёр, дадажон! – Турсун тишини тишига қўйиб, ўзини йиғидан зўрға тийиб турарди.

— Кел, ёнимизга ўтирсанг-чи? — деди кўзини ердан узмай.

У дадаси ўтирган диван ёнида вужудини аранг кўтариб турган мажолсиз оёқларида тик туришга кучи етмай, диванга мукка тушди. Лаблари учди, кўзларидан маржон ёмғирлар қуиля бошлади. Хонага қайтадан сассиз ҳазинлик чўкди. Ҳасрат кўксисида илдиз отган бор ситамдан дадасига шикоят қилиш учун қўлларини унга узатиб, бор овози билан қичқирди: «Дадажоон!» – Йиғи-сиғи бироз бо силгач, хонага яна сукунат ҳокимлик қила бошлади. Мавиш ошхонадан ул-бул олиб келиш баҳонасида уларни холи қолдириб, чиқиб кетди. Йиғи ва ўтинч ҳоким овоз юракларни парча-парча қилди:

— Дадажон, Худо ҳаққи, менинг айбим йўқ. Мени кечиринг деёлмайман. Бунга ҳаққим йўқ, ҳатто. Лекин нима қилай, қаршилик кўрсатишига кучим етмади. – Турсун туғён урган ғазабини бошиб, қизининг кўзларига тикилди:

— Сендан ягона ўтинчим бор, қизалоғим. Гапимни ерда қолдирмайсан деб умид қиласман.

- Сиздан жонимни ҳам аямайман, дадажон!
- Ўша ифлоснинг исмини бир бора айтсанг бас! – Бўғзига қадалган йиғидан овозлари бўғи-лар, кўзёшлари яна қуиилиб келарди:
- Дадажон, сизни жонимдан ортиқ кўраман. Онам иккимизнинг бу дунёда сиздан бошқа суяна-диган тоғимиз йўқ. У исмни сўраманг. Айтолмай-ман... Чунки оқибати нима бўлишини жуда яхши биламан. Сизни йўқотиб қўйишни истамайман.
- Айт! Ўз отангга яхшилик қилишни истама-санг наҳот? Токи тирик эканман, сендан бошқа би-рор нарса талаб қилмайман. Ягона орзум ўша раз-илни ўлдирай-да, яна аввалгидек бошимни ғоз кўтариб юрай. Бу иснодни елкалаб юрганимдан кўра, қамоқхона панжаралари орқасида чириб кет-ганим афзал. Мени тушуняпсанми, қизим? Қани, айтақол. Токи у бетайин бизни ҳам ўзига ўхшаган орсиз ва номуссиз қўрқоқлардан деб билмасин.
- Унда, бир таклифим бор.
- Қандай таклиф?
- Унинг ҳаётига ўзим нуқта қўяман! – Турсун кескин бош чайқади:
- Асло! Бу гапни хаёлингдан чиқар. Отанг Турсун ҳали ўлмадики, сен хун олсанг.
- Ундай бўлса, бу борада мени қайта қистов-га олманг, илтимос! Хоҳласангиз, бир жоним бор, сизнинг қўлингизда.
- Аммо ишон, бир кун, албатта, тагига етаман!
- Вақт сирларнинг энг яхши кашшофиdir. Ошкор қилса, уни ҳам тақдирдан деб биламан.

\*\*\*

Ҳар ким ўз хонасида. Қўни-қўшнидан ҳам бехабар... Исталмаган чақалоқнинг дунёга келиши Турсуннинг оиласини ўз қобиғига ўралиб яшашига сабаб бўлди. Аввалгидек шод-хуррамликда бир-бирини қаршилаш йўқ. Бу кутилмаган ва баҳтсиз воқеа сабаб уй азага айланди. Ҳамма таркидунё қилгандек эди гўё. Турсун кўзини ердан олмай ишга бориб-келар, ҳеч ким билан гаплашмас, аввалгидек улфатчилик ҳам қилмасди. Кунботар вақт осмонни қоплаб, қуёш нурини бутунлай тўсиб қўйган қора булутлар Турсуннинг ойлар бўйи ёришмаган чеҳрасини ёдга соларди. Қўшнилар ерли аҳолидан бўлганлари учунми бир-бирлари билан алоқалари яхши эди авваллари. Бўлган гапни доя қиз айтгани каби эшитган бўлсалар ҳам, яна қайта-қайта ўзларидан сўрашга ўч эди у одамлар. Чақалоқнинг туғилганига қирқ кун бўлди ҳамки, ҳануз унга исм қўйилмади. Вақт энг яхши табиб деб бекорга айтишмайди. Кунлар ўтиши билан уй ичини қоплаган совуқ шамол бироз илий бошлади. Ҳатто уй аҳли ҳам ўзлари билмаган ҳолда чақалоқقا меҳр қўя бошладилар.

Кечки пайт лабларида тамаки билан ишдан қайтган Турсуннинг тарзи – ўша-ўша. Дастурхон атрофида бир-бирига бегоналарча сас-садосиз овқатланиб бўлингач, Ҳасрат чой келтирди. Турсун финжонга шакар соларкан, асабийлашганидан қанчалар тез ва қаттиқ аралаштираётганинг фарқига бормас, бошини эгиб қўйган бу

мусибатнинг аламини енголмасди. Рўпарасида-  
ги диванда ўтирган аёли ва қизи унинг ҳайбати-  
дан чойларини секин-секин ҳўплаб қўйишарди.  
Турсун чойини стол устига қўйиб, диванга суюн-  
ди. Тамакини чуқур-чуқур тортар, нималарнидир  
ўйлар, аммо сиртига чиқармасди. Шу пайт нариги  
хонадан чақалоқнинг йиғиси эши билди. Турсун  
қизига ер остидан қараб қўйди. Бугун норасида  
гўдак ҳақида илк бор гап очилди:

— Чиллангиз чиқди а бугун? – Ҳасрат бошини  
эгди. Ўрнига Мавиш жавоб берди:

— Ҳа. – Турсун нигоҳларини яна қизига қадади:

— Бола йиғлаяпти, олиб кел-чи бу ёқقا. – Ҳасрат  
ўрнидан туришга уринди-ю, мақсадини билиш ни-  
ятида дадасига ўғринча разм солди. Турсун қизи-  
га қараб, қайта буйруқ берди:

— Олиб кел, дедим сенга. Энди у ҳам оиласиз  
аъзоси. – Ҳасрат қаршилик қилмас, аммо ўрни-  
дан ҳам туролмасди. Илтижоли нигоҳлари билан  
онасига юзланди. Турсун қизининг ҳаракатлари-  
ни кузатиб турар, оталик меҳри устун келиб, қи-  
зига енгилгина танбеҳ бериб қўйди:

— Нега онангга қараб қолдинг? Мен олиб кел  
деб сенга айтдим. – Ҳасрат бўйинини эгиб, жим қол-  
ди. Турсун қизини бошқа мажбурламади. Онаси  
чақалоқни хонага олиб кириб, тинчланиши учун  
қўлларида тебратиб турганини сезса ҳам, кўзини  
ердан ололмади. Ва ниҳоят, Мавиш Турсуннинг  
ёнига келиб, гап бошлади:

— Кучоғингизга олиб эркалайсизми? – Авва-  
лига Турсуннинг жаҳли чиқди, лекин жиловлади.

Аччиқ-аччиқ ютиниб, истар-истамай қучоқларини очди: «Қани, берақол. Бу бир бегуноҳ бўлса...» – Ҳасратнинг кўзлари яна ёшга тўлди, лабларини тишлади. Нигоҳларига боқсан ҳар одам ундағи ифодани очиқ ўқий оларди: «Мен набирангизни қўлингизга бундай тутишни истамагандим...» Аммо дилидаги бу сўзларни тилига чиқара олмас, қаддини эгишини шунинг ишораси деб билишларини хоҳларди холос. Турсун болани эркалади, ҳатто беғубор юз-у кўзидан ўпди, гаплашди. Чўнтағидан ҳамёнини чиқариб, суюнчи дея йўргак қатига қўйди. Шу аснода хотинига кўз ташлаб олди-да, ҳавога соврилган орзу-умидлари бўғзига қадалиб, гап бошлади:

— Исми – Армуғон... Отаисми – Турсун, онаисми — ... — Турсуннинг бу гапларидан она-бала эсанкираб қолишиди. Онаисми дейилганда Ҳасратнинг юраги қалқиб кетди. Нигоҳларини онасининг меҳрибон нигоҳларига тикиб, кўзёшдан бошқа чора топа олмади.

— Шундай қилиб, онасининг исми — Селма... Ҳа-аа, Мавиш, Ҳасратни озод қилдик, ўзимизни эса – қурбон. Эсини танигунига қадар уни опа, мени эса, дада деб чақиради. У энди иккимизнинг боламиз, тушундингми? – Мавиш бошини секингина эгиб, розилик ишорасини билдириди. Ҳасрат ҳайрат ичидагасига юзланди:

— Дада...

— Мавзу ёпилди, ортиқ бу ҳақида гаплашишни истамайман. Барчамизга ҳам оғир бўлди. «Кўшни ҳўқиз тортади», деган нақлни эшитганмисан? Бу ҳам худди шунинг каби бир иш. Сен тақдир деб

ўзингни овутганинг каби мен ҳам ўзимни шундай деб кўникитирдим. — Йиғи аралаш товушда давом этди:

Бу ерлардан бош олиб кетишни ҳам қўп бор ўйладим. Ўйлаб-ўйлаб шунга амин бўлдимки, инсон ҳар қанча олис кетмасин, ўзидан қочиб қутула олмас экан. Шу ўй мени бу ерларда қайта яшаб қолишимга туртки бўлди. Балки кўчиб борган жойимизда бизни ҳеч ким танимасди, гап-сўздан узоқ яшардик, енгил нафас олардик. Бироқ бир кунмас бир кун ўч олиб, яна юзим ёруғ ҳолда бу қўчалардан ўтиш умиди шундай қатъий қарорга айландики, «Кетмайсан!» деди. Ва у ҳақ эди. «Қай бурчакка, қай тошнинг остига беркинган бўлмасин, албатта, топасан. Аммо ўша кун келгунича шу ерда қолишинг керак», деди.

— Ҳасрат дадасининг гапларини тингларкан, кўча ўртасида сазойи қилинаётган бегуноҳ ўғридек тасаввур қиласарди ўзини. Титроқ товушлари ила сўзлашга журъат топди:

— Ким эканлигини билдингиз ҳам дейлик, кеин нима бўлади, дадажон?.. — Вужудида исён қўтаётган тўфон ва қасирғалардан қонга тўлган нигоҳлари билан қизига тикилиб сўзлади ота:

— Унинг хуни ҳеч қачон ўзгармайди, қизим.  
— Яъни?  
— Ўйлаганинг каби, албатта! Қонга – қон, жонга – жон!

— Дадам бўлганингиз учун эмас, эр кишининг сўзини қасам деб биладиган номусли одам бўлганингиз учун айтяпман. Агар жазо учун жабрланувчи хун олиши керак бўлса, қасос олишга сиздан кўра энг ҳақдорроғи менман. Бахтга қарши шун-

дай қилганимда ҳам, унинг касри яна сизга уради. Билганим учун ҳам бундай қилолмадим, дадажон!..

— Нима, сен ҳозир қилган ишларингни тўғри деб ўйлайсанми? У пасткаш bemалол юраверадими айбини қилиб бўлиб ҳам?

\*\*\*

Орадан ойлар, йиллар сув каби оқиб ўтди... Армуғон етти ёшга тўлди... Кўчага чиқиб, болалар билан ўйин ўйнаса-да, аммо асосий вақтини «опа» деб атайдигани, туқсан онасининг ёнида, чордоқда ўтказарди. Худди Турсун тайинлагандек, Ҳасратни опа, Мавишни она, Турсунни дада деб биларди...  
— Турсуннинг набираси Армуғонга бўлган туйғулари йил фасллари каби ўзгарувчан эди. Баъзида бағрига босиб, соchlаридан сийпалар, бирор жойга борадиган бўлса, ўзи билан бирга олиб кетарди. Маҳаллада кимдан шубҳаланса, унинг ёнида Армуғонни урап, сўкар, соchlаридан тортқилаб, ҳамманинг ичида изза қиларди. Армуғон билан бирга кетиб бораётганида кимдан гумон қилса, бошқа ишини тўхтатиб, гузардаги қаҳвахона ёки қироатхонада бўлсин, таниш-билишлари билан чой ичишга ўтиради. Ўйлаб қўйган янги режасини амалга оширишга киришарди.

Турсуннинг бу тур ўйинларидан Армуғон ҳадик-сираб қолган. Бобоси уни ўзи билан бирор жойга олиб бормоқчи бўлса, юраги орқага тортар, бирга боришни асло хоҳламас эди. Аммо йўқ деса, ундан баттар азобланишини билиб, ноилож эргашарди. Ҳатто унга бобосининг қачон ва кимни кўрганида

бундай қилиши ёд бўлиб қолди. Энди у яна ўша чеҳрани кўрса, сайёд домига тушган ҳуркак охудек чорасиз қоларди. Дабдурустдан қулоқлари остига тарсаки келиб тушарди. Турсун асабийлашиб, бақира бошларди норасида болага: «Ҳой беодоб, нега яна ортимдан эргашиб келдинг?» Бир қўли билан боланинг қулоқларидан чўзарди.

Бу орада суҳбатдошини ҳам кўз узмасдан, киприк қоқмасдан кузатиб туради. Шу усул билан боланинг отасини аниқламоқчи бўларди. Армуғон қулоғини қўйворишини сўраб, йиғлаб ёлворарди. Турсуннинг мўлжали хато кетганида қочар, йиғламсираганича:

— Урманг, дадажон! Оғрияпти, – деб зорланарди.  
– Аммо бу илтижолар Турсуннинг эгилган ғурури қайта қад ростламагунича унга заррача таъсир қилмасди. Дарвоза зарб билан қандай тақиллатилса, Армуғоннинг боши узра ҳам худди шундай муштлар тушиб туради. Яна зор-зор ёлворишдан бошқа чораси қолмасди мурғак вужуднинг:

— Урмааанг, оғрияпти...

Бу Турсуннинг битмас-туганмас одатларининг баъзилари эди холос. Аммо жаҳлидан тушганида бутунлай бошқа одамга айланарди. Боланинг соchlарини силар, эркалаб, бағрига босарди. Ўзининг қилмишидан ўзи уялар, аммо бу ҳаракатларидан ҳам тийилолмасди. Қизининг номусини топтаган одамни негадир шу йўл орқали топишига ишонарди. Шу йўл билан у беномуснинг оталик меҳрини уйғотмоқчи бўларди. Аммо бу режалари ҳеч иш бермаса-да, Турсун чекинмасди. Армуғон

ҳам бобосининг бу ҳаракатларига сира тушунмасди. Турсун уриш-сўкишлардан кейин уни дўконга бошлаб кириб, нима хоҳласа, олиб берарди. Юзкўзидан ўпиб, қилган гуноҳига афв тиларди гўё...

Бундай пайтларда ҳали бола Армуғон ўзининг баҳтсизлигини англаб етарди. Ҳар лаҳзада юрагини ҳовучлаб яшарди. Барча дардларга даво бўлувчи йиллар ўтгани сайин Армуғоннинг ҳаётига изтироб қўшиларди. Энди у улғайган, ҳамма нарсага ақли етадиган ёшга етганди. Аслида ҳаёти бутунлай ўзгармаган, ҳали-ҳамон таҳқирланишда давом этарди. Авваллари фақат бобоси ҳақорат қиласа, энди баъзи бир «дўст»лари ҳам «ҳароми», деб чақирадиган бўлишди. Ҳатто мактабда ҳам ўз ҳолига қўйишмасди. Бобоси ва синфи дошларидан имкон қадар узоқроқ бўлишга ҳарақат қиласи. Мана шундай ҳадик ва қўркув соясида бошланғич мактабни ҳам тамомлади. Ўрта мактабда ҳам бу ҳол ўзгармади. Лицей йилларида, бўй-бастлари кўз қувнатиб, йигитликка қадам кўйди ҳамки, Турсун эски ҳунарларини ташламади. Анча улғайиб қолган Армуғон бобосининг зулмларига тишини тишига қўйиб сабр қилиб келарди. У қачондир келадиган ёруғ кунларни ишонч билан интиқиб кутувчи сабр-тоқатда тенги йўқ инсонлар раҳнамолигида бу ҳаётнинг қора кунларини ранг-баранг саҳифаларга айлантириш илинжида ўртаниб яшарди.

## «Ёввойи»

Шаҳарча устига соя солиб турган фасл ўзидан ке-йингисига ўтиш тадоригида... Дарслар бошланиб, кўчалардан тирбандлик чекинган... Охири қишига ула-ниб кетадиган кузнинг бу сўнгги кунларида Ўрта денгиз илиқ ва қуёшли янги кунни қарши олмоқда. Лицей ҳовлиси ўкувчилар билан гавжум. Ҳазил-ху-зул, ур-сур, қаҳқаҳага тўла овозлар гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаяди. Биринчи дарсга қўнғироқ чалиниши билан ўкувчилар синфхоналарига сел бўлиб оқиб, хоналарида ўқитувчиларини кута бошлашди. Бино ҳовлиси яна сукунат ичидаги қолди. Лицейнинг иккин-чи босқичида ўқиётган Армуғон гуруҳдаги энг на-мунали икки ўкувчининг бири эди. Яна бири Гулден исмли қиз бўлиб, ўқитувчилари тайинлагани учун бир партада, ёнма-ён ўтиришарди. Биринчи дарс - Аббос исмли устоз сабоқ берадиган дин дарси. Ҳар бир дарсда икковининг бир-биридан ўзиб кетишга ҳаракат қилиши синфдошларнинг ғашини келти-рарди баъзан. Икки аълочи бир-бирларига ҳasad қи-лишармиди? Йўқ, аммо ораларида соф рақобат ҳукм сурарди. Ўзлари билмас ҳислар қуршовида қолган бу икки рақиб, айни пайтда, «ғаним» ҳам эдилар.

Кўзлар тўқнашиб қолган пайтларда Армуғоннинг ичидаги симиллаган номаълум оғриқ туриб, боши-ни хам қилиб оларди. Гап-сўзлардан зада қалбига танҳо сабргина эм бўларди. Ситамлар меъёридан ошган вақтда ўзини ҳақорат қилганларни аяб ўти-рас, кучини ишга солар, баъзан баланд овозда тел-балардек ҳайқиради. Шу йўл билан кўнглига тас-

кин беришга уринарди. Дадил, аммо ўта синиқ ва мусафо эди унинг қалби. Гулден ҳам вақти-вақти билан ўзаро рақобатнинг аламини йигитдан олар, жаҳлини жиловлаёлмай Армуғоннинг кўнглини оғритарди. Ўсмирлик йиллари эпкени боши узра эсаётган ёш йигит синфдош қизнинг сабабсиз ўзгариб қолишидан маъно тополмасди. Ақлини ҳакам қилиб, фикр юритганида ҳам ўзидан айб тополмас, ёнидагиларга ҳалол ва тўғрилик билан рўпара келаверди. Ҳар қанча ҳақ яшашга уринмасин, ҳаётнинг ноҳақ ҳамлаларига ем бўлишини англаб етди. Яшашдан тўйдирган бу таъналарга аҳамият бермасликка тиришар, уйда ёки бошқа жойда бу ҳақда гапиришни ва ўзини оқлашни хоҳламасди. Кунда юзлашадиган совуқ чеҳралар орасида уни ҳақорат қилувчилардан кўпларининг ақлини киргизиб қўйган бўлса-да, «хужум» ҳолатида туришнинг ўзи кифоя қилмасди доим ҳам...

Ўқитувчилар орасида «ёввойи» лақаби билан танилган Аббос устоз уни ўзига жуда яқин оларди. Тобора илиқлашиб бораётган бу муносабат, бу илиқлик синфдошларининг ҳам назаридан, албатта, четда қолмасди. Кириш қўнғироғи чалинганига анча бўлганига қарамай, устознинг келмаганидан ўкувчилар тоқатсизланди. Синф ғала-ғовурга тўлди. Кўзлар соатларга, эшикка қадалиб қолди.

\*\*\*

Туни уйқусиз ўтган Аббос устоз дарсга тезроқ этиш учун оёғини қўлига олганча шошиб келаркан, пиёдалар йўлагида қўққисдан тўхтаб қол-

ди. Яхшироқ кўриш учун кўзларини қисиб, қайта термилди. Соғинчга тўлган юракнинг севинч учқуни порлади кўзларида. Мўлжалидан айрилган ўткир нигоҳлар тўсатдан хиралашиб, кўзолдини хира туман қоплади. Нафасини-да тўхтатиб кўйгудек кучли ҳаяжон босди вужудини.

Аббос устознинг икки: бир қиз ва бир ўғил фарзанди бўлиб, ўғли Умар Анқарада, иқтисод факультида ўқир, қизи Оиша университет синовларидан ўтолмагани учун бобосининг дўконида сотувчилик қиларди. Аббос устоз шу мўъжаз шаҳарчада туғилиб ўсан ва холасининг қизи билан оила қурганди. Фарқли фикрлаш, бошқа-бошқа дунёқараш сабаб оиласлари пароканда бўлди. Икки бола ҳам онаси ва қариндошларнинг таъсири остида оталидан ўзини четга оларди. Устоз бу борада ўзини айбдор деб билмаса-да, айрилиқ ҳолдан тойдирганди уни. Яқинлари билан бирга орзусидагидек ҳаёт кечира олмаётганидан изтироб чеккан туйғулари ҳавога совриларди.

Болалари ва аёлига ҳаётнинг ҳақиқатларини ўз билганича содда ва жўн тушунтиришга уринди. Аммо улар бундай хокисор оила бошлиғидан алоҳида яшашни устун кўрдилар. Аллоҳ бу кўнгилчан устознинг зуваласини зулм ва ноҳақлик билан эламаганди. У ҳақнинг юзига чапланган лойни кўрса, ўзини тиёлмас, тилёғламалик, риёкорликдан қаттиқ нафратланарди. Шу сабабли ҳам атрофида етарлича дўст-душман топиларди доим. Баъзи ҳамкаслари уни ҳақиқатпараст билиб, ўзларининг «маданий қатлам»ларига уни бегона санашарди. Орқаворатдан «ёввойи» деб чақи-

риларди. Ўқитувчиларнинг ўз ҳамкасбига қўйган бу лақаби аста-секин лицей ва ундан нарига ҳам ёйилган, ҳатто устознинг ҳам қулоғига етди. Шунда ҳам ғийбатчилардан нолимас, аксинча, хаёлида бўлса-да уларни оқлашга уринарди: «Ё ўзим янглиш бир фикрни маҳкам тутдим ё атрофимдагилар мени яхши англамадилар.»

Кўп ўқиб изланадиган, китобсевар, илмсевар, диншунос эди у. Диннинг барча жабҳасини Аллоҳ қодир қилганича ўрганиб, Қуръон ва ҳадисдан ҳатто бир одим четга чиқишини ўзига, инсонлик фитратига эп кўрмасди. Бир ёстиққа бош қўйган аёли ва фарзандлари билан Қуръон ва суннатга мувофиқ яшамоқни орзу қилди. Ўз нафсига хуш ёқадиган эмас, аксинча, ваҳий орқали юборилган пок дин асосида ҳаёт кечиришни хоҳлади. Одамларнинг бу йўлдан бўйин товлашларини ақлига сиғдиролмади. Ҳаётидаги барча боши берк кўчалар ва муаммоларга ҳақиқатни истаб яшашга урингани учунгина дуч келди.

У кўнгли тусаганича яшашга мойил жамиятнинг чиркин қоидаларини қабул қила олмади. Оиласида юзага келган келишмовчиликлар ҳам маънавий таназзулга юз тутган жамиятнинг таъсирида бўлганига ишонарди. Болаларини оммавий маданиятнинг ёт унсурларидан ҳимоя қилишни хоҳлаб, унда ўз эътиқодига кўра тартиб ўрнатишга уринди: оқибат оғриқли бўлди... Бобо-бувиilar ҳам онасини ихтиёр қилган набиралар тарафини олди. Хотини болаларини олиб ота уйига қайтгач, устоз ёлғиз яшай бошлади. Ҳақорат-у зардаларига қарамай, уларни соғинди. Никоҳни, оилани муқад-

дас билгани сабаб ажрашишни истамади. Уларнинг бир кун, албатта, қайтишига ишониб яшаб келди.

Оилавий муносабатларнинг чигаллашиб, ечилмас тугунга айланишида энг катта сабабчилардан бири, шубҳасиз, телевизор эди. Замон билан, илм-фан билан ҳамнафас яшашни истаган устоз яхши ниятлар билан пулини бўлиб тўлаш эвазига телевизор олиб келган кун уйда шодиёна бўлгани эсида...

Аммо кунлар ўтиб хато қилганини тушунди. Эфирга узатилаётган бузуқлик ва исёнлар, мағия йүйинлари, фаҳш лавҳаларни санъат деб билиб очиқ тасвирлайдиган фильмлар, янгилик ўрнига миш-мишларни кўтариб юрувчи кўрсатувлар устознинг жонини бўғзига келтирди. Инсонийлик табиатига зид лавҳаларнинг ўрнини маданий ва маърифий лойиҳалар билан алмаштирилса, ҳар бир томошабинга ўта кучли мактаб бўла оларди, аслида, шу жонсиз матоҳ. Аммо устоз жамиятда тобора урчиб бораётган беҳаёликни ва унга тарғиб қилувчи бу буюмнинг ортиқ уйларида бўлишини истамади. Ўз қўллари олиб келган бу ҳаё кушандасидан ижирғана бошлади. Шундай бўлса-да, болаларини ранжитиб қўймаслик учун аламини ичига ютиб юрди.

Одатий кунларнинг бирида фарзандлари билан бирга кўрсатув томоша қилаётib, уятсиз саҳналарга кўзи тушиб қолди. Газаб ичидаги сапчиб ўрнидан турди ва уядан титраган бармоғи билан телевизор тугмасини босди. Томирларида оққан ёзниң жазирамасидан-да қайноқ қон таъсирида телевизорни даст кўтариб, очиқ турган деразадан зарда билан ирғитди. Уни тутган қўллари-

дан жирканди негадир. Дераза оша пастга қулаган буюм бўлак-бўлак бўлиб синиб кетганди ўшанда. Ўзига ҳайрон тикилиб қолган болаларига лағвни кўрганда қандай муносабатда бўлиш кераклиги-дан сабоқ берди гўё. Жаҳлидан тушиб, кечирим ҳам сўради, аммо ўшандан кейин ҳар қанча ёлво-ришмасин, телевизор олишга кўнмади.

- Дадаси, сизбоп кўрсатувлар ҳам бор-ку.
- Дада, сиз ўзингиз хоҳлаган канални кўринг, биз ҳам шундай қилайлик.
- Ҳамманинг кўрадиган кўрсатуви бор... – Шундай қилиб, оиласвий муносабатларнинг емирилишига шу «замонавийлик»нинг бир бўлаги энг катта сабаб бўлганди.

\* \* \*

Қизини кўриши билан бўлиб ўтган барча воқеалар кўз олдида жонланди. Оиша ҳам отасини соғин-ганини тан олиб, меҳр билан қараб турди. Сўнг бу «ёввойи»га зарда аралаш қараб қўйди-ю, кетидан отасининг «Оиша!» деб зорланганини эшитса-да, индамай нари кетди. Отасини ўз қўзлари билан кўрган, овозини ҳам ўз қулоқлари билан эшитиб турган бўлса-да, худди тиланчининг ёнидан кетгандек узоқлашди ундан. Самимий чехра узра қатъиятидан асар қолмаган кўзлардан аллақачон ёмғир ёға бошлаганди. Қизининг ортидан изтироб билан қараб қоларкан, ўқувчилари ёдига тушди. Саргардон одимларини йўллар устида бирма-бир қолдириб, дарсга тезроқ етиб бориш учун яна йўлида давом этди.

\*\*\*

Синфхона шовқинидан қулоқлари қоматга келганд Армуғон қўнғироқ чалинганидан буён партасида қимир этмай ўтирган Гулденни гапга солди:

— Устоз келмайдиганга ўхшайди а?

— Мен қаердан билай? – Кутилмаган бу қўпол муюмаладан йигитнинг кўнгли оғриди. Гулденни Армуғондан рашк қилгани учун бўлар-бўлмасга ҳақоратомуз гаплар қилиб, аламини олишга уринадиган Халдун буни айни муддао билиб, шеригига шивирлади:

— Эй, ишқилиб, бу боланинг отаси Аббос устоз бўлмасин-а? – Синфдоши шарақлаб қулиб юборди. Гулден ҳам уларга хиёл ўгирилиб, масхаромуз оҳангда гапларини маъқуллади:

— Ким билади дейсан, хавотир олиши бежизгамасдир? – Армуғон жаҳл устида Халдуннинг юзига шапалоқ тортди. Синфда шовқин тиниб, барча Армуғон ва тарсаки таъмидан караҳт Халдунга сўзсиз тикилиб қолди. Худди шу пайт эшик очилиб, тарвузи қўлтиғидан тушган Аббос устоз синфга кирди. Унинг ҳурматига барча ўрнидан турди ва хонага пашша учса билингулик сукунат чўқди. Истамайгина жойини эгаллаб, қўлидаги портфельини парта устига қўйган устоз тик турган ўқувчиларга секингина «Ўтиринглар» деб имлади. Армуғоннинг тарсакиси ва устознинг солиқ қовоғидан саросимада қолган синфга яна жимжитлик чўқди. Устоз барча ўқувчиларни бирдек кўра олиши учун синфнинг ўртасида турди. Ҳар кунги-

дан фарқли, бемаъно қарашлари тун зулматидаги шиша фонус каби атрофига ёруғлик берар, тубининг қоронғилиги кишини ўзига маҳлиё қиласади. Доим бир-бирига чиппа ёпишиб турадиган лаблар бугун бўшашган, оёқлар зарби остида эзилган ер қаъридан чиқаётган синиқ оҳангда гап бошлади:

— Болалар, маъзур тутасизлар. Ўзимга боғлик бўлмаган сабаблар туфайли кечга қолдим. Куттириб қўйганим учун узр. Бир-икки дақиқа аввал кўрган манзарасидан ҳайратда қолган кўзлар энди устозга қаратилган. Ботинидаги зиндоннинг зах ҳавоси меъдасини бўғган муаллим гапида давом этди:

— Бугун ёзма синов ўтказишни мўлжаллагандим, кейинги дарсга қолдирдим. Хохласангиз, бирор мавзуда суҳбатлашиб ўтирамиз. Саволларингиз бўлса, марҳамат! – Бу таклиф ўқувчиларга ёқиб тушди. Қўллар бирин-кетин юқорилай бошлади. Сокинлик ўрнини ғала-ғовур эгаллади. Ўрта қатордаги партада ўтирган ўқувчи на вбат олиб, гап бошлади:

— Устоз, тинчликми, хафа кўринасиз? – Бу ҳақда гапиришни хоҳламаган устоз дарҳол мавзуни ёпди:

— Шахсий мавзуларни қўй. Йўллари паст-у баланд ҳаётда яшар эканмиз, кайфиятимиз доим ҳам юқори юқори бўлавермайди. – Кейинги ўқувчинг саволи бундан ҳам ошиб тушди:

— Устоз, аёлингиз ва болаларингизни уйингиздан ҳайдаб солганмисиз? – Устознинг юзидағи ташвиш чизиқлари яна ҳам қуюқлашиб, нигоҳларини ҳайрат ва ғазаб қоплади:

— Сиз болаларга ҳайрон қоламан. Қаердан то пасизлар-а бу гапларни? – Берган саволидан ўқув-

чининг ўзи ҳам уялдими, аввалги шижаоти ўрни-  
ни тушкунлик эгаллаб, секингина ғудраниб қўйди:

— Шундай гап-сўзлар юради...

— Ўтири. Болалар, шахсий ҳаётни аралаштири-  
майлик деяпман. – Муаллим бошқа қизга навбат  
берди. Унинг саволи ҳам синфдошлариникидан  
фарқ қилмади:

— Устоз, жаҳлингиз чиқмайдими?

— Йўқ, сўрайвер.

— Нега сизни «ёввойи» дейишади? – Тоқати тоқ  
бўлган устоз бироз дағалроқ оҳангда қизга ўти-  
ришни буюрди. – Қиз паст овозда қўшиб қўйди:

— Ўқитувчилардан ҳам эшитдик-да. – Аббос  
устоз чукур уҳ тортди:

— Болалар, дарсга тегишли бўлган савол бе-  
ринглар. Модомики, жуда билгингиз келибди,  
қисқача айтиб берай. Бу лақаб жамиятдаги қа-  
рама-қарши фикрлардан келиб чиққан. «Замона-  
вий» ҳаётни ҳазм қилолмай, «қолоқ» дунёқараши  
билин яшашга интилевчи кишиларни шундай де-  
йишади. Ҳар ҳолда мен шундай ўйлайман. – Савол  
бериш навбати Гулденга етди:

— Устоз, сизнингча маънавият нима? – Лабла-  
ридаги синиқ табассум билан жавоб беришга ки-  
ришди:

— Яхши савол... маънавиятми, маънавият – таш-  
налаб одамлар учун бир булоқдир. Ичганинг сари  
ичгинг келади, таъми таърифга сиғмайдиган ху-  
зурбахш чашмадир у. Болалар, зинҳор унутманг,  
киши тирик қолиши учун сув-ҳавога, озиқ-овқатга  
эҳтиёж сезади. Маънавият ҳам худди шундай ти-  
риклик манбаидир. Ундан қонган қалблар бағри-

кенглик ва осойишталикни ўзига касб қиласи. Унинг оҳанги – севги, сўзлари – муҳаббат, мезони эса, ахлоқ ва тўғриликдир. – Устоз сўзини якунлаши билан яна бир қиз қўл кўтарди.

— Сенда нима савол бор? – Қиз ғайриоддий норозилик ҳаяжони ичра сўз бошлади:

— Мактабдаги ўқувчилар хулқидан норози бўлган ўқитувчилар орасида сиз ҳам бор экансиз. Эшитиб, роса хафа бўлдик. Шу ҳақда савол бермоқчи эдим.

— Қулоғим сенда. – Қиз гап бошлади-ю, аммо давом эттиришга уялганидан тараффудланиб қолди. Синфдошлари қараб тургани учун ҳаяжони ортди, тили тутилди. Устоз бир муддат кутиб тургач, сўради:

— Гапирмайсанми?

— Гапираман.

— Қани, бўлақол. Кутяпмиз.

— Ҳалиги... Шаръий ахлоқ масаласида шубҳалар бор экан. Ҳатто: «Лицейда бокиралик тести ўтказилади», деган гаплар юрибди. Шу тўғрими? – Муаллим уятдан юзини четга буриши билан орқа партада ўтирган бола қаҳқаҳа отди. Синфдошлари юзида ёввойи ва жирканч ифодалар кўрган қиз уялса-да, хона узра баралла кулган синфдошига алам ва нафрат билан тикилиб олди. Синфда жимлик ҳукм суро бошлади.

— Бундан хабарим йўқ. – Қиз қайта ўрнидан туриб, давом этди:

— Устоз, нима деб ўйлайсиз, ўқувчиларга бундай муомала қилиш тўғрими?

— Ўтири! – Тўғри айтасан. Бу – яхшимас, энг аввало, кўнгилга оғир ботади. Тест ечим бўлолмайди. Аввалдан ахлоқ, ифрат, номус ва эътиқод каби

тушунчаларни таълимдан ажратмаслик керак эди. Агар миллий қадриятларимизни, эътиқодимизни таълимга қайта жалб қилинса, ишонаманки, бу каби муаммолар қаршимизга чиқмайди.

Унутманг! Бу дунёда инсоннинг қўлидан бой берадиган, йўқотадиган энг катта нарсаси – унинг ўзиdir, ўзлигидир. Инсон ўзини топган, таниган лаҳзадан бошлаб, ўз бурчини, масъулияtlарини ҳам тушуна бошлиши аниқ. Ўзини танимаган инсон ҳаётда ҳеч нарсани таҳлил қилолмайди, адашишлар ичида маҳв бўлади. Хоҳ қиз бўлсин, хоҳ ўғил, ким бўлмасин, виждонга юк бўладиган бирор нохушликни лаҳзалик истаклар ортидан татиб кўришга уринмасин. Унутманг! Келажакда исм-шарифимизни кўтариб юрадиган фарзандларимиздан бу кунларни қарз олиб яшаяпмиз. Уларга шарафли ҳаёт тақдим этиш учун қарздормиз... Бунинг моҳиятини ифрат ва номус тушунчалари билан бирга тарозига солиб қайта кўздан ке chirган лаҳзангиздан бошлаб, фикрларингиз ҳам ўзгаради, ҳаётингизга маъно киради...

Бир ўқувчи бундай вазият қайта бўлмаслиги мумкин, деган ҳадикдан ҳовлиқиб, қўл кўтариш билан чекланмай, баланд овозда гапириб, устознинг эътиборини тортди. Устоз болага гапириши учун рухсат берди:

- Эшитамиз.
- Устоз, сиздан сўрамоқчи бўлиб юрган саволимиз бор эди.
- Бутун синфнинг саволи, демоқчимисан?
- Йўқ, баъзи биримизнинг.
- Ошиқишингга қараганда анча муҳим кўринади?

- Шундай, устоз!
- Қани, эшитамиз.
- Бир сўзга кўзим тушди ва луғатдан унинг маъносини изладим, яъни – Дажжол. Устоз, бу мавзуга алоқадор китобларни қайта-қайта ўқидим. Аммо аниқ тушуна олмаслик мени чарчатди. – Устоз ўқувчидан кўзини узмай, жавоб берди:
- Бу – катта мавзу, шу билан бирга синфда ҳам муҳокама қилинадиган ҳам эмас.
- Лекин, устоз... – Синф ўз гапини маъқуллаб, ҳол-жонига қўймаса-да, устоз рад қилди:
  - Бошқа савол беринглар.
  - Тушунтириб беринг.
  - Устоз, тушунтиrinting.
  - Билишни хоҳлаяпмиз... – Болалар қатъий туриб олгач, устоз ён беришни маъқул кўрди:
  - Жуда яхши. Саволинг тугадими?
  - Ўқиганларимдан шундай холосага келдимики, дажжол – дин ва динсизликни аралаштириб юбориш, дегани экан.
  - Яна-чи?
  - Бир ҳадис китобида шундай ўқигандим... Ўқиганим сари бу мени кўп ўйлантиряпти.
  - Оят ва ҳадисларни шарҳлашга билиминг етмагани учун ўқиганларингга истаганингча маъно бериб қўймагансан, деб умид қиласман. Бесавод одамлар туфайли динда турли фитналар пайдо бўлди. – Синфда гур кулги кўтарилди. Барчанинг бирдек қаҳқаҳа отиши боланинг нафсониятига тегди. Оғринганини билдириб қўйиш учун давом этди:
  - Устоз, тушунтирмадим-ку ҳали...
  - Тушунтириб, фақат дин борасида эҳтиёт бўлишингни айтмоқчи эдим.

— Хўп бўлади, устоз.  
— Қани, эшитамиз.  
— Кўплаб ҳадис ўқидим. Бахтга қарши тушунтириб беришга отамнинг ҳам, онамнинг ҳам билимлари етмади. Охири, синфдошлар ўзимизча шарҳладик. Ҳадисларда унинг хусусиятлари куйидагича баён қилинади:

1. У одамни ҳамманинг кўз ўнгида ўлдиради ва тирилтиради;

2. Ер юзида эшаги билан шамолдан ҳам тез ҳаракат қиласди;

3. Куп-куруқ ерда ўсимлик ундириб бера олади;

4. Исталган вақтда ёмғир ёғдира олади;

5. Эшагининг қулоғи соясида бир вақтнинг ўзида юзлаб одам сояланга олади;

6. Одамларни сўзи-ю сози, ўйин-кулгиси билан ўз ортидан эргаштиради;

— Тўғри. – Муаллим синфга қараса, бу мавзу барчани бирдек қизиқтириб қўйган, вужудлар қулоқقا айланиб тинглашарди.

— Устоз! Худди шу хусусиятларнинг барчасини ўзида жамлаган бир буюм бор.

— Нима экан у?

— Телевизор! – Оиласининг бузилишига энг асосий сабабчи бўлган бу матоҳ ҳақидаги гапдан муаллимнинг юзи буришди. Болалар бугунги саволлари ва бу шарҳлари билан атайлаб устознинг ҳаётига кўзгу тутаётгандек эдилар гўё. Бир муддат норози бўлиб тикилиб турди-да, ўқувчиларга сездирмаслик учун табассум билан сўради:

— Хўп, яхши. Дажжолдан: «Исботинг борми?» – деб сўралмас эканми? – Бола дадиллашди:

— Устоз, айтмоқчиманки... Телевизор ҳам ёмғир ёғмаётган бўлса-да, экранда ёмғир ёғдира олади. Тугмачасини боссангиз, етти иқлимини уйингизда пайдо қиласди. Ўликларни тирилтиради. Тирикларни ўлдиради. Дин ва динсизликни ҳам вақти-вақти билан намойиш қилиб туради. Қаҳвахона, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойларда баландга қўйилади ва юзлаб одам рўпарасига ўтириб, уни томоша қиласди. Яна у кўпроқ кўнгилхушлик, ўйин-кулгини тарғиб қиласди. Шундан унинг Дажжол эканига ишонса бўлади.

— Хўп, сен бу масаланинг ечимини ўзинг топибсан, мендан нимани сўрайпсан?

— Фикрларим тўғрими-нотўғрими, деб сўрайпман. – Синфдошига ҳайрат билан тикилаётган нигоҳлар кўп ўтмай ўқитувчига қадалди. Устознинг жавоби қизиқтираётганди уларни. Савол берган ўқувчининг ўтиришига рухсат бериб, жавобни бир байт билан бошлади:

*Илоҳий илмни англамас ҳар кас,  
Зеро, бу тарози вазн кўтармас.*

— Менимча, бу мавзу ортиқча муҳокама қилинди. Сен, аввло ўз дарсларингни ўқи. Ҳадислар шарҳини, ечимини эса, муҳаддисларга қолдир. Уларни шориҳлар шарҳлайдилар. Шарҳланган ҳадислар қайта шарҳланмайди. Келишдикми? – Бошқа ўқувчининг саволи жаранглади синфда:

— Устоз, сиз-чи? Сиз бу борада қандай фикрдасиз?

— Болалар, тинчланиб, қулоқ солинглар. Одам ниманидир ўқиб, ўзича тушуниши мумкин, лекин дин борасида эмас. Бугунгача бирор аҳли илмнинг бу гапини эшитмадим, шунинг учун сукут сақлаш

энг түғри йўл бўлади деб ўйлайман. Менинг ўқиб ўрганганим шуки, дажжол сиз-у менга ўхшаган инсон қиёфасида бўлади. Мавзуни шу ерда ёпайлик. Ўз эгалари бор бу илмнинг. – Бир қизнинг саволи уни янада сиқувга олди:

— Устоз, телевизорга сизнинг муносабатингиз қандай? – Кутилган саволи эди бу. Нималар гапирилмаганди бу мавзуда...

— Йўқ, болалар, фан ва технологиянинг инсониятга хизмат қилишига ҳеч ким қарши чиқмайди. Мен ойнаи жаҳоннинг инсониятга ва ёш авлодга билим тақдим қилишига эмас, уларни бекорчи нарсалар билан овора қилиб қўядиган кўрсатувлар қаршилиги михлаб қўйишига қаршиман. Бошқа мамлакатда бўлса-да, уйидан қурол олиб келиб, синдошларини ўққа тутган ўқувчиларни ҳаммамиз кўрдик. Одамларни мафия ўйинлари, бузуклик, ичкилик ва қиморга ўргатиб, беғубор авлодларнинг мурғак онгини бузишга ҳаракат қиласидиган кинолар, исломофобия... Булар ўргатиладиган ва ўрганиладиган нарсалар эмас. Ўз синдошнингиз «Дажжол» деб ном берди ҳозиргина шу тасвирларни намойиш қиласидиган буюмга. Билим, яхши хислатлар ва ахлоқ қоидалари билан лиммо-лим тўлдирилган эфирлари билан бу зангори экран, айни дамда, «Махдий» вазифасини бажара олган бўларди... Асл мақсад – экранларни ўчириш, шу йўл билан улардан қутулиш эмас, балки уларни маънавий қадриятларга мослаштириб, уни ер юзидағи ахлоқ биноларига устун қилишдир. Ёдда тутинг: борар манзилини аниқ биладиган йўловчи бўлинг. Чунки манзил аниқ бўлса, йўлнинг машақкати сезилмайди.

## **Фалокат**

*Гулдан гулга қўндим бол йиғай дея,  
Болхонамга чўқмор отиб тилдилар.  
Сўзларимдан фитна чиқарай дея  
Гапларимни юқорига ёздила...*

\*\*\*

Кўча юзидағи дўконлар саҳни гавжум. Пиёдалар йўлагидаги издиҳом ўрта асрлардаги ярмаркани ёдга солади. Текис, оралатиб қўйилган пештахталар орқасида туриб олган чакана сотувчилар дағал товушда харидор чақириб, одамларнинг эътиборини тортишга уринишади. Аббос устозни бу тун ҳам уйқу тутмади. Шахдам қадам ташлашга уринса-да, ҳорғинлиги билиниб турарди. Уй деворлари унинг ёлғизлигидан фойдаланиб, тун билан ҳамоҳанг қора ва ваҳимали увиллар, бир лаҳзага бўлсин кўз юмгани қўймасди. Тушдан кейинги дарси учун чарчоқ одимлар билан лицей томон юриб кела бошлади. Мактаб ҳовлисига кирганида йўл четида девордек тизилган ўқувчиларни, микрофон ва камера кўтариб олган мухбирларни кўриб, бирпас туриб қолди. Кўзларини қайтадан юмиб очди. Бир ўқувчи кўрсаткич бармоғи билан унга ишора қилди:

– Ана, Аббос устоз. – Доира иккига бўлинди ва телевидение ходимларининг устозга пешвоз чиқшига йўл очилди. Уни суратга олаётган фотоап-

паратларнинг чироқлари олдинма-кетин чақнар, микрофонлар, овоз ёзиш ускуналари, журналистларнинг бир-бирини эшитмасдан устма-уст берётган саволларидан устоз бир муддат карахт бўлиб қолди. Журналистлардан бири илк савол билан унга юзланди:

– Аббос устоз сиз бўласизми? – Саросимада қолган устоз ҳаяжон ичida жавоб берди:

– Ҳа, менман-нин... – Ўқувчилар бир-бирини туртиб, итариб устозни ўраб олган доирани борган сари торайтирадилар. Иккинчи саволдан кейин устознинг юзига муздай сув сепилгандай бўлди:

– Айтинг-чи, устоз, телевизор дажжолми? – Бошига темир нина қадалгандек дарров сергак тортиб, савол берган мухбирга қааркаркан, телбанинг тўсатдан берган зарбаси оғриғини вужудида ҳис қилиб, жавоб берди:

– Худо хайрингизни берсин, бу гапни қаёқдан олдингиз?

– Ўзингизни гўлликка солманг, устоз. Кечагина шу мавзуда дарс ўтибсиз-ку. – Ҳадикларга тўла ички дунё занжирларини аллақачон чилпарчин қилиб бўлганди устоз. Кўрингани каби бетайин ва разил бу дунё ўзининг ифлос гирдобига тортишга уринмоқдайди уни ҳам.

– Янглиш хабар етказишибди. Бердисини айтмагунча, болаларнинг гапларидан хулоса қилиб бўлмайди.

– Хўп, унда айтинг-чи, сизни нега «Ёввойи» лақаби билан чақиришади? – Жони ҳалқумига келган устознинг қони томирларида қайнади. Савол берган ходимнинг оғзига урди:

- Нима деётганингизни ўзингиз биляпсизми?
- Асабийлашманг, устоз. Куни кеча дарсингизда: «Телевизор – дажжол», дебсиз. – Бундай таҳқирлашдан, айбиз айбдор бўлишдан ғазаби тошса-да, яна босиқлик билан жавоб берди:
- Сиз янгишяпсиз. Тўғри, кеча дарсда бу ҳақида озроқ сұхбат бўлди, аммо у менинг эмас, бир ўқувчининг ўзи берган саволига ўзининг жавоблари эди. Мен уни бу мавзуда сұхбатлашишга ундамадим, аксинча, ҳали бунга ёшлиқ қиласан деб, мавзуга нуқта қўйдим. – Навбатдаги савол сабр косаси тўлиб бораётган устозни янада хуноб қилди:
- Устоз, сиз радикаллар тоифасидан экансиз, шундайми?
- Қандай тоифа?
- Қандай бўларди? Жорий тузумни ағдариб, ўрнига... – ўқитувчи журналистнинг гапини оғзидан юлиб олди:
- Нон эмас, буғдой қийшиқ, дeng? Ҳа, мен иймон-эътиқодли одамман, фақат унга кўра яшашга ҳаракат қиласиган ўқитувчиман. – Мухбирнинг ёқимсиз овози ва саволидан энсаси қотди:
- Маъзур тутасиз, устоз. Эътиқодлиман деганда нимага ишора қилдингиз?
- Журналистика – пашшадан фил ясаш, тирноқ остидан кир қидириш, деганими? Айтмоқчи бўлган гапдан чалғитиш инсонийлик одобларига тўғри келадими? Нима деб ўйлайсиз? Эътиқодлиман, албатта! Бошқалар обрўсини тўкиш инсонийлик мезонида тош босадими? Одам ўзининг, ўзидан ўзгаларнинг ҳам шаънини сақлаши керак эмасми? Ҳеч бўлмаганда, қўлингизда ишончли манба бўл-

магани ҳолда касбингизга хиёнат қилманг. Журналистика оқни – оқ, қорани – қора деб күрсатиш учун хизмат қиласын соҳалиги эсингиздан чиқмасин. Касбингизни суистеъмол қилманг... – Асаби қирғоғидан тошиб, йўлдаги “жонли тўсиқлар”ни ёриб ўтиб, лицей биносига қараб кета бошлади...

\* \* \*

Устознинг бошига келган ташвиш Оммавий ахборот воситалари кўтартган шов-шув билан ниҳоясига етмади, балки жиддий тергов, текширувлар ўtkазилди: жаримага ҳам тортилди. Янгича ёлғизлик қучоқ очиб турганди устозга. Ҳамкаслари билан маъюс хайрлашиб қайтаркан, ўзига ўзи секингина шивирлаб қўйди:

«Ё тушунтира олмадим, ё тушунишни истамадилар...»

\* \* \*

Ҳозирги дарси Диншунослик фани бўлган иккинчи босқич «Д» гурӯҳ талабалари юзига Аббос устоздан айрилганлари учун маҳзунлик булатлари соя солганди. Гурӯҳ сардори синфдошларига тартибни сақлаб ўтириш кераклигини эслатгач, айrimлар бошқа фаннинг вазифасини тайёрлар, айrimлар ёнидаги сабоқдоши билан пичирилашиб, нималардир ҳақида гаплашиб ўтиради. Армуғон дафтарига нималардир ёзар, мавҳумотлар оролида ёлғиз ўзи қолган, бир йўлбошли халоскорга интизор, умидлари қалби каби чалажон

Йигит эди у. Гулден йигитга сездирмай унинг ёзганларини кўз қири билан ўқир эди:

*Исмингни дилимга ёзишдан аввал,  
Қалбим билан қона-қона ўқидим.  
Кўксимга жойладим сендан берухсат,  
Йўрма ип-ла чок-чок тўқидим.*

Фироқ ишқ бўлса, висол заволнинг аввалидир. Юрак ютиб тилга чиқаролмаган ҳисларимнинг тутқуниман мен. Туйғуларим уммонида ғарқ бўлмаслик учун ягона чорам бу... Қалбимда муҳаббати чечак очган Лайлимга тортиқ қилиш учун энг инжа ҳисларим ғунчасидан йиғилган болдир бу битикларим. Аммо бу сўзлар қалб розимнинг таржимони бўлолмайдилар.

Нималар ёзяпман-а мен нотавон!? Нима деётганимни билмаяпман, ҳатто. Биз инсонлар ўз истагимизни сўзларнинг елкасига юклаймиз. Тилимизни дилимизга элчи қиласиз. Баъзида ўз вазифасини уддалай олмайди бу тиллар. Ишқдан забун бўладилар. Ким билади дейсан, балки ҳақиқий воқеелик бундайдир: энг зариф туйғу бўлмиш муҳаббатни сўзлар ўзларининг мустаҳкам қобиқлари орасида авайлаб юрарлар. Худди чиғаноқ марваридни бағрида асрагани каби. Бу нафис туйғуни азиятлардан сақловчи ва суюклимиизга етказувчи шу қобиқ бутун умр изҳори лаб қилинмай кўксимизда қолиб кетса, унинг қирралари, қобиқлари юрагимизга қанчалик қаттиқ ботади, тўғрими?..

Армуғоннинг сатрларини Гулден юракдан ўқир, очиқ деразадан эсаётган енгил насим соchlарини

ўйнар, юз-күзларини түсган заҳоти қыз нозик ҳаракатлари билан уларни орқага олар, бу худди түлин ойнинг юзини түсган булутлар билан беркинмачоқ ўйнашига ўхшар, қыз хуснига хусн қўшарди. Армуғон хатни якунлаб, қаламни қўйди. Гулденнинг ўзига қараб турганини сезиб, хижолатли нигоҳлари билан у ҳам қизга тикилиб қолди. Бир неча дақиқа давом этган бу сўзсиз қарашлар юраклардаги пинҳон ҳисларни бир-бирига сўйларди гўё. Сўзларига сиғдиролмаган туйғуларини кўзлари орқали ифода қила бошлади. Кечинмаларини Армуғондан илгарироқ жиловлаган қиз синфдошидан сўради:

– Армуғон! – Ҳамон бир нуқтага қадалиб, Гулдендан ўзгасини кўрмаётган нигоҳлар овозни эшиitmади. Қорачиқ соҳибини ўзига қаратиш учун қиз бу гал баланроқ гапирди:

– Армуғон?! – Йигит сергак тортиб, хижолат бўлганча жавоб қайтарди:

– Лаббай!

– Сендан бир савол сўрасам дегандим.

– Сўрайвер.

– Фақат ростини айтишга ваъда бер. – Бу гап йигит кўнглига оғир ботди:

– Ёлғончига ўхшаяпманми?

– Аввало узр сўрайман, сал бошқачароқ мавзууда гаплашмоқчимаи... Яъни Аббос устоз...

– Хўш?

– Ноҳақ туҳматга учради. Биз қўлимизни қовуштириб туравердик.

– Тўғри айтасан.

– Оиласи ҳам шу важдан ажралиб кетган дейишади одамлар.

– Ғазабга енгилиш ҳар бир кишининг бошида бор дейишади. Қанийди, ўша синфдошимиз гапини вақтида тўхтатганида ё холи жойда устознинг ўзидан сўраб олганида.

– Синфдошимиз ёмон ниятда савол бермаганди, менимча. Қилгани, ўзи ўқиб тушунмаганига ойдинлик киритишни истагани. Қизиқиши устунлик қилди...

– Устозга жабр бўлгани қолди.

– Ҳа-аа, бўлар иш бўлди.

– Ҳалиги... боя ёзганларингга сендан сўроқсиз кўз ташладим.

– Ҳечқиси йўқ, ўқийвер. – Улар аслида сенга аталган демоқчи бўлди-ю, деёлмади.

– Сени таниёлмай қолдим. – Армуғоннинг кўзлари чақнади:

– Яъни?

– Жуда жizzакисан, шу билан бирга нозиктаъб ҳам. Бир қараса, ўт бўлиб ёнасан, бир қараса...

– Мен ҳақимда ўйлаб юрадиган кўринасан?

– Адабиётни севасан!

– Жуда ҳам!

– Шеърлар ёзасан, қаламинг ҳам ўткир.

– Ўзимдан кўнглим тўлмаса, шу кенг дунёларга сиғмай қолганимда сатрлар қучоғида ором олишни истайман. Кўксимни куйдириб турган ўтнинг чўғи шу билан чекинади гўё.

– Ичимдагини топ, дейдиганлардансан.

– Ўзинг-чи? Ўзинг ҳам шунаقا эмасмисан?

– Балки шундайдир...

– Сен ҳам тушуниш қийин одамсан.

– Аслида бу яхши хислат. Тиришқоқ ва мукаммал йигитсан. – Құнғироқнинг жиринглаши сұхбатни бўлди. Гулден дугоналари билан бирга синфдан чиқиб кетди. Армуғон қимирламасдан ярим қолган ширин хаёлларининг домига отди ўзини. Унинг қалин, қоп-қора қошлари остидан теран боқувчи жигарранг кўзларида мағрурлик балқиб турарди. Босиқлиги, мулоҳазакорлиги билан йўлида учраган ҳар қандай тўсиқни осон енгиб ўтарди. Бўйи ўртадан баланд, хушбичим, юзида айрича самимилик ҳоким истарали йигит эди у. Қош-кўзлари бир-бирига уйқаш бу йигит-қизнинг бир партада ўтирганини кўрган кўпчилик ўқитувчилар беихтиёр уларни саволга тутардилар:

– Ака-сингилмисизлар? – Аббос устоз ҳам иккисини бир-бирига ўхшатгани учун эгиз гумон қилиб, бир партага ўтқазганди иккисини. Бу саволлар беҳузур қиласарди кўнгилларини. Ким сўраса ҳам, ҳозиржавоблик билан “Йўқ!” дейишарди. Бу савол Гулдендан ҳам кўра кўпроқ Армуғоннинг ҳаловатини олар, рад жавобини бергач, кўнгли таскин топарди гўё. Муаллимлар ортидан қўшиб кўйишарди:

– Билмаган одам сизларни эгизак деб ўйлайди. – Аслида, бу гаплар Гулденни ҳам Армуғондан кам ранжитмасди, албатта. Унинг ҳам кўксисда куртак очган туйғулари умидсиз нигоҳларида барвақт сўларди бу саволдан. Қиёфаларидаги ўхашлик Армуғонни умидсизлик сўқмоқлари томон етаклар, тунлари қон йиғлаб чиқарди. Толесиз бу муҳаббатдан кейинчалик бундан-да қаттиқроқ

азобланмаслик учун ҳисларини жиловлашга уринарди. Ўрнига чўзиларкан, тун зулматида унинг борлиги зимистон ҳаётига шамчироқ бўлиб, нур таратиб туради. Хаёлида жонланган қиз қаршисида тили лол, қалби тор бўлиб сўзларди. Яна тонг отар, ҳаёт яна ўз измида давом этарди.

\* \* \*

*Вақт тўхтаса, сабоҳга яқин,  
Кўзларингга тўйласам мотамдек...  
Вафотим ҳурмати бир сукут сақлаб,  
Титроқ овозинг-ла марсия бошла...*

Устоз синфга шу мисраларни ёддан ўқиганча синфга кириб келиб, қўлидаги портфелини қўймасдан ўқувчиларга юzlаниб айтганди:

– Ҳа, болалар! Ҳошим Назиҳий бизга шундай деб хитоб қилмоқда ўз мисраларида... – Айрича мунг, айрича шавққа қоришиқ овозда ўқиган тўртлиги билан дарсга кирап-кирмас ўқувчиларнинг туйғуларини, ақлинни ўз измига оларди Аббос устоз. Юракдан сизиб чиққан бу покиза булоқ сувидан Армуғон қониб-қониб иchar, қанча ичмасин, чанқоғи босилмасди... Партадошига ўғринча қараб қўяр, қалбан бўлмаса-да, жисман яқинлик хушнудлик берарди кўнглига. Дарс сатрлар ва улар ўз қаърига жо қилган сирлар хазинасини излаш билан жуда қизиқарли ўтганди ўшанда. Кўнғироқ чалингач, хонадаги нафосат қаергадир ғойиб бўлганди гўё.

Армуғон дарсликларини папкасига жойларкан, партадошига секингина пицирлади:

- Гулден!
- Лаббай?!..
- Аббос устозни күргани борасанми? – Гулден бироз ўйланиб қолди:
  - Уйларини биласанми?
  - Йўқ.
  - Нима қиласанми?
  - Устоз бизнинг кўчага етмасдан жойлашган мактаб рўпарасидаги китоб-дафтар дўконини со-тиб олибдилар.
  - Қачон? Хабарим йўқ экан.
  - Хўш, мен билан бирга борасанми?
  - Бораман, фақат бугунмас. Масалан, шанба кун бора оламан. – Армуғоннинг севинчи қалби-дан тошди:
  - Келишдик!

\*\*\*

Кўклам. Апрельнинг оби раҳмати она тупроқ лабига шарбат тутар, ёмғир томчилари ясаган пулфакчалар Ўрта денгиз сувида катта-кичик доира-лар ясад, бир-бири билан қувлашмачоқ ўйнарди. Денгиз узра чарх уриб учайдиган қушлар тўлқин-лар ғовури билан сўзлашаётгандек бир пастлаб, бир юқорилаб учиб ўтар, осмон кўзёш тўкиб бўлгач, ҳаводаги йиғлоқи булатлар тарқаб, кўк юзи янада мусаффолашарди. Торос тоғларининг қорли чўққиларини сийпалаб келган шамолнинг муздек кўллари юзларни беозор эркалаб ўтарди. Заррин

қуёш ҳозиргина борлиқни ўраб турган булутларнинг кулранг кўрпасини парчалаб, илиқ нурлари билан табиатга меҳр улашарди. Табиат яшнамоқда, олам ёшармоқда эди бугун.

Шаҳарчада маҳаллий сайловлар вақти бошлангани учун ҳокимнинг ичини заҳарли илон кемиради. Чунки охирги икки сайловда ҳар қанча уринмасин, устунликни рақибиға бой бериб, кам овоз тўплади. Шу онни сиёsat майдонига кириши учун энг қулай вақт деб билган ўғли Суат дастурхон бошида яна унинг овқатни яна заҳар қилди:

– Дада, хўп десангиз, бу гал мен ҳам ўз номзодимни қўйсам. – Ҳоким ўғлининг оғзига гап билан урди:

– Шунча йиллик тажриbam, меҳнатим бўлатуриб, мен ютқазиб турибман-ку, сизга йўл бўлсин мажруҳ Суатбей! Қолаверса, бутун шаҳарча сизни «Чўлоқ Суат» деб «эҳтиром» қиласи! – Ўнг қўли билан чап қўлини сийпалаб, отасига ғазаб билан пишиллаб жавоб берди:

– Сизни деб...

– Занғар, шу қолувди мендан кўрмаганинг. – Айб ўзидалигини билган Суат гап қайтаролмади. Дадаси ҳовуридан тушгач, яна такрорлади:

– Дада, йўқ деманг. Бир мартағина имкон беринг! Бутун умр шу орзунинг доғида яшадим. Ёдингиздадир.

– Менга ақл ўргатма! Аввал дўконингни эплаб ол. Ўшанинг ўзи ҳам етиб, ортади сен чўлоқقا. – Собиқ ҳоким бирдан сергакланди:

– Шошма, сен нега уйдасан бу вақтда? Дўкончи? Ёлиб келгансан-да а?!

– Ёпганим йўқ, сотувчи қараб турибди. Номзод кўрсатиш вақти келиб қолди сиз билан гаплашиб ўтиргунимча. – Раис масхаромуз тикилди ўғли-нинг кўзларига:

- Ҳоким бўлишга қасам ичганмисан сен?
- Фақат бир сафар, дада.
- Бўл-май-ди! Ўша бодичадан ҳокимликни қайтиб олмасдан ўлсам, кўзим очиқ кетади. Тушундингми?
- Сиздан бошқанинг ҳоким бўлиши алам қиляптими?
- Жуда ҳам!
- Эплай олмагандирсизки, овоз берилмаган сизга.
- Тур йўқол, кўзимга кўринма! Мени тафтиш қилиш сенга қолибдими? Мен қилолмаган ишни сен эплай оларкансанми?
- Эплай оламан!
- Шундай дегин... Қани, бор! Нега мендан сўраяпсан!? Уялма! Одамлар: «Ота-ўғил мансаб талашиб юрибди», десалар ҳам сенга фарқи йўқ-ку!
- Бўлмайди!
- Унда кўзимдан йўқол!

\*\*\*

Овқатини емай дастурхондан туриб кетди. Ташқарига отилиб чиқаркан, юраги гурс-гурс урап, олма-кесак терган кўзлари йўлаклар узра алангларди. Турсун ёдига тушди. Шоша-пиша билагидаги соатига қаради: 17:30. Турсуннинг идорадаги иши тугаб, уйга қайтадиган вақти бўлган.

У билан кўчада, уйига етмасидан гаплашиб олиши керак. Акс ҳолда, уйига боришга тўғри келади. Йўқ, йўқ, уйига эмас, фақат бу эмас. Фикрлари тўзизб, бир муддат ўйланиб қолди. Сўнг бошқа чораси йўқлигини билган оёқлари манзил сари етаклаб кетди унинг заиф ақли ва чиркин вужудини.

Чойхона олдига келиб, мажруҳ қўлинни шими-нинг чўнтағига яшириб, ўнг қўли билан тамаки тутатганча, у ёқдан бу ёқса бориб келиб, атрофни кузата бошлади. Совуқ ва шум нигоҳлари чойхона-га қараб келаётган ўз «ўлжа»сини узоқдан таниди. Кўлидаги сигаретани улоқтириб, катта-катта қадамлар билан Турсун томонга юрди. Юзма-юз келганларида бир пайтлар қилиб қўйган ишидан бироз хижолат тортганидан тили ҳадеганда калимага келавермай, қўрқув ва пушаймонлигии енгиш учун чуқур-чуқур нафас оларди. Ҳар доим мағурур ва дадил Суатнинг бугунги тарадду-ди Турсуннинг юрагига шубҳа солди. Кўзларига тикилиб, сўради:

– Тинчликми, ўғлим? – Бу самимиятдан Суатнинг овози овози титради:

– Тинчлик эмас, Турсун амаки.

– Бирор кор-ҳол бўлдими? – Суат қайта нафас олиб, ғўлдираб қўйди:

– Аслида айтарли жиддий гап ҳам эмас, шунчаки...

– Гапирсанг-чи ахир хавотирга қўймай!

– Бирор ерда ўтириб, чой-пой ичсакми дегандим?

– Майли, юрақол. – Усти сармашиқлар билан қопланган чойхона ҳовлисининг энг четига бориб ўтиришди. Ўтиришлари ҳамоно Турсун қўлини костюмининг чўнтағига турган сигаретасига

узатди. Бирини лаблари орасига қистириб, Суатга ҳам «илинди»:

– Чекасанми? – Надоматдан бошлари хам бўлган Суат синиққина жавоб берди:

– Чекаверинг, Турсун амаки...

– Қани, гапир! Нима демоқчи эдинг? – Синчковлик билан таъқиб қилаётган кўзлардан Суат ўзини баттар йўқотди. Узук-юлуқ жавоб берди:

– Ҳалиги, Турсун амаки, дадам...

– Тортишиб қолдингларми?

– Ҳокимлик... – Орадан ўтган шунча йилдан бери бирор марта хаёлига келмаган гумондан Турсуннинг жазаваси қўзий бошлади. Дўстимнинг фарзанди деган ўй нари ҳайдаганди бу шубҳаларни. Қизининг собиқ қайлиғидан, ўз маҳалласи ёки кўчасидаги ҳар кимдан шубҳаланса шубҳаланаардики, асло ундан шубҳаланмасди. Суатга ишора қиласидиган бирор далил ҳам кўрмади. Аммо шуурда чақмоқ каби ялт этган ногаҳоний бу тахмин Турсунни ҳушёрликка чақирди:

– Тушунарли. Мендан нима ёрдам?

– Ҳар қанча илтимос қилдим, ёлвордим, кўнмади. Дадам билан жуда яқинсиз. Уни фақат сиз кўндира оласиз. Гаплашиб кўрсангиз, сайловда мен ҳам номзодимни кўрсатишинга рухсат берса дегандим... – Турсун тамакисини эринмай, чуқур ва қаттиқ тортар, кўзлари эса, ғайриоддий талваса ичидা уч-тўрт қадам наридан ўтиб кетаётган Армуғонга тикилди. Сўнг ўзининг ғазаб қоришиган йўғон товушини баралла қўйиб бақирди:

– Армуғон! – Исленинг бу оҳангда тилга олинishi яхшилик аломати эмаслигини кичиклигига-

ноқ билган Армуғон турган ерида таҳтадек қотиб қолди. Истар-истамай овоз келган томонга юзини бурди. Бобосининг иккинчи хитоби эса, юрагига баттар таҳлика солди:

– Ҳой дайди, бу ёқقا кел! – Дафтар-китобларини қўлтиқлаганча ўзларига қўрқа-писа яқинлашаётган «ўғли»ни кўрган Суатнинг жони ачишди. Чунки у ҳам Турсуннинг боласига қилган зулмларини кўрган, эшигтан эди. Тишини тишига қўйиб, худди бу ишларнинг ўзига алоқаси йўқдек, ясама хотиржамлик остида ҳисларини яширишга уринди. Балоғат даврини бошидан кечираётган йигитнинг нигоҳлари бобосининг мағур кўзларига тик боқди бу гал. Ахир бобоси анчадан бери ўз услубини тарк этган, аммо тўсатдан янграган овози унга яна ўша оғриқларни эслатганди:

– Лаббай, дада? – Суат айби ошкор бўлиб қолишидан чўчиб, нигоҳларини улардан олиб қочди: узоқларга тикилди. Турсуннинг овози хўрандаларнинг-да диққатини тортгани учун кўзлар уларга қадалган, ҳамма энди нима бўларкин деб улардан кўз узмасди. Аввалги мағур Турсуннинг ўқтам овози яна ҳавода жаранглади:

– Ҳой итвачча, қаерларда дайдиб юргандинг шу пайтгача? – Бобосининг феълини билган йигитча яқин келишга журъати етмай, икки одим нарида ерга қараб турарди. – Ўзидан, ҳайвоний нафсини қондиришдан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган Суат Турсунни тинчлантиришга уринди:

– Турсун амаки, ўғлингизни тинч қўйинг. Уйга борганда бафуржа сўрарсиз. Иккимизнинг гапимиз энг қизиқ жойида ярим қолди ахир. – Шубҳа-

лари сутдек қайнаб тошган Турсун Суатнинг гапларидан ҳовуридан тушди. Муштини дўлайтириб, Армуғонга пўписа қилди:

– Йўқол кўзимдан! Сен ит билан уйга борганда гаплашаман. – Армуғон миқ этмай, бўғзини куйдирган оловдан жим қолиб, лабларини тишлаганча кўзида ёш билан улардан узоқлашди. Туғилганидан буён ботмон-ботмон тоғларни елкалаб яшаб келган Армуғонни бу хўрликлар ҳолдан тойдирганди охир. Турсун тугаган сигаретаси ўрнига янгисини тутатиб, Суатга эътиroz билдириди:

– Бу – бўлмайдиган иш, жиян.

– Нега бўлмайди, Турсун амаки?

– Отанг жон-жаҳди билан киришган, камига кўп йилдан буён ўрганиб қолган мансаби. Оддий одам бўлиб юришга қийналади. Уни ўз ҳолига қўй, агар сайловда ғолиб бўлолмаса, охири яхши бўлмайди деб қўрқаман. Сен ҳали ёшсан, мағлубият аламини яхши билмайсан.

– Балки ўзингиз бир марта бўлса ҳам гаплашиб кўрарсиз?

– Кел, шу йил ҳам дадангга имкон берақол.

– Майли, кутавераман. Кўрамиз, нима бўларкин...

\*\*\*

Армуғоннинг маъюс чехраси унга эшик очган Ҳасратнинг эътиборини тортди. «Ука»си ёшли кўзларини яшириб, хонасига ўқдек отилиб кириб кетди. Эшикни қарсллатиб ёпиб, ичкаридан

кулфлаб олди. Кўнгли бир ғашликни сезган она эшик ортидан оҳиста чақира бошлади:

– Армуғон! – Эшикнинг қарсиллаб ёпилишидан чўчиб кеган Мавиш Ҳасратнинг ёнига келди:

– Нима бўлди, Ҳасрат?

– Билмасам, ойи. Кўчадан йиғлаб келди. – Мавиш ялинчоқ овозида набирасига сўзлай бошлади:

– Армуғон, эшикни очгин, болам. – Зардали оҳангда жавоб қайтди:

– Ўз ҳолимга қўйинглар мени! – Она-бола Армуғон билан овора бўлиб турган бир пайтда эшик қўнғироғи чалинди. «Укаси»нинг ёшли қўзлари кўз олдида муҳрланиб қолган Ҳасрат эшикни очди. Қизининг қони қочган юзларига қараган Турсун хафа бўлди:

– Қарашларинг безовта, нимадир бўлдими? – Қизи титроқ овозда эшитилар-эшитилмас:

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, – дея олди.

– Юзингга қараган одам ҳеч нарса бўлмаганига ишонмайди, қизим. – Турсун шундай деб ўзини ичкарига оларкан, Ҳасрат кўча эшикни беркитди. Бирга юриб даҳлизга етишганида ҳар доим қархисига оромбахш нигоҳлари билан пешвоз чиқувчи беозор аёли бугун кўринмагач, қизидан уни сўроқлади:

– Мавиш қани?

– Тепада, Армуғоннинг эшиги тагида.

– Ўтиришга бошқа жой йўқмикан онангга?

– Армуғон келиши билан зарда қилиб эшикни қулфлаб олди. Қанча ёлворсак ҳам очмаяпти.

– Нега?

– Билмадим, уйга йиғлаб келди. – Турсун қизининг кўзларига бепарволик билан тикилиб:

– Жуда ошириб юборади-да шу бола, – деди.

– Орангизда нимадир бўлганмиди?

– Ҳа, ҳалигина кўчада кўргандим. Қўлимнинг учини ҳам теккизганим йўқ. Бироз дакки бердим. – Дадасининг гапларидан юрак-бағри эзилган Ҳасрат зорланиб сўради:

– Нега ахир? – Турсуннинг қовоқлари уюлди:

– Ишинг бўлмасин!

– Дадажон... – Қизнинг кўзёшларидан меҳри тошган баджаҳл ота шаштидан тушди. Намли кўзлари билан узр сўраганнамо қизини овутди:

– Айбга буюрма, жон қизим, эски касалим қўзизб қолди-да. Бўлар иш бўлди. Ўзим яхшилаб узр сўрайман ҳозир. Сен йиғламасанг бўлгани! Келишдикми? – Кўзларини Ҳасратдан яшириб, айбдорона бош эгди-ю, зиналардан юқорилай бошлади. Ёпиқ эшик ортида минг хавотир ичида безовта турган Мавишни кўриб кўнгли баттар эзилди. Пушаймон бўлди:

– Чиқмадими? – Мавишнинг сўзсиз бошини чайкаши Турсунни янада юмшатди:

– Қани, бу ёқقا ўт-чи... – Эшикка яқин келиб, секингина чақирди:

– Армуғон... – Кутимаганда эшик оҳиста очи-либ, остоңада юзига алам ва хўрлик соя солган йигитнинг сўлғин юзи намоён бўлди. Изтироб намлантирган қароғларга разм солган Турсун виждони олдида мулзам бўлиб қолди. Умридан аввал номуси қаритган бу ориятли инсоннинг

кўнгли бир вақтлардагидек юмшади. Боболарга хос меҳрибон ва самимий, хирилдоқ овозда се-кингина шивирлади:

– Энди иккимиз аразлашдикми? – Таъна-маломатлар суюк-суюгига сингиб кетган ўспи-рин кўзида истеҳзо қоришиқ кибор табассум зоҳир бўлди:

– Улоқ ўйини ҳақида эшитганмисиз, дада? Уни ўйнаш учун ҳар гал тирик улоқнинг жони ке-рак бўлади. Эчкини чавандоз отининг тақимиға боғлашади ва парча-парча бўлиб кетгунига қадар бир-бирларидан юлқилаб олиб от чоптиришади.

– Армуғон ҳам гапириб, ҳам бобосининг кўзла-рига зардали тикилиб, давом этарди. – Шундай ваҳшиёна, аёвсиз ўйин ўйнар экан бу дунёning одамлари кўнгилхушлик учун. Отнинг тақимиға боғланган эчки учун бу – ҳаёт-мамот масаласи. Лекин қарангки, буни от устидаги «чавандоз»лар билмайди-да! Улар ўзлари ўйнаётган ўйин билан оворалар. «Эчкига жон қайғуси», деб шуни айтса-лар керак-да... – Ўз набирасини йиллар бўйи улоқ қилиб ўйнаб келган Турсун иттифоқо хатосини ту-шуниб қийналди. Юзлари қорайиб, пешонасидан ўқ еган одамдек мувозанатини йўқотди. Йиқилиб кетмаслик учун эшикка суюнди. Зўрға тик турар, бошқаларнинг кайф-у сафоси учун ўз жанозасига тайёргарлик кўраётган мотамсаро кўзларга тик қарашга бардоши етмади. Пушаймонлик ҳисси-дан базўр титраб чиқсан товушда афсус-надомат, ўқинч ва ўтинч яққол сезилди:

– Мен қариянинг гуноҳидан ўт, болам. Ғазаб де-ган bemaza нарса бу. У келганда ақл кетади. Аммо

унутма, ҳавои нафсига эргашиб, эчкига зулм қилган чавандознинг ҳам яраси улоқницидан кам эмас... – Армуғонининг нафаси қайтди. Отасининг нима демоқчилигини анлаган Ҳасрат ҳўнграб юбормаслик учун лабларини тишлар, аммо сотқин кўзлар ўз дарёларинининг бандини аллақачон бузиб, юзларни яна ўз селобига ғарқ қилиб улгурган эди. Орага чўккан жимликни Армуғоннинг овози бузди:

– Ойи, мен ҳам сизни Мавиш деб чақирсан бўладими? – То шу кунгача кўксидаги яшириб келган истагини тилига кўчирганидан ўпкаси тўлди. Бувисининг елкаларидан кучоқлаб, кўксига бошини кўйди.

– Албатта, болажоним, чақиравер. – Ўзгалар зуғуми остида ўзлигини унугаёзган хуррак товуш тилларидан-да қизғаниб, секингина пичирлади:

– Мавиш...

\*\*\*

Тафаккур – жўн фикрлар довонини ошиб ўтиб, ақлнинг қулфини очадиган, ўзга муқобили бўлмаган бетакрор қалитдир... Узун, аммо тор хонанинг ўнг-у чап деворларига токчалар ўрнатилган. Эшикнинг шундоқцина рўпарасидаги деворни табиатнинг хотамтойлик билан чизган расми қоплаган. Кириш эшиги ёнида келган мижозлар ўтириб дам олишлари учун стол ва унинг атрофига стуллар қўйилганди.

Бу чоғроқцина хона Аббос устознинг дўкони бўлиб келган мижозларга бошқа бир йигит хиз-

мат кўрсатар, устознинг ўзи бир четда ўтириб китоб ўқир, ора-сира ўқиётган саҳифасидан дафтарига қайд қилиб борарди. Соқол қўйгани учунми юзлари аввалгидан кўра тўлишгандек кўринарди. Шанба. Соат: 13:30. Мактабларга дам олиш куни бўлгани учунми, кўчалар жим-жит, дўкон ҳам мижозлардан холи. Остона ҳатлаб ичкарига қадам қўйган Армуғоннинг маъюслик соя солганинг юз-кўзларига рўпарада китобларга қўмилиб ўтирган устозини кўргач табассум югурди. Қалбига соғинч инди. Ён-верига қараб ҳам ўтирмай устози сари илдамларкан, сотувчи йигитнинг овози уни тўхтади:

– Хуш келибсиз! – Бошини чап томонга хиёл ўгириб жавоб берди:

– Харидор эмасман. – Бу қадрдон овозни таниган устоз кўзларини китобдан олди. Очик чеҳра билан ёнига чақирди:

– Армуғон! Келавер, ўғлим! – Армуғон устознинг қўлларидан ўпиди кўришди:

– Устоз, соқол қўйиб анча ўзгарибсиз!

– Қани, ўтир-чи. Инсонни ўзгартирадиган нарса соқол эмас, аксинча, фикрлардир. Аммо улар ҳануз – ўша-ўша. – Ҳаяжон ичра ўзига тикилиб турган ўқувчисини бошдан-оёқ кузатган устоз аҳвол сўради:

– Хў-ўш, ўзинг қалайсан? – Қийноқ нақшлаган юзлари ширин дийдордан энтикиб, жавоб берди:

– Ҳар доимгидек, устоз... Иккимиз бу жамиятнинг ўхшаш одамларимиз.

– Қайси жиҳатларимиз билан?

– Одамларнинг бизни ажратиб қўйишлари...  
– Муз қоясини биласан-а, Армуғон, яъни айсбергни? Бу – ўша қоянинг сув юзасидаги қисми холос. – Гапини тўхтатиб, эшикка тикилганча табассум қилиб қолган устозга ҳайрон бўлган Армуғон ҳам кўзини ўша томонга олди: Гулден келибди. Аббос устоз ўқувчисини ўрнидан туриб қаршилади:

– Хуш келибсан, Гулден!  
– Хушвақт бўлинг, устоз!  
– Қайси шамоллар учирди биз томонларга?  
– Зиёратингиз шамоли-да. – Армуғон ҳам ўрнидан туриб секингина саломлашиб қўйди:

– Салом, Гулден!  
– Салом, Армуғон! Ўсмирлар руҳиятини амалда ўрганган, ҳаётда ҳам кўпни кўрган бу устоз собиқ икки ўқувчисига жойига ўтирас-ўтирас, зимдан разм солиб, уларнинг бир-бирига бефарқ бўлмаган қарашларига яна бир бор гувоҳ бўлди. Ташқи кўриниши жуда ўхшаш йигит-қизнинг ҳали соғ ва беғубор туйғулари, изҳор қилинмаган пинҳон муҳаббатларига қафас бўлиб турган юрак уришлари атрофга ҳам эшитиларди гўё. Аббос устоз сотувчи йигитга қараб:

– Масъуд, бизга чой айтиб юборасанми? – деди.  
– Хўп бўлади, устоз. – Қайноқ чой каби тафтли ва ёқимли кечәётган сухбат асносида иккиси ўзлари сезмай тез-тез кўз уриширишар, охирида хижолат тортиб, устозларидан нимадир сўраган бўлиб, айбларини ювишга ҳаракат қилишарди. Гулден устознинг ўзларини кузатаётгани ёдига тушиб, уялиб гап бошлади:

– Устоз, кетганингиздан кейин биз роса қийналдик. Айбсиз эканингизни биламиз. – Аламли жилмайди устоз:

– Ҳасрат сандигимизни очарканмиз-да, болалар. Аммо сұхбат узоқ бўлади. Сабрингиз етарми кан? – Иккиси жўр бўлиб жавоб берди:

– Албатта, устоз. Ахир биз шу учун келдик-ку.

– Унда яхши. «Бўри ва қўзичоқ» масалини эшитганмисиз? – Армуғон бошини эгди:

– Эшитмаган эканман.

– Мен ҳам, – секингина пичирлаб қўйди Гулден.

– Унда қулоқ солинглар. Бир бўри сув ичмоқчи бўлиб, ариқ лабига келибди. Қараса, бир қўзичоқ ҳам шу ариқдан сув ичаётган экан. Иштаҳаси очилган бўри нима дейишни бироз ўйлаб олгач, қўзичоққа дўқ қилибди:

– Ҳой қўзичоқ! Кўриб турганингдек, мен сув ичмоқчиман. Агар уни лойқалатадиган бўлсанг, нақ ямламай ютиб юбораман-а. – Қўзичоқ бўрини кўриб қўрқиб кетганидан қалтираганча сўз бошлабди:

– Хўп бўлади, бўри оға! Лекин сув тепадан пастга қараб оқади. У ерда эса, ўзингиз ўтирибсиз, ахир қандай қилиб сувни мен лойқалатишим мумкин?

– Жаҳли чиққан бўри яна ўдағайлади:

– Сувнинг оқими билан ишим йўқ. Барибир сен лойқалатган бўлаверасан! Мен ўқитувчиликни муқаддас касб деб билардим. Унинг бирламчи вазифаси инсон деб аталмиш яратиқни сайқалаш эди. Иккингиз ҳам биласиз ахлоқ тушунчалини такрорлашдан ҳеч қачон зерикмаганман,

эринмаганман. Уни, аввало ўзим маҳкам тутишга кейин эса, сизларга ҳам беришга уриндим. Шу билан бирга, ахлоқсиз яшаш мумкин эмас, деган эътиқодимни ҳаётимга татбиқ қилишга уриндим. Демократия ва инсон ҳуқуқларининг барқарор, ўзгармас моддалари мавжуд. Масалан, фикр эркинлиги, дин ва эътиқод эркинлиги... Мен бу моддаларнинг барчасини сидқидилдан қўллаб-куватлайман. – Гулден тоқатсизланиб устознинг гапини бўлди:

– Устоз, биз сиздан хафа бўлмадик. Ахир сиз на у гапни гапирдингиз, на унинг фикрига қўшилдингиз. Шунга қарамай жазоландингиз. Синфодшимиз ҳам ўша кундан буён ўзини айбдор ҳис қилиб юрибди.

– Бундай ўйламасин. У ўз илмини биз билан бўлишди холос. Бу дунёда мутлоқ тўғри фикр бўлмайди. Ҳар ким эркин фикрлаш ҳуқуқига эга, фақат у фикри билан бошқаларга азият етказмаслиги керак. Агар шундай бўлса, хатоси тушунтирилиб, тўғри йўлга бошланади... – Армуғон ҳам гапга қўшилди:

– Ахир сизнинг ҳаловатингизни ноҳақ бузиди-ку.

– Мен бундай ўйламайман. Жабр кўрганимга гапимни тушунтира олмаганим сабаб бўлмаганди. Буни яхшироқ тушунишингиз учун сизларга олимларнинг сўzlари, ҳаёт йўлларида чеккан заҳматларидан мисол келтирай. Қарши бўлмасангиз, энг биринчи саволингизга Абдулқодир Дурунинг фикрлари билан жавоб берсам: «Ҳаловат топишни хоҳлаган инсон муҳаббат кутмайди».

ди, балки улашади. Қадрлайди, қадр кутмайди. Ёрдам беради, тама қилмайди... Узр айтади, узр кутмайди...»

Армуғон тафаккур тўлқинлари ичра сузиг борарди. Гулден сумкасидан ёндафттар ва ручка олиб, бу қимматбаҳо фикрларни ёзиб ола бошлади. У энди бошқа оламда, ҳатто Армуғонни ҳам унугтган, устознинг тўхтаб қолмаслигини, фикр уфқларини борича очиб беришини умид қиласарди:

– Устоз, олимлар чеккан заҳматлар дедингиз?  
– Ҳа, болалар. Мени тушунмадиларми, ё ўзларини тушунмаганга солдиларми, билиб бўлмайди. Бир одам умрининг охирида надомат билан шундай деган экан: «Мени бу ҳаётда фақат хотиним тушунди, у ҳам бўлса, нотўғри тушунди.»

Мен технологияга ҳам, медиага ҳам қарши эмасман. Биз яшаётган бу дунёда инсонларнинг инсонга ўхшаб яашини чин қалбимдан орзу қиласман холос. Озодлик, зътиқод эркинлиги, ҳукуқларнинг муҳофаза этилиши ва соғлом ҳаёт кечиришга мафтун одамман. Мен адолатсизликка, бузуқликка тарғиб қилувчи исёнларга қаршиман. Ўз яратилишини беҳуда деб била-диган инсонлардан одоб меъёрларини бузмасликларини сўрайман.

Ахлоқ – ҳаётнинг жон томири. Уни безаган, унга жон ва маъно баҳш этган нарса эса – маънавиятдир. Дунё дунё бўлибдики, ақл юритганлар азобга мубтало. Галилео Галилейнинг ҳаётига назар солайлик. У бор-йўғи тафаккур қилгани, ақл юритгани, ер айланади дегани учун ўлим жазосига маҳкум қилинган эди. Барча даврларда ҳурфикрлиларга

қарши алангаси ҳеч ўчмаган адолатсизликнинг гулханлари ёқиб келингган. Олам иккига бўлинди:

Бири – ижтимоий ҳаётни янглиш фикр ва ўйлардан халос қилиб, маънавий тараққиётга етишиш;

Бошқаси – жамиятни маънавиятга тарғиб қилувчи ҳурфикрлилардан «озод» қилиш. Янаям аниқроқ тушунтирадиган бўлсам, жанг майдонида жон олиб, жон берәётган аскарнинг вазифаси инсонларни жаҳолатдан маърифатга қайтариш учун қўлида қалам билан курашаётган арбобнинг ишидан осонроқдир. Чунки аскар юрт дахлсизлигини ҳимоя қиласа, олим онг дахлсизлигини ҳимоя қиласди. Онгига ёт қарашлар ҳужумига қарши тура оладиган миллат тупроғига эса, ёв қадам боса олмайди. Нима учун шундай, биласизми? Чунки инсонларнинг зеҳнига ўрнашган нотўғри тушунча ва эътиқодларни тўғри йўлга солиш жисмни руҳдан жудо қилишдан кўра қийинроқ ва машаққатлироқдир. Худди шу хом-хаёлда умрларини қурбон қилган инсонларни тасаввур қилинг. Улар ўз давлатини, халқини пароканда қилиш эвазига бу йўлга жон фидо қилмоқдалар. Устига устак, жаннат ишқи ёки жаҳаннам қўрқуви йўқ инсонларнинг ўз жонларини бўшлиққа сафарбар қилишлари – ўзларининг тор дунёқарашларида шаклланган ҳақир дунёга қурбон бўлганларини англатмайдими? Нима деб ўйлайсиз!?

Сиз одамларни ўзгартириш учун кишининг узоқ йиллар мобайнида онгида бунёд этган фикр ва эътиқод дунёсини мўлжалга оласиз. Унга шунча йил давомида қурган биносининг пойdevори

мўрт эканини, уни бузиб, қайта қуриш кераклигини айтасиз. Оламга кенг мушоҳада билан янгича қарай олиши учун фикрий олами деворларини янгитдан мустаҳкам ҳолда бунёд қилиши кераклигини айтасиз ва ўзингиз ҳақ деб билган тушунчани секин-аста тушунтирасиз. У зеҳнини банд қилган барча беҳуда ғиштларни ўрнидан кўчирса, ўзи қурган дунёning пойдевори очилади. Оромини йўқотади...

Бу – оддий ҳақиқат. Болалар, бирор инсон бу дунёда пешона тери билан топган бойлигини ўз эътиқоди ва фикричалик авайламайди. Ўз меҳнати маҳсулини бошқалар билан баҳам кўра олади, аммо ақлига чуқур сингган эътиқод ва фикрларидан осонликча воз кеча олмайди. Айнан мана шу нуқтада қаршилик кўрсатиш бошланади ва кутблашиш чидаб бўлмас даражага етади...

Ҳар бир жамият ислоҳотчиларни ўзига душман ва рақиб деб билган. Чунки улар залолат ботқоғига ботган ва адашганларни тўғри йўлга бошлашга интилганлар. Бу эса, жамиятдаги хукмрон табақанинг обрўсига путур етказган. Баъзи бирларнинг манфаатларига зиён қилган. Ахлоқий қадриятларнинг ҳаётга батамом татбиқ этилиши, албатта, барчага ҳам бирдек ёқавермаган. Бунда баъзи тоифанинг манфаатлари қулайди, нафсоний хоҳишлиари эса, жавобгарликка тортилади. Инквизиция маҳкамалари архивидаги ҳужжатлар ва жазо тамойиллари билан танишиб чиқсангиз, сесканиб кетасиз. У замонларда яшаган айбсиз айбдор инсонларнинг аччиқ хотимасини кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз.

Уларнинг кўпи бугун маданий деб мақталаидиган Фарбда бўлиб ўтган ваҳшийликлардан бир шингилдир. Пайғамбарлик силсиласининг энг охирги ҳалқаси бўлган ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши чиққанлар орасида у зот алайҳиссаломни «сехргар», «мажнун» деганлар ҳам топилган. Ҳақиқатни билмаган одамларга у зот алайҳиссалом ёлғончи сифатида ҳам таништирилган эдилар. Аниқ далиллар билан мўъжизалар қўрсатганларига қарамай, бу ёқимсиз ҳолатлар бошларига келган эди. Аммо барча иғво ва бўхтонларга қарамай, Набий алайҳиссалом бутун башариятнинг йўлбошчиси, барча пайғамбарларнинг сўнгиси ва афзали бўлиб бу дунёни тарқ этдилар.

И мом Фаззолий ўзи яшаган жамиятдаги инсонлар томонидан куфр, муртадликда айбланган бўлишига қарамай, бугунги кунда «Хужжатул ислом» унвони билан эсланади.

Иbn Рушд эса, ўз замонида хор-у зорликда кун кечирган, ҳатто уни йўлда учратиб қолган баъзи кимсалар юзига тупуришдан ҳам тоймаганлар. Аммо йиллар ўтиб тақдир уни «Шарқ файласуфи» номи билан юксакликка кўтарди.

Улар Яратган буюрганидек ҳаёт кечиришга, ҳақни тушунтиришга, Уни танитишга уринган эдилар. Пайғамбарлари алайҳиссаломдан мерос қолган муқаддас Китобга қўшмаган ҳам, камайтирмаған ҳам эдилар. Жамиятдаги энг катта муаммо – ҳақиқий олимларнинг ҳаёти дунёдаги мавқе ва ҳаловатларидан айрилиб қолишдан кўрқиб, «Замондан ортда қолган», дейишларидан андиша қилиб ҳақиқатни яширишлари ёки сукутни афзал

кўришларидир. Ҳақиқат сўзланмаган жойда бузуқлик авж олади, сохта «зиёлилар» майдонга чиқади. Илм ва ҳақиқатга бўлган энг катта адолатсизлик мана шундай бўшлиқларда, ҳақиқатнинг оёқ-қўли боғланиб, қуёш нури тушмайдиган заҳ зинданларга беркитиб қўйиладиган маконларда илдиз отади. – Дафтариға гапларини қайд қилиб бораётган Гулденни, унга ўғринча қараётган Армуғонни бирдек кузатиб турган устоз гапини якунларкан, коса тагида нимкоса қабилида ишора қилди:

— Болалар, баҳтиёр яшамоқчи бўлган инсон ўзи қурмоқчи бўлган оиланинг пойдеворини муҳаббат ва садоқат билан мустаҳкамлаб бориши керак. Турмуш қуришга қарор қилганингизда буни асло кўздан қочирманг. – Кўксидан учирма бўлишини истаётган туйғуларининг устози томонидан қўллаб-қувватланиши Армуғонга хуш ёққанидан кулиб қўйди. Аммо Гулден хижолат бўлиб, мавзуни ўзгартиришга тиришди:

— Устоз, бизга доимий амал қилишимиз учун насиҳат қилсангиз.

— Ҳозиргина айтдим-ку энг асосийсини.  
— Бундан бошқа демоқчиман.  
— Сизлар эътиқодли ёшларсиз. Умрингиз давомида мудраб ётган фикрларни уйғотишга уринасиз. Яъни ақл ҳужайраларини созлайсиз. Бир устозим мени жуда яхши англауб, насиҳат қилганди: «Шахси номаълум кишидек яша бу ҳаётда. Одоб-ахлоқ меъёрлари борасидаги фикрларингни яшир. Ҳуда-беҳуда ўзингни ошкор этаверма. Ҳар учраганга бевақт ва ноўрин гапирма. Сени кашф этишларига, сенга қизиқишилари ортиши-

га қўйиб бер. Вақти-вақти билан фикрхонангни шамоллатиб тур! Ана ўша дамларда енгил тортганингни сезасан. Ўз эътиқодинг ва шахсиятингни қуёшнинг ўткир нурлари аксланаётган ойна мисоли одамлар юзига тутма. Унутма, балиқ ўлсагина сув юзасига қалқиб чиқади! Сен ҳам одамлар орасида калити юзасида унугиб қолдирилган, ҳар ким оча оладиган сандиқ каби бўлсанг, ўзгарувчанлик сирини англаёлмайсан, ўзгачаликни ҳис қила олмайсан. Барчага ўз кафтидек аён бўласан. Хуш бўйини кўксида сақлаган ғунча каби яша ва аста-секин, шошилмай очил.» – Устоз меҳмонларини кўздан қочирмас, иккисига баробар кўз ташлаб гапиради. Гулден билагидаги соатга қарагач, вақти тугаганини сезиб, кайфияти тушди:

— Менга рухсат берсангиз... Кечга қолибман... – У ўрнидан туриши билан Армуғон ҳам кетиш тараддудига тушганди, қизнинг ўринли танбеҳидан жойига ўтириб қолди:

— Сен яна бирпас ўтирип. Кўрган кўзга яхшимас... – Армуғон ноқулай вазиятга тушиб, бўшашибги на жавоб қилди:

— Хўп... – Аббос устоз Гулденни кузатиб қайтаркан Армуғонга кўз ташлади. Қўлини унинг елкасига қўйиб, қалбидагини яширмай, очиқча айтди:

— Ошиқ-у беқарор бўлиб қолибсан-ку йигитча! – Юзлари уятдан қизарган Армуғон кўзларини ерга олди:

— Мен... ҳалиги... – Устоз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб гап бошлиди:

— Мен сени маломат қилмаяпман. Ҳаммада кўнгил бор. Ахир у тилсиз, ўжар гўшт парчаси гап-

га қулоқ солармиди? Фақат гуноҳлардан тийил ва қадамингни ўйлаб бос, демоқчиман. – Армуғон бошини эгганча, айборона қўшиб қўйди:

— Аммо у мени ака ё укаси деб билади. – Ўйламай айтган гапидан устоз ҳам хижолат бўлди:

— Маъзур тутасан, ўғлим. Ёдимдан кўтарилибди...

## Айрилик

Дарслар якунланишига бир неча кун қолган, университетга кириш имтиҳонларининг юракни орзиқтирадиган кунлари ҳам ортда қолди. Лицей имтиҳонларида энг юқори баллни қўлга киритган Армуғон ва Гулденнинг ҳаяжони бироз босилган, аммо лицейдаги сабоқлар ниҳоясига етиши билан иккиси орасига ўзининг қора шарпасини со-лувчи айрилиқ азоби юракларини тирнарди. Дарс якунланганидан дарак берувчи қўнғироқ чалинишига бир неча дақиқалар қолганда ўқитувчи столи устидаги дафтар-китобларини йиғиштира бошлаган, синфда ўзаро шивир-шивир авж олганди. Дарсликларини сумкасига жойлаган Гулденнинг қулоғига ўз исмининг пичири эшитилиб, овоз келган тарафга қулоқ берди:

— Гулден! – Бир неча дақиқалик нигоҳлар тўқнашуви Армуғоннинг юрагини яна така-пука қилиб юборди. Сўнг лабларини сўзга жуфтлаб, кўнглидини тилига чиқарди:

— Биринчи имтиҳондан баланд балл олдинг. Иккинчисида ҳам омад ёр бўлсин!

- Раҳмат!
- Ҳалиги... Қайси университетда ўқиши мүлжаллаяпсан?
- Билмасам, ҳали аниқ бир қарорга келмадим-ку, аммо Истанбул ё Анқарада ўқисамми деб турибман. Албатта, хуқуқшунослик факультетида...
- Қайси шаҳар сени кўпроқ ўзига тортяпти?
- Шубҳасиз, Истанбул! Соҳилда катта бўлдик, ахир. Ўзинг-чи? — Мен ҳам худди шундай – Истанбул! – Гулден лабини буриб қўйди:
- Омадингни берсин!
- Раҳмат! – Ниҳоят, қўнғироқ чалиниб, синфни уяси бузилган арилар ғўнғиридек шовқин эгаллади. Ҳамма қатори Гулден ҳам кетишга чоғланаркан, Армуғон билан секингина хайрлашди:
- Кўришгунча! – Армуғон ҳам папкасини олиб сел каби оқаётган ўқувчилар оқимиға қўшилиб кетди. Юриб бораркан ўзидан бироз аввал синфни тарқ этиб, лицей ҳовлисида дугоналари билан хайрлашган Гулденнинг ортидан боришни, шу вақтгacha юрагида сир сақлаб келган туйғуларини ошкор қилишни ўйлади. Ҳислари қирғоғидан тошиб, кўча четидаги чинор дараҳтига суюнди. Рўпарадаги китоб-дафтар дўконидан Гулденнинг чиқишини интизор кута бошлади. Ва ниҳоят қиз кўринди. У яқинлашгани сайин сўнгсиз ҳаяжон босган Армуғоннинг нафаси кесилар, юзи оқариб, оёқ-кўли қалтиради. Шу кунгача Гулдендан ўзгасига кўнгил қўймаган, юрак қаърида фақат унгагина севги сақлаётган бу маъсум ва мусаффо қалб соҳиби бирор қизнинг йўлини тўсмаган, бирортасининг қўлини тутмаган

эди. Аслида рад жавоб олишдан чўчиб, ҳисларини ошкор этмоқчи ҳам эмасди. Аммо кейинчалик юрагидаги пушаймонлик туйғулари илдиз отмаслиги учун таваккал қилишга қарор қилди. Гулден яқинлашиши билан оҳиста йўлак четига чиқди. Йўл ўртасида туриб олган синфдошини кўриб, Гулден ҳайратини яшиrolмади:

- Тинчликми, кимнидир кутяпсанми?
- Йўқ... Ҳа, кутяпман!
- О-оо! Кимни экан, билсак бўладими? – Ортга қайтишга йўл йўқлигини, бундай имкон бошқа бўлмаслигини билиб, бор кучини тўплаб, ўсмирларга хос дўрилдоқ овозда дилидагини тилига кўчирди:
  - Сени!
  - Мени!?
  - Ҳа, сени! Дарсларимиз ҳам тугай деб қолди...
  - Шунга экан-да сўнгги кунларда паришонсан.
  - Албатта, ахир энди бир партада ёнма-ён ўтира олмаймиз...
  - Қара-я, билмас эканман. Шуни айтиш учун ўйлимни пойлаб ўтирибсанми?
  - Нима, ёмонми? Дўст бўлиб қолайлик, демоқчи эдим. — Гулденинг лабида табассум зоҳир бўлди:
    - Бу нима деганинг? Дўстмиз-ку. Ёки мени дўст деб билмасмидинг?
    - Йўғ-э, нега ундей дейсан? Мен бошқача дўстликни назарда тутдим. – Гулден оёғининг учига қадар музлаб, сўради:
      - Қандай бўларкан бошқача дўстлик? – Йигитча ҳаяжонланганча фикрларини ифодалашга тиришди:

— Айтмоқчиманки, бир-биrimizni яхши тушунамиз. Келажакдаги орзуларимиз ҳам бир хил. Ҳисларимизнинг ўхшашлиги абадий бирга бўлишимизга ишора қилаётгандек. Университетни тамомлаганимиздан кейин иккимиз... Жиддий айтяпман. Бир-биrimizni кутамиزمи? – Барчасидан хабардор бўлатуриб, Армуғоннинг сўз очган мавзуси Гулденни оловга отилгандек сескантириб юборди. Умрбод йўқликка маҳкум қилган туйғулари ҳалқумига қадалди:

— Қандай тилинг борди, Армуғон?

— Нега жаҳлинг чиқади? Мен ножӯя гап гапирмадим. – Гулден уни хафа қилиб қўймаслик учун босиқлик билан гап бошлади:

— Армуғон! Сен ҳар қандай қизнинг ҳам кўнглига ёқадиган истарали йигитсан. Ақл-хушинг ҳам жойида. Аммо мени тушун, иккимиз орамизда ошиб ўтиб бўлмайдиган довон бор. Эътиқоди суст, худобехабар бўлсанг ҳам бошқа гап эди. – Учқун сочган нигоҳлар тўқнашди:

— Қандай тўсиқ экан у? – Гулден йигит юрагига оғир ботмайдиган сўзларни танларкан, гапни нимадан бошлашга ҳайрон эди:

— Фақат жаҳлинг чиқмасин. Мени тўгри тушун! Буни айтиш мен учун қанчалар оғир эканини тасаввур ҳам қилолмайсан. Аммо мажбурман...

— Қани, айт-чи!

— Бошладимми, демак, тугаллашим ҳам керак! Узоқ йиллардан буён ошкор бўлмай келаётган сир бор, яъни сенинг отанг кимлиги. Эшитишимча, у худди шу шаҳарчанинг одами эмиш. Устига устак, иккимиз ҳам бир маҳаллада ўсдик,

ташқи кўринишимиз ҳам ўхшайди... – Бу гаплар топталавериб ер билан баробар бўлган йигитлик ғурурини қаро ерга кўмди. Афсус ва надомат билан ўзига суюкли исмни шивирлади:

— Гулден?.. – Қиз бир неча қадам ортига тисарилиб, йиғи аралаш узр истади:

— Мени кечир, Армуғон! Аммо бу – иккимиз ҳам тона олмайдиган ҳақиқат. – Жиққа ҳўл нигоҳлар оғриниб савол берди:

— Сен бу ҳақда нималарни биласан? – Пушаймонлик тўла нигоҳлар узроҳлик билан тикилди:

— Йўқ! Лекин... Хаёлингга ёмон ўйлар келмасин. Биласан, отам жуда ҳалол одам, шу жумладан, сенинг онанг ҳам. Онанг адолатсизлик қурбони бўлган. Биз унинг бегуноҳ эканига ишонамиз. Мени шу мавзунинг ҳануз сирлигича қолиб келаётгани чўчитади. Яъни отамиз бир эмасмикан деган ўй... Бу ўзи бир тахмин ҳам эмас. Шахсан мен бунга ишонмайман, лекин ишончим комил ҳам эмасда... Ўзинг ҳам биласан ким кўрса, албатта, бирбirimизга ўхшатади...

Ғазабдан кўз олди қоронғилашган йигит дарахтга суюнди. Армуғоннинг кўнглини оғритганидан Гулденнинг ўзи ҳам қаттиқ хижолат чекди. Муҳаббат изҳор қилиш ниятида бошланган учрашув ошиққа қимматга тушди. Бир неча дақиқа аввал тинглаган гаплари қулоқлари остида қаттиқ акс-садо берар, ерга йиқилиб, дод солмаслик учун тишини тишига қўйиб, зўрға оёқда туарар, худди у каби армонли муҳаббат озорига ноилож кўнган қиз аллақачон узоқлашиб кетганди. Узоқ-узоқларга тикилиб, секин-аста юра бошлади. Олис

уфқларга қадар чўзилган масофани амаллаб босиб ўтиб, паришон бир ҳолда уйга кириб келди. Жо-нининг бир парчаси бўлган набирасини бу алпозда кўриш бувини ўйга толдирди:

— Армуғон... – Сўз демай хонасига қараб кетган Армуғонининг ортидан Мавиш кириб келди ва са-вол назари билан тикилиб турди. Армуғон ўзига беозор тикилиб қолган бу муштипар аёлни оғри-тишдан ўзини тийди:

— Келинг, Мавиш...

— Нимадир бўлдими, ўғлим, кайфиятинг йўқ?

— Йўқ, Мавиш... Нима ҳам бўларди? Азоб тўпи-ни юмалатиб кетаётганларнинг изтироби борган сари ортар экан деб ўйлаб қолдим. Бошқа гап йўқ.

— Сендан нима бўлди деб сўрадим.

— Аҳамият берманг, Мавиш. Кунлар ўтган са-йин изтироблар ортар экан, шунчаки... – Хонага кириб келган Ҳасратга тикилди Армуғон:

— Опа!

— Лаббай?

— Иккимиз ёлғиз гаплашиб олсак дегандим...

— Демак, Мавиш билишини хоҳламайдиган бир гап айтмоқчисан?

— Ундей эмас. – Бувисининг қалбига озор бер-маслик учун ғудраниб қўйди.

— Хўш, қани, гапир-чи. Нимадандир безовтасан шу кунларда? – Армуғон сўнгсиз мاشаққатларга тўла ҳаёт ёшлик зебини ҳамон тортиб ололмаёт-ган бу нозик хилқатга қараб оҳиста гап бошлади:

— Уэр сўрайман, Мавиш. Балки сизларга ҳур-матсизлик бўлиб туюлар бу журъатим, аммо маж-

бурман, бошқа иложим йўқ. Иккингиздан ҳам узр сўрайман. Мени яхшилаб тингланг ва тушунишга ҳаракат қилинг. Мен ҳам бошқалар каби одамман, хуллас, севиб қолдим. Бугун юрак ютиб, унга ишқ изҳор қилдим. Университетни тамомлагач, оила қуришни таклиф қилдим. Чунки унга бўлган ҳисларим ўткинчи эмас. У эса менга нима деди, биласизми? «Отанг кимлиги номаълум. Аммо у ҳам худди биз каби шу шаҳарчанинг одами. Сен билан ака-сингил чиқиб қолсак-чи?» – деди. – Вазиятнинг бу қадар чигаллашиши етти ухлаб тушига кирмаган Ҳасратнинг кўзлари косасидан чиқар ҳолга етди. Ўғли энди Мавишга тикилган кўйи давом этди:

— Бошимга келган хўрликни тасаввур қиляпсизми, Мавиш? – Ғарип нигоҳлар энди адоватга тўлиб борар, бор овози билан дод солишини, кўксини куйдирган бу таъна-дашномлар аламини Ҳасратдан олишни истаб, илк бор унга она деб мурожаат қилди. Қайноқ лабларидан отилган сўзлар аввалига чарсиллаб деворга урилар, сўнг Ҳасратнинг қулоғига қайноқ қўрғошиндек қуйиларди:

— Айтмайсизми, она! Нега бу пайтгача беркитиб келдингиз бу лаънати сирни? — Бу кунгача бобосидан кўрган хўрликларига бу дард ҳам қўшилиб, кўзларининг нами қуримас, фақат уқубат қўриш учун ҳаётга келгандек тасаввур қиларди ўзини:

— Айтсангиз-чи энди? Ким ўзи у? Нега шунча пайт барчадан яшириб келдингиз? Бирор арзирли сабаб бормиди бунга? Ёки менга кўрган бу кунларим каммиди? – Бу маломатлар Ҳасратнинг кўксида ғунча очиб, ҳали гуллашга улгурмаган

энг нафис ҳисларининг тотини елга совурганди. У сирнинг ошкор бўлишини, ҳатто маҳалладаги дараҳтлар, деворлар ҳам истарди. Чунки ҳайвоний нафсиға қул бир бетийиқнинг касрига қолган бу латиф вужуд ор-номусини барчадан кўра кўпроқ муҳофаза қиласиди. Ўғлининг зорланишига ортиқ чидаб туролмаган Ҳасрат зумрад кўзларидан армонли маржонлар думалатиб гап бошлади:

— Яқин йигирма йилдирки, умримнинг ирмоқлари ёлғизлик уммонига бориб қуйилади. Кўксимдаги денгизлар тобора чўллашиб бормоқдалар. Минг ҳасратда бино қилган денгизларим сахролар тупроғига сингиб, менинг кулги ва шодлигимни тортиб олган, қалбимдан ҳаётга бўлган нашъани-да ўтда ёқиб, кулга айлантирган ўша воқеа... Қандай англатай уни?! Менинг умринг бўйи ёқиб, ёндириб келганини қайси сўз билан ифода қиласай!? Мен ҳам сен каби севгига, ишқ-муҳаббатга ташна эдим. Ўзига шукрлар айтаман: севдим, севилдим! Балки, бу дунёда ҳеч бири мен каби севилмаган, севмагандир... Қандай ҳам тотли севгим бор эди менинг... Буни фақат Аллоҳим ва ўзим биламан. У барчасини Ўзига ҳавола қилишимни истади. Мен кўндим! Мана, бугун сен ўзингга алоқаси бўлмаган дашномни кўксингга сиғдира олмадинг... Қайтараман, мен сенинг умринг бўйи барчасини қалбимга дафн қилиб келмоқдаман. Ўша кундан буён муҳаббатимни ўзи каби оппоқ кафанга ўрадим-у, туйғуларимга жаноза ўқидим. Ўзини билган ҳам, билмаган ҳам

гапирди. Ҳар гал энди чидолмайман дея номими-ни оқламоққа журъат қилганимда ҳаётимдаги энг азиз инсоннинг увол бўладиган қони қўлим-дан тутаверди. Тилимга тугун тугди. Шу бўйи мен ёруғ кунларга интиқиб яшайман. Шу сабаб билан ҳамон аниқлай оламайман мени бехос қур-бон қилган ўша «гуноҳим» рангини... Яна бир по-киза вужуднинг қазосига сабаб бўлиб қолмаслик учун сукутдаман. Мени тушунгандирсан? Шунча йилдан бери шу биргина сабабга тилимни тутқун қилиб келди. Фақат сен амин бўлки, сени дунёга келтирган аёл, яъни мен ахлоқ асослари ағдари-либ, тўнтарилган дунёнинг вайроналари остида иффат талвасасида қийналганлардан бир дона-симан холос. Инсон ўз имкониятидан ташқарида бўлган ишлар, масалан, ёмғирни тиндира олма-гани, шамолни, табиий офатларни тўхтата олма-ганидек, онанг ҳам бошига ёпирилиб келган ка-софатни қайтара олмади. Бироқ бор кучи билан тиришди. Хароба остида қолиб кетган инсон хи-жолат бўлиши керакми? Нима деб ўйлайсан? Ле-кин мен уялдим. Бошга нима келмасин, қуллуқ қилдим, қуллик қилдим. Бутун умр бошимни ҳам қилиб яшадим. Энди мени қайта сўроқлама! Сен ҳам айбинг йўқ бўлса-да, ўша ифлос гуноҳни ел-кангда кўтариб яшадинг. Мен ўрнимга бегуноҳ отамнинг жазоланишини билганим, бундан уял-ганим учун сукут сақлашга мажбур бўлиб бўғи-либ яшадим. Қайси биримиз кўпроқ баҳтсизмиз, нима дейсан? Ошкор қилган, ҳайқириб айтган тақдиримда ҳам нима ўзгарар эди? Вақтни орқа-

га қайтариб бўлармиди? Менга у шодиёна кунларим завқини ким қайтариб бера оларди? Ким экан сен севган қиз?

— Гулден Эзги.

— Танимас эканман. — Армуғон ўсмоқчилиаб, баланд овозда таъкидлади:

— Отасининг исми – Солиҳ! – Ўғлининг кинояси Ҳасратга малол келди:

— Танимайман, дедим сенга! Кўнглинг хотиржам бўлаверсин ва бу мавзудан қайта гап очма!

\*\*\*

Туманли ҳавода шимол томондан эсаётган шамоллар ўз ўлкалари – Торос этакларининг совуқ нафасини уфурарди шаҳарча юзига. Ўрта денгиз сувларига урилиб, тўлқинларини ҳаракатга келтираётган шамол сув юзида турфа тасвиirlар чизарди. Қадам-бақадам яқинлашиб келаётган ҳазон фасли ўзи билан умидбахш орзулар рўёбини ҳам олиб келди. Армуғон Истанбул университетининг тиббиёт, Гулден ҳам худди шу олийгоҳнинг ҳуқуқшунослик факультетида ўқишни бошлиди.

Кекса чинор остида эшиитган сўзлари кўксига ханжар уриб улгурганидан сўнгги уч кун дарсга, ҳаттоки битирув оқшомига ҳам бормади. Ҳеч кимни, ҳатто Гулденни ҳам кўришни истамас, фақатгина шаҳодатномасини олиш учунгина бирровга бориб келди. Гулденнинг талаба бўлгани ҳақидағи хабарни ҳам синфдошларидан эшиитди. Гоҳ-гоҳ Аббос устозни кўргани борар, шу билангина тасалли топарди кўнглига...

\* \* \*

Набирасининг талаба бўлгани Турсунни қувонтирганини Ҳасратнинг ўзи ҳам кўриб турса-да, отасининг ойлик маош билан рўзғор тебратиши, даромад келадиган бошқа манбаси йўқлигидан қўли калталик қилиб қолади, қийналади деб қайғурарди. Турсун эса, Истанбулда дўсти борлиги учун хотиржам. Кўришмаганларига йиллар тўлган бўлса-да, бу икки дўстнинг орасига масофа заррача таъсир қилмас, телефонда тез-тез хабарлашиб туришар, шунингдек, Адем шаҳарчадаги уйини ҳам Турсунга омонат қолдириб кетганди. Тўйдан олдин ноғора чалишни истамаган Турсун кечкурун, ёнида ҳеч ким йўқлигига телефон гўшагини қўлига олди:

- Хўжайнин!
- Турсун, сенмисан?
- Менман, дўстим! Аҳволларинг қалай?
- Яхши, ўзинг-чи?
- Юрибмиз. Сендан бир илтимосим бор эди.
- Тинчликми?
- Молиявий муаммо, яъни. Нима десам экан?..
- Хижолат бўляпсанми?! Қўлимдан келадиган иш бўлса, мени биласан-ку!
- Дабдурустдан айтиш қийин экан.
- Шунчалик жиддийми?
- Унчалик жиддий эмас-куя, хижолат бўляпман-да.
- Гапирақолсанг-чи, энди!
- Бир айтган эдим-а сенга... Армуғон...
- Хўш, хўш?

— Лицейни тамомлаб, Истанбул университетининг тиббиёт факультетига ўқишига кирди. Мени ойликка яшайдиган одамман. Қўшимча даромадим ҳам йўқ. Шунга нима қилишни билмай бoshim қотиб қолди. Ўзинг биласан, Истанбул катта шаҳар, табиийки, харажат ҳам шунга яраша бўлади. Ўқишига юборишдан аввал сенга маслаҳат со-лай дегандим.

— Тавба! Бор-йўғи шуми? Мен нималарни хаёл қилиб чиқмадим. Сени қара-ю.

— Менда бошқа нима муаммо бўларди ахир?..

— Буни муаммо дема. Мен етти ёт бегона талабарнинг ҳам таълим олишига қўлимдан келганича кўмаклашаман. Армуғон ўз жигарим-ку. Уни олиб кел. Ўқиши тугагунича ҳамма харажати биздан.

— Қандай қилиб?

— Турсун, мени эшитяпсанми?

— Ҳа, эшитяпман.

— Армуғон менга омонат, унинг маъсулияти энди менинг бўйнимда. Келишдикми? – Хурсанд-лигидан телефонни қўяр-қўймас оила аъзолари жамланиб ўтирган меҳмонхонага узоқ йиллардир табассумни унутган юзига кулги югуриб кириб борди. Шодлигидан бутун уйни ларзага келтириб қичқирди:

— Дўстим Адем билан гаплашдим. Армуғоннинг ўқиши тугагунича барча харажатларини ўз зиммасига олишини айтди. Бизни Истанбулга таклиф қилди. – Барчанинг кўнглига фараҳ баҳш этган бу хабар тобора кулгини унутиб бораётган Армуғоннинг ҳам кўзларига севинч шуълаларини улашди...

\*\*\*

Туғилганидан буён сўнгсиз исканжасида азобланиб яшаган бу шаҳарчадан узоқ-узоқларга бош олиб кетишига ҳам саноқли кунлар қолганди. Аммо ҳар қанча бўлмасин, унга ватан эди бу ерлар: осуда чайқалган Ўрта дengiz, Тороснинг муаззам чўққилари, таниш чеҳралар... Энди буларнинг барчаси олис ўтмишга айланади. Балки Истанбулдан ҳаловат топар. У ерда унга қўлини бигиз қилиб кўрсатиб, масхара қиласидиганлар бўлмайди: барча бегона! Хотиржам яшайди. Истанбулдек улкан шаҳарнинг ғала-ғовурида унутилиб кетади. Ўзи ва ўтмиши...

Кетишидан аввал Аббос устоз билан хайларишиб, ҳаво айниганига қарамай, кимсасиз соҳилга чиқди. Бағрида Гулден, Ҳасрат, Мавиш, Турсунлар яшаган орзуларига эрк берди. Совуқ шамол юз-кўзини қамчиси билан тимдалашга уринар, аммо йигит мағрурлик билан шаррос қуяётган ёмғир остида бир нуқтага тикилганча ҳайкал каби мардона турарди. Кун ботиб жўнаш вақти яқинлашаркан, уй ичига мотам каби совуқ сукунат чўқди. Ҳасрат ўғлининг жомадонини тайёрлаб бўлган бўлса-да, унинг ёнидан узоқ кетиши қалбларга фироқ ваҳшатини уфурарди. Турсуннинг овозидан бутун уйга қайтадан жон киргандек бўлди:

— Армуғон, қани, бўлақол. — Армуғон йиғлаб юбормаслик учун лабларини тишлаб, унсиз йиғлаётган Мавишнинг бўйнидан қучди. Қўлларини ўпаркан, видо оҳангода сўз бошлади:

— Мендан рози бўлинг, Мавиш. Ким билади, балки... – Қарилик ўз таъсирини ўтказиб, бироз буришган, аммо меҳрибон ва илиқ кафт Армуғоннинг лабларини тўсди:

— Яхши ният қил, болам! Яхши етиб ол! – Бўлмади. Мавишнинг киприклари жиққа ёшга тўлди. Армуғон ёшли кўзлари билан ҳали эндиғина таниган онасини қучди, энгашиб кўлларини ўпди. Тубсиз ва сокин бу уммон қаърига тикилар экан, умри давомида иккинчи бор она деб шивирлади:

— Худо ёр бўлсин... ОНА! – Дилларга таржимоилик қилаётган тиллар сукунатни енгиб, ахийри бир неча сўз айта олди:

— Яхши етиб ол... Сен тинч бўлсанг, мен ҳам хотиржам яшайман, ўғлим. Бизни, ватанингни унутмагин, хўпми? – Армуғон дадил ваъда берди:

— Унутмайман...

\*\*\*

Уй билан хайрлашиб, автобус бекатига етдилар ҳамки, на бободан, на набирадан бир гап чиқди. Автобуснинг орқа ўриндиғида ёнма-ён ўтириб, бир соат йўл босишиди, бироқ орадаги бу сукунат кўтарилмади. Турсун ойна тарафда ёшли кўзларини олис йўлларга тикиб хаёл суриб бораётган набирасига савол берди. Балки, орадаги совуқ сукунатни бузишнинг энг яхши йўли ҳам шу эди:

— Ҳа, болам? – Бу кунга қадар бу каби самимият ва меҳр билан хитоб қилмаган овоз Армуғоннинг ҳали меҳрга ташна, ўксик бола кўнглини хаёлот

осмонидан ерга олиб тушди. Ким билади дейсиз, балки, имкон берилганида шу овозни эшитиш учун бутун умрини иккilanмай фидо қилган бўларди:

— Лаббай, дада?

— Кайфиятинг йўқ? – Бир муддат тараддусланиб турди-да, бобосини тинчлантириш учун мужмал жавоб берди:

— Билмадим... – Турсун негадир набираси билан гаплашишни истар, балки қайта кўрмасман, қалбида мендан яхши хотира қолсин, деган ўй унинг тилини сўзга келтиарди:

— Биз тарафларни соғинасанми, Армуғон?

— Ким билади... – Турсун айборона бош эгиб, суҳбатни давом эттиришга тиришди:

— Мени кечир... Сенга кўп ноҳақлик қилдим. Ўз ихтиёrim билан бўлмаса-да, барибир, қилдим. Шундай қилиш керак дея ишонардим. Шундай қилсан, номимни тупроққа қориштирган палидни топаман, деб ўйладим. Ўзимни шунга ишонтирудим. Фойдаси бўлмади. Етишганим: синган кўнглинг бўлди... Ролларим ўхшамаса-да, мен у саҳнада қайта-қайта ўйнайвердим, сени ҳам ўйнатавердим: эрмак қилавердим... Кимдан шубҳалансам, унинг олдида сени хўрладим. Айтдим-ку, шу йўл билан ўша ҳаромининг оталик ҳисларини уйғотмоқчи бўлдим. Энди ўйлаб қарасам, мен сени ҳақиқатда ўйиндаги улоқдек кўрибман. Ишонавер, болам, агар уни топганимда ер юзидаги энг қўрқинчли саҳнага гувоҳ бўлардинг! Бироқ топа олмадим...

Йиллардир юзини сарғайтирган, кўзларидан нашъани тортиб олган оғриқлар сабабини вужуди қулоққа айланиб тинглади. Бобоси кўз олдида

бошини эгиб ундан узр сўрар, бешафқат ҳаёт ўзининг чукур тамғаларини муҳрлаб улгурган бу сариқقا мойил юз гапирапкан, гоҳ сарғаяр, гоҳ саратон қүёшидек алангаланаарди:

— Мени кечир, болам. Сени қийнадим-у, у маразни топа олмадим. Орада сенинг ҳалак бўлган жонинг уволи гарданимда қолди. Ишонаман, унда заррача виждон йўқ. Онанг бекорга сир сақламаган экан. Ахир қалбida инсонликдан зарра учкун бўлса эди, бошингга келган кўргиликларни кўра-билитуриб, индамай кетмасди.

— Аввалига изза қилиб, аямай дўппослаб бўлардингиз-да, уйга яқинлашганимизда дўконга олиб кириб, кўнглим тусаганини қўлимга тутардингиз.

— Армуғон уялмасдан йиғлади, ҳатто қўрқмасдан кўнглидагиларни очиқ сўзлади.

— Ўзинг ҳам билиб юрар экансан-да. Худди айтганингдек эди. Агар сени яхши кўрмаганимда ёки сенга ёмонлик соғинганимда, жонимни Жабборга бериб, кўнглингни олишга тиришармидим? Сенга озор берсам, ўзимнинг бағрим эзиларди аслида. Нима қилай энди, айборни қўлга тушириш учун ўзимча ўйлаб топган усулим эди-да бу. Бошқа йўл йўқ эди олдимда. Онангни дўппосласам, айтармиди? Бу ҳам қўлимдан келмади. Сўраганим сари, ўжарлиги ортди, сир бой бермаслик учун ўлимни танлади ҳар гал. Мана, ўқишга ҳам кириб олдинг. Шифокор бўлиб келганингда барчаси ўзгаради. Ортимизда қолаётган биқиқ ва тор шаҳарчанинг сени қўли билан кўрсатган одамлари қуллуқ қилиб келадилар қабулингга. Ҳатто сени кўриб кийимла-

рини тузатадилар. Балки, ўша кунда иккимиз ўзимизча изқуварлик қилиб излаган ифлоснинг ҳамтилидан сўз чиқар. Хун олармиз! – Бобосиниг қўзларига тикилиб, синиққан овоз билан секингина:

— Китобдек ёд олгандим муомалангиз тарзини, бобо. Сизни менмас, Аллоҳ кечирсин, қисматим кечирсин, ҳаммамизни ҳам кечирсин, — деди.

— Энди мени бобо дейсанми?

— Ҳа, фақат холи қолганимизда.

— Ихтиёринг.

\*\*\*

Аввалида Истанбул шаҳар эмас, улкан бир давлатдек кўринарди Армуғоннинг кўзига. Адембей дўсти ва набирасини кутиб олиши учун ҳайдовчини вокзалга юборган, у эса, нозимхона идораси ходимлари орқали меҳмонларнинг исмларини айтиб чақиртирган эди. Исмларини эшитган бобо ва набира ҳаяжон ичидаги нозимхонага етиб келдилар. Турсун ўнғайсизланиб:

— Турсун мен бўламан, — деди. Ҳайдовчи билан шу тариқа танишиб олдилар. Кейин у меҳмонларга: «Орқамдан юринг», деди-ю, машина томон сўzsиз йўл бошлаб кетди. Қимматбаҳо машинанинг эшиклари ўзларига ланг очилганини кўрган бобо-набиранинг бу ҳурмат-эътибордан бошлари кўкка етди. Тирбанд ва юрган сари кети кўринмайдиган йўл ҳалитдан Армуғоннинг қўзларини толиқтириб улгурди.

Адембей компания меҳмонхонасида уларни кутуб олди. Икки дўстнинг соғинчи қўзёшларга қо-

ришиб, қайта-қайта қучоқлашдилар. Ахир сўлим она юртнинг муаттар ифори ва қиёматга қадар узилмас ришталар ила боғланган дўстликнинг, садоқатнинг ифорини олиб келганди Турсун ўзи билан. Тўкин дастурхонда ўтириб, чой ичиши. Адембей Армуғондан ҳол-аҳвол сўраган бўлди:

— Қалай, Истанбул ёқдими? – Армуғоннинг кўзлари чақнади:

— Ҳа, ёқди, албатта.

— Бу ерда сенга ўзим оталик қиласман. Турар жой ва бошқа барча керакли нарсалар тайёр. Яхши ўқисанг ва ҳалол инсон бўлсанг бас. Бошқа истагим йўқ.

— Бош устига, афандим!

— Сен билан ҳали кўп гаплашамиз. Ҳозир эса, бориб дамингни ол. Биз бобонг билан ўтмишни эслаймиз.

— Хўп бўлади. – Меҳмонхона ходими Армуғонни хонасига бошлади. Икки кишига мўлжалланган хонанинг эшигини ёпаркан, чуқур тин олди. Демак, бобоси ҳам бугун шу ерда у билан бирга қолади. Ётоқлардан бирига чўзилиб, бир муддат кўзларини шифтга қадаб ётди. Энди bemalol орзулар уммонига шўнғиса бўлади.





## Учинчи бўлим

Истанбулнинг бой, аммо саҳий тадбиркорла-ридан эди Адембей. Эътиқод устига қурилган маънавий қадриятларни эҳтиром қилар, кишилар ҳақида фикр билдиришга шошилмас, чуқур мулоҳазали ва босиқ одам эди. Бу феъли билан янада ҳурмат уйғотарди одамларда. «Яралмишни Яратган йўлида севамиз» ҳикматига амал қилиб яшарди. Ҳар бир одам ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлиниг ҳисобини бериш учун тик туришига қаттиқ ишонар, худди Аббос устоз каби ахлоқ меъёrlарини бор кучи билан ҳимоя қиларди. Билардики, агар ахлоқ бўлмаса, жамиятда бошбошдоқлик, чиркинлик авж олади. У садоқатга бегона дўст жафосидан куйиб, бош олиб чиқиб кетганди киндик қони томган кичик шаҳарчадан. Шу бўйи ота-онаси бағридан олис тупроқларда ўзини қайта ундиришга тиришди. Туғилиши билан она қорнидан бу дунёга мусофир бўлган гўдак вужуди ўсмирликнинг ўзгарувчан иқлимида иккинчи бор ҳижрат қилди. Аммо бу иккинчиси ҳижратдан кўра сургунга ўхшашроқ эди. Чунки биринчи сида онаси уни бағрига босган, авайлаб ўстирган бўлса, иккинчисида дўст хиёнати уни манжаниқдан шу бегона кўчаларга улоқтирганди. Орзула-

рини, ҳали ошкор қымаган муҳаббати-ю, маъсум туйғуларини ватанда дағн қилиб, кўқси торайиб чиқиб келгани кўйи қайтиб бормаганди у ерларга.

Уларнинг ўтмиши «Уч оғайнин воқеаси» деб эсга олинарди. Ҳокимнинг олғир ўғлига баҳт кулиб боқсан у кунлар... Ўз дўсти севганига совчи қўйди. Моддият муҳаббатни енггани ҳамоно кўнглидаги ишқ қасри ўрнига зимистон қабр кавлади-ю, жамики туйғуларини унга кўмди. Қоронғи лаҳаддан ора-орада қурбонлик фифони янграр, аммо у энди ортга қайтмас, сўзсиз марсия ўқиб қўяқоларди бар-часига. Юртидан, дўстидан қўл ювиб, бу ерларга келди. Аввалига тоғасининг қўлостида ишлади, иш ўрганди, тажриба орттириди. Охирида Аллоҳга таваккал қилиб, ўзининг мустақил тижоратига асос солди. Ҳалол бандани Аллоҳ ҳеч қачон хор қилиб қўймайди. Ҳақиқат юзага чиқди: ишлари юришгандан-юришди. Шу ердан ҳовли-жой олди, муҳташам вилла қурдирди. Ота-онасини ҳам кўчириб келди. Ҳам севгисидан, ҳам дўстлигидан айирган ўша олис шаҳарчадан қадамини узди. Истанбулда соялари сарҳадсиз азим чинор бўлиб, ҳар офтобда куйганни соялантириди. Болалиги ўтган уйини дўсти Турсунга омонат топширган-у, ўзи қадам босмасди. Кунлар ўтди. Бешафқат ҳаёт аввал онасидан, сўнг отасидан айирди. Уларнинг ўлимолди кунлари кўзёш билан: «Ҳокимизни бу ғурбатзада турбатда қолдирма!» – деб қилган васиятлари ҳам кўнглидаги нафратни кетказа олмади. Шу ерга дағн қилди. Уйланди: кетма-кет туғилган уч ўғлига яхши ният билан Исо, Мусо, Идрис дея исм қўйди. Улар вояга етгач, кўптармоқли холдинг бошқарувида ёнида

тиргак бўлиб туришди. Ҳар бирининг алоҳида тижоратлари, тинч-тотув оиласи, фарзандлари, қўйингки, яшаш учун керакли барча нарсалари муҳайё эди. Лекин шунда ҳам кўнгиллари тўлмас, чунки барча идоралар бошқаруви ягона шахс – Адембейнинг бошқаруви остида эди.

Ака-укаларнинг бу норозиликлари узун-қисқа гап-сўз бўлиб бурчак-бурчакда шивирланарди. Улар ўзларини меҳнати ҳалол-у, эти ҳаром эшакдек жабрдийда кўрсатишга уринишарди. «Меҳнат»лари тезроқ эътироф қилинишини, қариб, ишга ярамай қолган оталари бошқарувни учалаларига бўлиб беришини исташарди. Оталари олдларида турган улкан ғов эди-ю, улар на ошиб, на кечиб ўта олишарди ундан. Бу гап-сўзлар, совуқ муомалалар Адембейнинг зийрак нигоҳидан четда қолмасди.

\* \* \*

Армуғон Истанбулга, айниқса, Адембейга жуда ўрганиб қолди. Бутун умр қалбида кемтиклиги тўлмаган оталик меҳрини унда кўрди. Адембейнинг қарамоғида ўқиётган бошқа талабалар орасида унинг ўрни – бўлак. Ҳар шанба пешиндан кейин Адембейнинг идорасига борар, иккалалари чой устида ҳар мавзуда: таълим, муҳаббат, ватан ҳақида қизғин суҳбатлар куришарди. Адембей котибасига бу пайтда ҳеч кимни қабулга ёзмасликни тайинларди. Биринчи муҳаббати, ватан фироқи ҳақида тўйиб-тўйиб суҳбатлашгач, руҳида тетиклик ҳис қиласарди. Йиллар уларни бир-бирларига минг йиллик қадрдонлардек мустаҳкам боғлаб борар-

ди. Бу дилкаш инсоннинг назаридан ҳеч нарса четда қолмас, ҳатто Гулден ҳақида ҳам хабар топганди. Бир кун суҳбат мавзусини атай унга тақади:

— Эшитишимча, у қиз ҳам Истанбулда ўқирмиш?  
— Армуғон кўзларини олиб қочди. – Келганингдан бери бирор марта бўлса-да кўришдингми? – Армуғон бошини қимирлатиб, рад жавобини берди:

— Нега? – давом этди Адембей.  
— Ундан хафа бўлгандим.  
— Учинчи киши бормиди ораларингда?  
— Йўқ!

— Дунёқарашингиз ўзгачами?  
— Аксинча!

— Қаттиқ севган экансан? – Адембей гапни бошка ёққа буришни истамай, давом этди. – Бобонгдан эшитгандим. Онанг ҳам шубҳалар ўринсизлиги ни айтган экан.

— Қайдам... – Адембей ўз бошидан ўтган туйғулар ёдига тушиб, Армуғонга далда берди:

— Мен ҳам севганман, болам. Биринчи муҳабат нима эканини мана мендан сўра! У ҳеч қачон хотирдан хориж бўлмайди.

\* \* \*

Шамолдек бекарор эсган йиллар Армуғонни бирпасда 4 босқич талабасига айлантирди. Муҳаббат экан, Гулденни излади. Тақдирда бўлса, учрашармиз бир кун деб, охир қўл силтади. Армуғон хулқи ва илми намунали, чидамли ва кучли йигит эди. Тарк этиб келганига тўрт йил бўлган бўлса-да, негадир Ўрта денгизнинг қадрдон қирғоқлари

уни ўз бағрига қайта жалб қила олмасди. Барча истакларига рад жавобини бериб яшарди. Докторларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, аёли Ҳожар хонимнинг вафот этиши Адембейга оғир зарба бўлди. Унинг жанозасида Армуғон ҳам худди оила аъзосидек қатнашди.

\* \* \*

Адембейнинг ҳаёт тарзи энди аввалгидан кескин фарқ қиласди. Маросим ўтиши билан болалири ўз уйларига қайтиб кетишли. Ҳайҳотдек виллада ота аёлидан кейин «етим» бўлиб қолди. Ҳамон мотам ҳавоси уфуриб турган уйда тунларини уйқусиз ўтказмаслик учун кечгача ишлар, фақат ухлаш учунгина уйга келарди. Барча хизматчиларни вазифаларидан озод қилиб, шахсий ошпазини ўзи билан олиб қолди. Бу содик киши ҳовлининг ҳам, ошхонанинг ҳам хизматини оғринмай қиласди. Ҳафтада бир кун хотини кирларни ювиб, дазмол қилгач, уйларни тартиблаб қўярди. Авваллари ишдан ҳориб, чарчаб келганида оромгоҳ каби туюлган вилла бугун карvonсаройдан – фарқсиз.

Аёлининг вафотига икки ой тўлар-тўлмас болалар мерос дардига тушиб қолишли. Турли гап-сўзлар болалади идорада: «Эшиздингизми, Адембей уйланар эмиш...» Ўғиллари, ҳатто келинлари ҳам уни муҳокама ва тафтиш қила бошладилар. Чарчади. Зерикди. Зорикди бир чимдим меҳрга. Қўл силтаб, ўн беш-йигирма кунни мўлжал қилиб саёҳатга отланди. Оталари кетиб ўғилларнинг «кўкрагига шамол теккан» бўлса-да, бу ҳа-

ловат узоқقا чўзилмасди. Улар энди қариб, эси-ни йўқотган, шарти кетиб, парти қолган оталари саёҳат охирида бир таннозни етаклаб келишига ва у барча мол-мулкка эга чиқишига ишонишарди. Улар вақтни ғанимат билиб бу ишни тезроқ бир ёқлик қилиш ҳақида бош қотира бошлишади. Кечки пайт идора меҳмонхонасида «кенгаш» ўтказишни одат қилишди. Холис эҳсонлари эвазига Аллоҳ Адембейни садоқатда тенгсиз кишилар билан сийлаган эди. Бу bemavrid машваратлар хизматчисининг эътиборидан четда қолмади. Суҳбат авж олган оқшомларнинг бирида «ўғиллар»га чой олиб кирган ходим қулоғига чалинган гаплардан хушёр тортди. Аммо сир бой бермай, хонани тарк этди ва эртанги суҳбат учун овоз ёзиш мосламаси ўрнатишни режалаб қўйди.

Тўнғич ўғил раҳбарлигига бораётган машваратнинг аввали ўзаро ака-ука эканлари зикри билан бошланди-ю, уларни шу кунга қадар суюган отанинг «истибдод»ига қарши қай усулда курашиш билан давом этди:

— Укаларим, аввало бир ҳақиқатни унутмайлик, биз учаламиз бир жон-у бир тан ака-укалармиз. Бу ерга йиғилишимиздан асосий мақсад отамизнинг кўлидан мулкни тортиб олиб, ўзини бир четга сурриб қўйиш эмас, аксинча, ўзимизнинг, оила ва болаларимизнинг порлоқ келажагини таъминлашdir. Илтимос қиласман, бир-биримиздан андиша қилмай, фикрларимизни рўйи-рост айтайлик. Масалан, менинг ёшим қирқقا етди, сизлар ҳам шу арафадасиз. Бошқарувни ўз қўлимиизга олишимиз керак, «Адембейнинг ўғиллари» деган тамғадан халос бўлади-

ган вақтимиз келди. Билиб турибсиз, отамиз олтмишдан ўтиб, анча чарчадилар, балки онамизнинг вафоти ҳам уларни яхшигина қаритиб улгурди. Яна қанча умрлари қолганини билмаймиз, олтмиш беш ёш бўлганларида ҳам қонуннинг маълум моддаларига кўра улушимиизни ажратиб олсак бўларди. Лекин ҳали унгача вақт бор, бунинг устига, уйланишлари ҳақида миш-миш тарқалган. Ким билади дейсиз, балки шу қайтишларида бирини етаклаб келиб, дўст-душман олдида бошимизни эгиб қўярлар. Унутмайлик, янги никоҳ – янги меросхўрлар дегани. Ана унда кеч бўлади! Фурсат борида отни қамчилаб қолайлик. Очиқ гаплашайлик. Отамиз саёҳатдан келиши билан нима қилиб бўлса-да, савдо-сотикдан ўз улушимиизни ажратиб олиб, мустақил иш юрита бошлишимиз керак. – Мусо акасига савол берди:

— Яъни ҳар биримиз холдингдан якка тартибда ажралиб чиқиб, ўз йўлимиизда давом этишимиз керак. Шундай демоқчимисиз?

— Худди шундай! «Ўзинг учун ўл етим», нақлига кўра яшамасак, Адембейнинг номи остида ҳозиргидай кун кўрмай ўтиб кетаверамиз. – Идрис улар каби куйиб-пишиб гапирмас, меросдан кўра кўпроқ отасининг кўнглини ўйлагани учунми, индамасди. Тўнғич ака ундан ҳам фикр сўради:

— Сен нега жимсан?

— Отамизни оғринтирмай, шу ишнинг уддасидан чиқа олишингизга кўзингиз етятпими?

— Агар отамни хафа қилса, сен бу ишга қўшилмайсан. Шунақами?

— Шундай. Чунки шу кунгача ҳам ишда, ҳам ўзаро муносабатларда орамизда низо чиқмади. Ма-

бодо орага совуқчилик кирадиган бўлса, мен қўшилмайман. – Мусо укасидан норози бўлди:

— Камми-кўпми хафа бўлишлари тайин. Уларнинг кўнгилларига қараб ўтираверсак, келажагимизни бой бериб қўямиз, тушунсанг-чи! Отамиз ҳаётини жуда яхши яшади. Нима, биз қийналиб юришимиз керакми?

— Сизлар нимадан бунчалик хавотирланяпсизлар ахир? Отамиз барчасига ўз меҳнати билан етишган, бу қунларимизга ҳам ўзи сабабчи бўлган. Ўз пешона терини ундан тортиб олишга қандай ҳаққимиз борлигига ақлим етмаяпти, тўғриси.

— Ёшгина бир жувонга уйланиб олса, нима дейсан, хўш? Кимга ёқмайди бойвачча чолнинг эрка бекаси бўлиш?

— Бу – унинг шахсий ҳаёти. Хоҳлаганича яшашга ҳаққи бор.

Дам олиш ўзининг ижобий таъсирини ўтказган Адембейнинг юзига қон юргурган, болалари билан иш хусусида бир кенгashiб олгач, яна идорага қайтганди. Шанба куни бўлгани учун Армуғоннинг йўлини пойлаб, тез-тез соатга қараб қўярди. Хизматчиси унга чой келтириб берди-ю, бошида қўл қовуштирганча тик тураверди. Адембей ишчидаги бу ўзгаришдан бирор гапи бордир дея ҳаёл қилиб, чой ҳўплаш баробарида мулойимлик билан сўради:

- Нимадир демоқчимисан? Қани, ўтир-чи.
- Бахтимизга соғ бўлинг, хўжайин!
- Бирор гапинг борми?
- Ҳа, шундай!
- Кулоғим сенда. – Хизматчи қўллари қалтираб, диктофонни костюми чўнтағидан олди-ю,

нопок бир нарсани тутгандек, ижирғаниб стол устига қўйди.

— Бу нима?

Мени кечиринг. Шунча йилдан бери тузингизни едим. Хиёнат қилолмадим.

— Бу диктофон қаердан келди, Ҳасан афанди?

Менга қандай алоқаси бор? Нега узр сўраяпсан?

— Раҳбарини уятли ҳолга солиб қўйганидан хижолат чекса-да, ҳақиқатни яширишни ўз бурчига хиёнат деб билди:

— Сиз кетганингиздан кейин ўғилларингиз бир хонада йиғилиб, гаплашадиган одат чиқаришиди. Бир куни одатимга кўра чой олиб кирсам, дилни хуфтон қиласидиган гаплар бўляпти. Кейинги кун ўзларига билдирамай, бу ускунани ўрнатиб қўйдим. Ишонинг, бу матоҳни сизга тутгандан кўра ўлим осонроқ менга. Энди мен борай, эшитсангиз, ўзингиз тушунасиз.

— Майли, қолсин-чи.

— Ўзингиздан бошқа ҳеч ким эшитмасин...

— Ҳўп, хавотир олма.

\*\*\*

Хонасига ҳеч ким, ҳатто ўз зурриётларининг ҳам киришини ман қилиб диктофонни ёқди. Сал қаттиқроқ эсган елдан ҳам авайлаб, ўзи каби қийинчилик кўрмасликлари учун тишида тишлаб ўтган болалари тап тортмай айтиётган гапларини тингларкан, бошини кафтлари орасида чанглаб олди. Қон босими ошдими, боши ғувиллади. Кўзи тиниб, оёқ-қўли увишди. Болаларининг бар-

ча гапларини жўяли топишга ҳар қанча уринмасин, бир енгилтак хонимчага элакишиб қолишини тасаввур қилолмас, бу гапни ўз ўғилларидан эшитиш жуда оғир ботганди унга. Ахир бутун умр улар учун яшади. Бу фаровон кунлар учун уйкусиз, оч-юпун ўтган кунларини эслади. Котибаси билан улайдиган тугмани босди:

— Чой...  
— Хўп бўлади, афандим!  
— Кимдир йўқламадими мени?  
— Армуғонбей келгандилар.  
— Ҳозир ҳам шу ердами?  
— Ҳа, кутяптилар.  
— Кирсин! Унга ҳам чой келтириңг.  
— Хўп бўлади, афандим. – Котиба сўзини тугатиб, Армуғонга ўгирилди:

— Сизни сўраяптилар.  
— Раҳмат. – Армуғон кийимини тузатиб, эшикни тақиллатди. Рухсат бўлгач, ичкарига кириб, отасидек бўлиб қолган кишининг афтодаҳол юзини кўриб кўнгли бузилди. Қўлларини ўпиб, аҳвол сўраган бўлди:

— Яхши келдингизми, афандим?  
— Раҳмат, хуш келибсан!  
— Саёҳат қалай ўтди?  
— Бир нави...  
— Ҳорғин кўринасиз?  
— Чарчадим... Ўтиб кетар. Аҳамият берма.

Армуғон, сенга бир гап айтсан?

— Айтаверинг.  
— Силаи раҳмдан гап бошлайман, аниқроғи, дин ва дайндан?

- Ихтиёрингиз.
- Ундан аввал бир-икки саволимга жавоб берсанг.
- Албатта!
- Истанбулга келганингга қанча бўлди?
- Беш йил бўлади шу йил.
- Ватангга бордингми бирор марта?
- Йўқ...
- Сабабини сўрасам, нима деган бўлардинг?
- Телефон бор-ку, хабарлашиб турибмиз...
- Кифоя қиляптими темир матоҳ баҳш этган дийдор?
- Боришга шавқ етишмади негадир...
- Соғинмадингми?
- Соғинмай бўларканми?
- Унда нега бормайсан?
- Бу ерда хотиржам яшайман. Бирор менга бармоғини нуқиб гапирмайди.
- Лекин соғиндим деяпсан-ку.
- Ўзингиз ҳам соғинганга ўхтайсиз?
- Бу борада мендан кўра сенинг омадинг чопган. У ерда сенинг йўлингга нигорон кўзлар бор: бобонг, бувинг, онанг, Гулден... Менинг кимим бор? Ким учун бораман? Ким менинг қадамимга кўз тикиб ўтирибди? Шуларни ҳеч ўйлаб кўрдингми? Менда заррача умид қолмади: на юрт, на ота-она, на оила, на болалар ва на муҳаббатимдан ёрқин хотира! Ким учун талпинаман?!
- Ҳалигача унутмадингизми?
- Унутилган қайситир маънода. Ундан ёдгор бўлиб хиёнат қўшиғи қолган холос.
- Менинг дардим енгилми сизникидан?

— Ҳа, болам, анча енгил. Сен ўзингга ҳеч алоқаси бўлмаган айбнинг жазосини тортяпсан. Бунинг отини қисмат дейдилар, ўғлим. Мен сенга бир янгилик айтмоқчи эдим, аммо у сени хурсанд қилмайдиган кўринади.

— Айтаверинг, афандим.

— Масалан, ўқишиングни тамомлагач, шаҳарчага қайтиб боришга тайёрмисан?

— Сиз айтсангиз, икки қиласармидим?

— Хурсанд қилдинг мени. Унда, ҳозирдан тайёргарлигинги кўравер. У ерда сен учун шахсий касалхона қуриб бермоқчи эдим. Демак, бошлайверсам бўлади.

— Касалхона?

— Ҳа, шундай. Ўқишиング тамомлангунча, у ҳам битиб қолади. Ҳўш, розимисан?

— Нега рози бўлмас эканман?

— Бу иккимиз орамиздаги сир, хўпми? Ҳеч ким хабар топмасин. Қайтараман: ҳеч ким!

— Келишдик!

— Яхши ўқишиング керак.

— Бош устига!

— Яна бир гап. Мени телбага чиқарарлар балки, лекин шу ҳафта шанба куни кечки пайт сен ҳам иштирок этишинг керак бўлган бир лойиҳа режалаштириб қўйдим.

— Қандай лойиҳа?

— Кадрлар бўлимига келиб тушган аризалар билан боғлиқ. Уларда айтилишича, бу ходимлар фабрикада ишчилар орасига беҳаловатлик уруғларини сочиб юришибди. Англаганингдек, камалак ранглари каби ўзгача фикрлар, талаб-истаклар ке-

либ тушди. Ишдан бўшатишим учун исмлари қайд қилинган рўйхат олдимга қўйилди. Аммо мен дар-ров қарор қабул қилмадим. Аввало уларнинг кўнгли-даги бор фикрларига очиқ-ойдин қулоқ тутмоқчи-ман. Вазиятга холис баҳо бермоқчиман, бошқалар-нинг фикрларига эмас. Уларнинг нимага асосланиб бу қарорга келганларини аниқламоқчиман. Ишдан ташқари вақтда бўлгани учун семинар қатнашчи-ларига маош ҳам тўлайман. Хўш, сен нима дейсан?

— Ажойиб ғоя!

— Шу холосми? Эшиглар мени эсини еб кўй-ганликда ҳам айблашар-а?

— Йўқ, нега энди? Жуда оддий, бироқ пухта ечим ўйлаб топгансиз. «Бой бериш эмас, қўлга киритиш режаси» деса ҳам бўлади...

— Жуда яхши. Сенга нима хизмат юклангани-ни сўрамадинг?

— Маъзур тутасиз, нима экан?

— Шубҳали ходимлар мажлисида ёнимда ту-ришинг керак. Уларни тинглаб рўкач қилаётган фикрларини ёзиб оласан, янглишларидан қайта-ришга уриниб кўрасан...

— Аммо қўлимдан келмаса-чи?

— Ҳали вақт бор, тайёргарлик кўрасан. Балки, айтганингдек, уларни қайта қўлга киритармиз: оёққа болта уриш маросимлари ўрнига ҳаловат-ли муҳит афзал қўрилар. Ҳаловат кетса, уни қай-таришни тўғри деб билганим учун ҳам идорада ишхонадаги ҳаловатдан бизни мосуво қилмоқчи бўлганларнинг онгидаги салбий ўйларни соғлом рақобат ва сифатли ишлаб чиқаришга йўналти-моқчиман...

## Пештахта

Мавсумлар, кун ва тун, қўйингки, умр бир-бирини қувлар, дунё қувлашмачоқ майдонига айланиб бўлганди. Армуғон манзилни Капаличаршидан Чамбарлитош томон ўзгартириди. Қадамлар зарбидан инграётган йўлакнинг ўнг тарафида жойлашган дўкон пештахталарига оғир ва рангсиз нигоҳ ташлаб кетаётган қадамлари секинлашди. Бу гавжум, бу улкан дунёда ўзини тобора ёлғиз ҳис этаётгани юз ифодасидан сезилиб турарди. Хаёлга чўмди. Ҳозиргина ёдидан ўтган фикрларга қайта назар солди: ойлар, йиллар, кечакундуэни ямламай ютиб бораётган фасллар... Қочиш ва қувлаш дунё пештахтасининг жилвалари эди. Ҳар нарсанинг ибтидоси бор, илло Яратгандан бошқа. У – азал ва абаддир.

Фотостудия витринасида кўргазмага қўйилган суратга кўзи тушди-ю, хаёллари тўзғиди. Аввалига бехосдан тушган назар қайтадан диққат билан қаради. Расмга тушиши кераклиги ёдига тушди. Адембей ҳайдовчилик гувоҳномаси олишини тайинлаганди. Фотостудиялардан бирининг рўпарасида тўхтади-ю, ичкарига бош суқди:

- Ҳужжат учун расмга тушмоқчиман.
- Нечталик?
- Ўн иккиталик.
- Ҳўп, киринг. – Суратга тушиб бўлгач, вақтини тайин қилиш учун сўради:
  - Эртага шу пайт олиб кетсан бўладими?
  - Бўлади.

- Раҳмат, яхши қолинг.
- Яхши боринг.

Ташқарига чиққач, фотостудияни эслаб қолиш учун ён-атрофга кўз ташларкан, пештахтанинг ойнаванд қисмида бежирим, нақшинкор рамкага солинган суратга кўзи тушиб, қоққан қозикдек туриб қолди. Адашиши мумкин эмас! Жонсиз суратдан Гулденнинг кўзлари кулиб қараб турарди унга. Гулденнинг феълини яхши билар, агар ўзи билса, суратини кўргазмага қўйишиларига асло изн бермасди. Қарама-қарши ўйлар гирдобида бир муддат иккиланиб турди-да, фотостудияга қайтиб кирди. Сал олдин хайрлашиб чиқиб кетган Армуғоннинг важоҳатидан чўчиб кетган сураткаш қўрқа-писа сўради:

- Бирор нарсангизни унутиб қолдирибсизми, афандим?
- Йўқ!
- Хўш, хизмат? – Армуғон ўзини босишга уринса ҳам, гаплари барибир зарда аралаш эшитилди:
- Витринадаги сурат!
- Тушунмадим?
- Ҳукуқшунослик факультети талабасининг суратини нега кўргазмага қўйганингизни сўраяпман!
- Кимнинг?
- Гулден Эзгининг! Эгасидан берухсат ҳам суратларни намойишга қўяверасизми?
- Тушунтириб гапиринг.
- Қиз боланинг расмини кўчада кўз-кўз қилиш эътиқодимизга тўғри келадими!? – Сураткаш хижолат бўлиб Армуғонга тикилди:
- Қайси сурат экан, кўрсатинг-чи? – Армуғоннинг зардаси қайнади:

- Юр! Мана шу! – Гулденнинг суратини бармоғи билан ниқтаб кўрсатди.
- Сиз ким бўласиз у қизга?
- Яқин қариндош. – Армуғон чўнтағидан пул олиб, йигитга тутди:
- Нархи қанча эди? Ўраб беринг, олиб кетаман. – Ер ёрилмади, сураткаш ерга кирмади. Ўзини оқлашга киришди:
- Чиройли чиққан эди-да.
- Барибир! Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ эди.
- Майли, бериб юборавераман-ку, лекин қариндош эканингизни қаердан биламан? – Армуғон талабалик гувоҳномасини чиқарди:
- Тиббиёт факультетида ўқийман. Қизнинг исми Гулден Эзги. Дафтaringизга қараб кўринг, балки ёзиб олгандирсиз. – Сураткаш гапни кўп пайсалга солмай, Армуғоннинг шахсий маълумотларини ёзиб олди. Узр сўраб, суратни ўраб берди:
- Марҳамат!
- Қанча бўлади?
- Шундай олиб кетаверинг.
- Раҳмат. – Гулденнинг сурати ўралган пакетни юрагига яқин кўтариб, оломон орасига сингиб кетди. Йўл-йўлакай ўзини сўроққа тутиб кетди: «Тўғри қилдимми, йўқми?»



\*\*\*

Гулденнинг суратини фотостудия пештахтасида осиғлиқ кўрган дугоналари пичинг қилишди:

— Витриналарда суратингиз кўйилибди, Гулден хоним.

— Қанақа витрина?

— Ўзингизни гўлликка солманг. Катталаштириб, пештахтага осиб қўйишибди.

— Мендан берухсат-а!?

— Ўзинг рози бўлмаган бўлсанг, нега қўйсин?

— Худо ҳаққи, хабарим йўқ.

— Ана, билиб олдинг. – Дугоналарининг гаплари жаҳлини чиқарди. Дарслар тугагач, биргаликда фотостудияга келишди. Учовлари ойна ортидаги суратларни кўздан кечиришар, аммо излаганларини топа олишмасди. Гулденга хижолатли тикилиб, қизлар бирваракайига: «Адашган бўлишимиз мумкин эмас. Ўз кўзларимиз билан кўргандик. Шу ерда турганди», деб ўзларини оқлашга киришиб кетишли.

Сўнг ичкарига кириб фотографни саволга тутишли:

— Сизларнинг пештахтангизда суратимни кўришган экан. – Йигит Гулденга тикилиб турди-да:

— Ҳа, шундай эди, – деб жавоб берди.

— Қани ўша сурат?

— Бир йигит қариндошингиз эканини айтиб олиб кетди-ку. Сизга айтмадими?

— Истанбулда қариндошим бўлмаса, ким экан у?

— Ўзи ҳақида барча маълумотларни қолдирди. «Эътиқодимизда ҳам, одатимизда ҳам аёллар

суратини очиқ-ойдин намойишга қўйиш мумкин эмас», деб дашном берди. Пулинни олмасдан расмингизни ўраб бериб юбордим.

— Ким экан у? – Сураткаш дафтарини варақлаб, минғирлаб қўйди:

— Армуғон Ўзел. – Сураткаш бошқа маълумотларни ҳам ўқиди, аммо қизнинг қулоғига кирмади:

— Бўлди-бўлди, эсладим, раҳмат... – Армуғоннинг исмини эшишиб, Гулденнинг шашти тушди. Чинор остидаги сухбат ёдига тушди. Дугоналарига секингина: «Кетайлик», – деди-ю, ташқариға отилди. Дугоналари ҳоли-жонига қўймай савол ёғдиришарди:

— Ким бўлди экан биз ҳанузгача исмини билмаган докторбей?

— Лицейдаги синфдошим. – Гулден шундай де-ди-ю, хаёлга берилди.



\*\*\*

Ҳаяжондан ёш бола каби ўзини қўярга жой топа олмай қолган Адембей кеч киришини тоқатсизланиб кутарди. Мажлислар зали мунозара учун турли эътиқоддаги, ҳатто эътиқодсиз кишилардан тузилган саккиз кишилик гуруҳнинг суҳбати бошланишига мунтазир. Нотиклар аввалига бир дастурхон устида чақчақлашиб таомланишиди. Залга музокара ўтказиш учун фабрика фаолиятидан норози ишчилар, Адембей ва Армуғон тўпланишиди. Адембей бу мужодаладан ижобий ечим кутар, ишчиларга устама ҳақ тўлаб ишдан бўшатиш фикри покиза кўнглига хуш келмасди. Яхими, ёмонми ишчилари эди улар. Шунинг учун ҳужжатларга дарров имзо қўймади, сабабларни ўрганиб, шунга кўра ечим топишга киришди.

Семинарга таклиф қилинган саккиз кишига билдирги юборилиб, унда уч ҳафта давом этадиган бу йиғинда қатнашиб, барча талаб ва таклифларини эркин билдиришлари сўралди. Адембей минбарга кўтарилиб, ўзига тикилиб турган радикал фикрли саккиз нафар ходимини бир қур кўздан кечириб, бу кечадан кўзлаган мақсад-муддаосини баён қилди:

— Биламан, айни дамда барчангиз «Нега айнан биз?», «Нима учун бу ерга келдик?» каби саволларга жавоб топишга уриняпсиз. Сизлар ходимлар ўртасида кескин низолар келиб чиқишига сабабчи бўлиб, устингиздан арз қилинган ишчи-

ларимсиз. Раҳбар сифатида барчангизни қадрлайман. Яширмайман, сизларни ишдан бўшатишни истамайман. Қарийб олтмиш беш йиллик умрим давомида баҳс-мунозара билан бирор муаммога ечим топиб бўлмаслигига кўп бор амин бўлдим. Мен инсонларнинг ўзаро дўстлик, ҳурмат, муҳаббат билан бир-бирларини ардоқлаб яшашларини истайман. Ҳозир сизларга сўз бераман, барчангиз навбат билан гапирасиз. Фақат кўнглингизда борини яширманг, илтимос. Ишдан бўшатилар эканман деган ҳадик тилингизга тушов солмасин. Мени бугун раҳбар сифатида эмас, балки ота, ака, дўст сифатида кўринг. Айниқса, иш жойингизда сизни қониқтирмайдиган камчиликлар ҳақида билмоқчиман... Бу минбар – ғалаба ёки мағлубият эмас, муаммоларни очиқ айтиб, унга оқилона ечим изланадиган жой бўлиши керак. Қўполлик, ҳақорат, камситиш билан Аллоҳнинг бандалири дилини вайрон қилмоқчи эмасман. Ахир «Сен махлукни маломат қилдингми, Холиқингними?» ҳикматини биламан. Амал қилишга ҳам ҳаракат қиласман. Тадбирни ташкиллаштираётиб ўйлаб қолдим: бу ходимлар яратмоқчи бўлган муҳитларида ўзгаларга ҳам ўzlари каби имкон берилишини хоҳлайдиларми ё фақат ўzlари бўлишними? Мана шу жиҳат мени жуда қизиқтиряпти. Айтганимдек, тарафкаш эмас, оддий бир тингловчи бўлиб орангизда ўтираман. Ахлоқ меъёrlарини топтамаслик, биродари ғурурига тегмаслик, эътиқод ва фикр эркинлигини ҳурмат қилиш шарти билан тез-тез иш ташлашлар уюштиришингиз-

га сабаб бўлган барча тўсиқлар ҳақида гапириб беринг. Унумангки, заиф ва хом фикрлар илди-зи мўрт бўлгани учун барчани бирдек эргаштира олмайди. Шунинг учун ҳам одамлар нуқсон ва камчиликларини беркитмоқчи бўлсалар, овоз пардаларини юқорилатадилар. Ва бу билан ўзла-ри сезмаган ҳолда жиноятга қўл урадилар. Ахир овозни эмас, сўзни юксалтиришга буюришмадими ўтган солиҳлар? Сиз ҳам бу чегарани унумайсиз ва фикрингизни маданий услубда, кенглик кўрса-тиб ифодалашга ҳаракат қиласиз, деган умидда-ман. Бирингиз чиқиб, ўзига ноқулайлик туғдирган вазият ва қоидалар ҳақида бизга айтиб берсин.

Адембей минбардан тушиб, нотиқ ҳам, тинг-ловчилар ҳам яхши кўриниб турадиган чап то-мондаги стулга чўкди. Биринчи кун сиёсий ва ижтимоий тузумлар, эътиқодлар, ҳатто уларнинг инсон шахсига ўтказадиган салбий таъсирлари ҳақида баҳслашилди. Эксплуатация, қониқарсиз маош, раҳбар-ходим муносабатлари, турли эътиқод вакиллари орасидаги келишмовчиликлар, кам меҳнат эвазига мўмай даромад топиш... Табиат, борлиқ, ибтидо ва интиҳо, худосизлик, социа-лизм, коммунизм, капитализм ва динлар ҳақида сўзлашилди. Ҳар бир нотиқ минбарда нутқ ирод қиласкан, ўтирганлар уни диққат билан тинглар, ўзларига керакли деб билган ўринларни қайд қи-либ қўйишарди.

Адембей икки ҳафтадан буён давом этаётган бу мажлисда ўзи жасорат бериб қўйган нотиқларни жим тинглади. Шу аснода уларни эшитиб, ўзи

бир бора бўлсин минбарга чиқмаган Армуғонни кутар, лекин гапиришга мажбурлай олмасди. Унинг ақлан етук ва ўз шахсий фикрига эгалигини билгани учун сабр билан кутди. Турли-туман фикрлар муҳокама қилинди-ю, Армуғоннинг ўйлари муҳокама қилинмай қолиб кетди.

Бугун – охирги кун. Ҳар бир қатнашчи ўзининг сўнгги нутқини сўзлайди. Ўзи ва ўзгаларни уюштирадиган муштараклик ҳақида сўнгги хуносаларини айтади. Ҳар доимгидек ходимлар тартиб билан ўzlари илк кунда даъво қилган ғояларига хотима ясашни бошладилар. Армуғоннинг тарзида ўзгариш кўринмагани Адембейни ташвишга солди. Сўнгги нотик фикрларини муқояса қиласкан, ва ниҳоят, Армуғон қўл кўтарди. Бу лаҳзаларни узоқ кутган Адембей кўзларига ишонмай сўради:

— Сўзга чиқмоқчимисан?  
— Ижозат берсангиз, албатта! – Адембей енгил ҳазил қилди:

— Сал қолса, ўртоқларинг сени тилдан қолди деб гумон қилишарди. – Армуғон минбарга чиққач, ўзидан аввал нутқ сўзлаган дўстларини фикрларини қайта ёдга олиш учун кўздан кечирди. Нутқини ўзидан аввалги нотиклардан фарқли ўлароқ салом билан бошлади. Бугунгача ҳеч гапирмаган, савол бермаган, балки, бор-йўқлиги ҳам билинмагани учунми, барча уни ўзгача диққат билан тинглай бошлади:

— Хуш келибсиз, азиз дўстлар! Барчангизга ассалому алайкум! Мен ҳам худди сизлар каби

Адембейнинг қарамоғидаги одамман, чунки айнан шу киши сабаб бўлиб, чекка вилоятдан келиб Истанбулдек катта шаҳарда таълим оляпман. У кишининг бу суҳбатни нима сабабдан уюштирганлари худди сиз каби мени ҳам қизиқтиради. Учрашувнинг илк кунида айтган гаплари мени ҳам бу даврага қўшилишга, ўз фикрларимни билдиришга ундади. Қайси мавзуда бўлмасин, фикрлар майдонини гулзор деб биламан. Ҳар бир боғбон дунёдаги энг хушбўй ифор ўз боғидан тараалаётганига ишонади. Албатта, ундан-да муаттар бўйни ҳидлагунча. Менинг гулларим куйлади, энг ёқимли бўйни, инсониятни меҳрга буркаган муҳаббатни уфуради дунёга. Сиз ҳам, мен ҳам, самовот ҳам, наботот ҳам Уники! Гапларим томдан тараша тушгандай туюляптими? Бу – кириш қисм. Бугунгача баҳс қилинган: капитализм, коммунизм, ҳатто иш ҳаққи ҳам мени қизиқтирмайди, чунки улар инсоннинг кун кечириши учун зарур бўлган эҳтиёжлар. Қайтараман: кун кечириши учун, яшаб қолиши учун! Барчамиз яхши танийдиган бу киши ишчилар ҳаққини ўз ҳаққидан зиёда ҳимоя қиласди. Бўлиб ўтган мажлисларда мени ранжитган ягона жиҳат: бошқалар фикрини менсимаслик, ҳурмат қилмаслик. Ўзингиз гувоҳи бўлдингиз, мен шу кунлар ичида фақат тингладим: савол бермадим, фикрингизни бўлмадим, қарашларингизни хато демадим. Шу кузатишларим натижасида амин бўлдимки, фабрикада ишлаб чиқариш сифатининг пасайиши, иш ташлашлар ва ўзаро норозилик чиқишлари уюштирилишига сабаб бўлаётган

бош омил – эътиқоддаги фарқилилик сабаб инсонийлик бурчини тўла англаб етмаслик.

Бошқаларга босим ўтказиш, куч ишлатиш ҳеч қачон ечим бўлолмайди. Ҳар бир уйғоқ вужуд, уйғоқ онг буни яхши ҳис қиласди. Бугун ўз фикрларим ҳақида гапирмоқчи, уларни тамоман тўғри демоқчи эмасман. Зоро, фикрлар илмга таянсагина, бирор маъно касб эта олади. Аксинча бўлса-чи? Аксинча бўлса: туғилади, яшайди ва изсиз йўқ бўлиб кетади. Ҳар бир инсоннинг ўз хаёлот оламида қурган, фақат ўзигагина аён дунёси бўлади. Назаримда, бизни бу ерга жамлаган энг муҳим мақала – шу. Ер юзида шахсий ва ўзаро манфаатлар асосига қурилган ана шундай жамоаларнинг ўзаро жанжали тинмайди. Тизимлар инсон фитратига терс ишласалар, дунёнинг таянч пойдеворига дарз кетади: зиддиятлар, исёнлар, ваҳшийлик ва бошбошдоқлик авж олади. Нима учун эътиқодларга муносабатни аввалдан шакллантириб оламиз? Нима учун бошқаларнинг пешона тери билан қўлга киритган мол-мулкига кўз олайтирамиз? Нега дунё учун ғам ейдиган ўзимизнинг эмас, ўзгаларнинг хато-камчиликларини ахтарамиз? Нега айбни нукул бошқалардан қидирамиз? Биз нега Яратувчига ишонишимиз ва Унинг қонунларига амал қилишимиз керак? Агар ҳаром ва ҳалолни етарлича ўрганиб, ҳаётга татбиқ қилсак, ҳаловат излаб юрмаймиз. Унинг ўзи бизни топиб келади. Норозилик билдиришдан аввал ўз камчиликларимиз ҳақида ҳам ҳеч ўйлаб кўрдикми? Ўзимизни тафтиш қилдикми? Ишонч билан айта оламанки, бундай қил-

мадик. Бизнинг заволимиз ўзимизни сўроққа тут-  
маслигимизда. Неъмат учун Яратганга шукр қил-  
маслик бизни исёнга ундейди. Бу ҳолимиз ҳақи-  
да Куръони Каримнинг Иброҳим сурасида шундай  
оят келади: «Қасамки, агар шукр қилсангиз, ал-  
батта, сизга зиёда қилурман». Орамизга рахна  
солаётган муаммолар мана шу сабабдангина ке-  
либ чиқяпти. – Залда унга қарши фикр янгради:  
«Бу – сенинг шахсий фикринг.»

— Албатта! Мен ҳам худди сиз каби шахсий  
фикрларимни баён қилдим. Аммо ҳеч бирингиз  
бизга ҳаёт берган Холиқ ҳақида гапирмадингиз.  
Ҳар бир инсон Унга ибодат қилиши керак. У –  
бутун мавжудотга ҳаёт берган. У ўзидан ўзгада  
куч ва қувват бўлмаган Зотдир! У бугун сиз «Ярат-  
дим!» дея кўкрак керганингиз илмларнинг ягона  
Эгаси. Дунёдан ҳаловат истаган адашибди. Зоро,  
бу дунё ҳаёти ўткинчи ва ўйиндан бошқа нарса  
эмас. Ҳаловат истаган Унгагина юкинсин! Шубҳа-  
сизки, инсонни яратган Зот унга нима сакинат  
беришини ҳам билади. У инсониятнинг қандай  
яшаши лозимлигини китоблар нозил қилиб анг-  
латган Зотдир. Унинг қайтариқларида ҳам, буй-  
рукларида ҳам ҳикмат бор, лаззат бор. Нажот из-  
лаган Унга келсин!

Насл соғлигини муҳофаза қилиш учун фаҳш  
ман этилди. Боладан ўз отасини таниш ҳукуқи-  
нинг тортиб олиниши разилликдир. Шудгорга дуч  
келган одам экин экиб кетверса, ҳосил айнийди.  
Номус, ҳаё ва ифрат тушунчалари кўтарилган жа-  
миятда бузуқлик авж олади. Оила муқаддас, унга

дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аёл – қовурға, у бўлмаса, эрнинг қадди букилиб қолади. Эр – нафас, у бўлмаса, аёлнинг жони ҳалқумига келиб қолади, умри тугайди. Дунё осойишта бўлиши учун оила сакинат ичидаги бўлиши керак. Чунки оила – жамиятнинг бош бўғини.

Ичкилик ҳаром қилинди. Нега? Чунки у ақлни тортиб олади. Ақлидан мосуво қилинган одам эса, ярамасликларга қўл уради. Яъни инсонлар орасида низо пайдо бўлиб, ноҳақ қон тўкилишига сабаб бўлмаслиги учун ҳаром қилинди.

Қимор – меҳнатсиз даромадга иштиёқни, дангасаликни келтириб чиқадиган йўлдир. Демак, қиморбоз бошқанинг чўнтағига кўз тикади.

Ирқчилик... Инсониятнинг энг катта хатоларидан бири. Одам наслини терисининг ранги билан ғурурга кетказган ва ҳақ йўлдан оздирган янглишлик. Барчамиз бир ота-онадан кўпайиб, ер юзида тарқалган бандалармиз. Бундан ортиғига ҳеч кимда тоқат қолмай, залда шивир-шивир бошланди. Армуғон уларга боқиб Аббос устознинг саркаш қавмга тўғри йўлни кўрсатишга уринган ҳар одамнинг масхара бўлгани ҳақидаги гапларини эслади. Бир йигит рухсат сўриб ўтирмай, овози борича раддия билдириди:

— Бу – сенинг эътиқодинг, аммо менинг ирқим сеникidan олий!

— Мен миллатларга берилган номларни назарда тутмадим, балки барчамизнинг бир отона наслидан бўлатуриб, Аллоҳ бизга лойиқ кўрган ранг билан фахрланишимиз – янглиш. Ранги-

миз, динимиз, тилимиздан қатъи назар ягона миллат бўлишимиз керак, деяпман. Бу омиллар бўлиниб кетишимизга сабаб бўлмаслиги керак, деяпман. Миллат – бир минтақа аҳолисининг бирлик ва тенглик қоидалари асосида яхлит, бир бутун, яъни бир тан-у бир жонга айланиб яшашидир. Ҳар жабҳада юракларнинг баробар уриши, қалбларнинг ҳамоҳанг бўлишидир. Бизни кўтариб турган шу муқаддас замин учун жон беришга барчамиз тайёрмиз. Бу ишқ, хоссатан, Ватан ишқи сенинг «олий ирқ»инг чегараларидан анча устун туради.

— Мен сен айтиётган сафсалаларга ишонмайман! Сен айтганинг каби бўлишга мажбурманми?

— Унда айт-чи, сен нимага ишонасан? – Йигит киноя билан пичинг қилди:

— Шайтонга! – Буни эшитган кимдир бақири, кимдир жим қолди. Кимдир ёнида ўтирган дўстининг болохонадор сўкинишини бошқалар эшитмаслиги учун унинг оғзини ёпди. – Зал оёққа турди, фақат Адембейгина аввалги кунлар каби бу тортишувларга ҳам аралашмас, Армуғон эса, уларнинг тинчланишини кутиб турарди. Одамларнинг ҳовури босилгач, энг охири гапирган йигитга тикилиб, сўзини давом эттирди:

— Жамиятдаги низоларнинг боиси – соф дин эътиқодига қарши чиқишдир. Атеизм динни «ўрта асрларга хос» деган тамға билан ҳаёти-миздан сиқиб чиқаришга уринди. Инсониятнинг жон томирини қуритишга ва ҳаловатини тортиб олишга киришди. Ва бу янгилиш қарашлар эвазига одамият асрлар бўйи оғир бадал тўлаб келади...

Шайтон эса, инсоннинг томирида қони билан ба-робар кезувчи сайёр, ҳаёт киноси сценарийсида маҳоратимизни синааб кўриш учун имтиҳон воси-таси холос. Унинг зарадидан сақланиш учун уни сўкишимиз эмас, аксинча, таниб олишимиз кифоя. Ягона тўғри йўл – шу! – Аббос устоз таъбири билан айтганда, Армуғоннинг сўзлари атеист йи-гитнинг онгида қотиб қолган чирик ғиштларни ўрнидан қўзғатган эди. Аввалги мавзулар қилча таъсир этмаган бу йигит онгида янги уфқлар очи-ла бошлади. Моҳиятни излай бошлади. Бошқа бир йигит ҳам ўтирган жойидан ҳайқирди:

— Мен Аллоҳга ишонмайман! – Уларнинг бу эъ-тиrozлари Армуғоннинг жаҳлини эмас, сабрини зиёда қиласарди:

— Секин гапирсангиз ҳам эшитаман. Хўш, ай-ting-чи, сиз борлигига ишонмайдиган Яратувчи йўқ бўлса, борлик қаердан пайдо бўлди? Уларни ким яратди?

— Табиат!

— Табиатни-чи?

— Ўзи пайдо бўлган.

— Яъни бизнинг ақлимизни лол қилган бу яра-тиқлар тасодифан пайдо бўлиб қолган. Шунақами?

— Аввал сен айт: Аллоҳни ким яратган?

— Бу каби саволларга жавоб излаганингизда сиз борлигини рад қилган, ибтидоси-ю интиҳоси бўлмаган, ал-Аввал, ал-Охир сифатли ягона Илоҳ қаршингизга чиқади. Сиз тасдиқ қилсангиз-да, ин-кор этсангиз-да, У борлиқнинг бир-у бор эгасидир.

— Ҳой бола, ақлингни ишлатсанг-чи! Ахир сен айтаётган жиҳатлар қорнимизни тўйдирган, бар-

ча эҳтиёжимизни қондирадиган табиат ҳақида-ку!  
Шунчалар ҳам ғўр бўласанми?

— Тасаввур қилинг: ҳаво, сув, қуёш ва яна биз ададини билмайдиган бир қанча моддалар йўқ. Фақат тупроқ бор. Қўлидан нима келади? Сен «илоҳ» деб билганинг табиат ҳам қудрат қўли билан ишлов берилган маҳлуқ холос. Аммо бундан сенинг хабаринг йўқ.

— Хабарим бор!

— Бу гапинг далил бўла оладими?

— Бўлади!

— Тупроқни қўятурайлик, сиз ўзингизни танийсизми? Ҳеч тафаккур қилмадингизми: кимнинг асариман ва Мусавириксиз кимман?

— Ҳақоратга ўтма! Кўриб турганингдек сенга ухшаган инсонман.

— Бу исбот эмас, аксинча, исёндир! Бўшлиқقا эргашиш ва ўжарликдир! Ўжарликнинг сабаби нима?

— Сен шундай ўйлайвер.

— Ўзингизни олиб қочманг, исботланг! Хато бўлса-да, ўз шахсий фикрингиз бўлсин! Бирор муаммога дуч келган чоғимизда ором излаб қоламиз. Қулоқларимиз остида оят жаранглайди: «Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топур!»<sup>1</sup> Инсон ақл ва ҳис қоришмасидан яратилган мавжудотдир. У мукаммал Ижодкорнинг мукаммал асаридир. Унинг танаси шундай мураккаб тузилганки, бўлажак врач сифатида мен унинг сирини ўрганишга ҳаракат қилиб келаман. Ҳануз охири-

<sup>1</sup> Раъд сураси, 28 оят

га етганим йўқ. Одам кўз, кулоқ, бурун, юрак каби аъзолари орқали кўрадиган, эшитадиган, нафас оладиган, ҳис қиласидиган, аразлайдиган, суюнадиган ва сужидиган ажойиб қурилмадир. У жисмида ишлаётган органларнинг фаолиятини ўйлаб кўрса эди, Роббисига эҳтиром қилган бўларди. Тўлиқ эмас, жисмининг бир қисмини бўлса-да, тафаккур қилиши кифоя қиласиди. Тановул қилган таомини аъзолар эҳтиёжига қараб сарф қилган Зот барча айб-у нуқсондан пок эканига иймон келтиради.

Мени инкор этиш учун эмас, ақл юритиш учун тинглашингизни истайман. Фикрларингиз уфқида янги оламлар очишни хоҳлайман. Ўзингизга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракатланадиган аъзоларингиз ва улар билан бир бутун бўлган ажойиб жиҳозни тасаввур қилинг. У: туғилади, яшайди ва ўлади. Бу ҳақиқатни қайси ақл рад эта олади? Технология тараққий этган бу асрнинг барча валломатлари бирлашиб ажалга қарши чиқолмаяптилар-ку! Энди бутун жонзотлар ҳақида, самовий жисмлар ҳақида ўй суринг. Барча яратиқ учун яшашига кулагай мұхит ҳозирланган: фасллар алмашинуви, ҳайвонот ва наботот... Ақл юритган одам буларни тасодиф дея оладими? Яратганга исён қилиб, унинг неъматларидан воз кечиб яшаб кўринг-чи! Хўш, бунинг имкони борми? Барчасидан тонсангиз ҳам, ўзингизни «оқсуяк» санасангиз ҳам, барибир, Унинг қудратидан четга чиқолмайсиз. Ахир ўзингиз, ўзлигингиз ҳам Унинг маҳсули-ку! Истанг, Ундан юз буринг-у, холи қолганингизда ақлингизни сўроққа тутинг. Қалбингиз овозига қулоқ тутинг.

Ишонинг, шундай қилсангиз, Роббингиз борлиги-ни бутун борлиғингизда ҳис қиласиз.

Аллоҳ Қиёмат куни бандаларини бармоқ изларигача бус-бутун ҳолда қайта тирилтиришини таъкидлайди. Сиз айтаётган замонавий илм-фан инсоният маҳсулими? Сизнингча бу ҳам ўша табиат ақлининг ҳосиласими? Гулларга бетакрор бўй ва жозибани ҳам шу табиат баҳш этганми? Бир сувдан турфа ранг ва ўзга таъмли меваларни ҳам табиат яратганми? Шундай бўлса, нега тарвуз тақир ерда унади-ю, шоли сув ичидагуруқ дон бўлиб етилади? Күёшни ўлчовли нур сочишга, ер куррасини ёндириб юбормаслиги учун орасида маълум масофа жорий қилган ҳам табиатми? Йўқ! Демак, табиатнинг ўзи ҳам Яратувчига эҳтиёж сезувчи яралмишдир. Бу каби оддий ҳақиқатни англаб ета олмайдиган кишини олим деб бўладими? Масаланинг фақат бир томонини кўрадиган одам кенг фикр юрита оладими? Жаҳолат ботқоғига шу қадар ғарқ бўлгансизки, ахлоқ ва динни бир-биридан айро кўрасиз. Баъзингиз эса, бу иккисидан айро яшамоқчи бўласиз. Илм, рух, моддият учлигининг марказига ақлни қўймасак, бу учлик нимага эришади? Йўриқномасиз ишга туширилган жиҳоз қанча вақт сифатли хизмат кўрсата олади? Албатта, кўпга бормайди. Лекин сиз тан олишдан қўрқасиз. Вулқонлар ҳаракатга келганда дарё бўлиб оққан оловга тикилганмисиз? Тепкилаб яшаётганимиз шу ям-яшил ва сўлим ер қобиғи остида оловли дарёлар, жонбахш булоқлар борлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бу ўзгармас қонунлар ҳам тасодифми?

Инсоннинг хотимасини ким белгилайди? Ҳаёт тарзини ким тартибга солади? Кимнинг қуввати етади бутун қаҳқашонни назорат қилишга? У Зот айтади: «**Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир**<sup>2</sup>. «**Бу дунё ҳаёти ўйин-кулги ва кўнгил-хушликдан ўзга ҳеч нарса эмас... Ақл юритмай-сизларми?**<sup>3</sup>». Шундай, дунё – ҳосили охиратда йиғиб олинадиган экинзордир. – Бир йигит эътироуз билдири:

— Сен Қуръондан гапирганингдек, насронийлар ва яҳудийлар ҳам ўз китобларидан далил келтириб: «Мана шу – ҳақиқатдир!» деса, аҳли китоблар орасида хилоф келиб чиқмайдими?

— Асло! Чунки Инжил, Таврот ва Қуръон илоҳий китоблардир. Уларни туширган Зот ҳам айнидир. Илло, улардан иккисини ўзгартириб, ўз қўллари билан ёзиб олган қавмнинг ишини Аллоҳ сўнгги каломида фош қилган. Ва бу каломини то қиёмат қадар ўзи муҳофаза қилишини баён қилган. Коинотдаги сайёralарнинг ҳаракати, ернинг тортишиш қонуни, ўсимликларнинг шамол воситасида чангланиб, уруғланиб кўпайиши кимнинг тадбири? – Бир йигит савол билан Армуғонни мот қилмоқчи бўлди:

— Электр токини ким ўйлаб топган? – Унинг саёз фикрлари Армуғоннинг юзига синиқ табасум акс эттириди:

— Бу бир кашфиёт-ку, дўстим... Яъни бир кишининг аввалдан бор бўлган нарсани аниқлаши.

---

<sup>2</sup> Оли Имрон сураси, 185 оят

<sup>3</sup> Аньом сураси, 32 оят

Булар коинот занжирининг бир ҳалқаси. Кимки ўзида Яратувчининг инсонлар онгига жойлаган эътиқод ҳиссини топа олмаётган бўлса, билингки, у одамнинг эътиқоди мажруҳдир. У ўз ақлини етарлича бошқара олмайди. Шунинг учун Аллоҳ бандаларни ақл юритишга чақиради. Чунки ақл юритган кишидаги эътиқод ҳиссини ҳеч қайси куч бостира олмайди. Тарихнинг ўзи бунга ёрқин далилдир. Таълимдан айро қилинган маънавиятнинг бадалини ҳар бир жамият ҳар бир асрда тўлаб келган. Диндан тўсувчи, уни уйдирма деб билувчиларнинг залолатга ботганига тарих гувоҳ. Айнан улар инсоният бошига хорлик келтирадилар. Бу иллатнинг ягона ва ишончли давоси – ақл ва қалбни Куръон нури билан ёритиб яшашдир.

Ўз онгимизга кўзгу тутишимизга имкон яратиб бергани учун Адембейдан қарздормиз. У киши бизга ҳар ким қилган амалига яраша ҳақ олишини исботлаб бердилар. Бир ёқадан бош чиқариб ишласак, меҳнатимиз яхши самара беради. Сабабидан бизга ризқ келиб турган дастгоҳни тепкилашимиз, аввало ўз ризқимизга чанг солишидир. Аҳилликда ишласак, аҳлимиз осойишта бўлади деб ўйлайман. Қолгани – ўзингизга ҳавола. – Жимгина қофозларини йиғишириб, ўз жойини эгаллади. Ёнидаги йигит:

— Куръон ҳақида кўпроқ сўзлаш учун айни вақт эди. Қўлдан чиқардинг-да, оғайни, – деди афсусланиб. Армуғон паст, аммо қатъият билан эътиroz билдириди:

— Асаларига асалнинг таъми ҳақида ваъз ўқилмайди. — Мажлисга муқояса ясаш учун Адембей минбарга чиқди:

— Барчангизга ўз ташаккуримни изҳор қиламан. Мен одамларнинг онгига мухолиф фикрлар қаердан келишини билишга қизиқардим. Бугун шундай холосага келдим: инсон узлуксиз ақл юритиши ва ўзини излашдан тўхтамаслиги керак. Кишининг билмаган илмини рад этишига фақатгина жаҳолати сабаб бўлади. Ёмон одам йўқ, шунчаки, илмсизлик уни ҳар йўлга равона қиласди. Сиз мен учун эмас, ўзингиз учун меҳнат қилаётганингизни тушуниб еting. Ўлимдан барчамиз қўрқамиз, ҳолбуки, ундан ҳам каттароқ фожиалар бор. Масалан, нега яшаётганини билмаслик. Фабрика барчамизники, фақат ундаги вазифаларимиз турлича. Сиз ўз бўлимингизда осойишта муҳит яратинг, ўзингизга берилган имкониятлардан ўрнида ва ўринли фойдаланинг. Имкон бор ерда исён қилманг, ором ўғриси бўлиб қолишдан сақланинг. Мен сизларни борингизча яхши кўраман, қадрлайман...





## Тўртинчи бўлим

**А**рмуғоннинг шаҳарчани тарқ этганига етти йил бўлса-да, орадан ўтган вақт ичида бир бор қайтмади, балки қайтишни истамади. Онаси ва Мавишнинг соғиндим деб йиғлашлари, Турсуннинг дағдағалари ҳам фикридан қайтаролмади. Ўзини илмга бағишилади, ҳаётини шу йўлга бахшида этди. Етти йиллик бакалавр таълимини тугаллаб, магистратурага ҳам қабул қилинди.

Гулден эса, ортига қайтиб аллақачон жиноят ишлари бўйича адвокат бўлиб улгурган, эшик қоқиб келган совчиларга турмуш қуришига вақтли эканини айтиб, рад жавобини берарди. Кейин ўзини сўроқлай бошларди: қизик, тақдиримга битилган инсон ким экан? Кимни бунчалар илҳақ бўлиб кутаётган эканман-а? Армуғонми? Беш йил бир шаҳарда яшаб, бир бора бўлсин, йўлларимиз кесишимади-я...

\*\*\*

Армуғон ва Адембей мухолиф фикрли ишчилар билан уюштирилиб, ишлаб чиқаришда ҳажм ва сифат ўсишига жиддий сабаб бўлган семинардан кейин бир-бирларига янаем қаттиқ боғланиб қо-

лишди. Аммо ўғиллари у лойиҳани аҳмоқлик, эрмак ва бекорчилик деб баҳолаб қўяқолиши. Болаларининг диктофонга ёзиб олинган суҳбатларини эшитганидан кейин уларга бўлган ишонч ва меҳрини йўқотди. Режаларини пинҳон сақладиган бўлди. Ўғиллар дастурхон устида оталарига уйланиш борасида билса – ҳазил, билмаса – чин қабилида гапира-гапира мақсадларига эришиб, тинчиб қошлишган. Ҳозир ягона ўйлари – холдингдан ўз улушларини тезроқ ажратиб олиб мустақил яшаш. Улар саратонда соя берган, изғиринда бағрига босган оталарининг қарамоғида бўғилаётган эдилар. Аслида ҳам шундай, меҳрни ножоиз қалбларга тутмоқ – уволдир!

Армуғонга аталган хусусий касалхона қурилиши тугалланиб, унга ёнма-ён солинган бешюлдузли меҳмонхона ва тўқимачилик фабрикасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Адембей фабрика назоратини ўзи ишонган қадрдонларидан Намиқбейга топширган, токи ўзи боргунча барча ваколат унинг қўлида эди. Касалхона номига расмийлаштирилганидан йигит ҳали бехабар. Нотариус ҳузурида Намиқбей номига ваколатнома ёзаётиб: «Менинг номимга ширкат очиши, ҳиссадорлик улушмни белгилаши, сотиши ва сотиб олиши мумкин», сўзларини кўриб, ҳайрон бўлди:

- Намиқбей!
- Лаббай?
- Менда қандай мулк борки, олди-сотди қилсангиз?
- Билмасам, ўғлим, хўжайн шундай буюрдилар. Айтиб қўяй: хўжайн сени жуда яхши кўради, сенга

ишионади. Ўзи айтмагунча оғзингга маҳкам бўл, суриштирма. – Армуғон ўзи, Адембей ва Намиқбейдан иборат ширкатнинг ҳиссадорларидан бири бўлди. Ҳозирча билгани – шу... Маош олиб ишлай бошлигач, ижарага уй олди. Адембей уни кўрмай қолса, кўкси тораяр, телефон қилиб: «Доктор, бир келиб, кетасанми?» – дер, иккиси узоқ сухбат куриб, бир-бирларининг яраларига малҳам бўлишарди. Ёлғизлик ваҳшатидан шу йўл билан најот топишарди.

## **Шаҳарча**

Инсоннинг ҳаёт саҳифасидан лаҳзаларни ямлаган йиллар охирида ўzlари ҳам ниҳоя топардилар. Тақвимдан узилган саҳифалар кунларнинг чўғини ўчирад, охирида қоғозларни бирлаштириб турган темир парчасининг ўзигина қоларди. Турсун нафақага чиққанидан буён куни бир хил кечарди: уйдан масjidга, масжиддан уйга. Баъзан одатига хилоф қилиб чойхона ҳовилисида чой ичиб умрини сарҳисоб қиласар, ҳоким эса, чиқмаган жондан умид дея, қайта сайланишга эришиш учун тиним билмасди.

\* \* \*

Олтмиш саккиз ёшни қаршилаган Адембей бу оқшом «оиласи» даврасида руҳини эзғилаган хиёнатдан ҳорғин бўлса-да, буни болаларига сездирмасликка уриниб, баҳтли ота ролини қойилмақом

ўйнарди. Энди у этни жунжиктирувчи ёлғизлик-нинг залворини ҳар нафасда ҳис қилиб яшайди. Фарзандларининг таъна-маломатлари қалби-га оғир ботиб, бундан бу ёғига уларнинг йўлига «тўғаноқ» бўлмаслик учун яrim тунгача ишлади. Ишини битириб, ҳужжатларга ҳеч кимнинг кўзи тушмаслиги учун сейфга солиб қўйди. Токи ке-тиш фурсати етганда, ушланиб қолмасин! Телефон олдига чўкди. Вақт алламаҳал бўлганини қўриб, иккиланиб турди-да, рақамларни тера бошлади. Армуғон телефон жиринглашидан чўчиб уйғонди:

- Лаббай?
- Армуғон?..
- Лаббай, Адем амаки?
- Узр, безовта қилдим... Келасанми, дегандим...
- Нимадир бўлдими?
- Йўқ, болам. Кўнглим хижил бўлди негадир.
- Ҳозир етиб бораман.
- Эҳтиёт бўл! – Шоша-пиша кийиниб, кўчага отилди. Чинор дарахти танасига ўрнатилган такси чақириш тугмачасини босди.

\* \* \*

Армуғон яқин орадаги бир нечта касалхона-ни тавсия қилганига қарамай, Адембей дўсти-нинг касалхонасига боришини айтиб, бошқаси-ни рад қилди:

— Дўстим Эҳсон Южелнинг касалхонасига бор-ганимиз яхши. У дардимни яхши билади. Яқинлаш-ганимизда телефон қилсанг бўлгани. – Ҳақиқий дўстлик шундай вақтларда билинади. Яrim тун

бўлишига қарамай, Эҳсонбей етиб келди. Дўстини диққат билан текширди:

— Хавотирга ўрин йўқ, чарчагансан: ҳам ақлан, ҳам маънан. Қаттиқ сиқилган қўринасан, ошқозонда спазм пайдо бўлибди.

— Ваҳима қилма, доктор, ўтиб кетади.

— Бўлмаган гап! Ишни йиғишириб, дам олишинг шарт.

— Дам олсак, олаверамиз-да. Энди бизга рухсатми?

— Шошиб қаерга борасан? Сени бир-икки кун «меҳмон» қиласиз.

— Сенга меҳмон бўларканмиз-да! – Икки дўст анча чақчақлашиб ўтиришди.

\* \* \*

Болалар оталарининг касалхонага тушганидан эрталаб хабар топишди. Уч ўғил бирваракайига Эҳсонбейнинг хонасига кириб келишди. Исо гап бошлади:

— Дадамга нима бўлибди, Эҳсон амаки?

— Айтарли ҳеч нарса. Толиққан, сиқилган. – Буни эшитган ўғилларга жон кирди:

— Кошки, бизга қулоқ солсалар! Отамга энди қариганларини, фабрика ишларини ҳам ўзимизга топширишларини ўзингиз ётифи билан тушунтирсангиз. Бизнинг гапимизга кирмаяптилар.

— Отангиз ҳали ўқдек, куюнманглар!

— Яхши, ишга шошаётгандик. Эртага ўзингиз билан бафуржга гаплашиб олсак бўладими?

— Албатта, бўлади!

\*\*\*

Олдига шошилиб келган Армуғонни кўриб, Адембейнинг кўзлари қувнади. Гарчи палатадан одамлар кети узилмаса-да, унинг ўрни бошқа эди:

- Келдингми, Армуғон!
- Келдим, амаки! Кўринишингиз анча яхши-ку, а?
- Яхшиман. Келганингга янаям яхши бўлдим. Лекин сени уйқудан қолдирдим-да, ўғлим...
- Айни кучга тўлган вақтда ухлашни ким қўйибди бизга? Рангингизга қон югурибди бироз бўлса ҳам!
- Ўзи яхши эдим. Эҳсон амакинг «мехмон»им бўласан деганига қолдим.
- Тўғри айтибдилар.
- Нега? Иккаланг тил бириткириб, мендан ниманидир яширяпсизларми?
- Йўғ-э, нега унақа дейсиз, ҳеч гап йўқ. Фақат озроқ дам олинг дедим.
- Қўявер, ўтиб кетади... Ўйлашга арзимайди...

\*\*\*

Уч ака-уканинг ширкатда режалаштирган «сұхбат»ларига ўша ходим яна пойлоқчиликка қўйилди. Тўртинчи «киши»дан бехабар Исо бу гал ҳам ташаббусни ўз қўлига олди:

- Гапларимни ўйин билманг, мени диққат билан тингланг! Кўриб турибсиз, отамиз ҳолдан тойган бўлса ҳам, ўз билганидан қолмайдиган ўжар. Ўзи хоҳлаб ишни топширадиганга ўхшамайди.

Бир иложини топиб: «Бўлди, етар!» – дейишимиз керак! Қандай айтишни ўзим ҳам билмайман. – Мусо акасини қўллаб-кувватлади:

— Менимча, ҳам шундай. Лекин тезроқ айтишимиш керак. – Исо оловга мой сепди:

— Ёшимиз қирққа чиққан бўлса-да, фақат шу қари отамиз соясида қолиб кетяпмиз. Ҳал қилувчи сўзни доим у айтади. Давлат олтмиш беш ёшга тўлган ходимни нафақага чиқаради. Отажонимизнинг у ёшдан ўтганига уч йил бўлганига қарамай, чарчоқ нима билмайдилар. – Идрис яна эътиroz билдириди:

— Отамнинг тадбирли тадбиркор эканини эсдан чиқармаслик керак. У анча кексайган бўлса ҳам, ширкатни жуда яхши бошқаради. Буни мендан ҳам иккингиз яхши биласиз. У кўнгилчан одам, бу гаплар қулоғига етиб борса, қаттиқ ранжиди. – Акадан «юмшоқ» жавоб қайтди:

— Ўзингдан ўзинг нималар деб алжираяпсан? Сенинг отанг, ҳар ҳолда, бизниям отамиз бўлади! Қозилик қилмай жўялироқ маслаҳат берсанг-чи! Ё умрингнинг охиригача унинг соясида паналаб ўтмоқчимисан?

— Ака, қанча ўйламай, ҳеч ақлим етмаяпти. Нега бу ишга ёпишиб олдингиз? Худога шукр, тижорат майдонида ўз ўрнимизга эгамиз. Пулдан муаммо йўқ, яна нима керак сизларга? Нимага эришмоқчисизлар?

— Тентак! Нима, ҳаёт фақат кайф-сафодан иборатми а?

— Ака!

— Нима?

- Худди шу ишиңгиз қариган чоғингизда болаларингиздан қайтса-чи?
- У ёғидан хавотир олмай құяқол. – Сигаретини чукур тортиб жавоб қилди ака. – Мусо бўшашиб қолган укаси Идрисга дашном берди:
- Ҳа-аа, бойваччамизга нима бўлди? Юраклари дов бермаяптими? Эплолмасангиз, қимматли маслаҳатларимизни сиздан аямаймиз.
- Бошим қотди. Ўрта йўлни топиш керак...
- Рози бўлсанг бўлди, қолганини бизга қўйиб бер!
- Оғритмаслик керак-да-аа...

\*\*\*

Касалхонага ҳовлисига ҳазин оқшом чўқди. Хизматчи келди. Адембей уни бош-оёқ кузатиб, ўтиришга таклиф қилди:

- Қани, кел.
- Тузалиб қолдингизми, хўжайин? Қўрқитиб юбордингиз-ку.
- Мени қўй, яхшиман. Топшириқни бажардингми?
- ...
- Сезиб қолишдими?
- Йўқ...
- Ҳўш?
- Бермасам... Эшитмасангиз дегандим...
- Нега?
- Яна хафа бўласиз, дейман-да.
- Қўйсанг-чи, ёш боламидим?..
- Марҳамат.

- Сенга рухсат, мени холи қолдир.
- Болалар – шу ерда. Эҳсонбейнинг хонасига киришди. Эҳтиёт бўларсиз.
- Тушунарли. Майли, борақол.
- Яхши қолинг, афандим. – Ишчи эшикдан чиқар-чиқмас, диктофон ёқилди...

\*\*\*

Адембей бутун эътиборини эшикка қаратиб, диктофонни тинглай бошлади. Оёқ товуши эшитилиши билан ўчириб, ёстиғи остига яширди. Оқшом чироқларининг нурлари деразадан палата га қуиилиб, Адембейнинг маъюс юзини ғира-шира ёритиб турарди. Эшик очилиб, хонага кирган ўғиллари Исо ва Мусодан Адембей кўзларини олиб қочди. Узук-юлуқ сухбат қурган бўлдилар:

- Ота, тузукмисиз?
- Бир нави...
- Кайфиятингиз йўқдек? Доктор нимадир дедими?
- Парво қилма, ёмонга ўлим йўқ. Идрис қани?
- Келолмади...
- Ҳа, майли. Чарчадим. Уйқум келяпти, борақолинглар.
- Озроқ ўтирсак дегандик...
- Врач кўп-кўп дам олгин, деган.
- Хўп, ота, ўзингиз биласиз. Дам олинг, дунёнинг ташвиши битганмас.
- Тўғри айтасан! Ким топганини ўзи билан олиб кетибди? Куни келиб, мен ҳам қолдириб кетаман. Ғам еманглар. – Бу гап Исога мойдай ёқди:

- Албатта, доктор түғри айтибди. Саёчатаға чиқинг, дам олинг. Телефондан йўл-йўриқ кўрсатиб турасиз.
- Хўп, ўлмасам, албатта!
- Худо сақласин, дада. Нега бундай гапириб қолдингиз?
- Гап келганда гапирдим, болам. Парво қилма.
- Ўзингизни эҳтиёт қилинг, дада.
- Кетсанглар, эҳтиёт қиласман. – Чиқмоқчи бўлиб турганларида эшик очилиб, Эҳсонбей кирди. Ака-укаларни кузатиб, эшикни ёпди. Касаллик тарихини варақлай туриб, дўстига жавради:
- Ё кўлимдаги касаллик тарихи алдаяпти, ё кўринишинг.
- Тинчликми, Эҳсон?
- Варақа таҳлилларни яхши дейди, кайфиятинг эса, тескарисини кўрсатади.
- Варақа рост айтади: яхшиман.
- Қаердадир хато ўтдимикан?
- Қўйсанг-чи. Шунчаки, қаттиқ сиқилдим.
- Мен ҳам шунинг сабабини билмоқчиман.
- Ҳеч гап йўқ, дедим-ку.
- Биласанми, ҳеч гап йўқ деган пайтинг кўзларинг анча нарсани гапиряпти.
- Эҳ дўстим, бола дегани денгиз сувига ўхшайди: шўрлиги сабаб ичолмайсан, чукурлиги сабаб кечолмайсан. Ҳаёт шу экан-да....
- Тушуниб турибман, лекин улар бола-чақали, ўзига тўқ кап-катта одам. Ўз ҳолига қўй. Билганича ишлаб пул топсин. Бироз ўзингга қара сен ҳам.
- Дўхтир, гапинг тагида гап борга ўхшаяпти-да. Касалим жиддийми?

- Гапларимнинг соғлигингга умуман алоқаси йўқ.
  - Унда қўй, гапирма.
  - Болаларинг!
  - Сенга нимадир дейишдими?
  - Йўқ, нега унақа дейсан?
  - Очикроқ гапирмаганингдан кейин хавотирланаман-да.
  - Болаларинг ишлашингни хоҳлашмаяпти...
  - Ҳали шу гапни айтольмай қийналяпсанми?
- Менга ёд бўлиб кетган булар.
- Бу галгиси бошқачароқ.
  - Масалан, қандай?
  - Ишдан кетмаётганингга юракларига ғулғула тушганми, норозидек юришибди.
  - Яъни?
  - Ёши-и-нг...
  - Олтмиш саккиз.
  - Хабарим бор.
  - Очикроқ гапир, дўхтир. Бунча чўзмасанг. Ёқариди, эси жойидамас деб майда гапиряпсанми? — Бу гапларни айтаркан ичидан зил кетди-ю, дўстига сир бой бермади. Эҳсонбей болалардан ранжиб, гапида давом этди:
  - Билмадим, уларнинг журъати мени қаттиқ хафа қилди.
  - Уларга имкон берма, демоқчимисан?
  - Балки шундайдир...
  - Сенга нимадир дейишдими?
  - Шундай деса ҳам бўлади. Аммо мени орага қўшма.

## **Аҳмад Гунбай Йилдиз**

---

- Эшитганимга анча бўлган, хавотирланма. – Армуғон келиб, салом берди:
- Ассалому алайкум! Яхшимисиз, устоз?
- Ва алайкум ассалом, биз яхшимиз. Ўзинг қалайсан?
- Шукр, устоз, жуда яхши. Адем амаки, яна хамисиз?
- Сенинг йўқлигингга-да. Мана, келдинг. Энди хурсанд бўлса бўлади.
- Бугун кечаси ёнингизда қоламан.
- Барака топ, болам. Зерикмас эканман-да!

\* \* \*

Адембей касалхонадан тани соғайиб, кўкси сиқилиб чиқди. Ўғиллари bemор оталарини ширкатда, иш устида кўриб довдираб қолишиди. Бирин-кетин кўлинни ўпиб, аҳвол сўраган бўлишиди:

- Чиқдингизми, дада?
- Чиқдим кўриб турганингдек.
- Соғайиб кетдингизми?
- Тўлиқмас-у, ҳар ҳолда, аввалгидан яхши: ишласа бўладиган ҳолда. – Пайт пойлаб юрган Исо темирни қизиғида босди:

- Дадажон, ишхона қандай ташлаб кетган бўлсангиз, шундайлигича турибди. Ҳеч нарсани бузмадик. – Ўғлининг ялтоқланиши ёқмагани учумми, мақсадга ўтди:
- Учовингиз ҳам рўпарамга ўтиринг! – Шунча яшаб, оталаридан бундай муомала кўрмаган ўғиллар бир-бирларига хавотир ичидага қараб олиб

ўтиридилар. Адембей бошига абадий мусибат соя солган одамдек хўрсиниб гап бошлади:

— Сизларга янгилигим бор. Гапни чўзмайман: ишдан кетяпман! – Юзларни сирли севинч эпкини сийпалаб ўтди. Исо яна укаларининг номидан ялтоқлана бошлади:

— Тинчликми, дадажон, фикрингиз ўзгариб қолибди? Ҳали бирга ишламоқчи эдик сиз билан.

— Гап – шу. Биламан, ичингизда: «Аллақачон шундай қилишингиз керак эди», деб ўтирибсиз. Ўзаро маслаҳатлашиб олганингиздан кейин нотариусга чақиринг. Барчасини номингизга хатлаб, бу ерларга этак силкиймаи. – Идрис ўзига еб қўйгудек тикилиб турган акаларига парво қилмай, хижолат бўлиб дадасини фикридан қайтаришга уринди:

— Дада, бу қарорингиз – хато. Ҳеч бўлмаганда, ширкатнинг тўртинчи эгаси сиз бўлишингиз керак. – Исо очкўзлигини ғамхўрлик пардаси билан беркитишга уринди:

— Эсинг жойидами? Кўриб турибсан-ку чарчаганларини. Кўп ишладилар, энди дам олсинлар.

– Идрис «мехрибон» акасига қараб вишиллади:

— Ҳа, кўриб турибман!

— Сен бу гапинг билан отам шерик бўлмаса, ширкатдан ўзи учун пул олиб ишлатолмайди, демоқчимисан? – Идриснинг кўзида истеҳзо ёнди:

— Худо билади! – Адембейнинг жаҳли чиқди:

— Жим бўлинглар! Ҳозирдан келиша олмаяпсизлар. – Мусо вазиятни текисламоқчи бўлди:

— Бу келишолмаганимиздан эмас, отажон.

— Күряпман! Айтинглар-чи, «Солак холдинг» учовингиз орангизда тенг тақсимланадими ё бутунлигича қолиб ҳиссадорлик асосида номингизга ўтсинми? – Исо ҳар галгидек ўз гапини маъқуллади:

— Бўлинмайди, албатта. Учаламиз ҳам ҳиссалари айни миқдорда бўлган тенг хуқуқли бошқарувчи бўлишимиз керак. – Гапириб бўлибгина укалидан фикр сўради:

— Бу гапга қўшиласизларми? – Мусо акасининг гапини маъқуллади. Адембей индамай турган Идрисдан сўради:

— Сен нима дейсан? – У гап тополмай отасининг кўзларига тикилиб тин олгач, шивирлаб қўйди:

— Нега бўлишимиз керак? Ўз номингизда қолсин. Ўзингиз бошимизда туинг.

— Бўлмайди! Бу ердаги вазифамни тугатар эканман, бутун масъулиятни ўзингизга юклаб кетаман. Айтганингиздек: қаридим. Мен ҳақимдаги фикрларингиз янада ёмонлашиб кетмасидан ишни топширақолай. Алоҳида мавқе, обрў ва муваффақиятга эришасиз. Отангизнинг ширкатни шу ҳолига келтиргунча иш берган ақли бугун камайиб, суюлиб қолди. Энди у бу ишларни эплай олмайди.

– Акалар ғазабдан бўғриқиб, Идрисга еб қўйгудек тикилишди. Буни сезган ота гапида давом этди:

— Айни тўнкашга одам қидирманглар. Агар шундай ўйлаган бўлсангиз, фикрингизни асосланг, айбимни кўрсатинг. Агар ўйламаган бўлсангиз, хижолат тортманг. Мени диққат билан тингланг: барча расмий ҳужжатларни имкон қадар тезроқ тайёрланг. Фақат имзо чекиш қолсин. Мана, истагингизга етдингиз: энди отангизнинг қўлида

қўғирчоқ бўлмайсиз. Табриклайман! Холдингни қўлга киритдингиз, аммо мени, яъни отангизни бой бердингиз... – Ораларидағи сотқинни излаб Идрисга хўмрайиб қараётган акаларнинг шубҳасини Адембейнинг ўзи аритди:

— Ҳозиргина орангиздан айбдор қидирманглар деб айтдим. Агар далил керак бўлса, марҳамат! – Костюмининг чўнтағидан диктофонни олиб ёқди-да, стол устига қўйди. Хона ичидаги янграётган овозлари бошларини хам қилиб қўйди. Адембей хона бўйлаб юраркан, надомат билан гапиради:

— Ҳар неъмат бир кулфат эвазига келади. Онаңгиз ўтди. Сизларни ўйлаб уйланмадим. Ниҳоясиз тунларда ёлғизлигимни ичимга кўмдим. Иссиқ жоннинг иситмаси бўлади. Бемор бўлиб ётиб қолсан, қайси бирингизга керагим бўлади? Қай бирингизнинг хотинингиз: «Хуш келибсиз!» деб кутиб олади? Ўйлаб кўрдингизми? Яна руҳий касал, телба одамни-я? Худодан сўрайманки, болаларнинг сизга худди шундай хотимани раво кўрмасинлар. Инкор этмайман, сизлардан хафаман. Чунки оталар ҳам сиз каби одам. Уларнинг ҳам кўнгли оғрийди, оғриганда ҳам чунонам оғрийдики... Улар ҳам йиғлайди... Вақтинча, яъни мол-мулкимни номингизга ўтказиб бўлгунимча уйда бўламан. Кейин бу шаҳардан бутунлай бош олиб кетаман кўп йиллар аввал кўнглим қолиб кетган, ўзим туғилиб ўсган шаҳарчага. Бу шаҳарда ўз тупроғидан бошқасида гуллаган, лекин кулолмаган ёввойи ўт каби яшадим. Ўз юртимни, ўз тупроғимни соғиндим. Бундан буён қўнғироғингизга ҳам, дийдорингизга ҳам тоқатим йўқ!

— Дадажон... кечиринг...

— Ҳар қанча хоҳламай, кечиролмайман. Бу – жуда оғир. Сўз билан таърифлаб бўлмайди. Мен сизларни шу кунгача тишимда тишлаб ўтдим. Энди ҳаққингизга олисдан дуо қиласман. Мени эсламанг, ўйламанг. Етмишга етаётган бу навқи-рон чолнинг янги уйга эҳтиёжи бор. Ўзингизни эҳтиёт қилинг, менга шу етади... – Кўзлари очик қолган мурда каби чақчайиб турган ўғиллари олдидан диктофонни олиб, чўнтағига солди-да, эшикка йўналди:

— Ва ниҳоят, мақсадингизга етишдингиз. – Идрис ирғиб туриб отасининг қўлига ёпишди:

— Ота, мени ҳам кечирмайсизми? – Қуруқша-ган лаблар синиқ жилмайди:

— Сен улардан бошқачасан, болам... Шу етади-ми? – Жиққа ёшга тўлди кўзлари.

\* \* \*

Буюмларини хизматчиси машина юхонаси-га жойлади. Ўзи эса, ҳужжатлари солинган порт-фельини олиб, ишчилари билан хайрлашди. Ёши-га хос бўлмаган шижоат билан машинага ўтира-ди. Ҳайкал каби тош қотган болалари ва идо-ра ходимларига машина ойнасидан қўл силки-ди. Умрининг асосий қисми кечган, сочига оқ ту-ширган фабрика биносига ҳам. Рулни уйи томон бурди. Ҳовлида камсукумгина боғбони ва унинг аёли кутиб олишди:

— Хуш келибсиз, хўжайин!

- Хушвақт бўл, Солиҳ афанди!
- Эрта қайтибсиз. Соғлигингиз яхими ё шифокор чақирайликми?
- Аксинча, яхшиман. Нафақага чиқдим. Кетгунимча шу ерда қоламан. Кетадиган бўлсам, мен билан бирга кетасизларми?
- Сиз айтсангиз, кетаверамиз. Ёки ҳовлини?..
- Сотмадик. Бу уй ҳали ўзимизга керак бўлади. Бошқа жойга кўниколмасак, балки яна қайтиб келармиз. Дам оламан. Кимдир сўраса, шундай деб кўярсизлар.
- Тушликка нима тайёрлайлик? Нима егинギз келяпти?
- Ихтиёринг. Сизлар тайёрлаган барчаси ёқимли.

\*\*\*

Армуғон Истанбулга келганига тўққиз йил тўлган кун магистратурани муваффақиятли тамомлади. Бу хушхабарни энг аввал эшишишга Адембейни ҳақли деб билгани учун унинг уйига шошилди. Адембей айвонда Солиҳбей қўйиб берган самоварда чой ичиб ўтиради. Армуғонга кўзи тушиб кайфияти кўтарилди:

— Кимни кўряпман! Хуш келибсан! Анча хурсанд кўринасан?

Ассалому алайкум, Адем амаки! Сизга иккита яхши хабарим бор!

- Куттирмай айтақол.
- Биринчиси – магистратурани тамомладим.
- Табриклайман, ўғлим!

- Сиз сабабчисиз барча ютуқларимга!
- Қўйсанг-чи, ўғлим. Иккинчисини айт ундан кўра!
- Ҳарбий хизмат учун рўйхатдан ҳам ўтдим!
- Демак, яна икки ой бу ерда қоласан?
- Худди шундай, афандим.
- Турсунни соғинтиридинг. Бувингни, онангни ҳам... – Армуғон индамади.

\*\*\*

Армуғон муддатли ҳарбий хизматдан қайтгач,  
яна Истанбулга, Адембейнинг ёнига шошилди:

- Амрингизга шайман, афандим!
- Аскарча жавоб! Демак, тайёрсан?
- Худди шундай!
- Касалхонанинг бош врачи ўзинг бўласан. Иккимиз ҳам бизни қувиб-солган ўша кичик шаҳарчага зафар билан қайтмоқдамиз. Мен болаларимга ҳали телба бўлиб қолмаганимни исботлайман. Сен шунча йилдан бери ноҳақ маломат қилган одамлар олдига шараф билан қайтасан. – Йигит сукут сақлади.



\*\*\*

Уларнинг келиши шаҳарчада дув-дув гап бўлди. Турсуннинг хонадонида – байрам. Узоқ айрилиқнинг фироқи тугаб, юзларга табассум югурди. Армуғон «Бурчак» шифохонасининг бош врачи, Адембей эса, «Бурчак текстиль» ва «Бурчак отель» номли тўқимачилик фабрикаси ва меҳмонхонасининг бош директори бўлиб иш бошлади. Дўсти ва набираси сабаб мавқеи ошган Турсуннинг эшигига одамлар ҳар куни гоҳ ўғлини, гоҳ набирасини ишга олишини илтимос қилиб келишарди. Ҳа, улар қизи зўрликка учраганда акс-садоси осмонгача эшитилиб кулган ўша одамлар эди. Фақатгина охирги уч сайловда ҳам кетма-кет мағлуб бўлган раисни ҳеч нарса қизиқтирмас, у Турсунни ҳам, бир вақтлар муҳаббатини тортиб олган дўсти Адемни ҳам унуган, яқин кунларда ўтказиладиган навбатдаги сайловда ғалаба қозонишга тиришарди.

\*\*\*

Аллақачон уста адвокат бўлиб танилган Гулден ҳамон кети узилмаётган совчиларни қайтарар, ота-онасининг тазиикидан бетоқат бўларди. Негадир, ҳеч кимни ўзининг умр йўлдоши сифатида тасаввур қилолмасди. Кўнглига ишқнинг ўчмас суратини чизган Армуғонни интиқ кутарди. Бир баҳона топиб ёнига бормоқчи бўлди-ю, уялди. Кекса чинор остида ажралган нигоҳлар яна қайта

түншадиган кунни интизорлик билан кута бошлиди. Хаёлидан ўтган фикрдан кўзига ёш сизди:

«Қанийди, Аббос устоз ҳаёт бўлганида... » –  
Дунё ситамларига бардоши етмаган Аббос устоз оиласини, севган ва севмаган одамлари яшаётган ўткинчи оламни агадий тарк этганди. Гулден ўқишини тамомлаб қайтганида Аббос устоз аллақачон оламдан ўтганди...





## Бешинчи бўлим

Куршалмас минтақа йўқ, таслим бўлмаган қалъа,  
Ҳақиқат балқсан чоғлар тил унсиз, бекор ғоя!  
Тўлин ойнинг ҳилоли, кундузнинг кечаси бор,  
Жарликка соя солган тоқقا ҳам тушар соя!

**С**овуқ шамол. Денгиз ғазабдан қайнаб-тошиб, жиловлаб бўлмас тўлқинларини қўпиртириб осмонга улоқтирас, зарда билан ҳарсиллаб сувни аямай қамчиларди. Куз адоқлаб, қиши яқинлашгани учун Ўрта денгиз соҳилидаги бу жажжи шаҳарчани сайёҳлар деярли тарк этиб бўлишган, ҳаёт яна ўз маромига тушган. Қўз очгани қўймай олдинма-кетин келиб-кетаётган йиллар ичida кўп нарса ўзгарди: фақирлар, оёқ учида кўрилганлар фаровонликка эришди. Яна кимлардир отамерос мансабидан айрилди.

«Собиқ ҳокимнинг нафси ва қўли мажруҳ ўғли икки қизини турмушга бериб, набира ҳам кўрганидан кейин йигирма тўққиз йил бирга яшаган аёли билан ажрашибди!» – Бу хабар бутун вилоятга овоза бўлди. Худди Адембей ва Армуғоннинг қайтиши каби. Гапирмаган оғиз, эшитмаган қулоқ қолмади.

Нуқул ишлари юришмаганидан, ҳаётида битта ҳам орзуси амалга ошмаганидан нолиб юрадиган Суат афандига Турсуннинг қизидан рад жавоб эши-тиш оғир зарба бўлганди. Отаси вилоят ҳокими бўлгани учун у ҳам шу мансабга кўз тикиб юарди. Аммо ҳеч кимга вафо қилмаган мансаб ота ва ўғилга ҳам вафо қилмади. Суат ҳар гал ўз номзодини кўрсатмоқчи бўлганида отаси қаршилик қилас, ютқазганидан сўнг: «Бу гал шундай бўлиб қолди, лекин келаси сафар, албатта, ютаман!» – деб ўзи-ни овутарди. Ҳавога учаверадиган бу ваъдалар-дан ҳафсаласи пир бўлган Суат энди бошқа ёғли-роқ жойдан қўним топиш пайига тушиб қолди.

Ёшлиқдаги «дўст»и Адем Солакнинг муваффақият билан қайтиши ҳокимнинг сўнгги умидларини ҳам чилпарчин қилди. Адембей тажри-бали, меҳнаткаш, қатъиятли, энг муҳими, ҳалол тадбиркор бўлгани учун ҳар ерда хурмати баланд эди. У хусусий мактаб, хусусий касалхона, бешюл-дузли меҳмонхона ва тўқимачилик фабрикалари билан нафақат шаҳарчада, балки бутун вилоятда қайта танилди. Ҳожатбарор ва қўли очиқ бу одам шу пайтгача кўпчиликка ёрдам бергани, Армуғонга ўхшаган минглаб талабаларнинг илм олишига, ҳаётда ўз ўрнини топишига сабаб бўлгани учун бугун атрофи фидойи шогирд ва шериклари би-лан гавжум. Ҳукумат ҳам у билан бамаслаҳат иш қилас, ҳатто охирги ўтказилган сайловга ҳам у тавсия қилган номзод сайланди.

Ёшлигида барчани зир титратган Суатнинг отаси эса, қариган чоғида уйнинг бир бурчагида мохов каби беркиниб яшайдиган бўлди. Моддий

имкониятларини бой берди. Аввалги дабдаба-ю асьасадан дарак йўқ. Мана, бир вақтлар одамларни қон қақшатган собиқ ҳокимнинг уйида ҳам инқи-роз бошланди. Соғлигидан айрилди. Суат салкам ўттиз йиллик никоҳини бекор қилди. Бир вақт-лар дўстига қилган хиёнати учун товон тўлаёт-гани, ҳақиқат барибир қарор топгани ҳақидаги гаплар одамларнинг оғзида тинимсиз айланарди:

- Улардан ҳамма нарса кутса бўлади!
- Бу кунидан баттар бўлсин! Йўқсилларга оз-мунча ситам қилдиларми?
- Бир замонлар қонунни пеш қилиб мушт дўлайтиришарди-я?
- Мазлумнинг оҳи қирқ йилда ҳам тутади...
- Орада бечора келинга жабр бўлди-да...
- Миннатли ошлардан қутулди шўрлик. Ўл-маган жони...
- Айтишларича, қизлари оналарини ажрашиш-га мажбурлашганмиш...

Шаҳарчага кузнинг ҳузунли оқшоми чўкди. Ос-монни қоплаган қуюқ булат уюмини Торос чўққила-рини сийпалаб келган шамол секин-аста тортқилаб, тарқатишга чиранар, бўғотларга урилиб ҳуштак чалар, уйларнинг деразаларини зарб билан қоқар-ди. Бека кечки овқатга уннаркан, собық ҳокимнинг чалқанча ётганча чекаётган тамакисидан чиқаёт-ган паға-паға тутунлар осмондаги қора булатлар билан мусобақалашарди гўё. Суат отасини бироз кузатиб турди-да, шивирлаб чақирди:

Дада! – Собиқ ҳоким қошларини чимириб, пўнғиллаб кўйди:

- Нима дейсан? – Суат таъна аралаш сўради:

— Ҳалиям ярашмадикми? – Ота юзини бурди:  
— Ажрашиб яхши иш қилдинг, баракалла, де-  
йишимни кутяпсанми?

Тушунсангиз-чи, дада, уни севмасдим-ку ахир.

— Нима, севмаслигинг йигирма тўққиз йилдан  
кейин эсингга тушиб қолдими?

— Сизни деб яшаб келаётгандим... – Ҳоким со-  
вук нигоҳлари билан ўқдек тикилиб, киноясида  
давом этди:

— Шунаقا дегин... Демак, мен хоҳлаганим учун  
уйландинг, бола-чақа орттирдинг-а? Фақат мен  
учун-а?

— Шундай...

— Мени орага қўшма! Сен хоҳлаганинг сени  
хоҳламади. Ўзинг-ку бошқасининг исмини эши-  
тар-эшитмас: «Бўлади!» деб, шартта уйланган. Ҳар  
балога ақлинг етадиган ёшда эдинг, менимчалик!

— Агар истаганингизда Ҳасрат меники бўларди.

– Ўғлининг эски ярани тирнаши отага алам қилди:

— Мана шу фикрнинг домига тушиб, одамлар-  
нинг ўй-хаёлини, ҳатто кўнглини ҳам мушт билан  
ё пул билан қўлга олиш пайида бўлдик. Ўзим ҳам  
худди шундай уйланганим, эвазига бир умр азоб-  
га қолганим, бу оғриқни сенга раво кўрмаганим  
учун эркингни қўлингга бердим. Бошингга туш-  
маган-да, билмайсан. Бундай оиласда ўтмишдан  
гап очилса, эркак умр бўйи бир қалқиб яшайди.  
Қасоскор Адемни танийсанми?

— Уни ҳамма танийди-ку. – Отанинг овози бўғил-  
ди. Ҳирқираб гапира бошлади:

— Унда нега қасоскор дейишларини ҳам би-  
ласанми?

— Биламан! Онамга уйланмоқчи бўлган экан. Сиз ундан бой бўлганингиз учун бобомлар онами сизга узатишган экан.

— Яна-чи?

— Отангиз ҳоким бўлгани учун сизни ҳам ҳоким бўлади деб ўйлаган бобом онамнинг кўнглига қарамаганмиш.

— Эркак киши учун бу қандай азоб эканини биласанми?

— Қанақа дард? Севганингизга етишгансиз-ку!

— Хотинингнинг жисми сеники-ю, кўнгли бошқаники бўлишига чидай оласанми?

— Менга ўзи керак, кўнгли эмас! – Ҳокимнинг нафрати қўзиди:

— Бу дунёга ғўр келдинг, ғўр кетасан! Букрини гўр тўғрилайди, дейдилар. Шу ёшингда ҳам оқни қорадан ажрата олмайсан...

— Сиз отангиздек оталик қилмадингиз менга.

— Яна гапиради-я! Қара, барча биз ҳақимизда бемалол гапиряпти. Ҳатто ўзинг ҳам худди бегоналардек онангнинг кўнгли унда эканини, мен чақиртиканақдек орага суқилиб кирганимни айтаяпсан. Бу гапларни айтиш тугул, эслашни ҳам истамайман. Эркаклик ғурурига қаттиқ тегади бу. Шубҳа, гумон, севгисизлик аламига зўрға чираб келдим. Онангнинг кўзига тикилганимда, унда ўзганинг аксини кўрганимда суйиб тикилганим ўша киприклар юрагимга ханжар бўлиб ботарди. Бутун умр виждон азобининг оғирини орқалаб яшадим. Менинг бу ўтда куйганим етар, сен ҳам жизғанак бўлмагин дедим. Мени тушундингми?

— Лекин сиз ютдингиз.

— Қанийди... – Гапини ярим қолдириб, тамаки тутатди. Ҳар доимгидек ҳайвоний нафси билан овора Суат отасини тушунмасди:

— Дада! – Ҳоким йиғлади. Ёшли күзларини яширмай ўғлига тикилди:

— Дада, у кунлар ўтмишга айланди. Сиздан биргина илтимосим бор. Ҳеч йўқ, шу гал оталик қилинг. – Отасининг гапиришга ҳоли йўқлигидан фойдаланиб Суат мақсадга кўчиб қўяқолди: – Бир пайтлар чала қолдирган ишимизни ниҳоясига етказсак дегандим...

— Қайси иш?

— Уйланмоқчиман!

— Уйланмоқчисан? Кимга???

— Ўшанга...

— Сен мишиқи ҳали шу учун хотининг билан ажрашганмидинг? Соғлигингда рад қилган, мажруҳлигингда хўп дейдими?

— Кўнади!

— Қаердан биласан?!

— Кўнади, дедимми, кўнади! Сиз ўз ишингизни қилсангиз бас!

— Бекорчи иш бу!

— Дада!

— Бу иш сенга ярашмайди деяпман!

— Нега ярашмас экан?

— Бўлмайдиган иш деяпман сенга!

— Нега бўлмас экан? Қайтага аллақачон пишган иш.

— Сен ниманидир яширяпсан-а мендан?

— Мен Армуғоннинг отасиман! – Раис бошидан ўқ егандек сапчиб тушди. Сигарета қолдиғи-

ни кулдонга ғазаб билан босиб ўчирди-да, кўзла-ридан ўт чақнаб қичқириб юборди:

— Нима дединг? Итвачча! Дўстнинг қариндош каби эканини билмасмидинг? – Хавфни сезган тошбақа тошига беркинганидек, Суат ҳам кийимиға ғужанак бўлиб ўраниб олди. Кетма-кет омадсизлик ва оиласвий ташвишлардан ҳорган ҳоким яна бақирди:

— Ёлғон!

— Қасам ичаман – рост!

— Демак, нокаслиги ошкор қилинмаган ит сенсан. Шунақами?

— Ҳа...

— Турсуннинг ўша номардни қанча излаганидан бехабар эмасдинг, шекилли? Унга ўзингни яхши кўрсатиш учун уринаётган бўлма тағин?

— ...

— Топса, ўша заҳотиёқ ўлдириш учун қасам ичганини ҳам биласан-а?

— Биламан. – Отанинг овози янайм баландлади:

— Ҳой ит, билар экансан, қайси ақлинг билан ўзингни ўлимга тутиб бермоқчисан?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, ярашиб оламиз! – Ҳоким титроқ лаблари орасига сигарет қистирган тамакисини мажолсиз бармоқлари билан бир амаллаб тутатиб олди. Совуқ тер босди вужудини.

— Мен билган Турсун ўз сўзидан қайтмайди.

— Мен таниган ҳоким ҳам қўрқмайди!

— Сенга бу ишингни қўй дедим!

— Ҳеч қачон! Сиз совчиликка бормасангиз, қасам ичаманки, ўзим бораман!

— Унутилган ишларни кавлаштирма дедим сенга!

— Айтганимни қиласман! Энди буни ичимда яшириб юролмайман. Армуғон менинг ўғлим.

— Итвачча! Шу пайтгача ҳам отаси эмасмидинг, а?

— Энди у обрўли, бой, бунинг устига шифокор. Мен эса, шундай бойваччанинг отасиман. Ҳоким бўлай десам, қўймадингиз. Энди бу ишга қарши чиқа олмайсиз. – Суат отасига қараб ўшшайди.

— Кўлингдан келса, ҳоким бўлгин эди! Нима, бу отадан ўғилга ўтадиган мансабмидики, сенга топширсам?

— Менга имкон бермадингиз. Доим йўлимда тўғаноқ бўлдингиз. Отангиз қилган фидокорлик сизнинг хаёлингизга ҳам келмади.

— Доимгидек манфаатпарам ва писмиқсан!

— Дада, ҳазиллашмаяпман. Қасам ҳам ичдим!

— Сен «Армуғоннинг отасиман» деб жар соляпсан. Ҳасрат рози бўлмаганди. Қандай қилиб сен айтган bemazagarchilikka kўndi?

— У қилмади. – Раиснинг бадтар жаҳли чиқди:

— Унда нега ўзингдан ота ясад олдинг? Гапир-чи?

— Отасидан қизининг қўлини сўрадик: йўқдеди.

Менга оғир ботди. Сизга айтсам, жаҳлингиз чиқаверди, оғзимга уравердингиз: умидимни уздим. Нима қилай, унута олмадим: севардим ахир... Ўйлансам, унутаман деб ўйлагандим. Бундай бўлмади: кўнглимга қарамай хато қилганимни тушундим. Гина-кудуратим илдизи чуқурлашиб борарди. Тўйимга ўн беш, йигирма кун бўлганида дўстингиз билан аёли «Қуллуқ бўлсин!»га келишди. Шайтон: «Қизлари уйда ёлғиз қолган. Ўч олиб келмайсанми!?» – деб васваса қилди. Бордим. Ўйлаб ўтирмай, эшик қоқдим. Бирпас туриб, унинг овози эшитилди:

- Ким у?
- Суатман, — дея олдим.
- Отамлар сизларникига кетишган.
- Биламан. Кўзойнаги қолиб кетибди. Дадам иккаласи нимадир ўқишишмоқчи экан, — дедим. Аввалига ишонмади. Яна бир нарсалар деб ишонтирдим. Бирпас ўтиб қия очиқ эшикдан кўзойнак узатди: билагидан тутдим. Эшикни очиб ичкарига кирдим. Чинқирмасин деб оғзини, қочиб кетмасин деб эшикни ёпдим... Энди ишондингизми? Куч ишлатдим! Зўрлик қилдим! Ҳокимнинг ўғлини рад этиш қандай бўлишини кўрсатиб кўйдим. Чунки сиз мени шундай ўстирган эдингиз. Берган тарбиянгизга кўра биз хожа, бошқалар қулларимиз эди. Бизга ҳеч ким йўқ демасди, деёлмасди! Ўзингиз ҳам айтдингиз, пулимиз ё муштимиз билан одамларнинг ҳисларини бошқарамиз деб. Мен сиз ўргатганингиздек қилдим. Бу — менинг гуноҳимми?
- Ифлос! У — энг яқин дўстимнинг қизи эди!
- Нима бўлибди энг яқин бўлса? Ўзингиз ҳам энг яқин дўстингиз телбаларча севган қизни тортиб олгансиз-ку!
- Йўқо-оллл!!!
- Жаҳл билан иш битмайди. Хатони тузатиб бўлмаслиги бор гап. Менимча, энди дўстингизни қандай кўндириш ҳақида бош қотиришимиз керак.
- Ҳеч қачон! Сир ошкор бўлиши билан уйланишингга ҳожат қолмайди. Турсун сени отиб ташлайди. Сенга никоҳ әмас, жаноза ўқилади.
- Одам ўлдириш шунчалар осонми?

— Сен уни яхши бىлмайсан. Охири нима билан тугашини олдиндан айтиб бўлмайди. Бу гапни унут! Гуноҳингни ўзинг билан у дунёга олиб кет.

— Қайтмайман!

— Сен ношуд нимангга бунча ишоняпсан? Ё Ҳасратдан ваъда олдингми?

— Йўқ, рози бўлармиди? Бир кун бозорда кўриб қолдим. Ёнига бориб чақирдим: ўгирилиб, совуқ тикилди. Бир оғиз гапим бор, эшит дедим. Қарғади:

— «Жаҳаннамга йўлиққур! Қайси юз билан гаплашмоқчисан?» – деди.

— Мени кечир, хато қилдим, — дедим.

— «Қандай қилиб кечирай? – Йиғлади. — Ҳузури илоҳийда ёқангга ёпишаман: мана шу одам эди, деб ҳайқираман. Роббим, менга ёзган қадарингга таслим бўлдим. Шу бандангдан ҳаққимни олиб бер, дейман. Сендан фақат Унгагина шикоят қиласман!»

— Энди мени тушундингизми ота? Токи тирик эканман, бу маъюс кўнгилни қувонтиришим керак.

— Эсипаст, тентак! У сенга йўқ деган. Нафратланяпти камига. Қайси ақл билан бу ишга журъат қилмоқчисан?

— Оқибати нима бўлмасин, фикримдан ҳеч ким ва ҳеч нарса қайтаролмайди.

— Агар Турсунни қариб қасосни унутди деб ишонаётган бўлсанг, докторнинг ўзи сени отиб ташлайди.

— Отасиман-ку! Қандай қилиб отсин!?

— Ўчир овозингни, пасткаш! Сен илмилиқни эшитишга тоқатим қолмади. Зиғирча ақлинг бўлса, бу йўлингдан қайт ва тавба қил!

— Йўқ, қайтмайман! Қарорим – қатъий!!!

— Сен бола ростдан ҳам ўлишни хоҳлайсан, шекилли а? Мендан умидингни уз, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Нари борса, битта ва охирги дўстим билан боламдан айриламан. Думбул! Эҳтирос ва шаҳват ўзи йўқ ақлингни баттар олиб қўйибди: фикрлай олмайсан. Айтганимни қилиб дамингни чиқармай юр!

— Нега айриларкансиз? Ўғлингизни уйлантирасиз, куда бўласиз!

— Ҳаёт тажрибам эса, тескариси бўлади деб туриби.

Дастурхон ёзган она кўнгли бир шумликни сезгандек, эри ва ўғлини безовта кузатди. Суат у-бу нарса еган бўлди-ю, индамай дастурхондан туриб, хонасига кириб кетди. Ҳеч қаерга сиғмади. Шунча йилдан бери яшириб келган сирини озодликка чиқарди. Бу ёғи нима бўлади? Боши қотди. Хонанинг у учидан бу учига юриб сигарет тутатди. Сўнг денгизга қаратиб солинган балконга кўланка каби сузиб чиқди. Ҳамон бир-бири билан аёвсиз жанг қилаётган, қирғоқقا ўзини аямай ураётган ўжар тўлқинларни кузатди. Узоқ-узоқларга тикилиб, негадир уларни шу зимиштон тунга ўхшатди. Қоядек улкан тўлқинларга кемаларнинг чироқлари тушганда сув ўзгача ялтирад, бебош шамол булатларни Торос чўққиларига ҳайдарди. Улар кетгач, кўк юзи очилиб юлдузлар хира нур соча бошлади. Ҳозиргина қирғоқдан айрилиб денгизга сузиб кетган кемага тикилиб, деярли қолдиқقا айланган тамакисини тўлаган ҳаққи куймаслиги учун охиригача тортди. Нафсига қарши чиқолмай, бутун умр ўзидан юз ўгириб келган омад қушини

тутиб олишни ўйларди. Ахир кимсан хусусий шифохона бош шифокорининг отаси бўлади.

Сигарета қолдиғини боққа улоқтириб, хонасидаги ётоққа ўзини отди. Ҳаётдан бутунлай узилиб, шифт бурчига тикилганча хаёл суреб қолди. Ахийри отаси айтганидек ақлининг хомлигига ишонди-ю, уйқусизлик ичидан тунни тонгга улади. Тўлқинлари билан талашиб тонг оттирган денгиз тунд осмоннинг олисдан айтган алласида ором оларди гўё. Ўғлига гап уқтиrolмай ҳолдан тойган собиқ ҳоким ҳали уйқуда, ёши етмишлардан ошган, умри бойликка қурбон қилиниб, севгисиз қариган аёли кўча эшикка қараб кетаётган ўғлининг ортидан эргашди:

- Қаерга кетяпсан?
- Ишга.
- Нонушта тайёрлагандим...
- Иштаҳам йўқ, ойи. Ишга борай, ўша ерда улбул ерман.
- Майли, ўзинг биласан. Яхши бор.
- Яхши қолинг. – Она эсига бир нарса тушгандек, шошиб ўғлини тўхтатди:
- Бирпас шошма. Кеча нега отанг билан урушдинг?
- Ўзларидан сўрамадингизми?
- Йўқ...
- Қўяверинг, ҳеч гап йўқ, – истамайгина минғирлади Суат.
- Кўп гап борга ўхшади-да!
- Модомики билибсиз, нега кавлаштиряпсиз яна?
- Аниқроқ билмоқчиман!
- Қисқаси, сизга ёрдамчи олиб келмоқчиман.

- Қайта никоҳ ўқитибми?
- У эмас-э, ойи.
- Ким экан ундан бошқа?
- Кечқурун бемалол гаплашамиз. Ҳозир ишга борай. – Ўгирилиб кетаётганди, онасининг гаплари миясида чақмоқ қаби ялт этди:
- Отангнинг айтганини қил!
- И-е, ҳеч нарса билмас эдингиз-ку! Бу гап қаердан чиқди?
- Қанийди, қулоқларим кар бўлса, эшитмасам эди у гапларни...
- Афсуски, эшитдингиз!
- Отангнинг айтганини қил деяпман сен нодонга!
- Ойи, ғишт қолипдан кўчиб бўлганига анча бўлган.
- Бекор айтибсан! Ҳали ҳам қолипда. Сен қимирлатаман деб ўзингни уринтирма!
- Йўқ, ойи! Бу гал ўз билганимдан қолмайман. Менга деса, дунёни сув босиб кетмайдими!
- Ўғлим, хато қиляпсан. Отанг бу дунёning ҳадисини олган, унга қулоқ сол.

\* \* \*

У иблисона ақли тушовига тушиб қолганини, руҳи чигаллашиб, талваса қилаётганини фаҳмламас, воқеликка мудом панжа ортидан қараб яшашга ўрганиб қолганди. Муаммоларининг сабабини топишга киришганда, боши берк кўчага кириб қоларди доим. Аслида, йўл бошида экан, тўғриси қолиб қинғирини танлашини тан олги-

си келмасди. Охирида умидсизликка тушеб, сехрли қўл уни бу жарликлардан қутқаришини кутарди. Боши узра тўпланган ғазаб булутлари уни аҳмоқона жасоратнинг домига илинтириб, истаган ботқоғига етаклаб кетарди.

Турсуннинг уйига етиб соатга қаради: 08:30. Юрди, турди, тўхтади. Жони ширин туюлиб, фикридан қайтди-да, дўконига кетди. Пештахта ортига ўтгач, ҳовурини босиш учун чой буюрди. Тинмай билагидаги соатга қарар: вақт тўхтаб қолган. Ва ниҳоят, миллар: 11:00 ни кўрсатди. Йиллар кўп нарсадан, жумладан, инсонийликдан ҳам мосуво қилган бу одам умидсизлик қўлида қўғирчоқ бўлиб ёши эллик бирга чиқди. Сочлари сийраклашиб, юзларини ажин ишғол қилиб улгурган, қарилек жисмидаги қувватини ҳам олиб қўйганди. Оғир тин олди. Саҳрода ташналиқдан ёнган одамникideк қуруқшаган лаблари орасидан «Уҳ!» сўзи сирғалиб чиқди. Барча пушаймонлик юкини шу сўзга жо қилди. Ҳаром луқма еб семирган эт ўзидан бошқани назарига илмай, совуққонликка сингиб кетганди. Сал олдин босиб ўтган йўлларни босиб ортига қайтди. Гарчи бу ишга ҳам манфаати учун киришган бўлса-да, ҳарқалай, ҳаётида қилган энг тўғри иши шу бўларди. Ундан нима кетди? Бор гапни айтади. Ҳам хотинли, ҳам ўғилли бўлади. У сабаб Ҳасратнинг ҳам юзи ёруғ бўлади. Дам-бадам собиқ хотини Оиша хаёлида жонланиб, унга ҳақоратомуз тикилар, оҳи ер-у кўкни ларзага соларди: «Нима дединг? Виждон азоби дейсанми? Сенда виждон бор эканми? Ҳар ким экканини ўради. Сен умринг бўйи дунёга азоб экдинг. Ҳоси-

линг ҳам, албатта, азоб бўлади, азоо-оооб!» Тизгинсиз ўйлар қуршовида лабларини қонатгудек тишлаб, Турсуннинг уйига келди. Кўксидаги ҳаяжон вулқон каби отилиб, бутун танасини ёқар, жиққа терга ботирарди. Эшик қўнғироғини босди: тамом! Ортга йўл, қайтиб кетишга куч ҳам йўқ. Қия очилган эшикдан Мавишнинг кексайган юзи кўринди. Суат уялди!

- Турсун амаким уйдамилар?
- Уйдалар. Кир ичкарига.
- Кирмай қўяқолай. Ўзлари чиқсалар яхши бўларди.
- Нега тортинасан? Киравер, бегонамассан-ку?
- Бир оғиз гапим бор. Айтаман-у кетаман дегандим.
- Ҳозир чақираман. – Ичкаридан Турсуннинг беозор танбеҳи эшитилди:
  - Нима бўлди, Суат? Ичкарига кирсанг-чи?
  - Бир-икки дақиқа вақтингизни оламан холос...
  - Тортина, вақтим bemалол. Бегоналардек остонаядан қайтиб кетмайсан-ку.
  - Тоза ҳавода холи гаплашсак...
  - Сени қара-ю. Масжидга кетмоқчи бўлиб тургандим, кутиб турасанми?
  - Ҳа... – Йўл юзидағи қаҳвахонага етгач, Суат «амаки»сини чойхўрликка таклиф қилди:
    - Шу ерда ўтириб бир чой ичмаймизми?
    - Мавридимикан?
    - Чой устида гаплашсак дегандим.
    - Меникига тайёр чойга кирмай кўчадан ичсанми? Шу ерда гапирақол энди. – Суат бир қарорга келолмай қийналди... Худди шундай қилса, ғо-

йибдан куч келадигандек, кафтларини бир-бирига ишқалаганча минғирлаб гап бошлади:

— Фақат жаҳлингиз чиқмасин, хўпми? – Турсун каловланиб қолди:

— Тинчликми, ўғлим? Яна отанг билан келишолмадингларми?

— Шундай деса ҳам бўлади. Орада фақат сиз еча оладиган жумбоқ бор.

— Безори бола, амакингнинг қўлида экан-ку, нега ўзингни қийнайсан? – Бу мулойимликдан чехраси ёриши. Ҳаяжони бироз бўлса-да босилди. Шафқат кутиб қариянинг кўзлари уммонига чўкди. Сўнг қирғоққа талпиниб зорланди:

— Хабарингиз бор: хотиним билан ажрашдим.

— Ҳа, – вужуди қулоққа айланган Турсун синик жавоб қилди.

— Уйланмоқчи бўлгандим...

— Отангга маслаҳат солмадингми?

— Айтишга айтдим, бироқ...

— Ҳўш, нима деди?

— Ўз кунингни ўзинг кўр деди.

— Ажрашганинг учун жаҳли чиққан-да. Мендан нима ёрдам? – Кўнгли бир шумликни сезган Турсуннинг овозига истеҳзо қўшилди.

— Аллоҳнинг амри, Расулининг суннатига кўра қизингизга уйланмоқчиман. – Турсунга бу гап оғир келган бўлса-да, жаҳлини жиловлади:

— Обдон ўйлаб кўрдингми? Ҳарқалай, энди хато қилсанг, кечириладиган ёшдамасссан. Йиллар аввал розилик бермаган Ҳасрат энди кўнармикан?

— Назаримда, ҳа. Чунки у пайтдаги вазият билан бугунгиси фарқли.

- Яъни?
- Хоҳласангиз, ўзидан сўраб кўринг. – Турсун ғазабини яширмади:
- Болам, умр савдоси йўл ўртасида туриб пиштиладиган ишмас. Бунинг устига, Ҳасрат ўша машъум кундан кейин ҳеч қачон оила қурмасликка қасам ичган. Қанча одам қўлини сўраб келди, кўнмади. Ярасини яна тирнагим йўқ, минг қилса ҳам – қизим...
- Сезиб турибман, энди, албатта, кўнади.
- Худди ўзидан ваъда олгандек, ишонч билан гапиришингни қара!
- Мен... м-м-мен Армуғоннинг отасиман. – Турсун қулоқлари шанғиллаб зилзилага тушган ер каби чайқалди. Шуури ўлди. Ажин тилган пешонаси устига тушиб турган мош-гуруч сочла-ри бошига заҳарли найза каби қадалди. Саросима ичиди Суатни кузатди. Дўстлик қоидаларига қаттиқ риоя қиладиган киши бўлса-да, ориятни ҳар недан устун кўрарди:
- Хонумонимга ўт қўйдинг, Суат! Сендан кутмагандим, чунки дўстлар хиёнат қилмайдилар деб ўйлардим. Аввало ишонч ҳосил қилишим керак. Меига бор гапни айтиб бер-чи, кейин Ҳасрат билан гаплашиб, таклифингни ўйлаб кўрамиз.
- Кечиринг мени... Хабарингиз бор. Унга уйла-нишни жуда хоҳлагандим. Йўқ дегани нафсониятимни қўзғади. Ҳурматингиз учун аввалига сукут сақладим. Кейин дадамнинг хоҳишига кўра уйландим. – Шундай деди-ю, бўлиб ўтган воқеани кеча отасига сўзлагандек, батафсил айтиб берди. Турсун қичқириб юборди:

— Ўчии-иир овозингни! Сен шу ерда кутиб тур. Ҳасратдан сўрай. Тасдиқласа, муаммо йўқ. Ҳал қиласмиш!!! – Номус юки букчайтирган Турсун айрича шижаот билан уйига қараб кетди. Суат бўйни эгиб ортидан қараб қолди. Гандираклаганча пальма дарахтига бориб суюнди. Шу онда кўксидага марази бор бемор балғам қусиб, енгиллагандек тинчиб қолди.

\* \* \*

Аzon ўқилишига ярим соатча вақт қолган, қуёш атай куйдириш учун кузга бегона жаҳаннамий тафти билан Суатнинг боши устида қўниб олганди. Турсун ўзига рўпара келиб важоҳатидан қўрқиб гап сўраб орқасидан қолмаётган Мавишга: «Жим бўл! Кейин гаплашамиш!» – деди-ю, боқقا, Ҳасратнинг ёнига чиқди.

\* \* \*

Ҳасрат бундан салкам ўттиз йил аввалги «қароргоҳ»ида қалбини жунбишга келтирган ҳисларни қофозга тушириш ниятида қўлига қалам олиб ўтирганди. Йиллар ёшлигини олиб кетган бўлса-да, ҳамон нафосатли эди. Кўзларини Тороснинг булатлар қуршаган пурвиқор қояларига тиккан вужуд дунёдан узилиб, зоҳидона яшар, ўғли «опа» деса-да оғринмасди. Негадир эрталабдан фараҳли кунлари ёдига тушиб, ширин хаёлларга берилиб ўтирганди. Уй томондан келган отасининг нидоси чўчитди:

- Ҳасраттт!!!
- Лаббай, дада?
- Ҳасрат!
- Лаббай, дада?..
- Савол бераман. Ҳа ё йўқ десанг – кифоя!
- Хўп, сўранг?..
- Суат келди. «Армуғоннинг отасиман», деяпти.

Келишган сўзимизни айт!

- Дада...

— Барчасини ўз оғзи билан гапириб берди. Ҳа ё йўқ де!

— Бу мавзу ёпилганди... – Дунёдан умидини узган чорасиз кўзлар изтироб ичида отасини йўлидан қайтаришга ҳаракат қиласарди.

— Сеникини билмадим-ку, менинг юрагимдаги у яра ҳали битмаган, битмайди ҳам! Мавҳумотга алданиб яшаш маҳв бўлиш, демакдир. Сен ҳар қандай вазиятда ҳам менинг қизим бўлиб қолаверасан. Мен сени синаш, чалғитиб оғзингдан гап олиш учун гапирмаяпман. Ҳеч ким сўрамаса ҳам ўзи, ўз оёғи билан келиб гапириб берди. Онанг иккимиз уларникига «Қуллуқ бўлсин!»га борганимизда кўзойнакни баҳона қилиб келган экан. Тўғрими?

— Тўғри, — деди-ю, умридан ҳам қимматли, ҳаётдаги ягона суюнчи, дадасидан айрилганини кўнгли сезиб, кўзларида тасбех доналариdek тизилиб турган ёшлар қуйилди.

— Ифлос қўлларини шол қилган ўқларни мен узгандим. Ўлмай қолганди...

\*\*\*

Ҳасратдан тасдиқ жавобини олган Турсун боғнинг тош йўлаклари бўйлаб телбавор юриб хонасига қараб кетаркан, Мавиш соядай эргашиб савол берарди:

- Бу қандай ҳол, дадаси?
- Худо хайрингни берсин, онаси, мени тинч кўйгин. Кейин гаплашамиз дедим-ку!
- Феълингиз ўзгариб қолибдими? Менга овозингизни кўтармасдингиз?..
- Мавиш, сени хафа қилишни хоҳламайман. Бироз кутсанг бўлди. Барчасини айтиб бераман. Кетимдан соядек юрсанг, жаҳлим чиқади. – Турсун ётоқхонага кирди-ю, кўп ҳаялламай кўчага отилди.
- Оёғингизни қўлингизга олиб қаерга кетяпсиз?
- Масжидга! Аzonга кам вақт қолди. – Шундай деди-ю, Суатни қолдирган жойига нафаси оғзига тиқилиб қайтиб келди. У Турсунни кўриши билан суюниб турган пальма дараҳтидан узоқлашиб, «камаки»сининг рўпарасига келди:
- Сўрадингизми?
- Ҳа! – Суат чўнтағидан сигарета чиқариб, бандидек қалтираб тутунни ичига юtdи, сўнг худди шундай ташналик билан ташқарига пуркади.
- Сенга бир таклифим бор. – Бу гапдан Суатнинг юрагида шубҳа, севинч қоришиқ ҳиссиёт пайдо бўлди. Ҳеч иккиланмай жавоб қайтарди:
- Бош устига!
- «Шарофат»инг билан шунча йил бошимизни хам қилиб яшадик. Энди жамоат олдида гуноҳинг-

га иқор бўлиб шаънимни поклайсан! Хўш, қўлингдан келадими? – Оёғи тўсатдан муз устида сирпаниб кетди гўё. Истар-истамас кўнди:

— Чақирсангиз, айтаман...

— Олдимга туш! – Турсун Суатни чойхона томондаги катта майдонга етаклади. Шу пайтгача бирор марта ичкари қисмига кирмаган, нуқул ҳовлисида ўтириб қайтган қария чойхонага қараб кетаркан Суатга тайинлади:

— Шу ерда кут!

— Хўп! – Ҳамманинг кўзи тушадиган жойга етгач, чой ичиб суҳбатлашаётган, эрмакка нард ўйнаб ўтирган хўрандаларга юзланди:

— Кўшнилар! Мени таниган ва танимаган биродарлар! Турсуннинг сизлардан бир ўтинчи бор. Балки бу очиқ осмон остидаги сўнгги илтимосидир. Мен учун бир неча дақиқангизни ажратиб майдонга тўпланишингизни сўрайман. Собиқ ҳокимнинг ўғли Суатнинг сизларга айтадиган муҳим гапи бор экан. Мен учун жонимдан ҳам муҳим бу хабарни эшитиш учун тўпланасизми? – Жавоб кутиб ўтирмай ортига қайтди. Майдон одамга лиқ тўлди. Ҳалойиқни кўрган дўкондорлар ҳам савдоларини ташлаб, майдонга шошилишди. Уларнинг кўплиги Суатни ваҳимага солди. Бунча одам йиғилишини кутмаган эканми, ўзини йўқотиб қўйди. Турсуны жамоатга нидо қилди:

— Ҳалойиқ! Кўпчилигингиз мени яхши танийсиз... Умрим бўйи билатуриб бирорга ноҳақлик қилмадим. Лекин пешонамда бор экан кўп йиллар орангизда бошим эгик, қаддим букик яшадим. Бегуноҳ қизимни «суюғоёқ», неварамни «ҳароми»

дедилар. Энди Суат мана шу ифлосликка қандай қўйл урганини барчангизга айтиб бермоқчи. Қулоқ солинглар сир ошкор бўлди. Менинг қасамим эса, ёдимда! — Барчанинг кўзи бир нуқтага, Суатга тикилди. У отасининг даврида оёқ учida кўрган одамлари олдида мулзам бўлиб гап бошлади:

— Бойлик, ўйин-кулги кўзимни кўр қилган кунларда ҳарбий хизматдан қайтдим. Ота-онам мени уйлантириш ҳаракатига тушган кунларнинг бирида онам сўради:

— Болам, ёқтирганинг борми? Кимга совчиликка борайлик?

— Ҳасратга, — дедим иккиланмай. Отам совчи бўлди. Қанча ёлвормасин, «Қизим кўнмади», деб бизни қуруқ қайтаришди. Ўзимни хўрлангандек ҳис қилдим. Отам ва бу кишининг дўстлигидан барчангизнинг хабарингиз бор. Отамга шуни эслатиб, қайта-қайта айтавердим. У ўзи ҳам шундай яшаб, азоб чеккани учун бу ҳаётни менга раво кўрмади. Бошқа қизга уйлантирди. — Давомини худди ўша кундагидек: қўшмай, камайтирмай айтиб берди. — Гарчи кўп йил сир сақлаб юрган бўлсам-да, мана, бугун айбимга иқорор бўлдим. Гуноҳимни ювиш учун аёлим билан ажрашдим. Гувоҳ бўлинг, барчангизнинг кўз ўнгингизда Турсун амакимдан қизи Ҳасратнинг қўлини Аллоҳнинг амри, Пайғамбарнинг қавли билан сўрамоқдаман. — Ғала-ғовурга тушган оломонни Турсуннинг баланд ва дағал овози тинчлантириди:

— Бандасига эгилмаган бошимни салкам ўттиз йил ерга қориштирган одамдан ҳақиқатни эшитдингиз. Бугун у қизимнинг қўлини сўрайпти.

Маслаҳат беринг, қизимни унга берайми? – Номус дардида қоврилган ота ҳолидан бехабар оломон бирин-кетин қичқиради:

— Бер!

— Бер! – Турсун Суатга яна бир қадам яқинлашди. Кўзларига тикилиб:

— Қара, ҳамма «Бер!» – деяпти. Сен нима дейсан, деб сўради.

— Жавобим «Йўқ» бўлганда бу гапни қўзғамасдим.

— Кичик жойларнинг қонунлари катта бўлади. Уларнинг ҳукмини ҳам биласанми? – Шахд билан белидаги тўппончани олди-ю, тепкини босди. Жамоат ичida урҳо-ур қўпди. Жон аччиғидан инграган овоз ўқ садоларига қоришиб, уфқа ўрлади. Самода бехавотир учайтган қушлар галаси манзилини ўзгартирди. Биргина истаги учун неча жонларни қурбон қилган Суат Турсуннинг кетма-кет узган ўқларидан ерга йиқилди. Турсун оломонга юзланиб сўнгги сўзларини айтди:

— Юзимни ёруғ қилган, сабримни мукофотсиз қолдирмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин! – Йиллар бўйи тортган азобига шу сўзлар билан хотима ясади-да, тўппончасини қўлидан қўймай, уйи томон юриб кетди...

\* \* \*

Шаҳарча бир лаҳзада алғов-далғов бўлди. Зум ўтмай милиция ва терговчилар майдонни ўраб олди. Воқеадан хабар топган ота-она ва ҳатто қизлар ҳам етиб келишди. Суатнинг гуноҳига шоҳид

бўлган майдон азахонага айланди. Полиция дар-ров ишга киришди: худудни ўраб олиб, ҳали уйига етиб улгурмаган Турсуннинг йўлини тўсди:

— Тўхта! Таслим бўл! – Мағрур тўхтади. Қочмади, ҳатто полиция машиналари солган шовқинга ҳам эътибор бермай, қўлига кишан тақишиларини хотиржам кута бошлади. Ёнига келган ҳарбийга бармоқларида ўйинчоқ каби айлантираётган тўп-пончасини бамайлихотир узатди.

\* \* \*

Шаҳарчанинг икки оёқли «газета»ларига йиллаб гапиришга етадиган хабар келди. Ёсин пештахтани муштлади: «Ифлоо-ооссс!»

«Бурчак» хусусий шифохонаси бош врачининг телефони зарб билан жиринглади:

— Армуғон, тез етиб кел! Дадамни маҳкамага олиб кетишиди. – Болалигидан ўрганмагани учунми Ҳасратни она дейишга қийналарди:

— Нималар деяпсиз, опа? Нега олиб кетишади?

— Ўша машъум сир очилди, болам. Отам қасамига содик қолиб, уни ўлдирди!

— Опааа-аа!!!

— Маҳкамага югар, болам. Зулм қилган бўлса ҳам, у сенинг бобонг. Ортидан бор, илтимос! Кўнгли ўксимасин. – Ҳасрат гўшакни кўйиб, ўриндиққа ғужанак бўлиб ўтириб олди. Мавиш дод солиб қизини бағрига босди:

— Бошимизда бу кунлар ҳам бормиди!? – Бир-бини қучоқлаб олган она-боланинг томоғи йиғидан бўғилди.

— Шундай бўлишини кўнглим сезгани учун ичимга ютиб келгандим... – Совуқ хабар кезган уй ичидағи икки заифанинг кучи кўзёш тўкиш ва Армуғонни кутишгагина етарди.

\* \* \*

Армуғон гўшакни қўйиши билан телефон яна жиринглади:

— Армуғон! Мен – Адем амакинг.

— Лаббай?

— Пастга туш, машинада кутяпман. – Юрагини ваҳима босди. Ўтган кунларнинг алами бироз тарқаб кўкси ёриша бошлиған кунларда яна фалокатга йўлиқди. Энди гап-сўзлар қайта оёқлайди. Яна бигиз бармоқлар унга никталади. Яшаш бунча қийин бўлмаса... Адембейнинг гапларидан уйдан келган хабарнинг ростлигига шубҳаси қолмади. Машинага ўтирди. Адембей ҳайдовчига «Ички ишлар бошқармасига!» – деди-ю, йўл бўйи оғиз очмади.

Бошига қайта соя ташлаган қора булутлар бир зумда қаритди уни. Йўл-йўлакай шу кўчаларда ўтган болалигини эслади: бобосидан еган калтаклари-ю, шом чўкиб бошлиған баҳорнинг сўлим оқшомида чинор остидаги севги изҳори... Барча-барчаси кино тасмасидай кўз олдида жонланди. Қайта севмади, балки севолмади... Ўтмиш ҳар бир лаҳзасигача хотирасига чуқур муҳрланиб қолган. Машина қаттиқ сигнал бериб юришдан, у ҳам хаёл суришдан тўхтади. Кўзларини очди...

\*\*\*

Ички ишлар маҳкамасининг олди одамга лиқ тўла. Собиқ ҳоким тунд, уюлган қовоқлари билан атрофини ўраган ҳамтовоқлари қуршовида бинога яқинлашди. Турсун хайриҳоҳлари одамлар орасида қолган, ўзи эса, икки полиция ходими етови остида ёнига келаётган «дўст»ини кутиб турарди. Кўзлар тўқнашиши билан ҳоким дўстига таъна қилди:

— Қандай қўлинг борди, Турсун? Дўстлигимиз ҳурмати йўқмиди? Дўстимнинг боласи, деган андишага бормадингми? Газаб ва қасам сени шунчалар кўр қилганмиди? Шаҳрингни назорати остида тутган дўстингнинг боласи эди у. — Адембей ва Армуғоннинг ортидан етиб келиши кўнглига ёруғлик берди. Ўзи озорлаган маъсум жоннинг ҳимоясига отланганини кўриб, дадиллик билан ҳокимга жавоб қайтарди:

*Куршалмас минтақа йўқ, маслим бўлмаган қалъа!  
Ҳақиқат балқан чоғлар тил унсиз, бекор ғоя!  
Тўлинойнинг ҳилоли, кундузнинг кечаси бор!  
Жарликка соя солган тоқقا ҳам тушар соя!*

Армуғон даҳлиз бўйлаб бобосига томон юрди. Худди аввалгидек, фақат ўзгача меҳр ва ваҳима ичида Турсунни чақирди:

— Дада!?. — Бир вақтлар ўзини аямай дўппослаган, кейин шириналик тутган қўлларга кишан тақилган. Ҳурмати баланд бўлгани учун полиция ходимлари йўлини тўсишмади: бобоси билан кўришишига рухсат берилди. Бобосини бағрига бос-

дию, маҳкам қучоқлаб, юзларидан ўпиб қўйди. – Турсун набирасини суйиб далда берди:

— Мени ўйлаб сиқилма, қаддингни ғоз тутиб юр! Юзим ёруғ бўлди. Армоним қолмади ҳаётдади! – Сўнг масъуллар уни қамоқхона машинасига бошлашди. Томошага йиғилганлар бўлинниб, астасекин тарқалишди. Адембей Армуғоннинг қўлидан тутиб, қулоғига шивирлади:

— Зудлик билан адвокат ёллашимиз керак.

— Хўп бўлади.

— Маҳзун бўлма! Бу тақдирни энг мукаммал Зот битган!

— Мен ҳам қазои қадарга иймон келтирганман, Адем амаки.

— Яна бир гап: ўтмиш қўзғалди, оғзига келгани гапирадиганлар ҳам топилади. Муҳими, саботингни бой берма!

— Эгамнинг ҳар ишида биз ожиз бандалар билмаган минг ҳикмат бор!

— Баракалла! Эр йигит шундай бўлади. Энди уйдагилардан хабар ол, тасалли бер.

— Йўқ демасангиз, бирга борамиз.

— Нега йўқ дерканман? Қани, кетдик! – Машинага етгунча Адембей ўй-хаёлларини тилига кўчирди:

— Бу ҳаётда ҳеч кимга бутунлай ишониб қолмаслик керак. Кўриб турганингдек, мустаҳкам дўстлик ҳам бир лаҳзада душманликка айланиши мумкин.

– Суҳбатлашиб, машинага етганларида секин-аста тарқалаётган оломон орасидан ўзларига қараб келаётган қизни кўриб, иккалалари баробар тўхташди. Армуғон кекса чинор остида бутун умрга ҳушини олиб кетган ўша кўзлар соҳибасининг исмини авайлаб пичирлади:

- Гулден..!
- Салом, Армуғон!
- Салом...
- Ассалому алайкум, Адембей!
- Ва алайкум ассалом, қизим! Ана, доктор, адвокат ҳам ўз оёғи билан келди. – Уларнинг эски қадр-донлардек гаплашишидан Армуғон ажабланди:
- Бир-бирингизни танирмидингиз?
- Таниганда қандоқ! Келишим билан у ҳақида суриштиридим. Идорага чақиртиридим: танишдик. «Бурчак» фирмасига қарашли барча муассасаларнинг адвокати шу қизэ-ку! Билмасмидинг!?
- Шундай денг? Бирпасда дўстлашиб, ҳамкорликни ҳам бошлабсизлар-да?! – Гулден шошиб, Армуғоннинг енгидан тортди. Адембейдан узр сўради:
- Узр, афандим Армуғонда бир-икки оғиз гапим бор эди.
- Бемалол, қизим. – Қувонч ва қайғу қоришиқ йигитни Гулден четга тортди:
- Бошингга тушган мусибат учун Аллоҳ сабр берсин.
- Айтганинг келсин.
- Йўқ демасанг, бобонгнинг адвокатлигини олмоқчи эдим. – Армуғоннинг бир лаҳзалик хаёлга ботиши Гулденга оғир ботди. – Ҳалиги... мавриди эмас-ку, мендан ҳали ҳам хафамисан? Ҳалигина машина тормозидан чўчиб тўхтаган ўн йиллик хотира бир зумда қайта жонланди. Кўнглидан, кўзларидан ўша ҳақоратнинг унутилмагани англашилса-да, лаблари ундан аввалги ҳароратли хаёллар хотири билан жавоб берди:

— Нега хафа бўлай? Ўшанда сен ҳақ эдинг. Мана, бугун ҳақиқат ошкор!

— Хурсанд қилдинг мени! Энди жавобингни айтсанг...

— Бобомга адвокатлик қилиш ҳақидами?

— Ҳа.

— Йўқ демасдим, шундай қилсанг.

— Бобонг ўттиз йил руҳий зўриқиши ичидаган. Бу эса, кўп ҳолларда телбалик билан тугайди.

— Тушунарли.

— Лабларинг йўқ деса-да, ўзингни тутишинг, фикрларингни элақдан ўтказишинг, овоз оҳангинг айтиб турибди хафалигингни. Мени кечир, Армуғон... Агар гапларимни ҳақорат деб тушунган бўлсанг, адассан. Мен динимизда қондошлар никоҳи ҳаром қилингани учун айтгандим. – Қизнинг юзи худди ўсмирилик йиллариdek булутсиз, серюлдуз кечада порлаган ой каби тип-тиниқ ва мунааввар эди. Уларга вакил икки ҳилолдек қошлар, мутаносиб қийғоч кўзлардан баҳор ёмғирлари қуила бошлади:

— Ўшанда менга бир хайрли иш таклиф қилгандинг?

— Ҳозир мавриди эмас... – Армуғон ҳиссиз қотиб қолди.

\*\*\*

Бошига мусибат тушган ҳар икки хонадон аҳли ваҳима ичидаги маҳкамадан жавоб кутиб кун кечиришарди. Судда Гулден жон-жаҳди билан мижозини ҳимоя қилди. Ҳар икки уйда фақат суд жараёни муҳокама қилинарди...

Ёғоч уйнинг денгизга қаратиб солинган балко-нидан тўлқинларни томоша қилиб, хаёлга берилган Армуғоннинг бурнини қишининг совуқ шамоли чимчилаб, уйга киришга ундади. Меҳмонхонага ўтди. Онаси, Ҳасрат бу оламни унугиб, мактуб ўқи-ётганди. Рашик келдими, ёнидаги курсига чўкиб, юзига тикилди. Конвертдаги исмни ўқиди: Ҳасрат Ўзел. Рашик ўрнини ғазаб эгаллади. Бор эътибори-ни хатга қаратиб ўғлини сезмаганидан кўнглига шубҳа оралади: «Худди зоҳидалардек яшайдиган бу аёлни домига тортган мактуб кимдан, нима ҳақида бўлиши мумкин? Тағин...» – дея ўйлари-дан сесканиб кетди. Қаттиқ-қаттиқ йўталди. – Ва ниҳоят, Ҳасрат хатдан кўзини олиб, унга қаради:

— Шуни кўрмоқчимисан? – Онасининг қўли-дан мактубни олди:

— Ҳа, худди шуни!

— Ўқишингдан аввал нималарнидир айтиб бер-сам майлими? Мен мактуб эгасига унаштирилган эдим. Ўша воқеадан кейин тўйни тўхтатиб, совға-ларини қайтариб бериб юборганимда унга бир хат ҳам ёзгандим: «Мен сизнинг мардлигингизга ишонаман. Агар шундай бўлса, мени унугинг ва бошқа безовта қилманг», қабилида. Гапида турди: безовта қилмади. Муҳаббатини қалбига кў-миб, уйланмай ўтди. Ҳақиқат ошкор бўлгач, хат сўнггидағи тўрт мисра билан қўлимни сўрайяпти. Бор гап шу... – Ўғил бироз аввал хаёлига келган шайтоний ўйлардан уялди. Узундан-узун ёзил-ган мактубни тўлиқ ўқишига сабри етмаслигини билиб, тўртлик билан кифояланди:

*Денгизнинг чарчоқ бу сувига қўз сол,  
Ўтмиш тунларининг аксин кўрасан:  
Сув узра чайқалар сенинг ой чеҳранг,  
Боқий муҳаббатим ишон, ўзингсан.*

— Ким билсин, бу сатрлар кечикиб келган баҳтдан нишонадирлар, балки... Яшалмаган муҳаббатли йилларнинг яраси битадиган вақт келди. Синди деб айтаётган қанотларингиз ўзингизга қайтариб берилди, ойи! Кеч бўлса-да, ўзингизга лойик қалбасиз. Қанотларингизни парвозга шайлайверинг... – Ўғил унсиз йиғлаётган онасини овутиш учун елкасидан секин қучиб, қулоқларига шивирлади:

— Қани, парвозга тайёрмисиз?

— Янги қанотларнинг кучи етармикан кўҳна вужудларни елкалашга?

— Банда Аллоҳнинг лутф қилган неъматига куфр келтирмаслиги керак!

\* \* \*

Бугун – суд қарори эълон қилинадиган кун. Юзлари шишинқираган, кўзлари косасидан чиққудай бақрайган собиқ ҳоким залга киришдан аввал эшикнинг тагида туриб, Армуғонни кута бошлади. Уни Адембей билан бирга кўриб қони қайнади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз билганидан қолмайдиган бу одам хотиржам кетаётган Армуғоннинг қўлига ёпишди:

— Тўхта, бирпас шу ерда тур! – Армуғон ҳам қўлига чирмовуқдай ёпишган ҳокимга айни қўполлик билан жавоб қилди:

— Нега?

— Ўлган одам – отанг, судланаётган эса, бобонг. Бундан ташқари, мен ҳам сенинг бобонгман, демак, қонимиз – бир. Шунинг учун ҳеч кимнинг ёнини олишга ҳаққинг йўқ!

— Ўғлингиз ҳам, ўзингиз ҳам пешонамизнинг шўрисиз холос. Қайтиб йўлимни тўсманг! – Энсаси қотган Армуғон жаҳл билан қўлини тортиб олди-да, яна аввалгидек осойишталик билан суд залига қараб кетди.

\* \* \*

Гулденнинг қизғин ҳимоя нутқидан кейин суд қарори ўқиб эшилтирилди. Турсунга тўрт йил-у олти ойга ҳукм ўқилиб, полиция уни қамоқхона-га олиб кетди. Бинодан чиқиш йўлагида Адембей эски қадрдонларидан бирини учратиб, гаплашиб қолди. Армуғон уларни четдан кузатиб, хаёлга ботиб ўтирганди ўз исмини эшитиб, чўчиб тушди. Гулден араз ва эркаликка қоришган овози билан Армуғонга пичинг қилди:

— Ёнингда туришим сенга ёқмаётган бўлса, кета қолай?.. – Бу овоз, бу таъна, бу қўрслик ҳисларини остин-устин қилиб юборди. Юрагига ваҳима оралаб, уяси бузилган қушлардек осмонга учди. Адембей келиб, орадаги ҳаво каби тунд ва совуқ сукунат бироз илигандек бўлди.

— Гулден, қизим, баракалла! Бизни қойил қолдирдинг. Омадингни берсин!

— Раҳмат, Адем амаки...

— Бу дейман, сизлар ҳали болалиқдаги арази-  
нгизни давом эттиряпсизов а? – Армуғон миқ эт-  
мади. Гулден бир гап билан қутулмоқчи бўлди:

— Йўқ, мен хафа бўлганим йўқ, Адем амаки! –  
Адембей Армуғонни сикувга олди:

— Билишимча, сен ҳам хафа эмас эдинг?

— Ҳммм, шундай... Нега хафа бўларканман?

— Бу ишни чўзиб юришда маъно кўрмаяпман. –  
Бир-бирларига ўғринча қараб қўйиб, жим қолишиди.

\* \* \*

Кўк юзининг ўн тўрт кунлик ҳилоли тевараги-  
га жамланган юлдузлар билан само узра балқиб,  
шаҳарчанинг осуда осмонини кумушранг жилва-  
га ўради. Армуғон балконнинг очиқ деразасидан  
шу осмонни томоша қилиб турганда қўл телефо-  
ни жиринглади. Гулден экан:

— Армуғон?

— Лаббай? – Йигитнинг истамай гапириши  
Гулденни хафа қилди:

— Безовта қилдимми? – Армуғоннинг тўзғи-  
ган соchlари бўрондан сесканган дарахтнинг қу-  
риган шохларига ўхшар, безовта кўзларига шам  
каби хира ёруғлик чўкканди.

— Гулден, бир-биримизга озор бермасак де-  
гандим?

— Яъни?

— Айрилиқ, меҳрисизлик руҳимда шундай чуқур  
ўйиқлар ҳосил қилдики... Кўздан узоқ бўлган кў-  
нгилдан ҳам узоқ бўлади деганларини тушуниб  
етгандекман. Яқинларимнинг соғинчи ўкситди

мени. Мусибатлар бизни кучли қилишини англа-  
дим. Вақт ўтди, жароҳатлар битди. Агар жароҳат-  
нинг асари қалбни тарқ этмаса, яшашга тоқати-  
миз қолмасди.

— Бу гапларингни нима деб тушунай? Адембей  
ҳали ҳам менда кўнглинг борлигини айтганди. Сен  
инدامаганингдан кейин мен ҳам жим қолдим. Энди  
менга аниқ жавоб бер: «Сени унутганман, юрагимда  
бошқа бири бор», десанг ҳам... ихтиёринг.

— Шошма! Сенга Билол Жўшқиннинг мисрала-  
ри билан жавоб бераман.

— Қулоғим сенда.

*Бир ширин табассум, бир сирли нигоҳ,  
То сўнгги нафаски, унутиб бўлмас!  
Бу телба қўнгил-у, бу савдои қалб,  
Борлиқ ухласа-да, ҳеч мижжса қоқмас.  
  
Тақвимлар девордан тушади битса.  
Июльдаги қордек эрийди кўнглим.  
Саломинг узилса, кўришмасак-да,  
Муҳаббатинг қолар қалбимда мангу!  
  
Атиргул ғунчага насиҳат айтар:  
«Бу хуш бўйингни ел олиб кетар!»  
Она ҳам ўғлига зорланиб сўйлар:  
«Қилган меҳнатимни эл олиб кетар!»*

\*\*\*

Сўнгги икки йилда шаҳарчада кўп нарса ўзгар-  
ди... «Дилимда ягона муҳаббат ўзинг!» – дея қалб  
кечинмаларига таржимонлик қилган мактуб орқа-  
ли Ёсин ва Ҳасратнинг ярим қолган қалб ва умр  
йўли яна туташди. Турсун кексалик «гашт»ини те-

мир панжаралар ортида сурар, Армуғоннинг обўёси янада ортганди. Гулден иккиси оила қуришди, тўнғич ўғилларини Адембейнинг исми билан аташди. Бобонинг омонати – Мавиш ҳам улар билан бирга, ўша отамерос ёғоч уйда яшаяпти.

Армуғон ва Адембей ота-боладек бир-бирига сяниб яшар, маҳаллий сайловларга ҳам номзод тавсия қилиб туришарди. Уларнинг бу аҳиллигидан шаҳарча гуллаб-яшнади. Янги иш ўринлари очилгани учун турмуш жуда фаровонлашди.

Ва ниҳоят, Адембейнинг узоқ кутилган меҳмонлари ҳам етиб келишди. Замон қалбларга яна бир самимий битик ёзиш тараддуудида эди. Ака-укалар мусибатга учрагандек оталарининг эшигини қоқдилар. Қайта таъмирлангандан сўнг шинамгина гўшага айланган уйнинг орастга ҳовлисига айбдорона бош суқишли. Уларни Истанбулдаги виллада ошпазлик қилувчи ходимлари ва унинг аёли аввалидек илиқлиқ билан кутиб олди. Ошпаз Адембейнинг эшигини қоқиб, ўғиллари келганини айтди:

— Афандим, болаларингиз сизни кўргани келишибди...

— Ҳозир тушаман. – Адембейнинг оталик кўнгли турфа хаёлларга берилди.

Ўғиллар нимадандир ҳадиксираб, шаҳарча урғига мос, қўлда тўқилган нафис кашталар билан безалган меҳмонхонага бирин-кетин кириб, деворда ўзлари ва оналарининг суратлари чиройли рамкада илиғлиқ турганини кўриб, қилмишларидан янада уялишди. Оталари уларни кўп куттирмай, ёnlарига тушди. Соғинч ва пушаймонликка қоришган нигоҳлар ёшга тўлди.

— Отангиз борлигини эслабсиз-да? – Ҳар гал-  
гидек түнғич ўғил жонга ора кирди:  
— Унутмагандик-ку, дадажон!  
— Қани, ўтириңглар! Хүш, ишлар қалай кетяпти?  
– Уч ўғил жўр овозда худди қушдек баробар чуғур-  
лашди:  
— Яхшимиз, дадажон, ўзингиз яхшимисиз?  
— Ўзим туғилиб ўсган уйда учинчи баҳорим-  
ни яшаб юрибман.  
— Ота, сизга ноҳақлик қилдик. Узр сўраб кел-  
дик ёнингизга.  
— Бу ишлар кундалик турмуш тарзига сингиб  
бўлди, негадир. Ота-оналар болаларидан хафа бўл-  
салар-да, уларни ҳеч қачон унутмайдилар. Жаҳл-  
лари чиқса-да, чин кўнгилдан қарғамайдилар.  
Кўнгилларини оғритишса-да, кечмайдилар. Улар  
фарзандларига ўзларидан кўра яхшироқ ҳаёт ҳадя  
этиш ҳаракатида бўладилар. Агар бунинг уддаси-  
дан чиқсалар, хотиржам бўлишади. Улар фарзанд-  
ларига бус-бутун боғни берадилар-у, бир шингил  
узум олишдан ийманадилар. Сиз ҳам худди мен-  
дек болаларингиз учун яшамоқдасиз. Аслида ҳаёт  
– қарз: олиб-беришдан, навбат алмашишдан, яна-  
ям тўғрироғи, омонатни сақлаб, кейингиларга ет-  
казишдан иборат... Ота-оналар болаларига, улар  
эса, ўз болаларига қанотларини тутадилар. Бо-  
лалигингизда бирортангизнинг қошингиз чими-  
рилса, безовта бўлсангиз, юрагимиз қон бўларди.  
Кулсангиз, оламни унutarдик. Ота-она бор-йўғи-  
ни, ҳаловатини, роҳатини, ёшлигини, соғлигини  
фарзандига тутади, аммо беллари букилганда бо-  
лалари қай аҳволга солишларини қўриб туриб-

сиз. Боласига хасталик етган ота-онанинг кўзи-ни уйку элитмайди, қўллари дуодан бўшамайди. Аммо болалар ундай қилишмайди. Улар бошқача дуо қилишади, яни ўша, ўзингиз билган фироқ куни тезроқ келишини сўраб. Бу – ҳаётнинг аянчли қонуни... Билмадим, балки ҳамма ҳам бундай эмасдир. Бу гаплар энди ортиқча... Ўзингиздан гапиринг, қўйинг қари чолнинг дийдиёларини.

- Биз яхшимиз, дада. Сиз-чи?
- Келинлар, набираларим қалай? Соғинганман! Нега олиб келмадингиз?
- Барчалари – яхши, салом айтиб юборишиди. Биз ўзингизни олиб кетишга келдик!
- Овора бўлибсизлар.
- Хатоларимизни тушундик. Барчасини қайтадан бошлайлик...
- Улар осонгина унутиладиган сўзлар эмас-да. Бу худди сурункали ярага ўхшайди. Борган сари катталашади, ачишади. Унга оғрима, деёламизми?
- Муаммоларимиз катталашиб кетди, дада. Бизга кераксиз! Идорада бўлмасангиз ҳам, ишни ўзингиз бошқаришингиз керак. Ўша кунларни соғиндиник. Бу айтганингиздек, ҳаётнинг бешафқат қонунларидан бири бўлса керак. Хатоларимизни тушуниб этишимизнинг ўзи ҳам яхшиликка, дада... Шу гап халқ орасида бежизга оғиздан-оғизга ўтиб, айланмас экан: «Олти ёшдаги бола: отам ҳамма нарсани билади! Ўн ёшга етганда: отам кўп нарсани билади! Ўн бешларга борганида, яъни балоғат шамоллари эсганда, гапнинг моҳияти бироз ўзгааркан: мен ҳам отамчалик биламан. Йигирма ёшга борганида, нодонлиги ортиб: отам ҳеч нарсани билмай-

дилар, ўттизга тўлиб, ақли тоблана бошлаганда: отамдан ҳам бир сўраб кўрай-чи, деб ўйлаб қоларкан. Қирқقا кирганида: нима бўлганда ҳам отам бир нарсаларни билсалар керак, деб ўйлаган ақл элликка бориб, фикрларини тарозига солиб кўра бошлаганида: отам ҳамма нарсани билар экан, дейди». Мана шунинг учун бизни кечиришингиз шарт, ота. Чунки ҳеч қайсимиз охирги ёшга етмадик. Ўтиниб сўраймиз, шу охирида айтиладиган сўзларни бизга айттирманг: «Эҳ, отам тирик бўлса-ю, сўрасак...» – демайлик. – Исо ёлворарди отасига .

— Мендан нима хоҳлайсизлар?

— Дадажон, биз келишолмай қолдик. «Даҳанаки» жангларимиз ширкатни жар ёқасига келтириб қўйди. Тинмай урушамиз. Дадажон, ўтиниб сўраймиз, сўнгги нуқтага етмасдан орамизга қайтинг ва берган барча мулкингизни қайтиб олинг. Ўз номингизга ўтказинг. Ишларни ўртамиизда тенг учга бўлиб беринг... Барибир, бизнинг истагимиз ягона – қайтинг! Албатта, уйланинг. Ўзингиз учун ҳам яшанг, лекин бизга бош бўлинг. Нажот қалъамиз бўлиб қолинг.

— Оббо менинг ғўр болаларим! Хўп, бораман, лекин бутунлай қайтмайман. Қаранглар, сиз эси-ни еб қўйганга чиқарган, телбалик гувоҳномасига лойиқ кўрган бу кекса йигит бу ерда ҳам яна бир катта холдингга асос солди. Майли, уларни ёшлик хатоси деймиз. Лекин мен сизларни унута олмадим. Айтдим-ку, ўзлари унutilсалар ҳам, ота-оналар жигарбандларини ҳеч қачон унута олмайдилар. Ҳали гувоҳ бўласиз! Хўш, қани айтинглар-чи, нимани бўлиша олмадингиз? – Идрис отасининг кўзларига меҳрга ташна гўдакдай тикилиб, гап бошлади:

— Ота берган буйруқ бошқа экан. Гарчи у киши акамиз бўлсалар-да, мувозанатни сақлай олмадилар. – Мусо Идриснинг гапини бўлди:

— Келиша олмадик. Бор гап – шу! – Гал яна тўнгичга етди:

— Уларни эшийтдингиз, дада. Мен каттангизман дедим. Урфимиизда ака отанинг ўрнида. Лекин ҳаммамиз ҳар томонга тортқилашни бошладик. Душман хазинасини ўмаргандек ким ўзарга совуриши бошладик... Ширкат орқага қараб кетди, дада. Номига бўлса ҳам илгариламади.

— Тушундим, болалар. Бугунча шу ерда яхшилаб дам олинг. Эртага ишингизни янгидан бошлаш учун отланасиз.

— Сиз-чи, дада!? Сиз биз билан бирга кетмайсизми?

— То тирик эканман гаплашиб турамиз. Отаси ҳаёт фарзанд бўлишнинг гашти бошқача. Шерикчилик тижоратида озми-кўпми келишмовчилик бўлади. Икки қўчқорнинг боши битта қозонда қайнамайди. Лекин сизни тижоратдан, шерикчиликдан аввал қондошлиқ риштаси боғлаб турарди-ку! Менимча, келиша олмаган сизлармас, аксинча, хотинларингиз. Мусобақани улар бошлашган, сиз давом эттиргансиз. Биринчидан, учовингиз ҳам ширкатнинг раҳбарисиз. Шу раҳбарлик навбатманавбат, яъни бир йилдан бўлсин. Иккинчидан, ўзингизга харажатларингизни қоплайдиган миқдорда баҳиллик қилмасдан маош белгиланг. Ойликдан ташқари қўшимча пулга эҳтиёж сезсангиз, камида икки кишининг гувоҳлик имзоси зарурлиги ҳақида шарт киритинг. Ҳам бир-бирингизни назорат

қилиб турасиз, ҳам беҳуда ва ортиқча сарф қилмайсиз: низо түхтайди. Мен ҳам вақт топганимда, албатта, бориб тураман. Келишдиқми?

— Хүп бўлади, дада. Бахтимизга бор бўлинг! Яна аввалгидек ёнимизда бўлишингизни учовимиз ҳам хоҳлаяпмиз...

— Мен ҳали бардамман! Қайтсан, эркалигим тутиб дангасалашиб қоламанов...

— Уч-тўрт кун биримизникида, яна уч-тўрт кун бошқамизникида қоласиз. Келинларингиз ҳам кутишяпти.

— Кун санаш ёқтирилмаган меҳмонлар учундир, болаларим. Мен сизларни кечирдим. Ўз ишингиз билан машғул бўлинг, эркимни чекламанг. Керак бўлсан, шу ердаман. – Болаларига надомат билан бир-бир тикилди-да, сўзида давом этди. – Тарки одат – амри маҳол. Айтдим-ку, ота-она учун ўз боласига юқ бўлиш ниҳоятда оғир. Лекин фарзандлар уларга оғирлик қилмайдилар. Сизлар ўзаро аҳил бўлинг. Мана, маслаҳат бўлса, олдингиз. Болаларингиз учун яхши ҳаёт ҳозирлашга ҳаракат қилинг. Навбатни топшираётиб, улардан қарздор бўлиб қолманг. Куз сиз истамасангиз ҳам ҳазинлик билан бирга келади. Куйидаги мисраларни асло унутманг, керак бўлса, ёзув столига ёки тез-тез кўзингиз тушадиган жойга қўйиб қўйинг. Шу мисраларим сизларга ва келажак авлодга саломим бўлсин:

*Атиргул ғунчага насиҳат айтар:*

*«Бу хуш бўйингни ел олиб кетар!»*

*Она ҳам ўғлига зорланиб сўйлар:*

*«Қилган меҳнатимни эл олиб кетар!»*

**Қайдлар учун**

Аҳмад Гунбай Йилдиз

# ГУНОҲНИНГ РАНГИ

Лойиҳа муаллифи:  
Даврон Абдурашид ўғли

Таржимон:  
Дилфуз Турдиева

Муҳаррир:  
Хадийжа Фахриддин қизи

Мусаххиха:  
Шаҳноза Каримова

Дизайнер:  
Нозимжон Одилов

Саҳифаловчи:  
Исмоил Ҳошимов



Лицензия рақами: № 025233. 08.04.2022 да берилган.

Босишига 28.09.2022 йилда рухсат берилди.

Бичими: 84x108  $\frac{1}{32}$

Гарнитура «Cambrria» Офсет усулида, офсет қоғозида босилди.

Босма табори: 15.0. Шартли босма табори 13.72

Адади: 5000 нусха

Баҳоси: келишилган нарҳда

«Tasnim» нашриёти

Электрон почта: Tasnimkitob@gmail.com

Ижтимоий тармоқлар:@Tasnimbooks

Буюртма учун: +998 93 113-27-17

«Ёш куч матбуоти» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гавҳар кӯчаси.



tasnimbooks

+998 93 113-27-17

~~41000~~

Барча ранглар жозибасини елга учирган жирканчлик ...

Оний орзулар, лаҳзалик эҳтирос ва қасос ҳисси йўлида  
қурбон қилинган ишқ ...

Иффатли маъсуманинг дил дафтаридағи аламли битиклар ...

Ҳаётнинг ниҳоясиз озорларни елкалаган мардона кўнгил...

Ҳавои нафс ботқогига ботган манфурнинг бегуноҳ қурбони ...

Алангаси авлодлар тақдирига ошқин солган лахча чўғ...

Аҳмад Гунбай Йилдизнинг такрор-такрор мутолаага  
чорловчи тарбиявий-ахлоқий, ибратли романларидан бири.



Tasnim

Роман

ISBN 978-9943-0252-5-3



@tasnimbooks

